ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг асосчиси
Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг
90 йиллик юбилейига
бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(IV қисм)
(2022 йил 18-19 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ,

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби асосчиси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»
(IV қисм)

2022 йил 18-19 февраль

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ,

МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»,

САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

“Самаркандская научная школа экономики”

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции, посвященной 90-летию основателя Самаркандской научной школы экономики И.Т.Абдукаримова
(часть 4)

(18-19 февраля 2022 г.)

САМАРКАНД– 2022

Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (IV қисм). 2022 йил 18-19 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 260 бет.

Нашр учун масъул:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:
М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Д.Ҳ.Холмаматов– иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова, Умида Равшанова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда учинчи ренессансни шакллантириш шароитида иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, “Турон” ФА Академиги,
У.Х.Холбоев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси,
А.Р.Эгамов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

РАҚОБАТНИНГ ШАКЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАР МАЗМУНИНИНГ ИЗОҲИ

Аннотация: ушбу мақолада рақобатнинг шакллари, турлари ва ҳар бир турларининг изоҳлари содда ва тушунарли тилда ёритиб берилган ҳамда рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари, рақобатнинг кимларга манфаатли ёки зарарли томонлари борлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: рақобат, рақобат шакллари, рақобат турлари, рақобатнинг ижоби томонлари, рақобатнинг салбий томонлари.

Аннотация: В данной статье простым и понятным языком описаны формы, виды и пояснения каждого вида конкуренции, а также рассмотрены плюсы и минусы конкуренции, у кого преимущества или недостатки конкуренции.

Ключевые слова: конкуренция, формы конкуренции, виды конкуренции, положительные стороны конкуренции, отрицательные стороны конкуренции.

Abstract: This article describes the forms, types and explanations of each type of competition in simple and clear language and discusses the pros and cons of competition, who has the advantages or disadvantages of competition.

Keywords: competition, forms of competition, types of competition, positive aspects of competition, negative aspects of competition.

Ҳар бир нарсага қайси нуқтаи назардан қарашига қараб, уларни турли йўналишда атайдилар. Бу ўз навбатида ҳар бир нарсанинг турларини шакллантиради. Масалан, касби савдогар бўлган бир киши. Уни турли номда айтиш мумкин. Касби бўйича савдоган, жамият нуқтаи назаридан тадбиркор, оиласи нуқтаи назаридан оила бошлиғи, ота, ёнидаги яшайдиганлар нуқтаи назаридан қўшни, аёли нуқтаи назаридан эр, шогирдлари нуқтаи назаридан устоз ва ҳ.к. Худди шундай рақобатга ҳам қайси нуқтаи назаридан қарашига қараб ҳар хил турларини келтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда рақобатнинг бир қанча шакллари амал қилмоқда. Бунда бири ўзининг маҳсулотини (хизматини) сотиш учун нарх билан ҳужум қилса, иккинчиси, сифатни оширишга ҳаракат қилади. Учинчиси нима бўлса ҳам ўзининг брендига эга бўлиб, машҳур бўлишга интилади. Аммо бу омиллар ҳамманинг ҳам

қўлидан келавермайди, чунки кўп субъектларнинг имкониятлари чекланган. Булар аста-секинлик билан ғирром, нохолис рақобат кўчасига кириб олади. Ўзининг товарини мақтаб, бировникини ерга уриб фитна уюштиради ва шу каби жуда кўп нохолис усуллардан фойдаланади. Шу тариқа рақобатнинг турлари ҳам ҳозир йилдан йилга ошиб бормоқда.

Рақобатнинг турлари бўйича жаҳондаги барча турларини ўрганиб, 2007 йилда нашр қилинган монографиямизда[1] унинг 15 та турини берган эдик. Бугунги кунга келиб, уларнинг тури яна 6 тага кўпайиб, 21 тага етди. Кўриниб турибдики, ҳар бир иқтисодий категория замон ўзгариши билан миқдор ва сифат жиҳатиданжудан ўзгариб кўпайиб ёки камайиб боради. Эндиликда иқтисодиётимизни рақамлаштириш ва инновацион омиллардан фойдаланиш эвазига рақобатнинг айрим турлари ўз умрини ўтаб бўлса, бошқа янги-янгилари ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Бугунги кунда рақобатнинг қуйидаги турлари мавжуд: такомиллашган рақобат, олигополлашган рақобат, монополлашган рақобат, такомиллашмаган рақобат, ҳалол рақобат, ғирром рақобат, хорижий рақобат, жаҳон бозори рақобати, очиқ рақобат, хаёлий рақобат, баҳоли рақобат, баҳосиз рақобат, бозор рақобати, маркетинг рақобати, шафқатсиз рақобат, дуопол рақобат, манопсония рақобати, нархли рақобат, нархсиз рақобат, истеъмолчилар рақобати, соф рақобат. Ушбу рақобатларнинг мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (1 – жадвал).

1 – жадвал

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида рақобатнинг турлари ва уларнинг мазмуни

Т/р	Рақобат-нинг шакллари	Рақобатнинг мазмуни
1.	Такомил-лашган рақобат	Эркин бозорда жуда кўп субъектларнинг бир хил маҳсулотлар билан бир хил мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши
2.	Олигопол-лашган рақобат	Маълум даражада чегараланган бўлиб бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда озчиликни (3 та ва ундан кўп) ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналар иштироки
3.	Дуопол рақобат	Олигопол рақобатнинг бир кўриниши бўлиб, бунда иккита субъект иштирок этади ва улар миқдори ва нархини келишиб ишлайди.
4.	Монопол-лашган рақобат	Бозорда битта йирик корхонанинг бир хил товар бўйича юз фоиз ишлаб чиқариб сотишда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўтказиши
5.	Моноп-	Товар ва хизматлар бозорида ягона харидорнинг пулини

[1] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007. – 102-103 бетлар.

	сония рақобати	олишга бир қанча ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг рақобатлашуви. Масалан, вилоятда 1 та ипакни қайта ишлайдиган фабрикага жуда кўп ипак етиштирувчиларниг интилиши.
6.	Такомил-лашмаган рақобат	Бозорда чегараланган сотувчи, чегараланган харидор ва чегараланган ахборот билан иштирок этиш. Бозорни билмасдан товари билан иштирок этиш ҳоллари.
7.	Ҳалол рақобат	Жуда куп майда сотувчи ва харидорларнинг бозорда тегишли тўлиқ ахборотларга эга бўлсада бозорнинг талабини, товар ҳажми ва нархини назорат қилиш имкони бўлмаган ҳолда иштирок этиши
8.	Ғирром рақобат	Субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга оид тар-тиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши
9.	Нархли рақобат	Бир субъект ишлаб чиқарган товарлари (хизматлари) нинг нархини пасайтириш эвазига бозорни эгаллаш учун қилинган ҳаракат
10.	Нархсиз рақобат	Бунда нарх ҳисобга олинмасдан товар (хизмат)ларнинг сифати, кафолат муддати, бренди каби сифатлар билан бозорни эгаллаш учун қилинган ҳаракат
11.	Хорижий рақобат	Мазкур мамлакат субъектларининг хориждан импорт қилинган товарлари таъсирида бўлиши
12.	Жаҳон бозори рақобати	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш-нинг энг қулай ва фойдали вариантларини ахтариш бо-расида бир қанча мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари ва товар жўнатувчиларининг бир-бирига узвий боғлиқ ва таъсир этувчи иқтисодий жараёнларда иштирок этиши
13.	Очиқ рақобат	Бир хил маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида уларнинг сифати ва баҳоси тўғрисида ахборотларнинг очиқ бўлишини таъминлаган ҳолда фаолият кўрсатиши
14.	Хаёлий рақобат	Харидорларнинг рақобатчилар ўртасидаги энг паст баҳоли товари (иш, хизмат)ни хаёлан харид қилишга йўналтирилган ҳаракати
15.	Баҳоли рақобат	Рақобатчиларнинг бир хил сифатдаги товар (иш, хизмат)ларига нисбатан кам баҳода сотиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
16.	Баҳосиз рақобат	Баҳони инобатга олмасдан маҳсулот (иш, хизмат)нинг сифатини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни
17.	Бозор рақобати	Ҳар бир субъектнинг бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида қиладиган

		ҳаракатлар жараёни
18.	Маркет-инг рақобати	Харидорларнинг талабидан келиб чиқиб, товар (иш, хиз-мат)лар баҳосини ўзгартириш, баҳосини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилганлиги, зарур ҳолларда кредитга ҳам бериш билан боғлиқ рақобат
19	Шафқат-сиз рақобат	Рақобатчиларнинг бозорда шафқатсизларча ҳаракатига асосланган бўлиб, товарни (иш, хизматни) таннархидан паст баҳода сотиш, бошқа рақобатчиларни ғайри қонуний йўллар билан синдиришга ҳаракат қилиш, савдода махфий келишувлар орқали бошқалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш, ёлғон ахборотлар тарқатиш кабиларда намоён бўлади
20	Истеъмол-чилар рақобати	Бозорда бир хил сифатдаги товарларни сотувчилардан бири арзонроқ сотадиган бўлса, истеъмолчилар ўртасида рақобат шаклланиши тайин.
21	Соф рақобат	Кўплаб бир хил товар ишлаб чиқараувчилар ва шу товарни харид қилишга йўналтирилган кўплаб харидорларнинг мавжудлигидир.

Рақобатнинг турли бўлиши, унинг кўплиги ёки камлиги ҳали масалани батафсил ҳал қилди дегани эмас. Рақобат ўзининг мазмун моҳиятига кўра, яшаш учун кураш жараёнидир. Аммо бу ҳақиқатни хамма ҳам тўғри тушуниб етмадилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлат мулки асосан хусусийлаштирилди ва бу жараён давом этмоқда. Бироқ, жуда кўп тадбиркорлар хусусийлаштиришни фақат мулкка эгалик қилиш, энди ўз манфаатим учун ишлайман, ўзим бойисам бўлди қабилида тушундилар. Рақобатнинг моҳиятига тушунмаслик оқибатида жуда кўп бино ва иншоотлар хусусийлаштирилгандан кейин бузилиб, сотиб юборилди.

Хусусийлаштириш деганда гап, ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор хақида бораётган эди. Афсус бунинг моҳиятига тўлиқ тушунмадик. Шунингдек, хусусийлаштириш деганда, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига хам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор бўлиши лозим эди. Аммо бундай бўлмади. Шу туфайли мамлакатимиз рақобатнинг жуда катта ижобий жиҳатларидан бебаҳра қолди. Шу билан бирга, рақобат маълум салбий ҳолатларга ҳам эгаки, бу иқтисоиётимизнинг ривожланишига салбий таъсирини ҳам ўтказиши мумкин.

Рақобатнинг ижобий жиҳати, энг аввало, истеъмолчи учун, сўнгра жамият, давлат, корхона ва тадбиркорлар учун ҳам мавжуд. Бироқ, унинг салбий жиҳати ҳам бевосита истеъмолчига, аҳолига, корхона, давлат ва жамиятга дахлдордир. Буларнинг батафсил тафсилоти қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари

Т/р	**Рақобатнинг кимларга манфаатли ёки зарарли томонлари**	**Рақобатнинг тегишли йўналиши бўйича изоҳи**
Рақобатнинг ижобий томонлари (РИТ)		
1.	Истеъмолчилар учун	Энг авволо, **истеъмолчи учун:** товар (иш, хизмат) ларнинг сифати ошади, баҳоси пасаяди
2.	Жамият учун	**Жамият учун:** ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, истеъмол бозори товарга (иш, хизматга) тўйиниб боради. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун одилона тақсимотга эришилади
3.	Давлат учун	**Давлат учун:** барқарор ва самарали иқтисодиёт давлат бюджетини ҳам барқарор равишда солиқ ва бошқа тушумлар орқали тўлириб боради
4.	Корхона учун	**Корхона учун:** рақобатбардошликни таъминлаш учун кўрилган чора-табирлар звазига ишнинг самарадорлиги ошади
Рақобатнинг салбий томонлари (РСТ)		
1.	**Истеъмолчига**	Кўп корхоналар синиб кетса товар (иш, хизмат)лар баҳоси ошади
2.	**Аҳолига**	Корхоналарнинг синиши ишсизлар сонини кўпайтиради
3.	**Корхоналарга**	Ишлаб чиқарилган товарининг баҳосини пасайтиришга мажбур бўлади, сотишдан келадиган тушум унинг харажатларини қопламасдан қолади
4.	**Давлатга**	Солиқ тушумлари камаяди
5.	**Жамиятга**	Маълум муддатда бозорда товар массаси камаяди
Оқибати нимага олиб келади		
1.	**РИТ > РСТ бўлса**	Бу ҳолат, умуман олганда, жамият учун катта манфаат (наф) келтиради.
2.	**РИТ < РСТ бўлса**	Бу ҳолат, жамият, давлат ва шунга дахлдор барча субъектлар учун манфаати (нафи) кам бўлади.
3.	**РИТ бўлишига**	Бунга ҳамма интилади, чунки ҳаммага, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади.

4.	**РСТ бўлишига**	Бундай бўлишини ҳеч ким хоҳламайди, аммо шундай аҳволга тушиб қолишга ҳамма мажбур бўлади

Кўриниб турибдики, рақобатнинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор экан. Булар шунчаки содир бўлиб қолмайди. Натижаси алал оқибат жамиятга, давлатга, хўжалик юритувчи субъектларга, ўша жойда фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоасига, аҳолига нафли ва зарарли ҳам бўлиши мумкин экан.

Ҳозирги эркин иқтисодиётга асосланган бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўлларини яхши билишни, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. М.М.Муҳаммедов, М.Қ.Пардаев, Ж.Р.Зайналов ва бошқалар. Т.: “Fan va texnologiya”. 2018. – 272 бет.
2. Рақобатбардошлик методологияси: Ўқув қўлланма / И.Х.Ибрагимов: СамИСИ, 2018. – 287 бет.
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiya nashriyot-matbaa uyi”, 2022. - 202 бет.
4. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007. – 164 бет.

Christo Ananth – Professor, St. Mother Theresa Engineering College India

PROBLEMS OF DEVELOPMENT IN SERVICES SECTOR – SIGNIFICANCE OF INDIA’S FOREIGN INVESTMENT

Abstract. The Services Sector is not just the predominant area in India's GDP, yet has likewise drawn in critical unfamiliar speculation, has contributed fundamentally to send out and has given enormous scope business. The services sector is the largest sector of India. Gross Value Added (GVA) at current prices for the services sector is estimated at 96.54 lakh crore INR in 2020-21. The services sector accounts for 53.89% of total India's GVA of 179.15 lakh crore Indian rupees. With GVA of Rs. 46.44 lakh crore, the Industry sector contributes 25.92%. While Agriculture and allied sector share 20.19%. India's administrations area covers a wide assortment of exercises, for example, exchange, inn and cafés, transport, stockpiling and correspondence, financing, protection, land, business administrations, local area, social and individual administrations, and administrations related with development.

Keywords*: GDP, GVA, GST, CAGR.*

Аннотация. Сектор услуг является не только преобладающей областью ВВП Индии, но также привлек критические незнакомые спекуляции, внес существенный вклад в рост и дал огромный объем бизнеса. Сектор услуг

является крупнейшим сектором Индии. Валовая добавленная стоимость (ВДС) в текущих ценах для сектора услуг оценивается в 96,54 млн индийских рупий в 2020–2021 годах. На сектор услуг приходится 53,89% от общей ВДС Индии в размере 179,15 крор индийских рупий. С ВДС в размере рупий. 46,44 лакха крор, доля промышленности составляет 25,92%. В то время как сельское хозяйство и смежные отрасли делят 20,19%. Административная область Индии охватывает широкий спектр деятельности, например, обмен, гостиницы и кафе, транспорт, накопление и корреспонденцию, финансирование, защиту, землю, управление бизнесом, местное, социальное и индивидуальное управление, а также управление, связанное с развитием.

Ключевые слова: ВВП, ВДС, GST, CAGR.

Annotatsiya: Xizmatlar sektori nafaqat Hindiston yalpi ichki mahsulotida ustunlik qiladi, balki tanqidiy noma'lum spekülasyonlar bilan shug'ullanadi, jo'natish uchun tubdan hissa qo'shdi va katta hajmdagi biznesni taqdim etdi. Xizmatlar sektori Hindistonning eng yirik sektoridir. 2020-2021 yillarda xizmatlar sohasi uchun joriy narxlarda yalpi qo‘shilgan qiymat (YQQ) 96,54 lakh crore INR deb baholanmoqda. Xizmatlar sohasi Hindistonning 179,15 lakh krore hind rupiyasining umumiy YaIMning 53,89 foizini tashkil qiladi. Rs GVA bilan. 46,44 lakh crore, Sanoat sektori 25,92% hissa qo'shadi. Qishloq xo'jaligi va unga aloqador sektor 20,19% ni tashkil qiladi. Hindiston ma'muriyatlari hududi mashqlarning keng assortimentini o'z ichiga oladi, masalan, ayirboshlash, mehmonxona va kafelar, transport, zaxiralar va yozishmalar, moliyalashtirish, himoya qilish, er, biznes boshqaruvlari, mahalliy hudud, ijtimoiy va individual ma'muriyatlar va rivojlanish bilan bog'liq ma'muriyatlar.

Kalit so'zlar: YaIM, YaMM, GST, CAGR

I. INTRODUCTION

Portion of the administrations area represented 54% of the all out GVA in FY21. India's administrations area GVA expanded at a CAGR of 11.43% to Rs. 101.47 trillion (US$ 1,439.48 billion) in FY20, from Rs. 68.81 trillion (US$ 1,005.30 billion) in FY16. Somewhere in the range of FY16 and FY20, monetary, land and expert administrations expanded at a CAGR of 11.68% (in Rs. terms), while exchange, inns, transport, correspondence and administrations connected with broadcasting rose at a CAGR of 10.98% (in Rs. terms). India's IT and business administrations market is projected to arrive at US$ 19.93 billion by 2025. Administrations trades contain a significant piece of the all out send out from India. As per RBI, between April 2021 and September 2021, India's administration trades remained at US$ 114.58 billion, though imports remained at US$ 65.08 billion. In October 2021, the India Services Business Activity Index/Nikkei/IHS Markit Services Purchasing Managers' Index remained at 58.4, contrasted and 55.2 recorded in September 2021. The India Services Business Activity Index/Nikkei/IHS Markit Services Purchasing Managers' Index remained at 55.2 in September 2021, contrasted and 56.7 in August 2021.

II. COVID Vs SERVICES SECTOR

The new business sub-index stayed over 50 for a fifth month on the rear of progress in land and business administrations areas, albeit the development

rate relaxed to a three-month low. Export business stayed under tension because of travel restrictions attributable to pandemic that burdened worldwide sales.Business certainty was at a four-month high in December on powerful interest, yet rising Covid diseases held it under wraps. India signed in largest number of Covid-19 cases since September 2021, moving toward 40,000 cases in a day, pushing the absolute count of diseases to around 35 million. Greater costs for transportation, vegetables and clinical hardware powered information costs however firms passed less of that weight to clients. The Central bank isn't probably going to raise loan costs until next quarter, as indicated by a Reuters survey required last month, as expansion has been inside its 2% 6% objective reach since July. Firms managed their labor force in December, to some degree because of an absence of talented work, breaking a three-month employing pattern, as per the report. "Vulnerability encompassing the viewpoint, and an overall absence of tension on limit, prompted a reestablished fall in work during December. All things considered, the decay was minimal and a recuperation is normal this year should interest for administrations stay ideal,".

III. **SIGNIFICANT DEVELOPMENTS**

In October 2021, India's service exports increased by 23.52% to reach US$ 20.86 billion, while imports stood at US$ 12.71 billion. In June 2021, India's exports increased by 48.34% to US$ 32.5 billion, marking the seventh consecutive month of growth. The Indian services sector was the largest recipient of FDI inflows worth US$ 88.95 billion between April 2000 and June 2021. The services category ranked 1st in FDI inflow as per data released by the Department for Promotion of Industry and Internal Trade (DPIIT). In the first-half of 2021, private equity investments in India stood at US$ 11.82 billion, as compared with US$ 5.43 billion in the same period last year. In August 2021, the Department of Telecommunications (DoT) issued a letter of intent (LoI) to OneWeb (backed by Bharti Group) for satellite communication services licence. In July 2021, Tata Teleservices collaborated with Zoom Video Communications to offer bundled communication services.

In April 2021, the Ministry of Education (MoE) and University Grants Commission (UGC) started a series of online interactions with stakeholders to streamline forms and processes to reduce compliance burden in the higher education sector, as a follow-up to the government's focus on ease of doing business to enable ease of living for stakeholders. By October 2021, the Health Ministry's eSanjeevani telemedicine service, crossed 14 million (1.4 crore) teleconsultations since its launch, enabling patient-to-doctor consultations, from the confines of their home, and doctor-to-doctor consultations. In April 2021, Elon Musk's SpaceX has started accepting pre-orders for the beta version of its Starlink satellite internet service in India for a fully refundable deposit of US$ 99. Currently, the Department of Telecommunications (DoT) is screening the move and more developments will be unveiled soon. In December 2020, a cohort of six health-tech start-ups—AarogyaAI, BrainSightAI, Fluid AI, InMed Prognostics, Wellthy Therapeutics, and Onward Assist—have been selected by

the India Edison Accelerator, fuelled by GE Healthcare. India Edison Accelerator, the company's first start-up partnership programme focused on Indian mentors, creates strategic partners to co-develop healthcare solutions. The Indian healthcare industry is expected to shift digitally enabled remote consultations via teleconsultation. The telemedicine market in India is expected to increase at a CAGR of 31% from 2020 to 2025. In December 2020, Gamma Skills Automation Training introduced a unique robotics & automation career launch programme for engineers, an 'Industry 4.0 Hands-on Skill Learning Centre' located at IMT Manesar, Gurgaon in Haryana. In December 2020, the 'IGnITE' programme was initiated by Siemens, BMZ and MSDE to encourage high-quality training and technical education. 'IGnITE' aims to develop highly trained technicians, with an emphasis on getting them ready for the industry and future, based on the German Dual Vocational Educational Training (DVET) model. By 2024, this programme aims to upskill ~40,000 employees. In October 2020, Bharti Airtel entered cloud communications market with the launch of business-centric 'Airtel IQ'.

IV. SIGNICANCE OF ADVANCING DEVELOPMENTS IN SERVICES SECTOR

The Government of India perceives the significance of advancing development in administrations area and gives a few motivating forces across a wide assortment of areas like medical care, the travel industry, training, designing, interchanges, transportation, data innovation, banking, money and the executives among others. The Government of India has taken on couple of drives in the new past, a portion of these are as per the following:

In October 2021, Indian Government endorsed the foundation of 157 new clinical schools to support openness of reasonable wellbeing medicines among residents. In October 2021, the public authority sent off a creation connected motivation (PLI) plan to help assembling of telecom and systems administration items in India. The plan is relied upon to draw in a venture of ~Rs. 3,345 crore (US$ 446.22 million) throughout the following four years and produce extra work for >40,000 people. In October 2021, the public authority sent off stage II of the Mahatma Gandhi National Fellowship to enable understudies and lift ability improvement. In October 2021, Ayushman Bharat Health Infrastructure Mission was sent off by the public authority, to fortify the basic medical care network across India in the following four to five years. In September 2021, India and the UK joined the eleventh Economic and Financial Dialog (EFD) to talk about the FTA (Free Trade Agreement) open doors in administrations. Credit to non-food ventures remained at Rs. 110.86 trillion (US$ 1.49 trillion), as of November 5, 2021. The Indian government is wanting to present a credit impetus program worth Rs. 50,000 crore (US$ 6.8 billion) to help medical services framework in the country. The program will permit organizations to get to assets to increase clinic limit or clinical supplies with the public authority going about as an underwriter. In June 2021, India and Australia reported its coordinated effort in digital empowered basic advances, featuring the necessity

to support the basic data security foundation, for example, 5G telecom organizations. Under Union Budget 2021-22, the public authority distributed Rs. 7,000 crore (US$ 963.97 million) to the BharatNet program to support advanced availability across India. FDI limit for insurance agencies has been raised from 49% to 74% and 100 percent for protection intermediates.

In May 2021, the Ministry of Commerce and Industry reported that India got a FDI inflow of US$ 81.72 billion, the most elevated FDI during FY 2020-21. In March 2021, the focal government imbued Rs. 14,500 crore (US$ 1.99 billion) capital in Central Bank of India, Indian Overseas Bank, Bank of India and UCO Bank through non-premium bearing bonds. On January 15, 2021, the third period of Pradhan Mantri Kaushal Vikas Yojana (PMKVY) was sent off in 600 locale with 300+ ability courses. Initiated by the Ministry of Skill Development and Entrepreneurship, the third stage will zero in on trendy and COVID-related abilities. PMKVY 3.0 means to prepare eight lakh applicants. In January 2021, the Department of Telecom, Government of India, marked a MoU with the Ministry of Communications, Government of Japan, to fortify collaboration in the space of 5G advances, telecom security and submarine optical fiber link framework. On November 4, 2020, the Union Cabinet, led by the Prime Minister, Mr. Narendra Modi, endorsed to sign an update of comprehension (MoU) between the Ministry of Communication and Information Technology and the Department of Digital, Culture, Media and Sports (DCMS) of United Kingdom Government to collaborate in the field of media communications/data and correspondence advances (ICTs). In October 2020, the public authority chose Hughes Communications India to interface 5,000 town panchayats in line and naxal-impacted states and island domains with satellite broadband under BharatNet project by March 2021. In September 2020, the public authority reported that it might imbue Rs. 200 billion (US$ 2.72 billion) in open area banks through recapitalisation of bonds In the following five years, the Ministry of Electronics and Information Technology is attempting to build the commitment of the advanced economy to 20% of GDP. The public authority is attempting to fabricate cloud-based framework for cooperative organizations that can be utilized for the making of imaginative arrangements by AI business people and new companies. On Independence Day 2020, Indian Government declared the National Digital Health Mission (NDHM) to give a novel wellbeing ID to each Indian and alter the medical services industry by making it effectively available to everybody in the country. The arrangement draft is under 'public discussion' until September 21, 2020. In September 2020, the Government of Tamil Nadu declared another gadgets and equipment fabricating strategy lined up with the old arrangement to expand the state's hardware result to US$ 100 billion by 2025. Under the approach, it intends to meet the prerequisite for steady human asset by upskilling and preparing >100,000 individuals by 2024. Legislature of India has sent off the National Broadband Mission with an intend to give Broadband admittance to all towns by 2022.

V. CONTRIBUTION OF SERVICE SECTOR IN INDIAN ECONOMY

The assistance area is the biggest beneficiary of FDI in India with an inflow of 83.14 billion USD between April 2000 and June 2020. A portion of the administrations in the umbrella of the assistance area are recorded underneath:

1. Innovative work administrations: In the Global Innovation Index of 2020, India positions 48 among the main 50 nations. This area presents a huge chance for worldwide partnerships across the world due to the exceptionally prepared Indian labor supply accessible at serious expenses and scholarly capital accessible in the Indian market. Thus, as of late, a few MNCs have moved or are moving their innovative work part to India. It assists those MNCs with either growing new imaginative items to serve the neighborhood market or assist the parent with companying to convey items quicker to the world business sectors. India's consumption in R&D is designated to be around 2% of the nation's complete GDP continuously 2022.

2. Telecom administrations: According to FY20 by TRAI, India has a normal remote information use of around 11 GB each month for every endorser as would be considered normal to arrive at 18 GB by 2024. Subsequently, making India perhaps the greatest customer of information around the world.

3. IT Enabled Services (ITES): Owing to the financial states of India and quickly evolving business, as well as the multiplication of the web, the Indian ITES industry is currently step by step expanding its region and has turned into an intense contender for the world market. India's achievement in programming and IT-empowered adjusted commodities has made it a significant exporter of administrations with an offer in world help sends out ascending from 0.6% to 3.3% from the year 1990 to 2013.

4. The travel industry administrations: Due to verifiable legacy, assortment in environment, territories, the rich culture, and places of normal magnificence spread the nation over, the Indian the travel industry and cordiality industry has arisen as one of the significant administrations areas in India. Hence, Tourism is a huge wellspring of unfamiliar trade for our country. During 2019, the absolute commitment of movement and the travel industry to GDP was 6.8% of the all out economy, and in the monetary year 2020, the travel industry area in India represented 8% of the complete work in the country. It is normal that around 53 million positions will be made in the Indian market by 2029.

V. CONCLUSION

The service sector in India has the most elevated business age among all areas. So it has the potential for extraordinary development and capacity to give exceptionally useful positions, accordingly bringing about income age. To conquer the issue of occupation creation, the Skill India program intends to give market-important abilities to around 40 crores of individuals by 2022. It plans to do this for the most part by embracing private area drives in ability improvement programs, and by giving them the fundamental subsidizing. Likewise, the Make

in India program plans to support the assembling area in the nation and along these lines, will cause a multiplier impact in adding to the arrangement of the Service Sector. In these conditions, the Startup India drive is a key empowering agent for both the assembling as well as the help business in India by proposing to help inventive new companies. Subsequently, we can say that the assistance area will assume a significant part in molding the fate of the country before long. By 2025, medical services industry is relied upon to arrive at US$ 372 billion. India's computerized economy is assessed to arrive at US$ 1 trillion by 2025. By end of 2023, India's IT and business administrations area is relied upon to arrive at US$ 14.3 billion with 8% development. The execution of the Goods and Services Tax (GST) has made a typical public market and decreased the general taxation rate on merchandise. It is relied upon to diminish costs over the long haul because of accessibility of GST input credit, which will bring about the decrease in costs of administrations. India's software services industry is relied upon to arrive at US$ 1 trillion by 2030.

REFERENCES

[1] Ahuja, R. (2002), 'Design of Incentives in Micro Health Insurance Schemes', forthcoming as Center for Development Research (ZEF) Discussion Paper, Bonn, Germany. (Coauthored with Johannes Juetting).

[2] Arunachalam R. and N.K.Kumar (2002), 'Inter-Temporal Comparison of Inter-Industrial Linkages in the Indian Economy (1968-69 to 1983-83), reserve Bank of India Occasional Papers, 15 (1), March 1-30.

[3] Anant and Zutshi (1999), 'Report on Trade in Accountancy Services', Project Study Sponsored by Ministry of Commerce GOI, Executed by ICRIER WP 382.92 IND-T.

[4] Banga, Rashmi and B.N Goldar (2004), 'Contribution of Services to Output Growth Productivity in Indian Manufacturing: Pre and Post Reform', ICRIER Working Paper No. 139, August.

[5] Baumol, W. (1967), 'The Macroeconomics of Unbal-anced Growth: The Anatomy of Urban Crisis', The American Economic Review 57 (3): 415–26.

[6] Bhagwati, Jagdish, N (1985), 'Why are Services Cheaper in the Poor Countries?', Wealth and Poverty, edited by Gene Grossman Essays in Development Economics Series, vol. 1 Cambridge, MIT Press, England, Blackwell 82-91.

[7] Bhattacharya B.B.and Mitra A. (1990), 'Industry-Agriculture Growth Rates: Widening Disparities: An Explanation, EPW, August 26.

[8] Chanda, R (2001), 'Trade in Health Services', Working Paper Number 70, ICRIER.

[9] Chanda,R (2004), 'Trade in Financial Services: India's Opportunities and Constraints', ICRIER forthcoming working paper

[10] Deodhar, Satish Y. (2001), 'GATS and Educational Services: Issues for India's Response in WTO Negotiations' downloaded from http://www.iimahd.ernet.in/publications/data/2001-10-03SatishDeodhar.pdf.

Ф.С Темирова – ҚарМИИ, “Бизнес ва инновацион менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

ШАҲАРЛАР БРЕНДИНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СИЛЖИТИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: Мақолада маркетинг соҳасидаги назарий ишларнинг таҳлили асосида "шаҳар бренди" ва "шаҳар брендинги" тушунчалари кўриб чиқилади. Тадқиқот соҳасидаги назарий ва амалий тажрибаларни умумлаштириш ва тизимлаштириш шаҳар брендининг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлашга имкон берди.

Калит сўзлар: шаҳар бренди, брендлаш, шаҳар брендини яратиш босқичлари

Аннотация: В статье на основе анализа теоретических работ в сфере маркетинга рассмотрены понятия «бренд города» и «брендинг города». Обобщение и систематизация теоретического и практического опыта в сфере исследования позволили выделить основные цели и задачи брендинга города.

Ключевые слова: бренд города, брендинг, этапы построения бренда города

Abstract: In the article, based on an analysis of theoretical works in the field of marketing, the concepts of “city brand” and “city branding” are considered. Generalization and systematization of theoretical and practical experience in the field of research made it possible to identify the main goals and objectives of city branding.

Keywords: city brand, branding, stages of building a city brand.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш даврида шаҳарлар ва ҳудудлар ўртасида давлат ва хусусий инвестициялар, шунингдек сайёҳлар оқимлари учун рақобат тобора кучайиб бормоқда. Шу сабабли, муваффақиятли шаҳарлар бренди яратиш учун қўлланиладиган маркетинг усуллари ва воситаларини оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон учун шаҳар бренди маркетингни ривожлантиришда янги йўналиш бўлишига қарамай, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва бошқа шаҳарлар ушбу соҳада дастлабки ютуқларга эришишган. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудлари учун мақсадли гуруҳлар кўз ўнгида шаҳарнинг ижобий имиджини яратишда маркетинг воситаларидан фойдаланиш, батафсил ўрганиш ва шаҳар бренди соҳасидаги илғор тажрибаларни бизнинг воқеликка мослаштириш талаб этилади.

Кенг маънода шаҳар бренди тушунчаси негизида ёрқин ва жозибадор ғоялар, белгилар, рамзлар, қадриятлар, тасвирларда тизимли равишда акс эттирилган ва шаҳар қиёфаси (имиджи)да тўлиқ ва муносиб акс эттирилган шаҳарнинг ўзига хослиги тушунилади[1, 41б; 2, 11б.]. Амалда шаҳар брендига шаҳарнинг ноёб иқлим ва жуғрофий шароитлари, ҳар қандай воқеа-ҳодисалар, турли хил диққатга сазовор жойлар, шахслар, рамзлар, афсоналар, диний рамзлар, ҳаттоки ҳудудда ишлаб чиқарилаётган ориги-

нал маҳсулотлар айланиши мумкин, фақат улар ўзларида ижобий ҳис-туйғуларни акс эттириши лозим. Брендни шакллантириш ва ривожлантиришда танланган объектлар асос бўлиши учун брендни ноёб, жозибадор, осон таниладиган ва асосийси шунга ўхшаш брендлар орасида рақобатбардош бўлишини таъминлайдиган мақсадга йўналтирилган меҳнат зарур бўлади. Шаҳар брендини яратиш, бошқариш ва ривожлантириш борасида олиб бориладиган ишлар шаҳар брендинги деб номланади.

Ўзбекистон ҳудудида муваффақиятли брендинг намуналари сифатида Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, 2018 йил сентябрь ойида Шахрисабз шаҳрида илк маротаба ўтказилган ва ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиши режалаштирилган Халқаро мақом фестивали, 2019 йил сентябрь ойида Қўқон шаҳрида бошланган ва икки йилда бир маротаба ўтказиладиган Халқаро ҳунармандчилик фестивалини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга, брендинг Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудлари учун янгилик ҳисобланади.

Бугунги кунда, Ўзбекистон шаҳарларида брендинг жараёнини тўхтатиб турувчи учта асосий сабаб бор. Биринчиси, шаҳарни шакллантиришда маркетинг ёндашувининг самарадорлигига ишонч йўқлиги: ҳудудий раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам маркетинг воситалари, шаҳар брендини шакллантиришга комплекс ёндошиш ва ижтимоий-иқтисодий стратегия ёрдамида шаҳар инвестицион жозибадорлигини ошириш ва гуллаб-яшнаши мумкинлигига ишонишмайди. Иккинчи сабаб - шаҳар брендини яратиш бўйича амалий тажрибанинг йўқлиги, шаҳар бренди соҳасида илмий, услубий ва амалий ишланмаларнинг етарли даражад эмаслиги. Юқорида келтирилган сабабларнинг энг аҳамиятлиси бўлган учинчи сабаб - бу брендни шакллантириш ва кейинчалик ривожлантиришнинг жуда юқори харажатга эга эканлиги. Муваффақиятли шаҳар брендларининг тажрибаси шаҳар брендини ривожлантириш ва тарғиб қилиш кўп миллион долларлик харажатлардан иборат эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, муваффақиятли брендинг стратегиясини амалга ошириш натижасида эришилган натижалар миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича харажатлардан анча юқори.

Ўзбекистон шаҳарларида бренд ривожланишининг биринчи аниқланган муаммолари шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ва шаҳар брендини ишлаб чиқиш учун илғор тажрибага эга замонавий мутахассислар - маркетологлар, иқтисодчилар, социологларни жалб қилиш орқали ҳал қилинади. Брендларни ишлаб чиқишда танлов асосида маҳаллий истеъдодли маркетологларни ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда бундай ёндашувни кўплаб шаҳарлар синаб кўриш имкониятига эга бўлган, бу эса шаҳар брендини ривожлантириш учун бюджетни сезиларли даражада камайтиради.

Таъкидлаш жоизки, бренднинг муваффақияти кўп жиҳатдан нафақат муваффақиятли ғоя ва ижодий ечимларга, балки шаҳар бренди лойиҳала-

рини салоҳиятли бошқаришга ҳам боғлиқ. Шаҳар брендини яратиш бўйича лойиҳани амалга оширишда биринчи навбатда брендга бўлган талабларни эсга олиш керак, масалан, ростгўйлик ва долзарблик, ўзига хослик ва ноёблик, мақсадли жамоатчилик учун жозибадорлик ва тушуниш қулайлиги. Шаҳар брендини шакллантириш бўйича иш олиб боришда марканинг асосий мақсади ва вазифаларига қараб фарқ қилиши мумкин бўлган бир неча асосий босқичларни аниқлаш тавсия этилади. Биринчи босқичда шаҳар брендининг мақсадли аудиториясини, шунингдек бренд концепцияси ва унинг потенциалини шакллантириш учун мавжуд шарт-шароитларнинг ҳар томонлама маркетинг тадқиқотларини ўтказиш лозим.

Иккинчи босқичда маркетинг тадқиқотлари натижасида олинган маълумотларнинг таҳлили асосида шаҳар брендини ривожлантириш мақсадлари, шаҳар брендининг мақсадли аудиторияси учун тушунарли ва фойдалана оладиган асосий бренд қийматларини аниқлаш, бренд платформасини шакллантириш, шаҳар бренди позициясини аниқлаш зарур. Шу билан бирга, шаҳар брендини яратишда бизнесдаги каби тамойиллар қўлланилади - минтақавий афзалликларни топиш, мустаҳкамлаш ва заиф томонларини яширишга ҳаракат қилиш.

Шаҳар брендини ривожлантириш билан боғлиқ ижодий ишларни учинчи босқичда амалга ошириш керак. Ушбу босқич шиорлар, визуал белгилар, логотиплар ва бошқа элементларни шакллантиришни ўз ичига олиши керак. Масалан, шаҳарлар бренди жараёнида ишлаб чиқилган жаҳон амалиётидаги энг муваффақиятли шиорлардан “Илҳом пойтахти”, “Мен Амстердамни яхши кўраман” (Амстердам), “Оқ тунлар шаҳри” (Санкт-Петербург), “Мен Нью-Йоркни яхши кўраман”(Нью-Йорк) ва бошқалар.

Иккинчи ва учинчи босқичларнинг натижаси шаклланган брендбук бўлиши керак. Брендбук сўзи кенг маънода корпоратив идентификациядан фойдаланиш бўйича қўлланма ҳисобланади. Брендбукда шаҳарнинг бренд миссиясининг тавсифи ва асослари, шаҳарнинг фалсафаси ва қадриятлари, шаҳар тарихи (афсонаси), унинг ўзига хослиги, шунингдек брендни амалга ошириш алоқа каналлари ва усулларини бўлиши керак.

Бешинчи босқичда шаҳар брендини тарғиб қилиш бўйича маркетинг дастури шакллантирилиши ва тўғридан-тўғри амалга оширилиши керак, бунда маркетинг коммуникацияларини ривожлантириш айниқса муҳимдир. Шундай қилиб, маркетинг коммуникациялари тўпламини ишлаб чиқишда, визуал ва бошқа бренд элементларини шаҳар муҳитига бирлаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Ушбу босқичда энг катта ижобий самарага қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

– миллий ва айниқса минтақавий ОАВ (газеталар, журналлар, телерадиокомпаниялар, интернет-манбалар);

– турли хил маълумот материаллари (рисолалар, бир нечта тилларда маълумот буклетлари);

– мақсадли жамоатчилик учун қизиқарли бўлган тадбирлар (спорт ва бошқа мусобақалар, кўргазмалар, ярмаркалар, байрамлар ва бошқалар) ўтказиш;

– шаҳар вакилларининг турли тематик кўргазмалар, конференциялар, миллий ва халқаро миқёсдаги семинарларда иштирок этиши.

Қабул қилинган натижаларнинг якуний назорати ва таҳлили шаҳар бренди ривожланишининг олтинчи босқичида ўтказилиши керак. Агар керак бўлса, тузатишлар киритилади. Шу билан бирга, маҳсулотнинг ҳаётий циклининг умумий қабул қилинган концепциясини озгина ўзгаришлар билан шаҳар брендига ҳам қўлаш мумкин, шунинг учун брендинг жараёни доимий бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, шаҳар брендинги шаҳарни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий стратегияси билан ва албатта ҳудудий бошқарув органларининг иштирокида амалга оширилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, шаҳар бренди учун муваффақиятли топилган ғоя ва брендингнинг асосий босқичларини моҳирона амалга ошириш шаҳар ва ҳудуд иқтисодиётини сезиларли даражада жонлантириши мумкин. Пухта ўйланган брендинг стратегиясини комплекс равишда амалга ошириш шаҳарни ташқи инвесторлар ва ички тадбиркорлар учун жозибадор қилиш учун ишлаб чиқилганига қўшимча равишда, вақт ўтиши билан шаҳарнинг ижобий қиёфасини яратиш бўйича ишлар туристик оқимларга таъсир қилади, натижада умуман мамлакат иқтисодиёти ўсишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ВизгаловД. В. Брендинг города / Д. В. Визгалов; [предисл. Л. В. Смирнягина]. – М.: Фонд «институт экономики города», 2011. – 160 с.
2. Визгалов д. в. Маркетинг города / Д. В. Визгалов. – М.: Фонд «Институт экономики города», 2008. – 110 с.

Б.И Нурмухамедова– ТФИ, кафедра «Финансы»
Н.М Юлдашева– ТФИ, Магистратура, 2-курс

РАЗРАБОТКА ГРАМОТНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ СТРАНЫ КАК ГЛАВНЫЙ ФАКТОР УСПЕШНОГО РАЗВИТИЯ

Аннотация: В статье дается краткий обзор выполнения Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны по обеспечению макроэкономической стабильности, реализации налоговой и инвестиционной политики, рассматриваются отдельные направления реформ по обеспечению экономической конкурентоспособности страны на среднесрочный период.

Annotatsiya: Maqolada mamlakatni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirish, makroiqtisodiy

barqarorlikni ta’minlash, soliq va investitsiya siyosatining natijalariga qisqacha sharh berilgan, o‘rta muddatli istiqbolda mamlakat iqtisodiyotining raqobatbardoshligini ta’minlash bo‘yicha islohotlarning alohida yo‘nalishlari o‘rganilgan.

Abstract: The article provides a brief overview of the implementation of the Action Strategy in five priority areas of the country's development to ensure macroeconomic stability, the implementation of tax and investment policies, and discusses certain areas of reform to ensure the country's economic competitiveness in the medium term.

Ключевые слова: макроэкономическая стабильность, экономический рост, инфляция, доходы населения, государственное потребление, частное потребление, налоговая реформа, налоговые льготы и преференции, инвестиционная политика, прямые инвестиции.

Kalit so‘zlar: makroiqtisodiy barqarorlik, iqtisodiy o‘sish, inflyatsiya, aholi daromadlari, davlat iste’moli, xususiy iste’mol, soliq siyosati, soliq imtiyozlari va preferensiyalar, investitsion siyosat, to‘g’ridan-to‘g’ri investitsiyalar.

Keywords: macroeconomic stability, economic growth, inflation, household income, public consumption, private consumption, tax reform, tax incentives and preferences, investment policy, direct investment.

Как известно, прошедший 2021 год, который был переломным в ходе проводимых преобразований в Узбекистане, ознаменовался как решающий год выполнения комплекса мер по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Главные задачи первого этапа экономических реформ Стратегии - укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики. В период пандемии экономический рост в 2020 году составил 1,6 процента, объем продукции аграрного сектора вырос на 3, сектора услуг - на 2,3, промышленности - 0,7. По итогам 9 месяцев 2021 года ВВП увеличился на 6,9 процента. Продолжает замедляться инфляция: цены выросли на 5,9 процента, что ниже 6,3 процента аналогичного периода прошлого года. Положительная динамика производства отмечается во всех секторах экономики. Происходил и существенный рост зарплат. Все индикаторы четко указывают на уверенную положительную динамику восстановительных процессов.

Рост доходов населения, а также объемов инвестиций стал важным фактором поддержки совокупного спроса в экономике, что делает ее менее подверженной внешним шокам. По оценкам Всемирного банка, в последние два года росло государственное и частное потребление, которое стало основным драйвером роста экономики страны впервые более чем за десять лет.

Другая ключевая реформа, направленная на снижение налогового бремени и упрощение системы налогообложения – налоговая реформа. С 2018 года взят курс на поэтапную отмену налоговых льгот и преференций. С введением с 2020 года Налогового кодекса в новой редакции

большинство налоговых льгот отменено, но в борьбе с пандемией их применение было расширено для поддержки населения и экономики. За период 2017-2020 годов поступления в госбюджет в целом возросли в 2,7 раза. При этом поступления по прямым налогам увеличились в 3,9 раза, косвенным – в 1,8 раза, ресурсным налогам и налогу на имущество – в 3,1 раза. Рост бюджетных поступлений происходил в основном благодаря увеличению числа налогоплательщиков.

Тем не менее совершенствование налоговой политики в ближайшие годы будет продолжаться. В частности, роль экологических налогов остается незначительной, что требует усиления экологической направленности налогообложения.

Важными направлениями реформы также станут сокращение давления налогов на расходы предприятий, усиление перераспределительной функции имущественных налогов, стимулирование инвестиционной и инновационной деятельности. С целью привлечения крупных инвестиций для модернизации добывающей отрасли предусмотрено снижение налоговых ставок на медь и золото с 10 процентов до 7, по природному газу и нефти – до 10, по урану – до 8, по вольфраму – с 10 до 2,7.

Улучшение деловой среды способствовало более активному проведению инвестиционной политики, что привело к динамичному росту финансовых вложений. Так, по данным Статистического комитета СНГ, в 2019 году инвестиции относительно 2000 года увеличились в Кыргызстане в 4,1 раза, Казахстане – в 7,6 раза, а в Узбекистане - в 10,4 раза. Если в 2016 году Узбекистан привлек 1,6 млрд. долларов прямых иностранных инвестиций, то в 2019-м - уже 4,2 млрд. долларов.

Хотя в связи с пандемией в 2020 году и первом квартале текущего года приток инвестиций замедлился, тем не менее по предварительным оценкам 2021 года инвестиции демонстрируют умеренные темпы роста на уровне пяти процентов. Продолжают снижаться инвестиции за счет централизованных источников: с 22 процентов за январь – сентябрь 2020-го до 18,7 процента за аналогичный период в 2021 году. Снижение главным образом происходит за счет сокращения привлекаемых иностранных займов под гарантию правительства. В противовес этому увеличилась доля инвестиций за счет нецентрализованных источников с 78 процентов до 81.

Реализуется Стратегия инвестиционной политики Республики Узбекистан до 2025 года. Стратегией развития предусматриваются развитие рынка ценных бумаг, расширение инвестиционного потенциала коммерческих банков, формирование диверсифицированного рынка капитала, повышение инвестиционных возможностей предприятий, активное вовлечение средств населения в инвестиционную деятельность, а также повышение эффективности распределения государственных средств.

В течение следующих пяти лет доля инвестиций в ВВП останется на уровне около 30 процентов, что составляет 120 млрд. долларов, из которых

не менее 70 млрд. составят иностранные инвестиции.

В рамках проектов государственно-частного партнерства намечено привлечь 14 млрд. долларов в развитие транспорта, дорожного строительства, управления водными ресурсами и другие сферы. Кроме того, планируется создать Банк развития для стимулирования промышленности и улучшения инфраструктуры в регионах. При заключении инвестиционных договоров с отчественным бизнесом, делающим крупные вложения, государство гарантирует сохранение инвестиционных условий в течение 10 лет. Также будут внедрены методология оценки эффективности проектов, реализуемых с участием международных финансовых институтов, на основе четких критериев, современная система управления этими проектами.

Экономические реформы осуществлялись по всем направлениям динамично и показывали высокие результаты. Стране удалось сохранить положительные темпы роста в жестких условиях пандемии и обеспечить динамичное восстановление экономики в текущем году, прогнозы в отношении роста которой весьма благоприятные.

Так, Всемирный банк прогнозирует, что рост экономики Узбекистана в 2021 и 2022 годах достигнет 4,8 и 5,5 процента соответственно. По последним прогнозам ЕБРР, ВВП Узбекистана вырастет на 6,0 процента в 2022 году. А это позиционирует нашу страну самой быстрорастущей экономикой в Центральной Азии. Учитывая, что приведенные прогнозы существенно выше, чем во многих странах мира в текущем году, можно констатировать: в процессе проводимых реформ Узбекистану удалось укрепить конкурентные позиции своей экономики относительно экономик других стран.

За прошедший период подготовлена серьезная база для дальнейшего углубления реформ по широкому кругу направлений, требующих более серьезной подготовки, на последующие пять лет. Всемирный банк так охарактеризовал новый этап реформ: «Узбекистан переходит к реформированию рынка прав пользования и владения землей, созданию рынка капитала, трансформации госпредприятий». И реформы в этих областях уже начались.

В завершение необходимо сказать, что мир вступает в цифровую эпоху, которая несет с собой серьезные вызовы для тех стран, которые не успеют к ней технологически и экономически адаптироваться в условиях нарастающей глобальной экономической конкуренции. В этих условиях главным фактором успешного развития становится экономическая конкурентоспособность страны, которая, в первую очередь, зависит от грамотной экономической политики. И выработка такой политики, глубокая проработка текущих экономических решений в ракурсе стратегических целей развития – это очень серьезная задача, стоящая перед государством в условиях становления Третьего ренессанса

З.Ю Аминов– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди

КОРХОНАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Хавфсизлик масаласи жуда кенг тушунча. Чунки унинг қамрови сиёсий, иқтисодий, экологик, ҳарбий каби хавфсизликларни қамраб олади. Бу ўта мураккаб жараён, чунки келтирилган хавфсизликка тааллуқли тушунчаларнинг бирортаси таъминланмаса, жамиятнинг барқарор ривожланишига эришиб бўлмаслиги аниқ. Ушбу мақолада хавфсизлик ва унга алоқадор бўлган терминлар хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, зарар, фойда, ахборот, объект, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат, рақобат, фирмалар.

Аннотация: Безопасность — очень широкое понятие. Потому что его объем охватывает безопасность, такую как политическая, экономическая, экологическая, военная. Это очень сложный процесс, поскольку ясно, что устойчивое развитие общества не может быть достигнуто без какой-либо из приведенных концепций безопасности. В этой статье обсуждаются вопросы безопасности и связанные с ними термины.

Ключевые слова: безопасность, экономическая безопасность, убыток, прибыль, информация, объект, хозяйствующие субъекты, государство, конкуренция, фирмы.

Abstract: Security is a very broad concept. Because its scope covers security such as political, economic, environmental, military. This is a very complex process, as it is clear that sustainable development of a society cannot be achieved without any of the security concepts mentioned. This article discusses security and related terms.

Keywords: security, economic security, loss, profit, information, object, business entities, government, competition, firms.

Ўзбекитон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида ...”давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини вужудга келтириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ижобий халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш[1]”. масаласи алоҳида бандда белгилаб берилган. Pricewaterhouse Coopers жаҳон ташкилоти ва Oksford университети прогнозига кўра 2030-йилга келиб, 30% иш ўринларини роботлар эгаллайди. Бу шуни англатадики, шундоқ ҳам юқори бўлиб турган ишсизлик даражаси янада ортади[2]. Кўриниб турибдики, ҳатто

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

[2]Nematovich, K. A. (2020). Directions for improving the methodology for analyzing the efficiency of service

мамлакатнинг тинчлиги ҳам, аҳолининг фаровонлиги ҳам, давлатнинг равнақи ҳам айнан ана шу хавфсизлик ва уларга оид тушунчалар билан боғлиқ экан. Хавфсизлик тизими жуда кенг. Бунга куйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг миллий хавфсизлиги;
- жамият ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги;
- жамият ва давлатнинг сиёсий хавфсизлиги;
- мамлакат ҳудудларининг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, экологик ва бошқа хавфсизликлари;
- мамлакатдаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги;
- мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг яшаши, сиёсий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий ва бошқа хавфсизликлари. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди. Аммо умумий тушунча учун уларнинг келтирилган қисми етарли деб ўйлаймиз.

Мана шу хавфсизликлар тизимида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам муҳим рол ўйнайди ва муносиб ўринга эга. Чунки бозор муносабатлари шароитида ушбу масала янада кескинлашиб бораверади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган масалалардан бири сервис билан шуғулланувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигидир. Уларни тўғри англаш ва тадқиқ қилиш учун умуман хавфлилик, хавфсизлик ва иқтисодий хавфсизлик тушунчалари билан боғлиқ бўлган бир қанча атамаларнинг назарий таърифларини кўриб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу эса мазкур атамалар қамровини аниқлашни, уларнинг таърифларини ишлаб чиқишни тақазо қилади. Аммо иқтисодий адабиётларда бу тушунчалар деярли тадқиқ қилинмаган ва мос равишда уларнинг таърифлари ишлаб чиқилмаган. Шуларни инобатга олиб биз мазкур ишда шу тушунчаларнинг таърифларига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Хавфсизликни тушуниш учун энг аввало хавфлилик нималигини тушуниб олиш лозим. Чунки хавф бўлмаган жойда хавфсизликка ҳожат бўлмайди. Биз бу борада мамлакатимиз олимларининг фикрларига таянамиз. Масалан, Б.А.Абдукаримов раҳбарлигида ва М.Қ.Пардаевнинг масъул муҳаррирлигида тайёрланган дарсликда хавфлиликка қуйидагича таъриф берилади: “Хавфлилик деганда турли офат, бахтсизлик, ғам-ғусса, ҳалокат, йўқотиш каби салбий ҳолатларнинг содир бўлиш мумкинлиги тушунилади”[1]. Ушбу таърифни ўз рисоламизда ҳам келтирганмиз[2]. Бу хафлиликнинг умумий тушунчаси, албатта. Бизнинг тадқиқот предметимиз иқтисодий хавфсизлик бўлганлиги учун хавфлилик масаласига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Агар

---

enterprises. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), 3228-3234.

[1] Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. - 251 б.

[2] Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Самарқанд. Зарафшон, 2008.-6 бет.

хавфлиликка иқтисодий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, деб ўйлаймиз: **“Иқтисодий хавфлилик деганда жамиятга, давлатга, хўжалик юритувчи субъектлар ва шахсларга турли иқтисодий зарарлар ва йўқотишлар келтирадиган офат, бахтсизлик, ғам-ғусса, ҳалокат, банкротлик, рақобатда синиш каби салбий вазиятларнинг содир бўлишга олиб келадиган ҳолатларнинг мавжудлиги тушунилади.** Ушбу тушунча иқтисодий хавфлиликка берилган умумий тушунчадир.

Ҳар қандай нарсанинг бир томони аниқлангач, албатта унинг иккинчи томонини ҳам аниқлаш мумкин ва лозим бўлади. Бу бевосита хавфлилик тушунчасига ҳам дахлдордир. Жумладан, хавфлилик аниқлангач, хавфсизлик нималигини билиш қийин эмас. Юқорида қайд қилинган тушунчадан келиб чиқилган ҳолат ушбу масала билан шуғулланган олимлар томонидан хавфсизликка қуйидагича таъриф берилган: “Хавфсизлик деганда мазкур хавф-хатарларнинг олди олиниб, бирор объектнинг барқарор фаолиятини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади”[1]. Мазкур тушунча хавфсизликка берилган умумий тушунча ҳисобланади. Аммо, ушбу тушунчани бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришни даврни ўзи тақозо қилмоқда. Шуни инобатга олиб биз хавфсизлик тушунчасига қуйидагича таъриф бердик: **Хавфсизлик деганда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олди олиниб, бирор объектнинг тинч-осойишта ва барқарор фаолиятини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади**[2]**.**

Хавфсизликнинг умумий тушунчаси унинг бошқа турларига ҳам таъриф бериш учун асос бўлади, деб ўйлаймиз. Хавфсизлик тушунчаларидан бири иқтисодий хавфсизликдир. Энди унинг ҳам таърифини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Агар иқтисодий хавфлиликка юқорида келтирилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, унинг қуйидаги такомиллашган таърифини келтириш мумкин**: Иқтисодий хавфсизлик деганда жамиятга, давлатга, хўжалик юритувчи субъектлар ва шахсларга нисбатан турли иқтисодий зарарлар ва йўқотишларга сабаб бўлувчи хавф-хатарларнинг олдини олиш ва тегишли объектнинг тинч-осойишта ва барқарор фаолиятини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади.**

Бу иқтисодий хавфсизликка берилган умумий таъриф ҳисобланади. Мазкур ишда жамиятнинг, давлатнинг ёки бирорта ҳудуднинг умумий хавфсизлиги эмас, балки корхоналарнинг, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлиги тадқиқ қилинади. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Уни

[1] Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Фан, 2005. - 251 б.

[2] Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Самарқанд. Зарафшон, 2008.-6 бет.

таъминлаш учун эса, юқорида таъкидланганидек, мулкдордан, шу корхона раҳбариятидан (менежеридан) жуда катта ташкилотчиликни, билим ва тажрибани талаб қилади. Зеро, хавфсизликни таъминлаш масаласи бугунги кунда ўта масъулиятли ва жиддий масалалар сирасига киради.

Бизнинг тадқиқотимиз предмети корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига қаратилганлиги туфайли бундай кенг қамровли тушунчанинг фақат бир қисмига, яъни корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик масаласига эътиборни қаратамиз. Чунки, хавфсизлик масаласи маълум даражада ўрганилган бўлишига қарамасдан корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик масаласи олимларимиз эътиборидан бироз четда қолиб кетган мавзулар сирасига киради.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги бир қанча бошқа хавфсизлик масалалари билан ҳам боғлиқдир. Шу туфайли унинг илмий асосланган таърифини ишлаб чиқиш учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ, унинг бир қанча бошқа турлари таърифларига ҳам аниқлик киритиш лозим бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, хавфсизлик деганда бирор хавфнинг пайдо бўлишидан ҳимояланган ҳолат тушунилади. Агар шундай ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, хавфсизликнинг кўлами жуда кенг. Уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига қўллашимиз мумкин. Биз мазкур ишда асосан корхонанинг ёки хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларни тадқиқ қилар эканмиз, унинг ҳам бир қанча турлари мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахборотлар хавфсизлиги;
- бирорта объектнинг хавфсизлиги;
- ишлаб чиқариш объектининг хавфсизлиги;
- ёнғин хавфсизлиги;
- товарнинг истеъмол хавфсизлиги;
- маҳсулотнинг хавфсизлиги;
- корхонанинг умумий хавфсизлиги;
- корхонанинг ижтимоий хавфсизлиги;
- корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хавфсизлик тури ўзига хос аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда хавфсизликни бошқарувчи ва таъминловчи хизмат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо ҳозирги шароитда кўпгина корхоналарда бунга муҳим масала сифатида аҳамият берилмайди.

Шуларни инобатга олиб, ушбу хавфсизликлар билан боғлиқ тушунчаларга қисқагина тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

J.I. Karimqulov – Toshkent moliya instituti, i.f.d., professor
B.O‘. Abduqaxorov – Toshkent moliya instituti talabasi

MAXSUS IQTISODIY ZONALAR INVESTITSION FAOLLIGINI OSHIRISHDA RIVOJLANGAN XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

Annotatsiya. Ilmiy tezisda iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etish tajribasi va ulardan unumli foydalanish, mamlakatga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, investitsion muhitni sog‘lomlashtirish maqsadida maxsus iqtisodiy zonalar omilidan foydalanish masalalari ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: maxsus iqtisodiy zona, investitsiya, xorijiy kapital, qonuniy baza, "soliq tatili", “soliq tanaffusi”

Аннотатsiя. В научной тезис рассматривается опыт создания особых экономических зон в развитых странах и их эффективное использование, привлечение иностранных инвестиций в страну, использование особых экономических зон для улучшения инвестиционного климата.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инвестиции, иностранный капитал, правовая база, «налоговые каникулы», «налоговые каникулы»

Abstract. The scientific thesis was described experiences of creating special economic zones in developed countries and their effective use, attracting foreign investment to the country, using special economic zones to improve the investment climate.

Keywords: special economic zone, investments, foreign capital, legal framework, "tax holidays", "tax holidays"

Dunyo mamlakatlarining ko‘p yillik tarixiy tajribasidan ma’lumki, mamlakatdagi iqtisodiy salohiyati past bo‘lgan hududlarni iqtisodiy jihatdan “sog‘lomlashtirish” borasida milliy va xorijiy investitsiyalarning o‘rni yuqori hisoblanadi. Milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni, birinchi navbatda, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni (TTXI) jalb etish borasida xorijiy mamlakatlarning turlicha yondashuvlari mavjud. Bu borada maxsus iqtisodiy hududlarni tashkil etish uzoq yillar davomida samarali hisoblangan iqtisodiy chora-tadbirlardan biridir.

Maxsus iqtisodiy zonalar dunyoning ko‘plab mamlakatlarida, jumladan: rivojlangan, rivojlanayotgan va o‘tish iqtisodiyotidagi mamlakatlarda uchraydi. Mamlakatning iqtisodiy o‘sish darajasi hamda olib borilayotgan siyosatga qarab maxsus iqtisodiy zonalarning turi tanlanadi.

Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, MIZ yaratishdagi dastlabki maqsad va vazifalar ko‘pincha haqiqatdagi rivojlanish natijalari bilan mos kelmaydi. MIZlar faoliyati davomida, ko‘pincha dastlabki loyihalardan quyidagi sabablarga ko‘ra voz kechiladi:

- iqtisodiy zonalardagi mavjud rivojlanish dinamikasi;
- davlat organlari tomonidan xorijiy investitsiyalarga nisbatan nazoratning yoqligi;
- zonadagi milliy va xorijiy kompaniyalar o‘rtasidagi o‘zaro aloqaning bo‘shligi.

Shunday qilib, har bir mamlakatda MIZlarni yaratishda, avvalo, alohida hududning rivojlanish tezligiga e’tibor beriladi.

Chet el investitsiyalari uchun qonun va imtiyozlar ishlab chiqish borasidagi chet el tajribasini qaraydigan bo‘lsak, sanoati rivojlangan mamlakatlardagi iqtisodiy va siyosiy barqarorlik xorijiy kapital va investitsiyani maxsus qonunlarsiz ham yetarlicha himoyalash imkonini beradi. Bu yerda xorijiy investitsiyalar ham milliy ya’ni ichki investitsiyalar kabi umumiy qonunlar asosida muvofiqlashtiriladi. Bu mamlakatlardagi aniq ishlab chiqilgan qonuniy baza xorijiy investorlarining to‘laqonli faoliyatini, ya’ni yangi kompaniyalarni tashkil etishda erkin faoliyatni, foyda olish, nizolarni tartibga solish shu jumladan mehnat qonunlaridagi shaffoflik, monopoliyaga qarshi kurashni tashkil etishni kafolatlaydi.

Chet el investitsiyalarini qabul qiluvchi eng katta davlatlardan biri Xitoy davlatining tajribasi ahamiyatlidir. Xitoy hukumati investitsiyalar oqimini hududlar darajasida, mahalliy hokimiyatga katta vakolat bergan holda muvaffaqiyatli ravishda muvofiqlashtirib kelmoqda. Markaziy organlar umumiy investitsiya siyosati doirasida qaysi sohaga investitsiyalar yo‘naltirish zarurligini aniqlab beradi. Mahalliy organlar esa ayni vaqtda investitsiyalarni rag‘batlantirish dasturlarini ishlab chiqadi. Xorijiy investitsiyalarini jalb etish uchun "soliq tatili", “soliq tanaffusi” va yengilliklari, import tariflar bo‘yicha yengilliklar kabi turlicha rag‘batlantirish usullari ishlab chiqilgan. Bir qator maxsus iqtisodiy zonalarda tashkil etilgan korxonalarga nisbatan aynan shunday yengillik va imtiyozlar ko‘proq ishlatiladi. Hozirda Xitoy hukumati mamlakatning ichki tumanlariga ko‘plab xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun ularga uzoq muddatga soliq to‘lashdan ozod etish, foydasini hech qanday to‘siqlarsiz olib chiqib ketish kabi shart-sharoitlarni yaratmoqda. Mahalliy hokimiyatlar mahalliy iqtisodiyotni rivojlantirish uchun chet el kapitalini jalb etishni rag‘batlantirish dasturlarini markaziy organlarning ruxsatisiz hayotga tadbiq etishlari mumkin. Xitoy davlatining investitsiyalar bo‘yicha qonunlari ko‘p jihatdan Yaponiya, Janubiy Koreya, Tayvan, Singapur kabi davlatlarning qonunlariga o‘xshash holda ishlab chiqilgan.

1998 yildan Butunjahon Savdo Tashkilotining a’zosi bo‘lgan Yaponiya yuqoridagilarni milliy iqtisodiyotiga tezlikda tatbiq etganligi bois, hozirgi kunda tayyor mahsulotlar eksporti bo‘yicha dunyo bo‘yicha 3-o‘rinni (jahon eksportining 7,2%), import bo‘yicha 5-o‘rinni (dunyo importining 5%) egallab kelmoqda. Bularga dunyo iqtisodchi olimlar tomonidan mamlakatning “Super darajada sanoatlashtirish siyosati” asosiy sabab qilib ko‘rsatiladi. Albatta, yuqorida ta’kidlab o‘tilgan iqtisodiy siyosat zamirida ma’lum hududlar iqtisodiyotini rivojlantirish borasida qator ishlar amalga oshirildi[1]. Jumladan, 2002 yil dekabrda “Valyuta aylanmasi va tashqi savdo to‘g‘risida”gi, “Yaponiyada import va to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni rag‘batlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi hamda “Tarkibiy islohotlar bilan

[1] Мировая экономика имеждународныеэкономечис отношения: учебник под ред Проф.А.С Булатова Н.Н Ливенцева –М. Магистр 2010 С.281

bog‘liq bo‘lgan maxsus hududlar to‘g‘risida”gi qonunlar qabul qilindi. Ushbu me’yoriy-huquqiy hujjatlar mamlakat iqtisodiyotini jadal rivojlanishida muhim omillardan biri bo‘lgan, TTXI oqimini mamlakat iqtisodiyotiga faol jalb etish imkonini ochib berdi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagicha xulosaga kelsak bo‘ladi. O‘zbekistonning investitsiyalar bo‘yicha qonunlari ko‘p jihatdan Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Tayvan, Singapur kabi davlatlarning qonunlariga o‘xshash holda ishlab chiqilgan.

Mahalliy va xorijiy investorlar o‘z kapitallarini yuqorida aytilgan tartibda kiritishlari uchun MIZ hududi quyidagi mezonlarga javob berishi kerak:

- boshlang‘ich kapital qo‘yilmalarni oz miqdorda talab qiladigan kichik maydondagi zona bo‘lishi;
- infratuzilmasi yaxshi rivojlangan bo‘lishi;
- asosiy transport magistrallari yoki jahon xo‘jaligi markazlariga yaqin joyda joylashgan bo‘lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. National Association of Free Trade Zones, 2005
2. Муфтайдинов К. Зоны экономического предпринимателства. // Bozor, pul va kredit. - T, 2003. - № 7.
3. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М.-1998.
4. Vaxabov A.V., Xajibakieva Sh.X., Muminova N.G.. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. –T.: Moliya, 2010.
5. Karimqulov J.I., Umirzoqov J.A., Erkin iqtisodiy hudular rivojlanishining nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. – T.: “VNESHINVESTPROM”-2017

Л.А. Мусабаева – ассистент кафедры «Экономический анализ и статистика» СамИЭС

ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО РЫНКА РЕГИОНА

Аннотация: мақола муайян минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигининг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда асосий дастак ва драйвер сифатида истеъмол бозорини ривожлантириш концепциясини шакллантиришга бағишланган.

Калит сўзлар: минтақавий истеъмол бозорлари, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлиги,

АннотацияСтатья посвящена формированию концепции развития потребительского рынка как первоочередным инструментом и драйвером в разработке и осуществлении эффективной стратегии социально-экономического развития и экономической безопасности определенного региона.

Ключевые слова: региональные потребительские рынки, объекты и стратегии социально-экономического развития и экономической безопасности, принципы формирования концепции развития региона.

Abstract. The article is devoted to the formation of the concept of consumer market development as a primary tool and driver in the development and implementation of an effective strategy for socio-economic development and economic security of a certain region.

Keywords: regional consumer markets, objects and strategies of socio-economic development and economic security, principles of formation of the concept of regional development.

Потребительский рынок страны в целом, регионы в частности действует и подстраивается к условиям глобальных международных вызовов. В условиях глобализации и трансформации международных и региональных конфликтов, рост волатильности валюты, непредвиденные проблемы, вызванными Covid-19, негативное сальдо в международных торговых отношениях негативно отразились на поставки определенных товаров и на ассортименте, ценах, условиях деятельности субъектов потребительского рынка.

В целях определения приоритетных направлений реформ, направленных на дальнейшее повышение благосостояния народа, трансформацию отраслей экономики, ускоренное развитие предпринимательства, безусловное обеспечение прав и интересов человека, формирование активного гражданского общества в последующие годы на основе принципа «Во имя чести и достоинства человека» с проведением глубокого анализа сложных мировых процессов и результатов пройденных этапов развития страны был утвержден Указ Президента РУ № УП-60 от 28 января 2022 г., был утвержден «Стратегия развития» в котором указано:

Стратегию развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы и Государственную программу по ее реализации в «Год обеспечения интересов человека и развития махалли», включающие следующие семь приоритетных направлений:

- построение гуманного государства путем возвышения чести и достоинства человека и дальнейшего развития свободного гражданского общества;
- превращение принципов справедливости и верховенства закона в основополагающее и необходимое условие развития страны;
- ускоренное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста;
- проведение справедливой социальной политики, развитие человеческого капитала;
- обеспечение духовного развития и поднятие данной сферы на новый уровень;
- подход к глобальным проблемам исходя из национальных интересов;
- укрепление безопасности и оборонного потенциала страны, ведение открытой, прагматичной и активной внешней политики.

Согласно Указу «Стратегию развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» одним из основных задач является:

- основной целью развития регионов является создание благополучного и комфортного пространства на всей территории субъекта.

Очевидно, что потребительский рынок в данном случае должен стать первоочередным инструментом и драйвером достижения поставленной цели.

В современных условиях для рационального и долгосрочно нацеленного управления необходима разработка эффективной стратегии социально-экономического развития и экономической безопасности. Данная стратегия должна четко определять направления устойчивого развития региона, повышения уровня жизни населения. Важным аспектом программы должна стать ответственность исполнителей за реализацию концепции, распределение полномочий между органами региональной власти.

Нацеленность стратегии и системы управления регионом на обеспечение социально-экономической безопасности позволяет нивелировать внешние и внутренние риски, в том числе и риски глобального характера, например секционные риски, финансово-кредитные, международные риски.

Объектами стратегии социально-экономического развития и безопасности регионов должны стать следующие экономические категории:

- ресурсы региона, промышленная база, производственный потенциал;

- региональные производители и их максимальная деловая активность как внутри региона, так и за его пределами;

- имидж региона как субъекта РУ, где производятся качественные товары и обеспечивается высокий уровень жизни населения.

Каждый из этих объектов в том или ином виде взаимосвязан с потребительским рынком региона и зависит от его развития.

Для развития региона большой значение играет «Программа локализации», которая позволит Узбекистану организовать производство импортозамещающей продукции по основным группам товаров, с учетов наличие трудовых и производственных ресурсов региона.

За последние четыре года доля промышленности в ВВП страны увеличилась с 26% до 36%, объёмы промышленного производства — в 3,3 раза, в том числе металлургической промышленности — в 10 раз, автомобильной — в 8 раз, электротехнической — в 5 раз, химической — в 3 раза, текстильной — в 2,6 раза, фармацевтической — в 2 раза, горнодобывающей отрасли — 3 раза. Доля промышленной продукции в экспорте также выросла с 24% до 33,6%.

Согласно прогнозу основных социально-экономических показателей РУ на 2020-2026 г., сформированному Министерством экономического развития и сокращения бедности РУ, положительными факторами

развития потребительского рынка в этот период могут стать увеличение доходов населения, снижение инфляции, повышение устойчивости национальной валюты, кредитование населения на покупку товаров длительного пользования, что будет способствовать развитию региональной экономики.

Рост доходов населения внесет коррективы в поведенческую модель потребителей и увеличение спроса населения, но для реализации таких прогнозов необходима серьезная перестройка финансово-экономической политики государства и отдельных регионов.

В то же время будет происходить дальнейшее насыщение рынка товарами как отечественного, так и импортного производства, ускоренное развитие действенной товаропроводящей инфраструктуры, стимулирование развития малого и среднего бизнеса. Существенным будет давление на потребительский региональный рынок развития электронной торговли в условиях запуска проектов цифровой экономики.

Концепция определяет стратегические цели региональной политики в сфере развития потребительского рынка конкретного региона с точки зрения социально-экономической безопасности региона.

Предлагаемая концепция развития потребительского рынка по нашему мнению базируется на следующих принципах:

- согласованность основных приоритетов и мероприятий по обеспечению социально-экономической безопасности и развития потребительского рынка региона;
- системность мероприятий, принимаемых организационных решений, ответственность за соблюдение норм и требований законодательства на всех уровнях управления и координации потребительского рынка региона;
- сбалансированность интересов производителей, посреднических, сетевых структур (в том числе розничных сетей, сетей предприятий общественного питания, бытовых услуг) и потребителей в целях поступательного развития потребительского рынка данного субъекта страны для обеспечения социально-экономической безопасности региона;
- открытость мероприятий и действий на потребительском рынке, то есть создание условий для обеспечения полной организационной и финансовой прозрачности деятельности органов региональной власти, обеспечения информационного сопровождения проводимой политики, активного использования современных средств массовой информации.

Концепция должна рассматривать сферы деятельности потребительского рынка в пределах компетенции Министерства экономического развития и сокращения бедности, **Государственный фонд поддержки предпринимательской деятельности Республики Узбекистан** при взаимодействии с торгово-промышленной палатой.

Для обоснования целей и задач развития потребительского рынка на основании результатов анализа индикаторов потребительского рынка,

рисков, интегрального показателя социально-экономической безопасности необходимо определить основные факторы, вызовы и угрозы его развития.

Основные факторы устойчивого развития региона можно разделить на 7 основных блоков: 1) экологические факторы:

- природно-климатические условия;
- техногенные загрязнения.

2) финансово-экономические факторы:

- стабильность бюджета региона, независимость от дотаций, трансфертов из бюджета;
- участие региона в целевых программах, приоритетных национальных проектах, стратегиях развития макрорегионов;
- деятельность кредитных учреждений, страховых компаний и т.д.;
- влияние экономической нестабильности;

3) промышленно-производственные факторы:

- наличие мощной производственной базы;
- наличие на территории региона минеральных ресурсов;
- зависимость региона от монополий (нефтяных, газовых монополий, предприятий электро- и теплоэнергетики, железной дороги, телекоммуникационных компаний и т.д.);

4) наличие в регионе развитой инфраструктуры:

- наличие и состояние в регионе автодорожной сети, железных дорог, аэродромов, речных и морских портов;
- связь, телекоммуникации, доступность интернета;
- рыночная инфраструктура;

5) продовольственная безопасность региона:

- состояние сельского хозяйства региона;
- состояние торговой сети;
- наличие и развитие перерабатывающих предприятий;
- деятельность вертикально-интегрированных комплексов в АПК;

6) региональный маркетинг:

- узнаваемость региона в СМИ;
- бренды региона;
- национальные, региональные праздники, торжества;

7) социальная сфера, культура, общественная деятельность:

- развитая социальная сфера;
- научные, образовательные учреждения;
- наличие квалифицированных трудовых ресурсов и рабочих мест;
- учреждения культуры и искусства, мероприятия и др.;
- деятельность общественных организаций (некоммерческих, экологических, студенческих, профсоюзы и т.д.);
- межнациональные, межрелигиозные отношения.

Устойчивое развитие должно быть нацелено на достижение высокого качества жизни населения, при позитивной динамике комплекса показателей_приоритетным направлением нового этапа экономических изме-

нений является _инновационная _модернизация _экономики регионов.

Приоритетным направлением нового этапа экономических изменений является инновационная модернизация экономики регионов. В достижении этой цели важную роль призваны сыграть региональные органы власти, в связи с этим должны измениться приоритеты их деятельности. На предшествующем этапе их главная задача состояла в создании условий для развития предпринимательской деятельности с целью привлечения инвестиций. Условия меняются, и на первый план сегодня выходят проблемы ориентации на создание условий устойчивого развития региона, активизации инновационной деятельности, совершенствование структуры экономики региона, повышение конкурентоспособности продукции и услуг.

Вывод

Таким образом, устойчивое развитие региона - это комплексный процесс, ведущий к решению проблем населения на региональном уровне, к повышению условий жизни жителей региона путем достижения сбалансированности социально-экономического развития и безопасности, осуществляемого на основе рационального использования ресурсного потенциала региона, а также совершенствованием регулирования потребительского рынка.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2926 гг.» от 28 января 2022 г. , РУ № УП-60. Lex.uz
2. Цапиева О.К. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики. - 2010. - № 2 (34). - С. 46-49.
3. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: учебник для вузов. - М.: Высшая школа экономики, 2007. - 495 с.

Ж.Ў.Суюнов – СамИСИ таянч докторанти

ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг моҳияти ва уни назарий асослари ёритиб берилган .

Калит сўзлар: савдо, корхона, хизмат, диверсификация, озиқ-овқат, миллий, бозор, горизонтал, концентрик, конгломерат, истеъмолчи, самарадорлик, синергетика.

Аннотация: В данной статье рассмотрена сущность диверсификации услуг на предприятиях продовольственной торговли и ее теоретическая основа.

Ключевые слова: торговля, предприятие, сервис, диверсификация, питание, национальный, рынок, горизонтальный, концентрический, конгломерат, потребитель, эффективность, синергетика.

Abstract: This article describes the essence of diversification of services in food trade enterprises and its theoretical basis.

Keywords: trade, enterprise, service, diversification, food, national, market, horizontal, concentric, conglomerate, consumer, efficiency, synergetic.

“Диверсификация” тушунчаси, энг кўп тан олинган илмий атамалар сингари, ҳарбий лексикадан иқтисодий назария ва амалиётга кирди. Ушбу таърифнинг пайдо бўлиши рақобат муҳитининг кучли таъсири шароитида кўпайиш ва унинг шаклларини доимий равишда такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ. Шуни ёдда тутиш керакки, диверсификация қилиш иқтисодиётнинг анча мураккаб соҳалари тоифасига киради ва бир қатор муаммоларни, шу жумладан ушбу иқтисодий тоифанинг иқтисодий моҳиятини ўрганишни, унинг назарий тушунчасини, ўрганилаётган концепциянинг эволюциясини изоҳлашни, ресурслар ва уларнинг умумийлигини аниқлашни талаб қилади. Ушбу иқтисодий тоифанинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг генезиси диверсификация моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Диверсификация каби мураккаб иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, лекин ишлаб чиқариш муносабатларининг олдинги ҳолати билан белгиланади ва шунинг учун уларнинг мунтазам ва мантиқий натижасид [1] . Замонавий хусусиятларга эга бўлишдан олдин, диверсификация ташқи шароитлар ва корхоналар фаолиятининг ички омиллари таъсирида оғир ривожланиш йўлидан ўтди. Ушбу тушунчалар биринчи марта АҚШ, Япония ва Ғарбий Европада пайдо бўлди[2]. Айниқса фаол диверсификация саноат, транспорт, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ривожлана бошлади. Йирик саноат компаниялари томонидан ўз фаолиятида диверсификация стратегияларидан фойдаланиш уларга миллий ва халқаро бозорларда етакчи мавқега эга бўлишларига имкон берди [3] .Асосан, диверсификациядан фойдаланиш иқтисодий ўсишнинг сезиларли даражада пасайиши, ички ишлаб чиқариш манбаларининг етишмаслиги, шунингдек, фирмаларнинг кучли рақобат таъсирига қарши туриши зарурлиги билан изоҳланади. У пайдо бўлган вақтдан то ҳозирги кунгача, диверсификация масалалари кенг муҳокаманинг мавзуси бўлиб келмоқда.

Иқтисодий ҳодиса сифатида диверсификациянинг биринчи намоён бўлиши даврида (XIX аср охири) ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизими юқори даражада меҳнат тақсимоти, унинг ихтисослашуви, шунингдек ишлаб чиқариш ва

[1] Кунз Р.М. Диверсификация стратегияси ва корхона муваффақияти // Бошқариш назарияси ва амалиёти муаммолари. - 1994. - № 1, б. 96 - 100.

[2]Горт М. Америкасаноатидаги диверсификация ва интеграция. - Пмстон, Пмстонуниверситетиматбуоти, 1962 йил,Ёшинара Е., Сакума А., Итами К. (Япония корхонасидаги диверсификация стратегияси). - Токио, НипонКсираи, 1979 йил.

[3]52. Леҳман Р. Фирма профилигаасосланган диверсификация // Менежментназариясиваамалиётимуаммолари, 1994, № 1, б. 89 - 95.

капиталнинг концентрацияси билан тавсифланадиган даражага етди. Меҳнат фаолиятининг аниқ турларини функционал, технологик, касбий ва малакавий асосларга кўра ажратиш бўлган кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни тор доирадаги ишлаб чиқаришга йўналтиришни таъминлаб, соҳада ихтисослашув учун асос бўлди [1] .Иқтисодий муносабатлар тизимини янада ривожланиши ижтимоий меҳнат тақсимотининг тобора кенгайиб бориши ва ихтисослашувининг чуқурлашуви йўлидан борди [2] . Бироқ, нотекис иқтисодий ривожланиш шароитида (XX-асрнинг иккинчи ярми), илмий-техник тараққиётнинг фаол жорий этилиши ва шу муносабат билан, саноатнинг рентабеллиги жиҳатидан кескин фарқ қиладиган янги, пайдо бўлиши ушбу ҳодисанинг салбий томонлари пайдо бўла бошлади. Бунинг сабаби корхонанинг ихтисослашуви камайиб бораётган фойда қонуниятларининг объектив таъсири остида, шунингдек талаб ва таклиф бозоридаги ўзгаришлар трансакцион харажатларнинг кўпайишига ва натижада мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда рентабелликнинг пасайишига олиб келади. Бундай вазиятнинг сабаби шундаки, ихтисослаштирилган корхона ўз фаолиятини маълум бир маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтиради ва у қаноатлантирганидек истеъмолчи учун ҳар бир қўшимча товар бирлиги ўзининг дастлабки жозибадорлигини йўқотади. Натижада, маҳсулотни кейинги сотиш шартларини белгиловчи шартлардан бири бу унинг қийматининг пасайиши бўлиб, бу корхонанинг ихтисослаштирилган фаолияти натижасида рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Бозорнинг асосий қонунлари (талаб ва таклиф) шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш (етказиб бериш) ҳажми ва тузилиши жиҳатидан талабга мослаштирилиши керак. Бироқ, маълум бир корхона маҳсулотларига талабнинг доимий пасайиши билан, бўшатилган маблағлар муқобил дастурларни талаб қилади. Акс ҳолда, фойда миқдорининг янада қисқариши кузатилади, натижада банкротликка олиб келиши мумкин[3].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, диверсификациядан фойдаланиш иқтисодиётни такомиллаштириш воситаси сифатида мавжуд ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ички қарама-қаршиликлар ва корхоналар фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар таъсирида юзага келади.Хўш, диверсификациянинг ўзи нима? Унинг моҳиятини белгилаб берувчи услубий ёндашув қандай? Унга берилган иқтисодий таърифлардаги асосий фарқлар нималардан иборат?

---

[1]Иқтисодиётнинг катта луғати / Ед. А. Н. Азраиляна - М.: Янги иқтисодиёт институти. - 2004. - 1376 б.
[2]Иқтисодийназария (иқтисод) асосларибўйичадарслик / В. Д. Камаеввабошқ. - М.: Владос: МСТУ нашриёти, 1995. - 384 б.
[3]Коно Т. Япония корхоналаринингстратегияси ва тузилиши / Инглизтилидан Пер. / Умумийтаҳрир. вакирди. О.С. Виханский. - М.: Прогресс, 1987. - 384 б, Кунц Р.М. Диверсификация стратегиясивакорхонамуваффақияти // Бошқаришназариясиваамалиётимуаммолари. - 1994. - № 1, б. 96 - 100. Паскуиер М. Диверсификация васамарадорлик // Менежментназариясиваамалиётимуаммолари. - 1994 й., № 1. - с. 79 - 82.

«Диверсификация» лотинча (diversificatio) сўзидан олинган бўлиб ўзгариш, ҳар хиллик, бир оз нарсага кўп томонлама, комбинациялашган, кўп тармоқли тус бериш каби маъноларни англатади[1].

1. «Диверсификация» атамасига ғарб олимлари томонидан жуда кўп таърифлар берилган. Улар томонидан келтирилган таърифлар ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан такомиллашиб борди. Бир сўз билан айтганда диверсификацияга берилган таърифларда қуйидагича берилган: Кўп шакллик мулкчилик тамойили (хусусий, жамоат ва давлат мулклари).

2. Белгиланган маънавий-ахлоқий ҳудуд доирасида иқтисодий эркинлик тамойили.

3. Ижтимоий адолат тамойили.

Диверсификация жараёнига берилган замонавий таърифлар орасида англиялик иқтисодчилар Бэннок, Бакстер ва Девнслар томонидан келтирилган таърифга эътиборан «диверсификация-бу бирор фирма ёки географик минтақада товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтириш-дир». Кўрсатиб турибдики, бу таърифда диверсификацияга жараён сифатида қаралиб, асосий эътибор унинг натижасига қаратилмоқда. Уларнинг фикрича, диверсификация жараёнининг зарурияти корхоналар ва фирмалар фаолиятининг анъанавий бозорларда даромадлилик даража-сининг пасайиши, уларда керагидан ортиқча капитал ёки бошқарув ресурсларининг мавжудлиги, иқтисодий хавф-хатар ва корхоналарнинг циклик жараёнларга боғлиқлигини камайтириш билан боғлиқ.

Қуйидаги таъриф бирмунча аниқроқ ва кенгроқ бўлиб, унда диверсификация жараён ва муайян субъектлар томонидан амалга ошириладиган тадбир сифатида талқин қилинади: «диверсификация — алоҳида олинган корхона ёки конгломерат ёхуд иқтисодиёт томонидан ишлаб чиқариладитан товарлар ва хизматлар турининг ошишидир. Диверсификация иқтисодиётда табиий жараён сифатида рўй беради. Айрим ҳолларда эса бизнес соҳиблари ёки давлат томонидан тор доирадаги маҳсулотларга (айниқса уларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлган шароитда) боғлиқ бўлиб қолиш хатарини камайтириш учун амалга оширилади». Ушбу таъриф диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг микро ва макро даражаларини қамраб олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Аммо диверсификацияни шарт қилиб қўювчи сабаблар унда тўлиқ ёритилмаган. Чунки диверсификация фақат тор доирадаги маҳсулотларга боғлиқ бўлиб қолишга барҳам бериш учун амалга оширилмайди.

У янги бозорларни эгаллаш, анъанавий бозорлардаги улушни ошириш, капитал учун янги соҳаларни излаш, ишчи кучини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Британиялик Сюзан Мейхъю нуқтаи назари ҳам ушбу концепцияга

[1]Словарь иностранных слов, М, "Славянский дом книги", 1998. - 509 с.

анча яқин. У диверсификацияга «саноат ишлаб чиқаришни кенг доирадаги фаолият турларига ёйиш ва шу орқали факат бир турдаги маҳсулотта ўта боғлиқ бўлиб қолмаслик учун қўлланиладиган тадбир» сифатида таъриф беради. У ўз фикрини давом эттирар экан, диверсификациянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади[1]:

- горизонтал диверсификация;
- концентрик диверсификация;
- конгломерат диверсификация;
- меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси;

Машина ёки малакани камроқ мослаштиришни талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш горизонтал диверсификациядир. Концентрик диверсификация янги бозорларни эгаллаш учун бир маҳсулотнинг ўзини кенгроқ ишлатишдир. Конгломерат диверсификация бозорлар, технология ва маҳсулотлардаги ўзгаришлар туфайли саноат тармоғининг янги соҳаларга ўсишидир.

Яна бир англиялик иқтисодчи Дэвид Скотт диверсификация мазмунини бир мунча бошқачарок тушунади. Унинг фикрича, диверсификация «бу турли хил корхоналарнинг қимматли коғозлар сотиб олиш орқали улардан келадиган фойда миқдорини барқарорлишишини таъминлашдир». Кўриниб турибдики, бу таърифда ҳам «барча тухумларни битта саватда сақламаслик» тамойили устун ўринга эга. Шу билан бир қаторда бу таърифда молиявий диверсификация масаласига асосий эътибор қаратилган.

Шундай қилиб, диверсификация –бу олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки объектив жараённинг вужудга келиши натижасида амалга ошириладиган мажбурий чора-тадбирдир. Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматларини диверсификациялашга биз қуйидагича таъриф бердик: озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматларини диверсификациялаш – бу бирор-бир озиқ-овқат савдоси хизматларига боғлиқликни камайтириш, савдо хизматлари борасида капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқеини мустаҳкамлаш миқёси ва синергетик самарага эришиш мақсадида савдо хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Горт М. Америкасаноатидаги диверсификация ва интеграция. - Умстон, Умстон университети матбуоти, 1962 йил

2.Ёшинара Е., Сакума А., Итами К. Япония корхонасидаги диверсификация стратегияси . - Токио, Нипон Ксираи, 1979 йил.

2.Лехман Р. Фирма профилига асосланган диверсификация // Менежмент назарияси ва амалиёти муаммолари, 1994, № 1, б. 89 - 95.

[1]Тпе Penguin Dictionary of Economics (GrahamBannock, R.B. Baxter and Етлеп Davis], - 1998. -р. 168.

3.Иқтисодиётнинг катта луғати / Ед. А. Н. Азраиляна - М.: Янги иқтисодиёт институти. - 2004. - 1376 б.
4.Иқтисодий назария (иқтисод) асослари бўйича дарслик / В. Д. Камаев ва бошқ. - М.: Владос: МСТУ нашриёти, 1995. - 384 б.
5.Коно Т. Япония корхоналарининг стратегияси ва тузилиши / Инглиз тилидан Пер. / Умумийтаҳрир. О.С. Виханский. - М.: Прогресс, 1987. - 384 б, 6.Кунц Р.М. Диверсификация стратегияси ва корхона муваффақияти // Бошқариш назарияси ва амалиёти муаммолари. - 1994. - № 1, б. 96 - 100. 7.Паскуиер М. Диверсификация ва самарадорлик // Менежмент назарияси ва амалиёти муаммолари. - 1994 й., № 1. - с. 79 - 82.

J.A Umirzoqov – Toshkent moliya instituti tayanch doktoranti
B.O‘ Abduqaxorov – Toshkent moliya instituti talabasi

MAXSUS IQTISODIY ZONALAR INVESTITSION FAOLLIGINI OSHIRISHDA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI

Annotatsiya. Ushbu ilmiy tezisda maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etishda xorijiy mamlakatlar tajribasi va ularni tadbiq etish, iqtisodiy hududlarni rivojlantirish yo‘llari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: maxsus iqtisodiy zona, investitsiya, investitsion muhit, nou-xau, texnopark, texnopolis.

Аннотация. В научной тезис описывается опыт зарубежных стран по организации особых экономических зон и их применению, пути развития экономических зон.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инвестиции, инвестиционный климат, ноу-хау, технопарк, технополис.

Abstract. The scientific thesis describes the experience of foreign countries in organizing special economic zones and their application, ways of developing economic zones.

Keywords: special economic zone, investments, investment climate, know-how, technopark, technopolis.

Bugun kunda oahon hamjamiyatida mamlakatga xorijiy inestitsiyalarni jalb qilish iqtisodiyotni rivojlantirishning muhim sohalaridan biri bo‘lib bormoqda, ushbu sohani samarali tashkil etish borasida maxsus iqtisodiy zonalar omilidan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Maxsus iqtisodiy zonalar (MIZ)ni tashkil etishning muhim jihati ma’lum hudud yoki ishlab chiqarish sohasini iqtisodiy rivojlantirishni rag‘batlantirish, investitsion muhitni yaxshilash, investitsion jozibadorlikni oshirish shuningdek, bozor iqtisodiyotiga o‘tish davrida maxsus iqtisodiy zonalardan iqtisodiyotni modernizatsiya qilishning hududiy uslubi sifatida foydalanishdir.

Rivojlanayotgan mamlakatlarda MIZlar uchun joy tanlayotganda, mazkur tanlanayotgan hududda ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning qay darajada rivojlanganligiga katta ahamiyat qaratiladi. Chunki infratuzilmaning yaxshi bo‘lmasligi hududni o‘zlashtirish uchun moliyaviy va davriy xarajatlarni

oshirib yuboradi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda boshlang‘ich kapitalni qidirish va yig‘ish alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki zonani tashkil qilish bilan bog‘liq barcha xarajatlar qabul qilayotgan mamlakat zimmasiga tushadi. Tajribalar shuni ko‘rsatadiki, jalb qilingan xorijiy investitsiyaning bir dollari uchun mamlakat o‘z mablag‘laridan to‘rt dollarini sarflashi kerak[1].

MIZ yaratayotgan ko‘plab xorijiy mamlakatlar quyidagilarga erishganlar:

- iqtisodiy jihatdan qoloq hududlarni rivojlantirish;
- texnologiyalarni modernizatsiyalash;
- yangi nou-xaularni olish;
- o‘z mutaxassislari va ishchilariga mehnatning, boshqaruvning va sotishning yangicha usullariga o‘qitish;
- eksportbop mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun mahalliy xom ashyo resurslaridan foydalanish.

Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, bugun maxsus iqtisodiy zonalardan nafaqat sarmoyalarni jalb qilish, balki hududiy iqtisodiy siyosat vositasi sifatida ham unumli foydalanilmoqda. Ammo shuni alohida ta’kidlash lozimki, MIZlarda kutilgan samaraga erishish uchun ularni qachon, qanday yo‘nalishda va qanday miqdorda qo‘llashni aniq bilish kerak. Bu borada aynan yuqorida sanab o‘tilganlarga rioya qilmaslik tufayli ularning mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta’sir ko‘rsatish hollari ham uchraydi. Masalan, rivojlanayotgan bir nechta davlatlardan o‘tgan asrning 90-yillarida qator maxsus iqtisodiy zonalarni tashkil etganliklari ma’lum. O‘sha davrda mazkur mamlakatlarda bozor infratuzilmasi va munosabatlari shakllanishning boshlang‘ich bosqichida bo‘lgani hisobga olinmaganligi oqibatida ularga sarflangan mablag‘lar va moddiy resurslar hech qanday samara bermadi. Pirovardida MIZlarning aksariyati o‘z faoliyatini to‘xtatdi. Bunday muvaffaqiyatsiz faoliyatga Moldova, Belarus, Ukraina, Qirg‘iziston kabi davlatlardagi MIZlar misol bo‘lishi mumkin[2].

Mamlakatimizda avvalo, maqbul iqtisodiy muhitni yaratish uchun bozor iqtisodiyoti institutlari va xususiy tadbirkorlar sinfini shakllantirishga alohida e’tibor berildi. Shu tariqa iqtisodiy tizim va undagi xususiy sektor dunyodagi yirik investorlar bilan aynan mamlakat iqtisodiyoti uchun samarali yo‘sinda, ya’ni yuqori qo‘shimcha qiymat yaratuvchi ishlab chiqarish sohalarida to‘laqonli hamkorlik qila oladigan holga keltirildi.

Maxsus iqtisodiy zonalarning zarurligini rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarning qanday maqsadda mazkur zonalarni tashkil etayotganligiga qarab bilish mumkin. Hukumat bunday zonalarni iqtisodiy faollikni oshirish, investitsiyalarni ko‘paytirish, bandlik darajasinini oshirish, xalqaro savdoni kuchaytirish va boshqa shunga o‘xshash maqsadlarda tashkil qiladi. Bu haqida yuqorida batafsil aytib o‘tilgan edi. Uzoq muddatli loyihalarni qamrab olgan zonalar fan-texnika yutuqlari hisoblangan zamonaviy texnologiyalarni tarqatish, hududiy rivojlantirish va samarali xo‘jalik aloqalarini shakllantirish markazlari

[1]Муфтайдинов К. Зоны экономического предпринимателства. // Bozor, pul va kredit. - T, 2003. - № 7.
[2] National Association of Free Trade Zones, 2005

hisoblanadi, ya’ni mazkur zonaga jalb qilinga so‘ngi texnologiyalar vaqti kelib qo‘shni hududlarga o‘tishi ko‘zda tutilmoqda.

Yuqoridagilarga qo‘shimcha tarzda O‘zbekistonda eksport ishlab chiqarish zonalarini tashkil qilish mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda muhim rol o‘ynashini ham ta’kidlash lozim. Bunday zonalarda yuqori qo‘shimcha qiymatga ega mahsulotlarni ishlab chiqarishni rag‘batlantirish maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Shuningdek, mamlakatimizda ilmiy-texnik jarayonlarni rivojlantirish maqsadida ilmiy-texnologik zona (texnopark, texnopolis)larni tashkil qilish ham o‘z samarasini berishi mumkin. MIZ tashkil etishda, nafaqat iqtisodiyotni rivojlantirish, balki hududlardagi iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarni hal etishni ham alohida e’tiborga olish ko‘zlanadi. MIZlar istiqboldagi maqsadga tezroq yetish, iqtisodiyotning rivojlanishi uchun asosiy omillardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. National Association of Free Trade Zones, 2005
2. Муфтайдинов К. Зоны экономического предпринимателства. // Bozor, pul va kredit. - T, 2003. - № 7.
3. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М.-1998.
4. Vaxabov A.V., Xajibakieva Sh.X., Muminova N.G.. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. –T.: Moliya, 2010.
5. Karimqulov J.I., Umirzoqov J.A., Erkin iqtisodiy hudular rivojlanishining nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. – T.: “VNESHINVESTPROM”-2017

Ш.С Олтаев – СамИСИ доценти в.б., и.ф.н.

МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада меҳнат бозоридаги меҳнат ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари кўриб чиқилган, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантиришнинг методологик асослари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларини бошқариш, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни ташкил этиш, ходимларни рағбатлантириш.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические основы управления трудовыми ресурсами на рынке труда, анализируются методологические основы стимулирования производительности труда.

Ключевые слова: рынок труда, трудовые ресурсы, управление трудовыми ресурсами, производительность труда, организация труда, мотивация работников.

Abstract: This article discusses the theoretical foundations of labor resource management in the labor market, analyzes the methodological framework for stimulating labor productivity.

Keywords: labor market, labor resources, labor resource management, labor productivity, labor organization, employee motivation.

Бозор муносабатларининг шаклланган замонавий шароитида корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлиги асосан меҳнат ресурсларини самарали бошқариш билан белгиланади. Корхона ходимларининг малакаси

ва қобилият даражаси қанчалик юқори бўлса ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги шунча ошади.

Шундай қилиб, охир-оқибат, корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, зарур янгиликларни ўз вақтида киритиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолчи талабларига жавоб беришини таъминлаш имконияти юқори бўлади.

Корхонадаги меҳнат ресурсларининг малакаси ва қобилияти корхона раҳбарияти томонидан доимий назорат қилинади. Бозор муносабатлари даврида меҳнат ресурсларининг роли сезиларли даражада ошади. Ишлаб чиқаришнинг сармоявий табиати, унинг юқори илмий интенсивлиги, маҳсулот сифати масалаларининг устуворлиги ходимга қўйиладиган талабларни ўзгартиради, ишга ижодий муносабат ва юқори профессионаллик аҳамиятини оширади. Бу корхонада кадрлар бошқаруви тамойиллари, усуллари ва ижтимоий-психологик масалаларида жиддий ўзгаришларга олиб келади.

Меҳнат муносабатлари албатта корхонанинг энг қийин томонидир. Янги ишлаб чиқариш тизимлари нафақат хато қилмайдиган мукаммал машиналар ва механизмлардан иборат, балки улар яқин ҳамкорликда ишлаши, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр бўлиши керак бўлган одамларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар кимнинг якуний натижага чуқур қизиқиши ва якуний натижага меҳнатга онгли муносабатда бўлган ҳолда, энг мураккаб техник ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш жараёнида кўпчиликнинг фикри бир хил бўлмаслиги мумкин. Рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг пойдевори бу завод-фабрикалар, ускуналар ва ишлаб чиқариш захиралари эмас, балки инсон капитали ҳисобланади.

Корхона самарадорлигини оширишга инсон омилининг таъсирининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- кадрларни танлаш ва рағбатлантириш;
- кадрлар тайёрлаш ва уларни узлуксиз ўқитиш;
- ходимларнинг барқарорлиги ва мослашувчанлиги;
- ходимларнинг меҳнатига моддий ва маънавий баҳо беришни такомиллаштириш.

Агар биз инсон капиталини харажатлар сифатида эмас, балки ундан оқилона фойдаланиш керак бўлган корхона активи сифатида баҳоласак, у ҳолда ходимни ёллаш тўғрисидаги қарор кўп пул талаб қилади. Шундай қилиб, агар масала айнан шунча миқдорда машиналарни сотиб олиш билан боғлиқ бўлса, қарорни корхонанинг юқори раҳбарияти қабул қилади ва уларнинг тўлиқ юкланиши ва уларни иш ҳолатида сақлаш харажатлари ҳақидаги саволлар муқаррар бўлади, аммо, афсуски, кадрлар ва уларнинг узлуксиз ўқитилиши сўралади қайсики бу ҳолат қуйидагиларни тақозо этади:

- ходимларнинг барқарорлиги ва мослашувчанлиги;
- ходимларнинг меҳнатига моддий ва маънавий баҳо бериш;

- ходимлар қўнимсизлигини таъминлаш;
- ходимларнинг техник хавфсизлигини таъминлаш;
- ходимларнинг меҳнат қилиш шароитини яхшилаш;
- ходимларнинг дам олиш шароитини яхшилаш;
- ходимларга бир йилда бир марта меҳнат таътили бариш ва бошқалар.

Анъанавий танлов тамойиллари махсус билимларга жуда катта аҳамият беради, улар тезда эскиради, шунинг учун доимий равишда ўрганишга қодир бўлган ходимларга ёки ишга номзодларга унчалик эътибор берилмайди.

Ходимларни танлаш ва рағбатлантиришнинг иккита асосий мезони бор:

- биринчидан, юқори касбий малака ва ўрганиш қобилияти;
- иккинчидан, мулоқот тажрибаси ва ҳамкорлик қилишга тайёрлик.

Гарвард президенти Д. Бок бир марта таъкидлаганки, агар сиз таълим жуда қиммат деб ўйласангиз, жаҳолат қанча туради, ҳисоблаб кўринг. Саводсизлик ва инсон капиталининг сифатсизлиги учун биз тўлайдиган нарх жуда юқори.

Шунинг учун кадрлар тайёрлаш-бу харажат эмас, у доимий равишда такомиллаштириш, меҳнатга мослашувчанлик, фойдаланиш қобилияти ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни камайтиришнинг зарурий шартидир.

Иш хавфсизлиги ва кадрлар алмашинувининг камайиши сезиларли иқтисодий фойда келтиради ва ишчиларни ишдан бўшатилишидан қўрқмасдан янада самарали ишлашга ундайди.

Иш ҳақи тизими мослашувчан бўлиши, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириши ва етарли мотивацион таъсир кўрсатиши керак. Иш ҳақининг ўсиши унумдорлик ва самарадорликнинг ўсиш суръатларидан ошиб кетмаслиги керак. Иш ҳақи тизимининг мослашувчанлиги шундаки, даромаднинг маълум бир қисми корхонанинг умумий фаолиятига боғлиқ бўлади ва агар ишчи хато қилса, у бунинг учун тўлаши керак.

Бизнинг назаримизда замонавий шароитда самарадорлик ва унумдорликни оширишни рағбатлантириш учун нафақат иш ҳақи тизимини, балки унинг шаклланишига бўлган ёндашувни, турли хил психологик муносабат, фикрлаш ва баҳолаш кўламини ўзгартириш зарур. Корхона меҳнат жамоасини ўз ишига фидойилигини ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак деб ўйлаймиз:

- ходимларни ишга ёллаш;
- ишчиларни мавжуд ишлаб чиқариш тизимига мувофиқ жойлаштириш;
- улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- меҳнатни рағбатлантириш;
- ишни ташкил этишни такомиллаштириш;
- турли сабабларга кўра ушбу корхонада ишдан бўшатилган ходимларга ғамхўрлик қилиш;

- меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш жараёнларининг мавжуд тизимига мослашади, шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнининг таркиби меҳнатни ташкил этишнинг илмий тамойилларига асосланиши керак;
- ишлаб чиқариш жараёнини мақсадга мувофиқ равишда ажратиш асосида меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш ва меҳнат кооперациясини такомиллаштириш;
- профессионал малакали ишчиларни оқилона танлаш ва уларни жойлаштириш;
- меҳнатнинг энг оқилона усуллари ва техникасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- ҳар бир хизмат вазифасини аниқ тартибга солиш асосида иш жойлари хизматини яхшилаш;
- жамоавий ишлашнинг самарали шаклларини жорий этиш, кўп бирликли хизматларни ривожлантириш ва касбларнинг комбинациясини йўлга қўйиш.

Бизга маълумки жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан ишчиларнинг эҳтиёжлари ҳам ўзгаради. Замонавий иқтисодиётда моддий омилга қўшимча равишда маънавий рағбатлантириш ва ижтимоий имтиёзлар катта аҳамиятга эга. Ходимларни рағбатлантиришнинг моддий шакллари ҳам ривожланмоқда. Моддий мукофотлар бериш тизимида корхонанинг иқтисодий фаолияти натижалари бўйича тўловлар улуши ошади, ходимлар ўртасида корпоратив тафаккурни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият берилади ва ижтимоий имтиёзлар тизими ривожланмоқда. Шундай қилиб, ходимларни рағбатлантириш иқтисодий ўсишнинг таркибий қисмларидан биридир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи корхоналар турли ижтимоий гуруҳларнинг талаблари ортиб бораётган шароитда фаолият кўрсатиши билан тавсифланади. Шу муносабат билан ходимларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда ишлаб чиқариш жараёнида инсон ресурсларини инновацион бошқариш барча ташкилотлар учун зарурдир, чунки одамларсиз ташкилотлар бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам одамларсиз, ҳеч қандай ташкилот ўз мақсадларига эриша олмайди ва омон қололмайди. Замонавий шароитда корхонанинг меҳнат ресурслари фақат бозор муваффақиятига эришиш мумкин бўлган асосдир. Молиявий ва моддий муваффақиятларнинг мавжудлиги ҳали кафолат эмас, балки фақат фаровонлик учун зарур шартдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини-ўзи банд қилиш имконияти (амалий тавсия). Самарқанд, СамИСИ, 2018, 240 бет.
2. Якимова З.В. Управление трудовыми ресурсами.: учебное пособие - Владивосток: Изд-во: ВГУЭС, 2011-120с.
3. П. В. Журавлев, С. А. Карташов, Н. К. Маусов, Ю. Г. Одегов. Технология управления персоналом. - М.: Мысль, 2004. - 576с.
4. Гнездовский Ю. И., Поварич И. П. Проблемы организации оплаты труда в современных условиях. - Кемерово: Кузбассвузиздат, 2003. - 124с.

II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

О.Н Холмуродов – ҚарМИИ катта ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, ялпи миллий маҳсулотдаги ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши, тармоқ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ва хизмат кўртиш соҳалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, хизмат кўрсатиш, мамлакат иқтисодий кўрсаткичлари.

Аннотация: в статье описаны понятие цифровой экономики, определения цифровой экономики, технологические изменения, присущие цифровой экономике, влияние развития цифровой экономики на занятость, доля информационно-коммуникационных технологий в ВВП, повсеместное использование цифровых технологий и услуг.

Ключевые слова: цифровая экономика, развитие цифровой экономики, услуги, экономические показатели страны.

Abstract: the article describes the concept of digital economy, definitions of digital economy, technological changes inherent in digital economy, the impact of digital economy development on employment, the share of information and communication technologies in GDP, the widespread use of digital technologies and services.

Keywords: digital economy, development of digital economy, services, economic indicators of the country.

Башарият иқтисодиёт тармоқлари ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. 2022 йилга келиб дунё ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурати янада ойдинлашади. Ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни жорий этишга аллақачон киришилган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологияларнинг ривожланиши шароитида

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди.

Кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар рақамли иқтисодиётни яъни, бу давлат, ишбилармон доиралар ва фуқаролар ўртасидаги глобал ахборот маконида фаолият кўрсатадиган, ишлаб чиқариш ва чиқаришнинг рақамли турлари ва шаклларини яратадиган, тармоқ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали рағбатлантируччи ижтимоий, маданий, иқтисодий ва технологик муносабатлар тизимидир деб таърифлайдилар.

А.В.Кешелеванинг фикрича рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- иқтисодий фаолият “рақамли" иқтисодиёт платмаформаларига қаратилган;
- шахсийлаштирилган хизмат кўрсатиш моделлари;
- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри ўзаро муносабатлар;
- баҳам кўриш иқтисодиётининг тарқалиши;
- алоҳида иштирокчилар ҳиссасининг роли.

Қисқача айтганда, рақамли иқтисодиёт (веб, интернет иқтисодиёти, электрон иқтисодиёт) – бу электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ рақамли технологияларга ва улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиладиган рақамли товарлар ва хизматларга асосланган иқтисодий фаолиятдир.

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш, лебираллаш-тириш ва модернизациялаш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжал-ланган сиёсат амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур соҳага катта эътибор қаратилмоқда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устиворликларни босқичма-босқич амалга ошириш хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига асос бўлмоқда.

Шунинг учун рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласини таъминлаш даркор.

Қашқадарё вилоятининг 2020 йилдаги иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар турларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан молиявий хизматлар – 375,5 млрд. сўмга, савдо хизматлари – 430,3 млрд. сўмга,

транспорт хизматлари 331,6 млрд. сўмга ва таълим соҳасидаги хизматлар – 55,0 млрд. сўмга ошган. Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматларда 129,4 %, таълим соҳасидаги хизматларида 120,2 % алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида 111,2 %, транспорт хизматларида 101,6 %, қайдэтилди. Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари соҳасидаги хизматлар 86,4 %, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 91,7 %, яшаш ва овқатланиш хизматлари 92,0 % ва шахсий хизматлар 93,3 % га кузатилган.

Қашқадарё вилоятининг 2020 йилда иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми
(*млрд. сўм ҳисобида*)

	Ҳажми млрд.сўм	Ўтган йилга нисбатан ўсиш сурати, %
Хизматлар – жами	**10109,2**	**103,9**
жумладан асосий турлари бўйича:		
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	494,6	111,2
молия хизматлари	1 593,8	129,4
транспорт хизматлари	2240,8	101,6
шу жумладан: автотраспорт хизмати	2178,6	104,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	276,8	92,0
савдо хизматлари	3310,4	99,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	267,6	91,7
таълим соҳасидаги хизматлар	369,7	120,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	123,1	93,0
ижара хизматлари	256,5	97,9
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	345,1	98,2
шахсий хизматлар	331,0	93,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	127,9	86,4
бошқа хизматлар	371,9	93,1

Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Шу ўринда бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ эътилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- хизмат кўрсатиш соҳасида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда рақамли имтиёзли банк кредитларини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётда хизмат соҳалари орқали тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамалакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

М.Д. Усманов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти
А.Н. Холиқулов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада қишлоқ жойларида аҳолининг камбағаллушувига сабаб бўладиган омиллар, қишлоқ жойларида ишчи кучини ривожлантиришда инвестицион қўйилмаларни амалга ошириш учун вазифалар моҳияти очиб берилди.

Калит сўзлар: Меҳнат ресурслари, аҳолининг иш билан бандлиги, ишчи кучи.

Аннотация: В данной статье раскрываются факторы, которые приводят к обнищанию населения в сельской местности, характер задач по осуществлению инвестиций в развитие рабочей силы в сельской местности.

Ключевые слова: Трудовые ресурсы, занятость населения, рабочая сила.

Abstract: This article reveals the factors that lead to the impoverishment of the population in rural areas, the nature of the tasks for the implementation of investments in the development of the labor force in rural areas.

Keywords: Labor resources, employment of the population, labor force.

Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш кўплаб мамлакатлар қатори бизнинг мамлакатимизда ҳам долзарб вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги кунда қишлоқ жойларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ҳудудларга асосланган ривожланиш ёндошувида илгари белгиланган чора-тадбирларга асосланади. Қўллаб-қувватлаш давлатнинг турли мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади, аҳоли ва хусусий

секторнинг тегишли манфаатдор томонларига мақсадли инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда молиявий заҳираларни яхшилаш орқали қишлоқ жойларида хизматлар товар ва маҳсулотларнинг қўшимча қиймат занжирининг ошишига олиб келади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасига ижобий таъсир этади.

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифа сифатида белгиланган[1].

Қишлоқ жойлари турли бизнес инфратузилмасини яратиш учун қулай саналади. Аммо, бундай ҳудудларнинг географик – иқтисодий жойлашувидан қатъий назар кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига муҳим ҳисса қўша оладиган тармоқ сифатида эмас балки, қолоқ тармоқ сифатида қарашади. Қишлоқ жойларига нисбатан бундай муносабатда бўлаётган мамлакатлар оқибатда улкан яширин ресурслардан маҳрум бўлишади. Бунинг натижасида нафақат қишлоқ жойларида балки, мамлакатнинг қолган ҳудудларида ҳам камбағаллик даражаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ортишига олиб келади.

Қишлоқ жойларида аҳолининг камбағаллашувига сабаб бўладиган қуйидаги омиллар бор:

- Шахсий омиллар;
- Ижтимоий – иқтисодий омиллар;
- Табиий омиллар.

Шахсий – инсоний омиллар – тадбиркорлик қобилияти, меҳнаткашлиги, унинг билими, дангасалик, лоқайдлик, боқимандалик кайфияти.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар – таълим сифати, қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлашга қаратилган тиббий хизмат сифатининг пастлиги, кредит фоиз ставкаси, инфляция даражаси, солиқ ставкаси.

Табиий омиллар – об-ҳаво иқлим, ҳудуднинг жўғрофик жойлашуви ер ресурслари имкониятидан фойдаланишнинг пастлиги (ернинг шўрлик даражаси, унумдорлиги пастлиги, сув танқислиги) ва бошқалар.

Қишлоқ жойларида ишчи кучини ривожлантиришда инвестицион қўйилмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

- Қишлоқ жойларида мавжуд ва ривожланаётган саноат тармоқларини аниқлаш ва иш ўринларига мослаштириш учун таъли ва ўқув дастурлари;
- Тадбиркорлик муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли фаровонлиги ва иш ўринлари сифатини яхшилашга қаратилган даромад даражасини ошириш;
- Қишлоқ жойларида транспорт, уй-жой хизматлари, таълим, соғлиқни сақлаш, йўл инфратузилмаларини ривожлантириш;
- Кам иш ҳақи тўланадиган соҳаларни аниқлаш орқали аҳоли даромадларидан фойдаланишнинг иқтисодий имкониятларини баҳолаш;
- Кадрлар салоҳиятини ошириш орқали, иқтисодий-ижтимоий нотижорат ва хусусий сектор бўйлаб ҳамкорлик ва жамоа ривожланиш мақсадларини амалга оширади.

Қишлоқ жойларидаги яшовчи доимий аҳоли турмуш шароитига макроиқтисодий ўзгаришлар таъсир қилиши мумкин бўлган омил сифатида қуйидаги учта омилни кўрсатиб ўтдик:

- Турли мавжуд бозорлар сони;
- Мавжуд инфратузилма ҳолати (шу жумладан коммунал ва маиший хизматлар);
- Молиявий муҳит (пул қуйилмалари, суғурталаш).

Турли мавжуд бозорлар сони – бозорлар сони қишлоқ аҳолиси ўзининг етиштирган маҳсулотларини эркин сотиши ва сотиб олишида рақобатга киришиб товарнинг пул шаклига ўтиши ва шу орқали ушбу бозорларнинг бир нечта муҳим хусусиятлари қишлоқ жойлардаги шароитга таъсир қилиши мумкин.

Мавжуд инфратузилма – бевосита қишлоқ ҳаёти самарадорлигига таъсир этиб, иқтисодий – ижтимоий (транспорт, алоқа, туризм, турли хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш, сув ва санитария) мавжуд инфратузилмаларни ўз ичига олади. Мамлакатимиз қишлоқ жойларидаги инфратузилманинг кўпгина элементларини ўзи томонидан молиялаштирилганлиги сабабли, харажатлар даражаси, иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш сифати, кам таъминланган қишлоқ аҳолисининг инфратузилма ва коммунал хизматлардан фойдаланиш даражаси инсон капитали ва қишлоқ жойлардаги унумдорликка муҳим таъсир кўрсатади.

Молиявий муҳит – қишлоқ жойларидаги хусусий ва давлат улуши мавжуд бўлган тадбиркорлик фаолияти учун кутилаётган ва кутилмаган иқтисодий зарбалардан суғурталашни таъминлайди. Бундай таъминланиш тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳолининг даромад манбаида юқори аҳамият касб этади. Шунингдек қишлоқ жойларидаги кўп сонли оилалар ичида хорижда ишловчи мигрантлар мавжуд. Улар томонидан амалга оширалаётган шахсиз ўтказмалардан унумли фойдаланиш аҳолининг сифатли ва муҳим даромад манбаини яратишга хизмат қилиши мумкин. Ушбу пул ўтказмаларидан қандай фойдаланилганига қараб, аҳолининг аҳолининг шахсий даромадларини оширади. Аммо ушбу

каналлар – бозорлар, инфратузилма ва молиявий муҳит қишлоқ жойларидаги барча аҳоли учун бир хил ишламайди, чунки ҳар бир гуруҳ аҳоли иқтисодиётга мутлақо бошқача алоқага эга.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида қишлоқ жойларида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича хорижий амалиётлар тажрибасини илмий тадқиқ ва таҳлил этиш мазкур давлатлар тажрибасининг илғор, республикамиз учун қулай бўлган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг самарали, истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ш.Ш Файзиева– ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
Н.Н Йўлдошев – ҚарМИИ, иқтисодиёт мутахассислиги 2-курс магистранти

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АГРОКЛАСТЕРЛАР АСОСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги кластерларининг учинчи ренессансни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш самарадорлигини оширишдаги ўрни, хизмат кўрсатишни яхшилаш фаолияти ва натижалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: учинчи ренессанс, инновациялар, қайта ишлаш, агрокластер, технологиялар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нарх, сақлаш, экспорт, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, бизнес, хизмат кўрсатиш

Аннотация. В статье рассматривается роль агрокластеров в формировании третьего ренессанса и повышении эффективности переработки сельхозпродукции, мероприятия и результаты улучшения сервиса.

Ключевые слова: третий ренессанс, инновации, переработка, агрокластер, технология, продовольствие, цена, хранение, экспорт, сельское хозяйство, предпринимательство, бизнес, сервис.

Abstract. The article discusses the role of agricultural clusters in the formation of the third renaissance and improving the efficiency of agricultural processing, measures and results of improving the service.

Keywords: third renaissance, innovation, processing, agrocluster, technology, food, price, storage, export, agriculture, entrepreneurship, business, service.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислоҳотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг

хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизимини ташкил қилиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва аграр соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларидаги кластерлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак” ҳамда “кластер тизими – бу манфаатдорлик, соҳага илм-фан ва инновациянинг кириб келиши, қишлоқ хўжалигининг келажаги ва рақобатбардош бўлиши демакдир”[1]. Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги кластернинг ўрнини муносиб баҳолаганидан илҳомланиб, деҳқонлар ва чорвадорлар агрокластерлар раҳбарларининг вакилларига мурожаат билан чиқишлари ўзининг амалий ифодасини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши кураш шароитида тадбиркорликни, жумладан, агрокластерларни қўллаб-қувватлашга оид қатор фармонлари соҳа вакилларига қаратилган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси саналади. Ўз вақтида қабул қилинган ушбу ҳужжатларга мувофиқ сув солиғи 50 фоизга қисқартирилди, табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди, шунингдек, олинган кредитлар фоизларини тўлаш муддати узайтирилди. Энг асосийси, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2019 йилда пахта етиштириш учун олинган кредитларни қайтариш муддати кечиктирилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилди.

Республикамизда ташкил этилган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис хизматлари тармоғини ташкил этишга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачилик соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, қорамолчилик йўналиши бўйича янгидан 1592 та лойиҳалар ташкил этилди ва уларда 62 минг 232 бош қорамолларни парвариши йўлга қўйилди. Ташкил этилган янги лойиҳалар ҳисобига 5648 та янги ишчи ўринлари яратилди. 2616 та зооветеринария пунктлари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига 14 млрд. 200 млн. сўмлик турли хилдаги зооветеринария сервис хизматлари кўрсатилди. Чорва моллари наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида жорий йилда хориждан 10793 бош юқори маҳсулдор наслли қорамоллар олиб келиниб, жами хориждан олиб келинган қорамоллар бош сони 82 минг 435 бошга етди. Олиб келинган наслли моллардан жорий йилнинг якунига келиб 330 минг бошга яқин

[1]Ш.Мирзиёев. “Қишлоқда кластер тизими — аграр секторининг асосий ўсиш нуқтаси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 15 октябрь

бузоқлар олиниб, бир бош наслли сигирдан кунига ўртача 20-22 кг дан сут соғиб олинмоқда. Маҳсулдорликни ошириш мақсадида қорамолларни сунъий уруғлантириш учун чорвачилик субъектларига “Ўзнаслчилик” корхонаси томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган 3 млн. 667 минг дозадан ортиқ наслли буқаларнинг уруғлари етказиб берилди ҳамда 2 млн. 839 минг бош сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилди. 217 та қорамолчилик фермер хўжаликлари наслчилик тоифасига ўтказилди ва ушбу тоифадаги хўжаликлар сони 827 тага етказилди ва улар томонидан 9 минг 491 бош наслли моллар тайёрланиб деҳқон ва фермер хўжаликларига шартнома асосида етказиб берилди.

Мамлакатимизда паррандачилик тармоғини ривожлантириш бўйича 554 та паррандачилик лойиҳалари ташкил этилиб, уларда 8 млн. 44 минг бош парранда боқиш йўлга қўйилиб, улар асосида 2505 та янги иш ўринлари яратилди. Куркачилик, ўрдакчилик, беданачилик ва туяқушчилик йўналишларида 60 тадан ортиқ янги лойиҳалар ташкил этилди ҳамда 241 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 50 та 50 минг бошга мўлжалланган гўшт йўналишидаги паррандачилик хўжаликлари ташкил этилиб, уларда 2 млн. 325 минг бош паррандалар парваришланмоқда ва уларда 419 та иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистонга 2020 йилда 60 минг бошдан ортиқ қорамол ва 36,6 минг қўй олиб кирилган. 2020 йилда халқ истеъмоли маҳсулотлари орасида гўшт баҳоси кескин ошиши кузатилди ва ҳукумат нархни жиловлаш учун қатъий чоралар кўришга мажбур бўлди. Бир муддат муайян нарх белгиланди, бу эса табиийки маҳсулот сифатига ҳам, тадбиркорлар, қассоблар фаолиятига ҳам таъсир қилди. Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришга доир қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, шу билан бирга чорва импорти ҳам катта ҳажмда амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган 2020 йилда Ўзбекистонга жами 60 097 бош қорамол олиб кирилган бўлса, уларнинг 36 584 боши наслли, 23 513 боши наслсиз қорамоллардир. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг тақдим этган маълумотига кўра бу қорамолларни олиб кириш учун жами 90 млн АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланган. Шунингдек, қиймати деярли 5 млн долларлик 36 616 бош қўй, 797 минг долларга тенг 3683 бош эчки ҳам импорт қилинган. Ўтган бир йил давомида Ўзбекистон бирор бош чорва экспорт қилмаган. Қорамоллар, қўй ва эчкилар асосан Россия, Беларус, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Австрия, Германия, Нидер-ландия, Дания, Чехия ва Венгриядан импорт қилинган. Маълум қилинишича, чорва импорт қилувчи тадбиркорлар дастлаб қўмитага мурожаат қилади ва агар чорва экспорт қилувчи давлат “қизил” ҳудудда бўлмаса, уларга рухсатнома расмийлаш-тириб берилади. Шу рухсатнома асосида экспортер давлатдан чорва харид қилинади ва 30 кун карантиндан кейин Ўзбекистонга олиб кирилади. Шу тартибда чорва моллари мамлакатимиз иқлимига мослашиб боради.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2021 йил 3 март куни “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги карор имзоланди. 2021 йил 1 мартдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтараётган тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилганлиги мақсадга мувофиқдир. Президентимизнинг 2019 йил 18 мартдаги йилдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандига мувофиқ берилган имтиёзлар чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларига ва омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан ҳам татбиқ этилади. 2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50% миқдорида қўлланилиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар республика ҳудудига олиб кирилганда уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати 180 кунга узайтирилади, тўланган ҚҚСнинг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига асосан тезлаштирилган тартибда 20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган хўжаликларга қуйидаги миқдорларда республика бюджетидан субсидиялар ажратилиши белгиланган:

- чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шоҳли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм;
- паррандачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 800 сўм;
- балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр) нинг ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм;
- паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум ҳудудлардан ўрнатилган тартибда доимий савдо жойлари (нуқталари) қуриш учун.

Ислоҳотлар натижасида Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу

туманларда замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида қуйидагилар тасдиқланди:

- Қашқадарё вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури;
- Қашқадарё вилоятида 2021-2022 йилларда Дастур доирасида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича прогноз кўрсаткичлари;
- Вилоятда 2021-2022 йилларда суғориш каналларини тозалаш ҳисобига қўшимча ер майдонларини ўзлаштириш параметрлари ҳамда пичанзор ва яйлов ерларида янгидан қазиладиган қудуқлар дислокацияси.

Тасдиқланган вазифалар асосида Қашқадарё вилоятининг барча туманларида чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга АТ “Халқ банки” ва бошқа тижорат банклари томонидан 2021-2022 йилларда хорижий молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан 50 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилади. Қашқадарё вилоятига 2021-2022 йилларда чет давлатлардан олиб келинадиган чорва молларини сотиб олиш учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига зарур кредитлар ваколатли банклар томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан ажратиб борилиши таъкидланганлиги ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, иқтисодиёт тармоқларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги агрокластерларининг аҳамияти алоҳида ўрин эгаллайди. Агрокластер маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиб, уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини - ишлаб чиқариш - қайта ишлаш- сотиш - илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкор-ликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади. Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ривожланган давлатлардан Жанубий Корея тажрибалари ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида амалда қўлланилмоқда. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш вазифаси агрокластерлар фаолияти учун ўзига хос тажрибаларни қўллашни кўрсатади. Агрокластерлар асосида учинчи ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашда ҳамда хизматлар самарадорлигини оширишда янги лойиҳалар асосий механизм сифатида хизмат қилади.

A.A.Abdirashidov – O‘zXIA, “Islom iqtisodiyoti va xalqaro munosabatlar” fakulteti dekani, i.f.n, dots.

M. Sultonxo`jayeva – O‘zXIA, magistranti

AHOLINI UY JOY BILAN TA’MINLASHDA ISLOM MOLIYASINING INSTRUMENTLARIDAN FOYDALANISH YO‘NALISHLARI

Annotatsiya. Mazkur maqola aholini uy-joy bilan ta’minlashda islom moliyasi intrumentlaridan foydalanish yo‘nalishlariga bag’ishlangan. Islom moliya instrumentalrining o‘ziga xos xususiyatlari ham tahlil qilingan. Bundan tashqari, uy-joy bilan ta’minlashda islom moliya instrumentlaridan foydalanish talablari va afzalliklari keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: ipoteka, ijara, kamayib boruvchi musharaka, murabaha, mulkka egalik.

Аннотация. Данная статья посвящена использованию инструментов исламского финансирования в сфере жилищного строительства. Также анализируется специфика исламских финансовых инструментов. Кроме того, упоминаются требования и преимущества использования исламских финансовых инструментов в жилищном строительстве.

Ключевые слова: ипотека, рента, убывающая мушарака, мурабаха, право собственности.

Abstract. This article is dedicated to the use of Islamic financial instruments in housing. The specifics of Islamic financial instruments are also analyzed. Besides, the requirements and benefits of using Islamic financial instruments in housing are mentioned.

Keywords: mortgage, rent, diminishing musharaka, murabaha, property ownership.

Islomiy moliyaviy mahsulotlar yoki shartnomalar ob'ektiv ravishda shariatga asoslangan va shariatga mos deb tasniflanadi. Shariatga asoslangan (mulk) shartnomalarga afzallik beriladi, shariatga muvofiq (qarzga asoslangan) shartnomalarga ruxsat beriladi, lekin afzal emas.

Islomiy ipotekalar butun dunyo bo‘ylab ayniqsa soni va daromadi ortib borayotgan musulmon aholi orasida juda mashhur. Musulmon aholi tomonidan islomiy ipotekani afzal ko‘rilishi bir nechta sabablar bilan bog’liq, xususan uyga egalik qilish va diniy qarashlarga mos kelish ana shu sabablarga misoldir. Ko‘pgina kuzatuvchilar esa islomiy ipoteka tanlovida diniy qarashlar ustuvor ekanligini ta’kidlaydilar. Islomiy bank sanoatida investitsiya va moliyalashtirish portfellarining katta qismi Islomiy ipotekalar ulushiga to‘g’ri keladi. Uyni moliyalashtirishda qo‘llaniladigan kamayib boruvchi mushorakaning ulushi 2017 yilda Pokiston Islomiy bank sanoatining investitsiya va moliyashtirish portfelining 30% ga yaqin qismini tashkil etgan. Ipotekalar hali ham moliyashtirish faoliyatida bank sanoatining asosiy tanlovlaridan biri, odatda ularning risk darajasi pastroq, bundan tashqari ipotekalar dunyo miqyosida keng tarqalgan va Islom banklari ham bundan bir qancha afzalliklarga ega. Shuningdek, uy-joyni moliyalashtirish taklifi Islom moliya tizimi tabiatiga juda mos, ya’ni bu boylikni aholi o‘rtasida adolatli taqsimlashni va moliyaviy barqarorlikni qo‘llab-quvvatlovchi omil hamdir. [1]

[1] Citation: Hanif, M. (2019). Islamic Mortgages: Principles and Practice. International Journal of Emerging

Islom foizli kreditlarni ta’qiqlaydi, shuning uchun musulmonlar mulk sotib olayotganda halol muqobilni izlashni afzal ko‘rishlari mumkin. Bir qator islomiy ipoteka muqobillari mavjud bo‘lib, xaridorlarga shariatga rioya qilgan holda mulkka ega bo‘lish imkonini beradi.

Shariatga muvofiq ipotekalar haqiqatan ham “ipoteka muqobillari” bo‘lib, foizsiz uy sotib olish rejalari sifatida ishlaydi. Bozorda bir nechta farqlar mavjud bo‘lsa-da, barchasi bir xil asosiy usulda ishlaydi: bank sizning nomingizdan mulkni sotib oladi va qonuniy egasiga aylanadi. Sizning oylik to‘lovlaringiz ko‘proq ijara haqi kabi ishlaydi, uning bir qismi mulk egasining ulushini sotib olishga ketadi. Muddat oxirida siz mulkni qaytarib sotib olgan bo‘lishingiz yoki qonuniy egasi bo‘lguningizcha hisob-kitob qilish uchun to‘lanmagan summaga ega bo‘lishingiz kerak.

Shariat mos ipotekaning uchta turi bor: ijara, kamayib boruvchi musharaka va murabaha. Ijara uy-joy sotib olish rejasida siz oxirgi xaridingizni moliyalashtirish uchun qisman ijara va qisman kapital bo‘lgan oylik to‘lovlarni amalga oshirasiz. Bu shuni anglatadiki, sizning mulkka egalik ulushingiz butun muddat davomida barqaror bo‘lib qoladi.

Musharakani kamaytirish - bu siz va islom bankingiz o‘rtasidagi qo‘shma xarid shartnomasi. Siz provayderning ulushini oylik bo‘lib to‘laysiz, shuning uchun ularning ulushi qisqargan sari sizning egalik ulushingiz oshadi.

Murabaha foizsiz sotib olish rejasiga ko‘ra, shariatga muvofiq provayderingiz mulkni sotib oladi va uni belgilangan narxda sizga sotadi, siz uni oylik bo‘lib to‘laysiz. Bunday shartnomalar Buyuk Britaniyada uy sotib olishda kamdan-kam uchraydi, lekin ba'zida tijorat mulkini rivojlantirishda qo‘llaniladi. Ushbu islomiy ipoteka muqobillari bir-biridan biroz farq qilganligi sababli, siz uchun to‘g'ri variantni topish uchun har biri bilan kelishi mumkin bo‘lgan potentsial xavf va afzalliklarni hisobga olishingiz kerak.

Siz tanlagan bank mulkning qonuniy egasi bo‘lsa-da, siz hali ham dastlabki xaridda sug'urta, umumiy texnik xizmat ko‘rsatish, transport va shtamp boji xarajatlarini qoplashingiz kerak bo‘ladi. Siz ushbu chiqimlarning barchasini xarid rejasining xarajatlariga qo‘shishingiz kerak bo‘ladi garchi, albatta, bu ogohlantirish odatiy ipoteka uchun ham amal qiladi.

Shuni ham ta'kidlash joizki, ko‘plab islomiy ipoteka provayderlari sizning hududingizdagi o‘rtacha darajalarni qo‘llanma sifatida ishlatish o‘rniga, ijarangizni belgilash uchun LIBOR bilan bog'langan qiymatlardan foydalanadilar. Bu sizning foydangizga ishlashi mumkin, lekin sizning joylashuvingiz uchun kutganingizdan ko‘proq pul to‘lashingiz mumkin.

Halol ipoteka muqobilini olish uchun sizga odatda kamida 20 foizli depozit kerak bo‘ladi. Shuningdek, siz so‘rovlar, qurilish sug'urtasi, shtamp yig'imi va boshqa har qanday xarajatlar, masalan, ipoteka brokeri to‘lovlari va yuridik xarajatlar uchun byudjet qilishingiz kerak bo‘ladi.

Markets,
Vol. 14 No. 5, pp-967-87.

Islom ipoteka muqobili bo‘yicha tajribaga ega bo‘lgan ipoteka brokeri sizga mavjud bo‘lgan turli xil mahsulotlarni tanlashda yordam berishi mumkin. Sizning brokeringiz islomiy ipoteka bilan murakkab bo‘lishi mumkin bo‘lgan qayta ipotekaga kelganda ham sizga yordam berishi mumkin. Islomiy ipoteka kreditlari va uy sotib olish rejalari Moliyaviy boshqaruv organi tomonidan tartibga solinadi.[1]

Islomiy ipoteka bir qator afzalliklarga ega. Islomiy ipoteka mulk sotib olishning halol usuli hisoblanadi. Uy sotib olish rejalari usuli Shayx Taqi Usmoniy, Shayx Abu Iysa va Shayx Doktor Abdul Sattor Abu G'udda kabi ko‘plab olimlar tomonidan tasdiqlangan.

Islomiy ipoteka bilan siz foiz to‘lamaslik imkoniga ega bo‘lasiz. Bank sizdan pulni ishlatish uchun emas, balki mulkdan foydalanish uchun haq oladi. Quyidagilar o‘rtasida bir qator farqlar bor: foiz (puldan foydalanish), ijara (bir narsadan foydalanish) va foyda (siz qo‘shadigan narsangiz va siz pul emas, balki buyumni sotasiz). Lekin siz mol-mulkni istalgan vaqtda sotishingiz mumkin va agar qiymat oshgan bo‘lsa, siz foyda ko‘rasiz. Administrator to‘lovlariga ko‘ra, siz moliyangizni erta to‘lash uchun qo‘shimcha haq to‘lamaysiz.

Islomiy ipoteka xaridorni qisqaroq ijaraga qaraganda xavfsizroq va uzoq muddatli asosga qo‘yadi. Ammo LIBOR stavkasi arzonroq bo‘lishi ehtimoli bor. Siz ijara haqidan tejashingiz ham mumkin - islom banklari odatda ijara haqini ayniq vaqtda mahalliy ijara qiymatini olgandan ko‘ra kamroq oladi.

Tasavvur qiling-a, har chorakda yoki ikki yilda bir marta banklar ro‘yxatdagi minglab ipoteka mulklarining har biri uchun yangi mahalliy ijara stavkalarini ishlab chiqish kerak. Shunday qilib, amaliy nuqtai nazardan, bu qiyin bo‘ladi. Lekin mulkni foyda bilan sotgan taqdirda, bank foydadan voz kechadi.[2]

Quyida an’anaviy bank va Islom banklarining ipotekalarini taqqoslab ko‘rish ham mumkin.



1-rasm. Qo‘shimcha to‘lovlarni taqqoslash[3]

AAOIFI Shariat standartining o‘n ikkinchisida kamayib boruvchi musharakaga doir bir qancha tamoyillar keltirilgan.

[1] https://www.unbiased.co.uk/life/homes-property/what-is-an-islamic-mortgage-and-how-do-they-work
[2] https://www.islamicfinanceguru.com/articles/islamic-mortgage/pros-and-cons-of-an-islamic-mortgage
[3] Citation: Hanif, M. (2019). Islamic Mortgages: Principles and Practice. International Journal of Emerging Markets,
Vol. 14 No. 5, pp-967-87.

Kamayib boruvchi musharaka sheriklardan biri mulk egaligi to‘liq o‘ziga o‘tgunga qadar boshqasining mulkdagi ulushini asta-sekin sotib olishi bilan amalga oshadigan sherikchilikning bir ko‘rinishi.

Kamayib boruvchi musharakada yakuniy egalik sheriklardan biriga o‘tishini asos qilib olib, barcha sug’urta va saqlash xarajatlari faqat unga yuklatilishiga ruxsat berilmaydi

Kamayib boruvchi musharakada bir sherik tomonidan boshqasiga o‘zining mulkdagi ulushini kelishilgan to‘lov va muddatga ijaraga berishga ruxsat beriladi, biroq davriy texnik xizmat ko‘rsatish uchun javobgarlik mulk egalari zimmasida qoladi.

Yuqoridagi tadqiqot natijalari va raqamlardan ko‘rinib turibdiki, Islom banklari ipotekalari risklilik darajasi pastligi, mulk to‘liq yoki qisman egalikning mavjudligi va Islom shariati tamoyillariga mos moliyalashtirish manbayi bo‘lganligi bois, aholi orasida ushu ipoteka turiga bo‘lgan talab oshib bormoqda. Bu esa o‘z-o‘zidan Islom ipotekalari bilan bog’liq shartnoma va operatsiyalarni yanada takomillashtirish, mijozlar uchun qulayliklar yaratish strategiyalarini ishlab chiqishni taqozo etadi. Islom banklari taklif etayotgan ipotekalar aholini uy-joy bilan ta’minlashda an’anaviy ipoteka kreditlarining muqobili sifatida ijobiy natijalarga erishayotganini hisobga olib, Islomiy ipoteka amaliyotining yanada rivojlanishi uchun barcha shart-sharoitlar yaratilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Citation: Hanif, M. (2019). Islamic Mortgages: Principles and Practice. International Journal of Emerging Markets, Vol. 14 No. 5, pp-967-87
2. https://www.unbiased.co.uk/life/homes-property/what-is-an-islamic-mortgage-and-how-do-they-work
3. https://www.islamicfinanceguru.com/articles/islamic-mortgage/pros-and-cons-of-an-islamic-mortgage
4. https://www.comparethemarket.com/mortgages/content/islamic-mortgages/

О.Э Эрназаров – СамДУ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси доценти, PhD.
Ш.С Рузиева – СамДУ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси магистранти.
Ҳ.З Мамазияев – СамДУ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси магистранти.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИГА САВДО ХИЗМ АТЛАРИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕРЧЕНДАЙЗИНГНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада бутун дунё иқтисодиётининг бугунги глобал-лашув жараёнига жалб этилаётганлиги, савдо хизматларига бўлган талабларни ўзгаришига олиб келганлигига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан аҳами-ятли саналади. Бутун дунё пандемия шароитида аҳолининг харид қобилиятининг ошишида савдо соҳасининг инновацион йўналишларини ва воситаларини жорий этилиши бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, глобаллашув, бозор, товар, хизмат, феъл-атвор, динамика, мерчендайзинг “савдо қилиш санъати” "савдо санъати"

“маданиятли савдо”, савдо соҳаси, “тилсиз сотувчи”.

Аннотация. Данная статья важна тем, что в ней акцентируется внимание на том, что мировая экономика вовлечена в современный процесс глобализации, приводящий к изменению спроса на торговые услуги. Разработаны важные предложения и рекомендации по внедрению инновационных направлений и инструментов в сфере торговли для повышения покупательной способности населения в условиях глобальной пандемии.

Ключевые слова: экономика, глобализация, рынок, товары, услуги, поведение, динамика, мерчандайзинг, «искусство торговли», «искусство торговли», «культурная торговля», торговля, «немоязычный продавец».

Abstract: This article is important in that it focuses on the fact that the global economy is involved in today’s globalization process, leading to changes in demand for trade services. Important proposals and recommendations have been developed for the introduction of innovative directions and tools in the field of trade to increase the purchasing power of the population in the context of a global pandemic.

Keywords: economy, globalization, market, goods, services, behavior, dynamics, merchandising “art of trade” “art of trade” “cultural trade”, trade, “languageless seller”.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётининг глобаллашув жараёнларига жалб этилиши савдо хизматларига бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келди. Аҳоли харид қобилиятининг ошиши савдо соҳасини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари ва воситаларни жорий этишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш соҳасини, шунингдек, савдо соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Бизга маълумки, истеъмолчи бозорнинг муҳим ва бош элементи. Бундан ташқари, истеъмолчи рақобат муҳитининг муҳим омили саналади. Шунга кўра ҳозирги замон маркетинг технологиялари инсоний омилларга йўналган бўлиб бир қатор ижтимоий гуманитар фанларни ўзида мужассам этган ҳолда изчил ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Мазкур йўналишлардан, яъни маркетинг концепцияларидан бири, ижтимоий-аҳлоқий концепциясининг ҳозирги босқичининг тараққиёти бир қатор маркетинг коммуникацион тузилмасини пайдо бўлишини тақозо этмоқда. Ушбу коммуникацион технологиялардан бири – истеъмол бозорида товар сотишни такомиллаштиришга қаратилган мерчендайзинг технологик жараёнларидир. Ҳозирги бозорнинг глобал шароитларига боғлиқ ҳолдаги ўзгаришлар динамикаси истеъмол товар ва хизматларни истеъмолчи феъл – атворини, индивидиумнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарувчи механизмларини чуқур ўрганиб, унга таъсир этиб, харидорни мотивлаш, уларда айнан шу товарни харид қилишга туртки бериш каби коммуникацион – психологик дастаклар билан қуролланиш каби жиҳат-ларни эътироф этади. Чунки, чакана савдо тармоқларида истеъмолчи феъл – атворини, унинг ҳатти-ҳаракатларини юзага келтирувчи имкониятларни чуқур ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Инновацион иқтисодиёт шароитида чакана савдо фаолияти самарадорлигига, чакана савдо айланмасининг ривожланиши ҳамда ўсишига мерчендайзинг фаолияти функцияларини қўллаш орқали эришилади. Ҳозирги бозорнинг глобал шароитларига боғлиқ ҳолдаги ўзгаришлар динамикаси истеъмол товар ва хизматларни истеъмолчи феъл-атворини, шахсий эҳтиёжларини рўёбга чиқарувчи механизмларни чуқур ўрганиб, унга таъсир этиб, харидорни мотивлаш, уларда айнан шу товарни харид қилишга туртки бериш каби коммуникацион-психологик дастаклар билан қуролланиш каби жиҳатларни эътироф этади. Чунки, чакана савдо тармоқларида, истеъмолчи феъл-атворини, унинг ҳатти-ҳаракатларини юзага келтирувчи имкониятларни чуқур ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Клочкова М.С., Логинова Е.Ю. Якорева А.С.ларнинг Мерчандайзинг: ўқув амалий қўлланмаси Морган Т.,А.П. Романова. Парамонова Т.Н., Рамазанов И.А., Мерчандайзинг бўйича ёзган қўлланмалари ҳамда Розмари В. Мерчандайзинг: Дарсликлари шулар жумласидандир. Бу қўлланмалар маҳсулотларни сотишни ташкил этиш ва бошқариш тизими билан ўқувчиларни яқиндан таништиради.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада истеъмол бозорида товар сотишни такомиллаштиришга қаратилган мерчендайзинг технологик жараёнларини қиёсий ривожлантиришга оид турли хил ёндошувлар умумлаштирилган ҳолда ўрганилди, ҳамда хулосалаш асосида амалиётда яхлит қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар . Мерчендайзинг сўзини тўғридан-тўғри таржима қилганимизда, “савдо қилиш санъати” "савдо санъати" “маданиятли савдо” деб ҳисоблаш мумкин, яъни харидор учун товарларни танлаш ва сотиб олиш жараёнини осонлаштириш. Мерчендайзингнинг кўплаб расмий таърифлари мавжуд. Шулардан, учта энг кенг тарқалганини ажратиб кўрсатамиз:

1. Мерчандайзинг - бу маҳсулот сотишни ташкил этиш ва бошқариш тизими.

2. Мерчендайзинг - «дўкон ичидаги маркетинг».

3. Мерчендайзинг - маҳсулотни намойиш қилиш санъати (технологияси).

Учала таъриф ҳам тўғри, лекин биринчиси мураккаб ва кейинги иккитасини ўз ичига олади. Мерчандайзинг - бу дўкон савдо залида харидор учун харид қилиш учун қулай, ёқимли ва фойдали бўлишга қаратилган тадбирлар тизими. Мерчендайзинг ҳар доим истеъмолчиларга йўналтирилган бўлади. Товарга бўлган талабни ошириш орқали, бозордаги мавқени сақлаб қолиш учун омадли услуб ҳисобланади. Бундай ҳолатда мерчендайзинг “тилсиз сотувчига” айланади.

Яна бир таъриф: Мерчендайзинг сотувчисиз сотишдир. Ушбу таъриф шуни англатадики, дўкондаги товарлар сотувчи-маслаҳатчининг иштирокисиз ёки минимал иштирокида сотиш бутунлай мумкин бўлган

тарзда кўрсатилиши керак.

Мерчендайзинг маҳсулотни тўғри тақдим этиш ва харидорни кўпроқ сотиб олишга ва унинг хариди ушбу дўкондан мамнун бўлишига имкон беради. Барча сотиб олиш қарорларининг 2/3 қисмини пештахта олдида турган истеъмолчилар қабул қилишлари маълум бўлганидан кейин мерчендайзинг зарурлиги исботланган. Агар маълум турдаги маҳсулотни сотиб олиш олдиндан режалаштирилган бўлса ҳам, ҳар 10 та харидордан 7 таси тўғридан-тўғри савдо залида у ёки бу брендни танлашга қарор қилади. Дўконга келган ҳар 10 истеъмолчидан 9 таси қайси маркадаги маҳсулотни афзал кўриши борасида якуний қарорга эга эмас. Шундай қилиб, агар сиз харидорнинг эътиборини маълум бир товар ёки маҳсулот турига қаратсангиз, уларнинг савдосини оширишингиз мумкин.

Мерчендайзингнинг асосий мақсади харид қилиш жараёнида мижозларнинг қониқишини сақлаб қолиш ва ошириш билан бирга савдо ҳажмини оширишдир. Савдо имкониятлари:

- товарларни жавонларда самарали тақдим этиш;
- янги ва керакли маҳсулотларни илгари суриш;
- импулсли харидлар сонининг кўпайиши ва харидорнинг дўконда ўтказган вақти;
- янги мижозларни кутиб олиш ва эскиларини сақлаб қолиш;

дўкон учун рақобат устунлигини яратиш;

- харидорга маҳсулотнинг хусусиятлари ҳақида айтиб бериш қобилияти;
- харидорнинг хулқ-атворига таъсир қилиш (ижтимоий қоидалар ва ахлоқий сезгирликдан келиб чиққан ҳолда).

Савдо майдонидан оқилона фойдаланиш ва тўғри тартиб дўконда сотувни 10-20% га ошириши мумкин, лекин маҳсулот харидорнинг эҳтиёжларини қондирмаса ёки нотўғри нархланган бўлса, унда мерчендайзинг дўкон фаолиятини яхшилашга ёрдам бермайди.

Мерчендайзинг – бу сотиш жойида товарларни силжитиш тизими. Бу тизим ўзида тўртта компонентни мужассамлаштиради, яъни дўкон атмосфераси, савдо залидаги маълумотларни, товарларни жойлаштириш, тахлаш ҳамда сотувчи хулқ атвори. Мерчендайзингнинг мақсади- бу максимал товар ҳажми, максимал харидорлар оқими ва максимал нарх. Бу жараён ҳар доим истеъмолчиларга йўналтирилган бўлади. Товарга бўлган талабни ошириш орқали, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш учун омадли услуб ҳисобланади.Бундай ҳолатда мерчендайзинг “тилсиз сотувчига” айланади.

Мерчендайзинг “5К” тамойилига амал қилган ҳолда фаолият олиб боради, яъни керакли товар, керакли вақтда, керакли ҳажмда, кераклижойда ва керакли нархда. Чакана савдо корхонасининг ташқи кўринишию, унинг ички тузилиши, жиҳозланиши, жавонлардаги маҳсулотларнинг тартиб бўйича тахланиши,харидорлар оқимининг тартибга солиниши, савдо залининг безатилиши каби масалалар бўйича

мерчендайзерлар шуғулланади. Савдо фаолияти амалиётидан маълумки, товар хариди харидор тўловга қобилиятли ва товар унга зарур бўлгандагина амалга ошади. Лекин товарни харид қилиш учун унинг истеъмол хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Бундан ташқари бозорда одатда битта эҳтиёжни қондирадиган бир нечта товарлар мавжуд бўлади ва харидор улар орасидан танлашга мажбур бўлади. Истеъмол хусусиятлари номаълум бўлган товар бундай вазиятда сотиб олинмайди, ваҳоланки, инсон янгиликларга нисбатан ҳар доим бироз хавфсираш билан қарайди. Айнан ана шу тўсиқни йўқотиш, талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш мерчендайзинг хизматларининг асосий вазифаларидан биридир. Мерчендайзинг ҳар доим истеъмолчиларга йўналтирилган бўлади. Товарга бўлган талабни ошириш орқали, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш учун омадли услуб ҳисобланади. Бундай ҳолатда мерчендайзинг “тилсиз сотувчига айланади ”.

Мерчендайзинг стандарти –бу қонун ва қоидаларнинг чакана савдо корхоналарида ўрнатилиши, яъни савдо залида товарларнинг доимий бўлиши, товарларни тўғри жойлаштириш ва тахлаш, товар захиралари самарадорлиги ҳисобланади.

Чакана савдо хизматларининг моҳияти ўзгаришсиз қолмайди, у ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолатига, товар ассортиментига, савдо тармоғининг техник даражасига мос равишда ривожланади, такомиллашиб боради. Талабнинг шаклланиши харидорга товарнинг мавжудлиги ҳақидаги хабарни етказиш, бу товар орқали қондириладиган эҳтиёжлар ҳақида унга маълумот бериш, бу эҳтиёжларнинг қондирилиш сифатини исбот ва далилларини келтиришдан иборат.Талабни шакллантириш тадбирлари реклама, кўргазма ва ярмарка фаолияти, жамоатчилик билан алоқалар, шахсий сотув мерчендайзинг ёрдамида харидор онгига маҳсулот ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, ва натижада харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёни билан якунланади.

Сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган харидорга қаратилган. Сотишни рағбатлантириш тадбирининг вазифалари – мазкур товарнинг кейинги харид қилинишига, яъни харидорнинг такрорий харидини таъминлаш, катта партияларни сотиб олишга, чакана савдо корхонаси ва харидор ўртасида мунтазам савдо алоқаларини яхшилашга қаратилади.

Илмий жиҳатдан савдо хизмати моҳиятини очиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд. “Савдо маданияти” тушунчасига таянган ҳолда савдо хизмати элементларини қуйидагича белгилаш мумкин:

-чакана савдо корхоналарида белгиланган иш режимига қатъий амал қилиш;

-дўконларда кенг ва барқарор товарлар ассортиментининг мавжуд бўлиши;

-товар сотишнинг илғор усулларини қўллаш;

-харидорларга хизмат кўрсатишга сафланадиган вақтни минималлаштириш;

-савдо ходимларининг юқори касбий маҳорати, дўкон ходимларининг харидорларга нисбатан хушмуомалали, эътиборли муносабатлари;

-маълум товарларни сотиш тартиб-қоидалари тўғрисида харидорларни хабрдор қилиш;

-савдо ходимларининг тартибли ташқи кўриниши;

-дўкон ичидаги харидорларни ахборотлар билан таъминловчи воситалардан кенг фойдаланиш.

Шунингдек, “хизмат кўрсатиш маданияти” тушунчаси “хизмат кўрсатиш сифати” тушунчасининг барча томонларини қамраб ололмайди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда савдо хизмати сифатининг кенг қамровли муаммоларидан келиб чиқиб, унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- товар таклифининг сифати, савдо тармоғининг жойлашиш жойи ва ишлаш тартиби;

- харидорларга кўрсатилаётган қўшимча хизматлар –савдо сервиси сифати;

- харидорлар вақтини тежаш имкониятлари; савдо хизмати маданияти, яъни савдо иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ахлоқий, эстетик, психологик ва ҳуқуқий томонлари;

- истеъмолчилар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимояси.

Мерчендайзинг ўз навбатида товар сотишни юқори савияда амалга оширишга, даромаднинг изчил ўсишига олиб келадиган маркетинг коммуникацион усуллари мажмуаси бўлиб ҳисобланади.

Чакана савдо корхоналарида мерчендайзингни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

-савдо корхоналарининг бошқарув тузилмасидаги тижорат хизматига мерчендайзер лавозимини жорий этиш;

- савдо-саноат палатаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳузурида “Мерчендайзинг” ўқув курсларини ташкил этиш;

-чакана савдо корхоналарида товар ассортиментини жойлаштиришда харидорларнинг талаб- истакларини эътиборга олиш;

-савдо залида товарларни намойиш қилиш, жойлаштириш ва намойиш қилишнинг турли усулларидан фойдаланиш;

-товар айланиш жараёнининг барча иштирокчилари мерчендайзинг технологияларини жорий этишда ҳамжиҳатликда тадбирларни ўтказиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мерчендайзинг эффективны инструменты и управление товарными категориями / Алан Веллхофф, Жан- Эмиль Масон-М.: Издельский Дом Гребенникова, 2004.-280с.
2. Сысоева С.В., Бузукова Е.А. Мерчендайзинг, курс управления ассортиментом в рознице (+СД). СПб.: Питер, 2009.-256с.

3. Синяева И.М., Романенкова О.Н., Жильцов Д.А. Реклама и связи с общественностью. Учебник.-М.: Юрайт, 2013-552с.
4. Толмачева И.А. Эффективный мерчендайзинг. Взгляд поставщика.- СПб.: БХВ-Петербург, 2012-160с.
5. Шарков Ф.И. Паблик рилейшнз: Учебник.-М.: Издательско- торговая корпораиця «Дашков и К», 2012-332с.
6. Клочкова М.С., Логинова Е.Ю. Якорева А.С. Мерчандайзинг: Учебно-практическое пособие. - М.: Дашков и К. 2013. - 282 с
7. Морган Т., Визуальный мерчандайзинг: витрины и прилавки для розничной торговли / Т. Морган, пер. с англ. А.П. Романова. - М.: РИПОЛ классик, 2013. - 208 с
8. Парамонова Т.Н., Рамазанов И.А., Мерчандайзинг. - М.: Кнорус, 2010, - 144 с
9. Розмари В., Управление розничными продажами. Мерчандайзинг: Учебник. - М.: Изд-во Проспект, 2010. - 272 с
10. Таборова А.Г., Умный мерчандайзинг. - М.: Дашков и К. - 2012. - 160 с

Ж.Ў.Суюнов – СамИСИ таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Хизмат кўрсатиш соҳасида озиқ-овқат савдоси корхоналарининг ўрни ва унинг вазифалари кўрсатиб берилган .

Калит сўзлар: савдо, корхона, хизмат, озиқ-овқат, умумий овқатланиш, миллий, бозор, истеъмолчи, самарадорлик, маориф, маданият, санъат, фан.

Аннотация: В данной статье описывается роль предприятий торговли продуктами питания в сфере услуг и их функции.

Ключевые слова: торговля, предприятие, сервис, питание, общественное питание, национальный, рынок, потребитель, эффективность, образование, культура, искусство, наука.

Abstract: This article describes the role of food trade enterprises in the service sector and its functions.

Keywords: trade, enterprise, service, food, catering, national, market, consumer, efficiency, education, culture, art, science.

Товар ишлаб чиқарувчилар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини қайта ихтисослаштириш, ишчи кучини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш, минтақанинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

Шунинг учун озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификация қилиш соҳасидаги корхоналарнинг вазифаси муаммога спекулятив қараш эмас, балки уни ҳал қилишнинг энг оқилона усулларини жадал излашдир. Бу қанчалик самаралироқ бўлса, рақобат учун тезроқ шарт-шароитлар яратилади ва хизмат курсатиш сохасининг илмий-техникавий тараққиётга мойиллиги ошади. Фақат озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашга кенг қамровли ёндашувни амалга ошириш юқори монополияга учраган корхоналарни ажратиш, кичик ва бошқа ташкилий тузилмаларни яратиш,

бозор маконини шакллантириш учун бу ёки бошқа версиянинг асоси бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификация қилиш жуда мураккаб, кўп қиррали ва қиммат жараён бўлиб, у етарлича самарали бўлгунга қадар корхона бир неча босқичлардан ўтиши керак:

Тайёрлаш - бўш моддий-техник ресурсларни аниқлаш;

Бошланғич - оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини ва ишлаб чиқариш қувватларидан енг самарали фойдаланишни аниқлаш учун анъанавий ишлаб чиқаришни бозор талабларига максимал даражада мослаштириш;

Ташкилий - ишчи кучини қайта тайёрлаш ва ўқитиш, бошқарувнинг тегишли ташкилий шаклини танлаш ва зарурат бўлганда мулкчилик шаклини ўзгартириш;

Аслида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Белгиланган сценарий, компания қайта-қайта ишлаб чиқаришни диверсификация қилади. Ҳар бир ҳолатда, бир йўналишни ёки бошқа йўналишни танлашнинг объектив мезони ва диверсификациянинг иқтисодий мақсадлилиги рақобат учун биноларнинг етуклик даражаси бўлади.Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификация қилишнинг концептуал асосларини тўғри ишлаб чиқиш муҳимдир, бу ҳар бир корхонага бозорнинг тўлақонли субъектига айланиш имкониятини беради.

Савдо ва умумий овқатланиш , моддий техника таъминоти, савдо ва тайёрлов кўрсаткичлари 2013 йилдан 2020 йил оралиғида 15,3 фоизга ўсган.Бундай ҳолат хизматлар соҳасида савдо ва умумий овқатланиш тармоғини ўрни мавжудлиги ва ривожланаётганлиги- дан далолат беради. Бунга мутоносиб равишда тармоқда кейинги етти йил ичидаги макроиқтисодий таҳлил натижалари аҳолининг бандлиги ва даромадлари ошиб борганлигини кўрсатади.

Озиқ-овқат савдоси хизмати – бу малакали сотувчилар томонидан харидорларга уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган товарларни сотиб олгунига қадар ва сотиб олганидан кейинги даврда кўрсатиладиган юқори даражадаги иқтисодий фаолият натижасидир.

Бугунги кунда озиқ-овқат савдоси корхоналарини фаолиятини самарали олиб бориш, фойдасини ошириш ва рақобат курашида устун бўлишларида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу жараённи амалга ошириш орқали аҳолининг турли-туман ва кенг ассортиментдаги истеъмол товарларига бўлган талаблари қондирилиб уларнинг харид вақтлари тежалмоқда. Бунинг натижасида эса, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб бормоқда. Бироқ бу масалада ҳали жуда кўп ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, ушбу тушунчанинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги оқибатида бу тушунча таърифининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги бунга яққол мисолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат савдо соҳаси кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичларида муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. У ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўртасидаги кўприк

вазифасини бажаради. Шу тариқа кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради (1-расм).



1-расм. Озиқ-овқат савдоси соҳасининг хизматлар соҳасидаги ўрни[1]

Ушбу расмдан ҳам кўриниб турибдики, озиқ-овқат савдоси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самарадорликни ошириш учун ҳам мустаҳкам замин бўлиб ҳисобланади. Чунки бу орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз истеъмолчиларини топади ва мос равишда истеъмолчилар ўзларига зарур бўлган товар ва маҳсулотларини савдо корхоналаридан харид қилиб олади. Шунинг учун бугунги кунда савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ўта муҳим масалалар сирасига кириб бормоқда. Чунки аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматларининг ўрни беқиёс. Шу туфайли савдо хизматларининг турларига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади.

Озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматлари билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларга бозорлар, дўконлар, мини маркетлар, супермаркетлар, гипемаркетлар, ларёклар каби савдо шохобчалари киради.

Озиқ-овқат савдоси корхоналари хизматлари **мақсади деганда савдо соҳаси иқтисодиётида содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, ҳодисалар, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажак истиқболини белгилаш жараёнида учрайдиган муаммоларни ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.**

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун тегишли вазифалар белгиланиб олинади. **Озиқ-овқат с**авдоси корхоналари хизматлари вазифалари қуйидагилардан иборат:

– озиқ-овқат савдоси соҳасининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бериш;

– озиқ-овқат савдоси соҳасининг асосий йўналишларни, савдонинг турларини ўрганиш;

– озиқ-овқат савдоси соҳасининг савдо шохобчалари бўйича ўрганиш;

– озиқ-овқат савдоси соҳасини мамлакатимизнинг ҳудудлари бўйича ўрганиш;

– озиқ-овқат савдоси соҳасининг истиқболли йўналишларига баҳо бериш ва унда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини ҳал қилиш кабилар.

Пировардида булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳоли-

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

нинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини савдодан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Савдо аҳоли учун зарур бўлса, аҳолининг мавжудлиги ва унинг фаровонлиги савдо соҳасининг ривожланиши учун зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.Емельянова Т.В. Экономика общественного питания - Минск. Высшая школа. 2003.

2.Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 28

3.Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 16 б.

4.Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. - 66 б.

5.Иватов И. Ресторанное хозяйство в туристической сфере. Учебное пособие - Т.: ТГЭУ, 1998. – с. 131., Савдода маркетинг фаолияти. Монография. Т.: ТДИУ, 2004.

6.Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998. с. 282

7.Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: «Фан ва технология», II том 2008.- 224

8.Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши . 2019-йилда Ўзбекистон Республикасиси учун 2019 йил учун Статистик тўплами. – 5.с.

9.The Penguin Dictionary of Economics (GrahamBannock, R.B. Baxter and Етлеп Davis], - 1998. -p. 168.

J.A. Umirzoqov– PhD student of Tashkent Financial Institute

THROUGH INTENSIVE PLACEMENT OF INVESTMENT PROJECTS INCREASE OF INVESTMENT ACTIVITY OF SPECIAL ECONOMIC ZONES (ON THE EXAMPLE OF DAVLATABAD DISTRICT YOUTH INDUSTRIAL ZONE)

Abstract. In this thesis, we analyze the activities of the youth industrial zone in this area on the example of Davlatabad district, Namangan region, Namangan region, which is the object of our study, the selection and placement of investment projects in youth industrial and business zones.

Keywords: investment projects, special economic zone, youth industrial zone, youth employment, investment, business entity

Аннотация. Мазкур тезисда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида инвестиция лойиҳаларини танлаш, уларни жойлаштиришни тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Наманган вилояти, Наманган шаҳри ҳудудида жойлашган Давлатобод тумани мисолида мазкур ҳудудда ташкил этилган ёшлар саноат зонаси фаолиятини таҳлил қиламиз.

Калит сўзлар: инвестиция лойиҳалари, махсус иқтисодий зона, ёшлар саноат зонаси, ёшлар бандлиги, инвестициялар, тадбиркорлик субъекти.

Аннотация. В данной научной тезисе проводится анализ деятельности молодежной индустриальной зоны в данной сфере на примере Давлатабадского района, Наманганской области, Наманганской области, что является объектом нашего исследования, отбор и размещение инвестиционных проектов в молодежных индустриально-деловых зонах.

Ключевые слова: инвестиционные проекты, особая экономическая зона, молодежная индустриальная зона, занятость молодежи, инвестиции, хозяйствующий субъект.

Investment projects in youth industrial zones are implemented in accordance with the "Regulations on the Youth Industrial and Entrepreneurial Zone", approved by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on May 10, 2021 No. 294 under the leadership of city and district mayors. In this regard, we analyze the activities of industrial zones on the example of the youth industrial zone in Namangan region and Davlatabad district of Namangan, which are the object of study. A total of 19 youth industrial and business zones have been established in Namangan region. So far, 117.2 hectares of land have been allocated for 19 youth industrial and business zones established in Namangan region. It is planned to implement 434 projects worth 1,481,848.0 million soums in these industrial zones. 150 of these projects have been implemented at a cost of 573,670.0 million soums. 5 647 new jobs were created due to the implemented projects. The volume produced as a result of these projects 21 288 million soums.

In particular, on the basis of the decision of the Namangan City Council of People's Deputies dated 11.09.2020 No 57/06, a youth industrial and entrepreneurial zone was established on the territory of "Yuksalish" farm of Davlatabad district. This aspect is analyzed below, as the socio-economic development of the district actively influences the development of this industrial zone. In the socio-economic development of Davlatabad district, the investment program of the district for 2022-2026 plays a special role in the economic development of the district.

Table 1

SWOT analysis of the state of socio-economic development of Davlatabad district, Namangan [1]

Strengths	**Weaknesses**
Due to the development of the garment industry, the industry has these skills. Located in a geographically convenient location. There are more than 250 garment	The volume of goods and services has a high volume of imports and a negative balance in the volume of foreign trade turnover. The share of raw material exports is

[1] Наманган шаҳри, Давлатобод тумани ҳокимлиги ёрдамида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида тузилган.

enterprises in the district, 60-70% of which are exported. There are 5 KSZs in the district, in which 218 projects worth 1.9 trillion soums are being implemented. Creating more than 13,000 new jobs.	high. Lack of infrastructure for the export of goods and services. The presence of problems in the sale and storage of products.
Opportunities Currently, more than 60 projects are under construction in the district, where 5 small industrial zones have been established Opportunities to diversify products and services in enterprises. Organization of training seminars and trainings on the formation of qualified personnel, as well as advanced training courses. Location of an international airport in the area.	**Threats** Price fluctuations in the domestic and foreign markets. Industrial enterprises operate at full capacity, sales of manufactured products are low. Declining purchasing power of the majority of the population.

In particular, the youth industrial and business zone established in Davlatabad district is located on 30.0 hectares of land, so far 30 projects have been fully implemented and another 30 projects are being implemented.

Table 2

Information on entrepreneurial projects in the youth industrial and business zone established in Davlatabad district [1]

Project cost, billion soums	**Number of projects**	*including sources of funding*			**Workplace**	**Land area, hectare**
		own funds, billion soums	bank credit, billion soums	foreign investment, billion soums		
402,1	60	371,3	25,3	5,5	3 295,0	30,0

The total cost of these projects is 402.1 billion soums. As a result of these projects, 3,295 new jobs were created. It is noteworthy that more than 92% of the financing of the implemented projects comes from the own funds of young businesses.

Targets for the development of youth industrial and business zones in Namangan region show that the development of infrastructure sectors, including electricity, natural gas, drinking water, sewerage, roads, etc. 150 295.7 mln.

[1] Наманган шаҳри, Давлатобод тумани ҳокимлиги маълумотлари асосида тузилган.

soums were allocated. A total of 10,350.0 million soums have been allocated for the construction of a 2-kilometer power line in the region to increase the investment activity of the youth industrial and business zone, which is the object of direct research, established in the territory of Yuksalish Farm in Davlatabad district. soums were spent.

Table 3

Indicators of infrastructure development of the youth industrial and business zone established on the territory of Yuksalish Farm in Davlatabad district

As of 20.01.2022

Indicator	Total funds (mln. soums)	Infrastructure networks									
		Electricity		Natural Gas		Water		Sewage		Highway	
		working volume (km)	summa	working volume (km)	summa	working volume (km)	summa	working volume (km)	summa	working volume (km)	summa
Plan	**26414,3**	**2**	**10350,0**	**0,5**	**150,0**	**2,3**	**683,3**	**0,9**	**731,0**	**5,5**	**14500,0**
Done	20614,3	2	10350,0	0,5	150,0	2,3	683,3	0,9	**731,0**	3,3	8700,0

A total of 26,414.3 million soums are planned to be spent for the development of the infrastructure of the youth industrial and entrepreneurial zone established in the territory of Yuksalish Farm in Davlatabad district. In practice, these funds will be used to pay 150.0 million soums for natural gas. 683.3 million soums were spent for connection to water networks, 731.0 million soums for sewerage and 8700.0 million soums for construction of roads.

Based on the above, it can be said that the newly established youth industrial and business zones are a major project that contributes to the social and economic development of the region, youth employment.

III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

O.T Astanakulov – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi dotsenti
M.X Soxibova – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

TURISTLARNI JOYLASHTIRISHNING XALQARO TEXNOLOGIK INFRASTRUKTURASINING XUSUSIYATLARI VA USTUVOR YO‘NALISHLARI

Annotatsiya. Mazkur maqola turistlarni joylashtirish xalqaro texnologik xususiyatlari va ularni mamlakatimizga tadbiq etishning yo‘nalishlariga bag’ishlangan. Mazkur sohaning xalqaro turizmdagi iqtisodiy holati ham tahlil qilingan. Bundan tashqari, mamlakatimizda turistlarni joylashtirish muammosi yechimiga bag’ishlangan tavsiyalar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: turistlarni joylashtirish, mehmonxona, mehmonxona zanjiri, xizmatlar.

Аннотация. Данная статья посвящена международным технологическим особенностям размещения туристов и направлениям их применения в нашей стране. Также было проанализировано экономическое положение отрасли в международном туризме. Кроме того, даны рекомендации по решению проблемы размещения туристов в нашей стране.

Ключевые слова: размещение туристов, гостиница, гостиничная сеть, услуги.

Abstract. This article is dedicated to the international technological features of tourist accommodation and the directions of their application in our country. The economic situation of the industry in international tourism was also analyzed. Besides, it has been given scientific recommendations for solving problem of tourist accommodation in our country.

Keywords: tourist accommodation, hotel, hotel chain, services.

Turistlarni joylashtirish vositalari vaqti-vaqti bilan yoki muntazam ravishda ularni tunash uchun joy bilan ta’minlovchi har qanday obyektlarni (odatda bino ichida) o‘z ichiga oladi.

Jahon sayyohlik tashkiloti (UNWTO) tavsiyalariga muvofiq barcha turar joy obyektlarini ikki toifaga ajratish mumkin: jamoaviy va individual. Turistlar uchun jamoaviy joylashtirish vositalari mehmonxonalar va ularning analoglari, ixtisoslashtirilgan muassasalar, turistlar uchun boshqa jamoaviy joylashtirish vositalaridan iborat.

Mehmonxonalarning asosiy xususiyatlari sifatida, birinchi navbatda, xonalarning mavjudligini ta’kidlab o‘tish zarur. Boshqarish xususiyatlariga

qarab mehmonxonalar mustaqil yoki mehmonxona zanjirlari kabi guruhlarga bo‘linadi. Eng yirik xalqaro mehmonxona zanjirlariga quyidagi kompaniyalar egalik qiladi[1] (1-rasm):



1-rasm. Eng yirik xalqaro mehmonxona zanjirlariga ega kompaniyalar

Mehmonxonalarda quyidagi majburiy xizmatlar taqdim etiladi:

- xonani tozalash,
- kundalik to‘shak tayyorlash va sanitariya blokini tozalash,
- keng doiradagi qo‘shimcha xizmatlar.

Mehmonxonalar alohida xarakteristikaga ega bo‘lgan iste’molchilarga yo‘naltiriladi. Bugungi kunda dunyoda 249 million xonaga ega 5 milliondan ortiq mehmonxonalar mavjud va mazkur mehmonxonalarning yillik daromadi 880 milliard AQSh dollaridan oshadi [2] (Toshkentda 548 ta mehmonxonalar mavjud[3]).

Mehmonxonalarga analog bo‘la oladigan muassasalar guruhi ma’lum nomerlar fondiga ega va bir necha majburiy xizmatlarni taqdim etadi. Bunday analoglarga pansionlar, maxsus jihozlangan xonalar, turistik yotoqxonalar va boshqalar kiradi. Bundan tashqari yagona boshqaruvga ega ixtisoslashgan muassasalar turistlarga xizmat ko‘rsatish uchun mo‘ljallangan. Ularda alohida nomerlar taqdim etilmaydi, uning o‘rniga birlik turar joy, jamoaviy yotoqxona yoki maxsus hududlar bo‘lishi mumkin.

Sayyohlar uchun yotoq joyini ta'minlashdan tashqari muassasa boshqa faoliyat turlarini ham amalga oshirishi mumkin. Bunday ixtisoslashgan muassasalarga misollar sog'lomlashtirish muassasalari (kurortlar, sanatoriylar, sog'lomlashtirish "fermalari" va boshqalar), lagerlar, jamoat transportidagi yotoq uchun joylar (poyezdlar, kemalar), kongress markazlaridagi maxsus zonalar.

Dam olish maskanlari, sanatoriylar hamda kurortlarda tunash uchun joylarni ta'minlash funksiyasi ularning asosiy faoliyat turi hisoblanmaydi.

[1] https://tourlib.net/statti_tourism/katkalo.htm
[2] https://nat-geo.ru/travel/skolko-v-mire-oteley
[3] https://planetofhotels.com/uzbekistan/tashkent

Ularda eng avvalo, tabiiy omillar(iqlim, dengiz, mineral suv va boshqalar)ni jalb qilish orqali tashrif buyuruvchilaridagi kasallikni davolash va oldini olish muhim ahamiyat kasb etadi.

Jamoaviy turar joy muassasalari sifatida kvartira tipidagi mehmonxonalar, uy majmualari yoki bungalolar xizmat qiladi. Ushbu majmualar yagona boshqaruvga ega, haq evaziga, ijaraga yoki bepul har qanday shaxs/shaxslar yoki tashkilot tomonidan berilishi mumkin.

Irlandiya sayyohlik kengashi quyida ta'riflangan dam olish uy komplekslarini taklif qiladi[1]. Kompleks tarkibiga to'qqiztadan kam bo'lmagan binolarni o'z ichiga oladi va ulardan birida bosh ofis joylashadi. Binolar uzoq muddatli inshoot bo'lib, alohida kirish eshiklari mavjud va yaxshi ekspulatsion holatda bo'ladi. Har bir uyda uxlash, ovqatlanish, dam olish uchun xonalar, ombor, jihozlangan hammom va badrafxona mavjud. Bunday uylarning tashqi qismi (xovlisi)dan ham foydalanish mumkin. Har bir uy keluvchi har bir yangi mijoz uchun tayyorlanadi va tozalanadi. Uylarda yashash davomida ularni tozalash va to'shaklarni yig'ish xizmatlari ko'rsatilmaydi.

Jamoaviy turar joy muassasalariga yana bir misol sifatida kemping yoki kichik kemalar uchun buxtalarni keltirish mumkin. Bunday joylarda mijozga yotoqdan tashqari ayrim xizmatlar (axborot, savdo-sotiq, dam olish) taklif qilinadi.

Individual yashash uchun manzillar to'lov, ijara yoki bepul berilishi mumkin. Bunday muassasalarga nafaqat kvartira, kotej kabi manzillar, balki time-sharing asosida beriladigan maxsus uylar ham beriladi. Bundan tashqari individual turist biror bir oila istiqomat qiluvchi xonadonda ijara huquqlari asosida tunab qolishi mumkin.

Sayyoh jismoniy yoki yuridik shaxslardan to'liq jihozlangan manzil (uy, kvartira, kotej) olishi yoki bepulga o'z qarindoshlarinikida qolishi mumkin.

Bugungi kunda mamlakatimizda turizm sektorini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda, chunki turizm ko'plab mamlakatlar tajribasida iqtisodiyot uchun kuchli katalizator bo'la olishi isbotlangan. Shunday ekan, turizm infrastrukturasini rivojlantirish, mintaqalarda ularni takomillashtirishga alohida urg'u berish, xususan turistlarni joylashtirishning xalqaro texnologik infrastruk-turasi tajribasini o'rgangan holda tadbiq etish lozim. Mazkur infrastrukturani rivojlantirish uchun avvalambor xalqaro mehmonxonalar, bundan tashqari sayyohlarni joylashtirish maskanlarining analoglarini yaratish, rivojlantirish va xalqaro turistik bozorga taqdim etish eng yetakchi vazifalardan biri hisoblanadi.

Mehmonxona sohasi O'zbekiston iqtisodiyotning eng tezkor va muvaffaqiyatli rivojlanayotgan sohalaridan biri bo'lib, yiliga 15-20 foizga o'sib bormoqda[2]. Biroq koronavirus bilan bog'liq vaziyat sabab bu biznes hozircha to'liq tiklangani yo'q. Shunday bo'lsa-da, aynan inqiroz mehmonxona biznesida

[1] https://www.unwto.org/archive/europe/event/sustainable-and-competitive-hotels-through-energy-innovation-nearly-zero-energy-hotels-2015

[2] https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/13378-mehmonxona-va-shunga-o-xshash-joylashtirish-vositalari-o-rinlari-soni

mavjud bo‘lgan asosiy kamchiliklarni ko‘rsatib, O‘zbekistonda ushbu sohaning rivojlanish yo‘llarini aniqlashga yordam berdi. Har qanday inqiroz tezkor choralarni talab qiladi, masalan xorij tajribasini o‘rganish hamda tadbiq qilish, mavjud mehmonxona va turistlarni joylashtirish manzillari faoliyatini tartibga solish, mamlakatimizha xorij standartlarini joriy etish va sohadagi xorijlik ekspertlar bilan hamkorlikni kuchaytirishdir.

Turistlarni joylashtirishning xalqaro texnologik infrastrukturasini mamlakatimizda joriy etishning bir necha ustuvor yo‘nalishlarini belgilab olishimiz mumkin:

– joylashtirish vositalarining zamonaviy boshqarish texnologiyalari va integrallashgan tizimlarini joriy qilish;

– xalqaro standartlarga muvofiq mehmonxonalarning tasniflash tizimi va texnik xususiyatlarini takomillashtirishni joriy qilish (shu jumladan loyihalashtirish bosqichida);

– O‘zbekistonning mehmonxona sektoridagi investitsiya imkoniyatlari va salohiyatni chet elda targ‘ib qilish, mamlakatga xalqaro mehmonxona tarmoqlarini jalb qilish;

– mehmonxona va joylashtirish vositalari sohasi mutaxassislarining malakasini oshirish bo‘yicha trening va tadbirlarni tashkil qilish;

– sohaning raqamli transformatsiyasini qo‘llab-quvvatlaydigan innovatsion texnologik yechimlarni jalb qilish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi statistika qo‘mitasining rasmiy sahifasi
2. www.unwto.org – xalqaro turizm tashkilotining rasmiy veb-sahifasi
3. tourlib.net – turistik kutubxona
4. nat-geo.ru – ilmiy nashrning rasmiy sayti
5. planetofhotels.com – xalqaro mehmonxonalarni bron qilish sahifasi

В. Сирлибоев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДАГИ ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАРДА ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада Зарафшон водийсидаги экотуристик районларда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган ва белгиланган. Бу экотуристик районларда халқаро экотуризмни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: экотуристик район, ғор, кориз, сардоба, бархан, қоятошдаги расмлар, ғоршунослик.

Аннотация: в статье определены и обозначены основные направлении развития международного экотуризма в экотуристических районах находящихся в Зеравшанской долине. Даны предложении развития международного экотуризма в этих экотуристических районах.

Ключевые слова: экотуристический район, пещера, кориз, сардоба, бархан, наскальные рисунки.

Abstract: the article defines and outlines the main directions for the development of international ecotourism in ecotourism areas located in the Zeravshan Valley. Proposals for the development of international ecotourism in these ecotourism areas are given.

Keywords: ecotourism area, cave, koriz, sardoba, dune, rock paintings.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси нашр қилингандан кейин ватанимиздаги экотуризм ресурсларини ўрганиш бошланди. Бу ўрганишларнинг дастлабки натижалари Ўзбекистон Республикасининг экотуристик районлари ва бу районларнинг қисқача экотуристик тавсифини ва экотуристик районларнинг харитасини А.Ниғматов ва Н.Т.Шомуратовалар ишлаб чиқди.[1].[2]. Мазкур харитага мувофиқ бутун мамлакатимиз ҳудуди XIV экотуристик районга ажратилган: Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилкум, Нурота, Зарафшон, Айдаркўл, Сирдарё, Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашақадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик районлари.

Харита бўйича Зарафшон водийсида 3 та - Нурота, Зарафшон ва Қизилқум экотуристик районлари жойлашган. Ушбу экотуристик районларнинг ҳар бирида экотуризм ишқибозларини қизиқтирувчи экотуристик объектлар кўплаб топилади.

Нурота экотуристик райони ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни қизиқтиради. Бу районнинг экотуристлар учун энг жозибали объектлари 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота давлат табиат тоғ ёнғоқзор қўриқхонаси ҳисобланади.





Нурота тоғлари

Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган шамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат харсанг тошли «Сангижумон», «Кориз қолдиқлари» каби табиат ёдгорлиги ички ва халқаро экотуризмнинг муҳим объектларидир.

[1]. Шомуротова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари, г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент, 2011, 22 б.

[2]. Ниғматов А., Шомуротова Н., Ўзбекистонни экотуристик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси, ж.№ 2 ,2007,Тошкент.-45-54 б



Сангижумон тебранувчи сирли тош. Оғирлиги 200-207 тонна дейилмоқда,бу тошни бир киши бемалол тебрата олади.



Кабутартош

Кўп асрлик зиёратгоҳ «Чашма булоқ» яқинида «Чилустун» масжиди, мадраса, Абул Ҳасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида «Сармиш дараси»даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.





Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м,майдони 163м келадиган «Майдон карст ғори», Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130м, абсолют баландлиги 1100м, майдони 70м келадиган «Хонаихудо карст ғори»да ғоршуносликни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган «Работи Малик карвон саройи» сайёҳларнинг тўхташ жойи шунингдек, савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работи Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ёдгорлик-сардоба учрайди. Ер ичига 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Зарафшон экотуристик районида Зарафшон дарёси бўйларида жой лашган тўқай ландшафти,ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштирилган «Зарафшон миллий парки» мавжуд.

Бухоро вилоятининг Шофрикон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорликлар давлат томонидан қўриқланади. «Варданза қўриқхонаси», «Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш буюртмахонаси», «Жайрон-экомаркази», «Денгизкўл буюртмахонаси», Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонқўтон ва Темур карст ғорлари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмалари даги кўп қаватли «Ғунтак ғори» ва бошқалар экотуризмнинг асосий ресурслари ҳисобланади.

Қизилқум экотуристик райони Ўзбекистоннинг бошқа экотуристик районларидан табиий-иқлимий хусусиятлари бўйича ажралиб туради. Чунки бу экотуристик район Республикамиздаги энг катта чўлнинг ҳудудларида жойлашган. Сайёрамиздаги энг катта чўллардан ҳисобланувчи Қизилқум чўлининг майдони 32,5 млн.га. Шундан, 7 млн.га майдони Ўзбекистон ҳудудларида, қолганлари Қозоғистон Республикасининг асосий майдонларини эгаллайди.




Қизилқум чўлидаги "Тош ҳайкаллар ва туризм

Қизилқум чўлида чўлнинг барча типлари ва релъеф шакллари учрайди. Майдақум тепали массивлар ва кўчма қум барханлари ҳам Қизилқумнинг асосан марказий қисмида жойлашган. Ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси Марказий Осиёнинг чўллари ва ўсимликларини ифодалайди.

Зарафшон водийсидаги экотуристик районларда халқаро экотуризм ни ривожлантиришдаги вазифалар. Ўзбекистоннинг экотуристик районла ри харитасининг ишлаб чиқилиши ҳам мамлакатимизда ички ва халқаро экотуризмни ривожлантиришдаги жиддий тадқиқотлардан ҳисобланади. Шу билан бирга бу экотуристик районларда экотуризмни ривожлантириш ни қуйидаги йўналишларда олиб боришга тўғри келади:

1.Экотуристик райондаги экотуризм ресурсларидан халқаро экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг ҳуқуқий-мъёрларини ишлаб чиқиш.

2.Экотуристик районда туризмда фойдаланиш мумкин бўлган барча русурсларнинг рўйхатини тузиш ва таъриф-тавсифларини тайёрлаш.

3.Экотуристик районда халқаро экотуризмни ривожлантириш йўналишларини, имкониятларини, илмий, амалий ва ташкилий жиҳатлар –

дан ишлаб чиқиш.

4.Экотуристик районнинг халқаро экотуризм ресурслари рекламаларини ва халқаро маршрутларини ишлаб чиқиш.

Хулоса:

1. Ўзбекистоннинг экотуристик районларида халқаро экотуризмни ривожлантиришда келтирилган йўналишлар мукаммал илмий тадқиқотлар ни ўтказишни ва ташкилий-иқтисодий тизимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам экотуризм мутахассислари дастлабки босқичда мамлакатимизнинг вилоятларида халқаро экотуризмни ривожлантириш муаммоларини ўрганишни бошлашлари лозим бўлади.

2.Экотуристик районда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий, экологик ва иқтисодий тизимларини ишлаб чиқиш керак.

Тавсиялар:

1.Экотуристик районда аҳолини халқаро экотуризм соҳасига тайёрлашда бепул ўқитиш ва экотуризм тадбиркорлиги марказларини ташкил қилиш.

2.Экотуристик районда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш.

3.Экотуристик районлардаги экотуризм ресурларида (объектларида) халқаро экотуристик инфратузилмалар яратишга киришиш.

4.Республикамиздаги вилоятлар ўзларининг ижтимоий ва иқтисодий ривожалантириш дастурларига халқаро экотуризмни ривожлантириш дастурларини ҳам қўшиш.

А.К.Гаппаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Аннотация: Ушбу мақолада экологик туризм XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб жаҳон туризми индустриясига аста-секин кира бошлади. Бутунжаҳон Туризми Ташкилотларининг маълумоти бўйича кейинги беш йилда экологик туризмда туристлар оқими тобора кучайиб бораётганлиги ва бошқа кўплаб омиллар таъсир кўрсатаётганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: туризм, экологик туризм, туристик ресурслар, антропоген, халқаро туризм, ривожланиш, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи, Туризм жамияти, Бутунжаҳон туризм ташкилоти.

Аннотация: В данной статье экологический туризм постепенно входит в мировую индустрию туризма с 1980-х гг. По данным Всемирной туристской организации, за последние пять лет поток туристов в экотуризм растет и находится под влиянием многих других факторов.

Ключевые слова: туризм, экологический туризм, туристские ресурсы, антропогенный, международный туризм, развитие, Международный союз охраны природы, Общество туризма, Всемирная туристская организация.

Abstract: In this article, eco-tourism has been gradually entering the global tourism industry since the 1980s. According to the World Tourism Organization, over the past five

years, the flow of tourists in eco-tourism has been growing and is influenced by many other factors.

Keywords: tourism, ecological tourism, tourist resources, anthropogenic, international tourism, development, International Union for Conservation of Nature, Tourism Society, World Tourism Organization.

Экологик туризм XX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб жаҳон туризми индустриясига аста-секин кира бошлади. Бутунжаҳон Туризми Ташкилотларининг маълумоти бўйича кейинги беш йилда экологик туризмда туристлар оқими тобора кучайиб бораётганлиги ҳақида ҳисоб-китоб натижалари келтирилган. Хизматдаги вазифаларни самарали бажариш учун инновацион фаолият ва ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга[1].

Бу туризм йўналишида Жанубий Европа, Жанубий – шарқий Осиё, Хитой ва Африка қитъасидаги давлатлар олдинги ўринларга чиқмоқда. Лекин, экологик туризм тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилгани йўқ. Экотуризм тушунчасини олимлар, мутахассислар ва халқаро туризм ва халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари турлича таърифлашмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМҚХИ) – “Экологик туризм ёки экотуризм табиий муҳитга нисбатан маъсулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда уни ўрганиш, ҳамда табиатнинг бетакрор, жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилган ҳолда табиатга кўмаклашади, атроф-муҳитга “юмшоқ” таъсир этади, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”.

Туризм жамияти (ТЖ) – “Табиий ҳудудларга маъсулят билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди”.

Ёввойи табиат умумжаҳон жамғармаси (ЁТУЖ) – “Экотуризм – нисбатан табиатга зиён етказмаган ҳудудларга саёҳат, маданий этнографик хусусиятлари ҳақида тасаввур олиш мақсадида, тизмнинг бутунлигини бузмаган ҳолда, шундай иқтисодий шароитлар яратадики, унда табиатни муҳофаза қилиш яхшиланади ва табиий ресурслар маҳаллий халққа фойда келтиради”.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) – “Экотуризмда табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди”. Айниқса 2019 йил Хитойдан бутун дунёга тарқалган коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига катта зарар етказди[2].

Ўзбекистон экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида[3]-

[1]2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.

[2] Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

[3] Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси. Ж. Экология хабарномаси, № 6

“Экологик туризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонат ва ўсимлик дунёсига саёҳат балки, ижтимоий – иқтисодий масалаларни амалга ошириш ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз”.

Америка қўшма штатлари экотуризм жамияти-маҳаллий аҳоли манфаатларини эътиборга олувчи, табиий ресурсларни мухофаза қилувчи, экотуризмларни бутунлигини сақловчи, маҳаллий маданият ва табиий муҳитни чуқур англаш учун табиий ҳудудларга қилинган мақсадли саёҳат.

Австралия миллий экотуризм стратегияси-экологик турғунлик принципларига ва экологик билим, маданий дастурларга амал қилишга асосланган ҳолда табиатга мақсадли саёҳат қилиш туризми.

Дунё ҳамжамиятига хизмат қилувчи халқаро марказларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари ҳар-хил бўлсада экотуризмнинг ўрнини белгилашдаги хулосалари деярли бир хил. Лекин, экотуризмни тарғиб қилаётган БТТ(Бутунжаҳон туризм ташкилоти), ТЖ(Туризм жамияти), ТМҚХИ(Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи)нинг иш тартиби, мақсадлари доимо бир-бирига қарши туради. Дастлабки, икки халқаро жамият табиатдан туристик мақсадларда фойдаланиш тарафдори, кейинги халқаро ташкилот эса табиатни муҳофаза қилиш билан машғул.

Энди экотуризм тушунчасига аниқлик киритган мутахассис, олимларнинг хулосаларини келтирамиз. Бу хулосаларнинг марказида албатта экотуризмни тарғиб қилиш ғояси ётади.

Қозоғистонлик эксперт М.Мусатова экотуризмнинг мақсадини:

- ёввойи табиатга саёҳат;
- табиатга минимум таъсир;
- табиатни муҳофаза қилувчи фаолиятни қувватлаш;
- экологик таълим олиниши;
- экологик тадбирлардан маҳаллий аҳолининг қўшимча даромад олиши деб белгилайди.

Россиялик экспертлар И.Зорин ва В.Квартальновлар [1] экотуризм тушунчасини икки шаклда белгилашмоқда. Уларнинг биринчи хулосалари бўйича экотуризм – экологик устивор технологияларини қўлланган ҳолда табиатга тўғридан-тўғри саёҳат қилишдир. Экотурдаги замонавий экологик туризм маҳсулотлари табиатга салбий таъсир қилмайди балки, табиатни авайлаш тарбиясини кучайтиради. Уларнинг иккинчи хулосалари бўйича табиатнинг бетакрор гўшаларида бўлган туристларда унинг бойликларини асраш туйғулари ҳосил бўлади.

Эксперт Хабибрахмонов Р [2]. таклифи бўйича экологик туризм алоҳида муҳофаза қилинадиган (табиат қўриқхоналари, миллий парклар, табиат ҳайкаллари, табиат бюртмалари, тарихий меъмориал парклар)

Тошкент: 2007, 21-б.

[1] Туристический терминологический словар. Москва, “Советский спорт”, 1999, 664 б.

[2] Будущее “Зеленого” трузима. Экокурьер, 1997, 22 октябр.

табиий худудларда бўлиши керак. Шу жойларда туристлар:

a) ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни қўриқлаш лозимлигини;
b) ўзининг руҳий ва жисмоний дам олганлигини;
c) экологик билим ва тарбия олганлигини тушуниб етади.

Қайд қилинган хулосаларга мазмунан тўғри келадиган фикрларни кўплаб келтириш мумкин.[1,2]

Келтирилган маълумотларни таҳлил қилганимизда экотуризмнинг ҳақиқий мухлислари ўзининг табиат бағрига саёҳати вақтида “табиат + жамият + бирдамлик + дўстлик” муносабатларини кўришни, кузатишни ҳоҳлайди. Умум фикрларни жамлаб таҳлил қилганимизда, экотуризм табиат қўйнида бўлишликдир ва табиатни муҳофаза қилишда экотуризм ривожи ижобий натижаларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Туристический терминологический словар. Москва, “Советский спорт”, 1999, /664 б.
2. Будущее “Зеленого” трузима. Экокурьер, 1997, 22 октябр.
3. Трузм и устойчивое развитие. Экокурьер, 1997, 27 декабр.
4. Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Экологический туризм; сушность, тенденции и стратегия развития. Тошкент,2006, 54-58 б.
5. 2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.
6. Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

Р.Б Коссе – СамИСИ ўқитувчиси

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Аннотация. Туристик ҳизматлар, табиатга эҳтиёткорона тежаб таъсир этишга, саломатликни сақлаш йўлида, инсонларни узоқ йиллар фаолият кўрсатиш каби таъсуротларини ҳосил қилади.

Калит сўзлар: Экология, ватанпарварлик, маънавий бойлик, иқтисодий интилиш, рақамли инновация, саломатлик.

Аннотация. В статье описано оказивание туристических услуг оберигать природу использавать природу для оздоровления организма человека, укреплять здоровья поколения и осмысления мышления человечества.

Ключевые слова: Экология, патриотизм, Духовное богатство экономическая стримительность, цифровая инноватция, здоровье.

Abstract. Tourism services make effecting cautiously environment, the way of

[1] Трузм и устойчивое развитие. Экокурьер, 1997, 27 декабр.
[2] Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Экологический туризм; сушность, тенденции и стратегия развития. Тошкент,2006, 54-58 б.

keeping health, people’s activity in many years.

Keyvords: Ecology, patriotism, spiritual wealth, economic aspiration, digital innovation, health.

Ўзбекистонда туризимни ривожланишига берилаётган эътибор мустақилликкга эришган даврдан бошлаб кенг миқиёсида ривожланмоқда. Мамлакатимизда туризм фаолияти иқтисодий тараққиётининг ривожланиши этибори жуда кенг ривожланиб бормрқда. Туризимни ривожлантириш учун зарур ташкилий худудий иқтисодий шароитлар яратилиши ва давлат тамонидан тегишли хуқуқий хужжатлар тасдиқланиб замонавий талаблар асосида ривожлантириш зарур. Туризм хизмати кўрсатишнинг иқтисодий ўсишни ва унинг ахоли ўртасида кенг тағиб этилиши сифат жиҳатидан жахон андозаларига тенг равишда ривожланишини таъминлаш иқтисодиётнинг ўсишида туризм тармоғининг кенг оммалашишига замин бўлади. Ўтказилган илмий-амалий сўров ва тадқиқотлар натижасида юртимизга туристларнинг келиши 80-фоизидан ошиб кетгани илмий асосланган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива шахарларига туристларни келиб кетиш фоизи бошқа шахарларга қараганда анча юқоридир. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб Вазирлар маҳкамаси хар бир вилоят хокимлари рахбарлигида вилоятларда туризимни ривожлантиришни тартибга солувчи чора-тадбирлар режаси тузилди. Кузатишлар шуни кўрсатдики Ўзбекистон худудида туризимни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш юқори даражада амалга ошириб келинмоқда деб бўлмайди. Вилоятлардаги мавжут туристиу ресурслар тўлиғича ўрганиб тадбиқ этилди деб айта олмаймиз. Вилоятларда туризимни ривожланиб кетиши бир текисда ва барқарор ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар тузилган бўлсада муамолар етарлича. Бунинг асосий сабаби туристик ресурслардан тўлиқ фойдалана олинмаётканидадир.

Шундай экан туристик саёҳат, туризм фани мазмунида шаклланиб келган бўлсада, унинг мазмуни, мавжуд ва кейинги йилларда эълон қилинган адабиётлар таҳлилига кўра, улар табиатга эҳтиёткорона, тежаб таъсир этиш, саломатликни сақлаш йўлида саёҳатга чиқиш, ҳаво алмаштириш тадбирларидан кўра, кўпроқ, иқтисодий фойда олиш масалаларини илгари сурган ва тарғибот қилган. Шундай экан экологик саёҳатчиларда юксак маънавий бойлик ва ватанпарварликни тарғибот қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу соҳадаги таклифларимиз қўйдагича ўз ифодасини топган.

- Экологик муҳофаза қилинадиган ҳудудга яқин бўлган туман қишлоқлари аҳолисининг табиятга бўлган мехрини ошириш.

- Экологик табиатни билиш ва унга эҳтиёткорона, тежаб, муносабатда бўлишни, маҳаллий халқ маданиятига, биологик ва маданий хилма-хилликка ижобий муносабатни рағбатлантириш.

- Экологик туризимни ички туризм шаклида оммалаштириш.

Бундай вазифаларни Республикамиз ҳудудида амалга ошириш ҳозирги хамда келажак авлодларга соф табиат манзаралари ва бойликларини мерос

қилиб қолдиришда, Она ер ҳаётининг мангулигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолиши мақсадага муофиқдир.

Туристик саёҳатлар жисмоний маданиятнинг ўзига хос воситаларидан бири бўлиб, у ахоли ва ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан ташқари, уларни меҳнатсевар ва ватанпарвар, ростгўйлик, садоқат, ўзаро ишонч, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳам катта ёрдам бўлади. Шунингдек, экологик саёҳатлар жараёнида ўқувчи-ёшлар онгида мардлик, жасурлик, чидамлилик, кучлилик, кескин вазиятларда зарур қарорга келиш каби руҳий ва жисмоний сифатларни ҳам тарбиялаш имконияти жуда кенг. Республикамизда ҳали яхши ўрганилмаган, инсон оёғи етмаган жойлар жуда кўп. Туристик саёҳатлар ва уларни ташкил қилиш, ўтказиш бўйича республикамизда катта тажриба тўпланган. Бугунги кунда бу тажрибаларни янада ривожлантириш, уни замонавий даражага кўтариш зарурияти туғилди. Шу сабабдан барча санаторий–курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва туристик марказларда жисмоний тарбия моддий базаси ҳамда якка тартибда ва гуруҳ бўлиб ўтказиладиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун шарт-шароит яратилади, деб алоҳида таъкидлаб айтиш мумкун. Бунинг боиси шундаки, туристик саёҳатлар соғломлаштирувчи жисмоний тарбия воситаларининг муҳим таркибий қисмидир.

Хулоса қилиб айтканимизда экологик саёхатларни амалга оширишда қўйдаги худудий бўлимларда ёки босқичларда амалга ошириш зарур.

1.Юртимизда халқаро туризимни ривожлантириш.

2.Миллий қадриятларимизни эъзозлаб миллий туризимни ривожлантириш.

3.Юртимизда минтақавий туризимни риважлантириш.

4.Юртимизда махаллий туризимни ривожлантириш.

5.Юртимизда ичкий туризимни ривожлантириш орқали иқтисодиётни оширишга қўшилган хсса деб хисоблашимиз мумкун.

М.Р Махмудова – Самарқанд давлат университети таянч докторанти

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни, туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари, воситалари ва усуллари, соҳани самарали ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва қулай рақобатчилик муҳитни шакллантириш йўналишлари, туризмни давлат томонидан тартибга солиш воситалари ва босқичлар ҳамда туризм индустрияси ривожланишини қўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омиллари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: туризм, тартибга солиш, тартибга солиш воситалари, усуллари, давлат сиёсати, туризм индустрияси, рақобат, туристик маҳсулот, туристик хизматлар.

Аннотация: В статье исследованы сущность государственного регулирования туризма, приоритеты, инструменты и методы государственной политики в сфере туризма, основные принципы эффективного развития отрасли и формирования благоприятной конкурентной среды, инструменты и этапы государственного регулирования туризма, а также изучены факторы степени поддержки развития туристической индустрии.

Ключевые слова: туризм, регулирование, инструменты регулирования, методы, государственная политика, индустрия туризма, конкуренция, туристические продукты, туристические услуги.

Abstract: The article discovers the essence of state regulation of tourism, priorities, tools and methods of tourism policy, the basic principles of effective development of the industry and the formation of a favorable competitive environment, tools and stages of state regulation of tourism, and the factors of the degree of support for the development of the tourism industry.

Keywords: tourism, regulation, regulatory instruments, methods, public policy, tourism industry, competition, tourism products, tourism services.

Давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) механизмлари давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли бўлган ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорликнинг турли шакллари асосида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган. ДХШ фақат иқтисодий шериклик билан чегараланмайди, у мулкчилик муносабатлари ва ҳамкорликда молиялаштириш тамойилларига асосланиб, қонун ижодкорлиги, ахборот алмашинуви, таълим ва илмий-тадқиқот дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш соҳасидаги маслаҳатлар асосида реализация қилинади.

Давлат органларининг катта кўмаги ҳудудларни ва тармоқларни комплекс ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали ДХШ воситаларини шакллантиришга йўналтирилган реал шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради. ДХШ механизмларидан фойдаланиш инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш ва молиялаштириш учун аниқ қарорларни қабул қилиш жараёнини ўзгартиришга имкон беради.

Иштирокчиларнинг мақсадларига мувофиқ турли хил лойиҳаларда қўлланиладиган давлат-хусусий шериклик воситаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) операцион модел (шартнома, ижара шакли);
2) консессия модели (имтиёзлардан фойдаланадиган лойиҳалар);
3) кооперация (ҳамкорлик) модели (давлат билан қўшма корхоналар яратиш, инвестиция шартномалари тузиш).

Кооператив моделда («ижтимоий модел») қўшма корхонага юклатилган очиқ функтсиялар мавжуд бўлиб, улар бир ёки бир нечта хусусий компаниялар билан давлат шериклиги орқали шаклланади. Ушбу модел инноватсия ва билим талаб қиладиган лойиҳаларни (технопарклар, кластерлар) амалга ошириш учун кўпроқ мос келади. Лойиҳа олдидан тайёргарлик ўз маблағлари ҳисобидан якунлангандан сўнг, кластер яратилади, лойиҳа танловга тақдим этилади, унинг натижалари лойиҳа

инвесторлари томонидан белгиланади ва ДХШда иштироки бўйича розилик берилади ҳамда шартнома имзоланди. Шаклланган лойиҳа бошқарув компаниясининг киритилишига ўтказилади. Ижара шартномаси муддати тугагандан сўнг, мол-мулк кластер шерикларининг мулкига ўтказилади ва бошқарув компанияси шартномавий битимларнинг мулк комплекси устида ишлашни давом эттиради.



1-расм. Кластер тузилмаси доирасида давлат-хусусий шерикчилик модели[1]

Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати жадал ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган мамлакатларда кичик, ўрта ва йирик корхоналарнинг ўзаро алоқалари жараёни самарали йўлга қўйилган бўлади[2]. Кичик ва ўрта бизнес йирик етакчи компаниялар атрофида тўпланиб, географик жиҳатдан чекланган ҳудудда ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва тижорат алоқаларидан фойдаланади[3].

1-расмда кластер доирасида давлат-хусусий шериклик моделини тақдим этилган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзи юқори кластерлаш салоҳиятига эга[4]. Бунинг сабаби шундаки, хизматларни яратиш учун турли хил ресурслардан фойдаланилади, хизмат кўрсатиш соҳасига иқтисодиётнинг кўплаб тегишли соҳалари хизмат қилади ва бозорда жуда кўп миқдордаги функционал жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган корхоналар мавжуд.

[1] Гришин С.Ю., Контонистов О.Э. Мировые туристские кластеры: теория и практика // В сборнике: Детско-юношеский туризм: образовательные технологии сборник научных трудов по материалам II Международной научно-практической конференции. 2017. С. 56-64.
[2] Bagwell, S. Creative clusters and city growth, creative Industries 2008. - №1(1)- pp. 31-46.
[3] Карпова Г.А., Песоцкая Е.В., Гришин С.Ю. Ткачев В.А. Управление туристскими дестинациями на принципах кластеризации: монография/ Г.А. Карпова., Е.В. Песоцкая, С.Ю. Гришин., В.А. Ткачев – СПб.: Издательство: СПбГЭУ, 2017.- 154 с.
[4] Гришин, С.Ю. Теория и практика управления туристскими кластерами: монография/ С.Ю. Гришин. – СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2015- 121 с.

Таъкидлаш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кластер тузилмаларини янада ривожлантириш гибрид кластерларни, шу жумладан маданият ва туризм каби соҳаларни яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасининг ушбу сегментларини ўзаро алоқаси кооперация алоқаларини ривожланиш даражасининг етарли эмаслиги ҳамда тармоқ ва ҳудудлараро умумий имкониятларни амалга оширишда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражаси пастлиги билан тавсифланади.

Маданий-туристик кластер – бу ягона дастур ва лойиҳаларни шакллантириш асосида маданият ва туризм соҳасида хизматларни шакллантириш, тарғиб қилиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган тижорат субъектлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг кўп функцияли тармоқлараро шериклиги, маълум бир манзил ёки ҳудудда инфратузилма ва ресурслар базасидан биргаликда фойдаланишдир.

Кластерлар ҳаётий циклининг кейинги босқичлари – «ривожланаётган кластер» ва «етук кластер»га ўтиш билан тавсифланган маданий ва туристик кластерни ривожлантириш, унинг иштирокчилари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг сонини кўпайтириш, қўшма кластер лойиҳалари, ишлаб чиқариш ҳажми ва иштирок этувчи ташкилотларда банд бўлганлар сони, инновацион хизматлар улушининг ошиши ва бошқалардан иборат бўлади.

Бундан келиб чиқиб, маданий ва туристик кластерни ривожлантиришнинг мақсади тижорат ташкилотлари ҳамда маданият ва туризм соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги тармоқлараро ўзаро алоқаларни ва ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, амалга оширилаётган маданий лойиҳалар ва тадбирлар доирасида тегишли инфратузилма ва маданий-тарихий мерос объектларидан фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш имкониятларини ҳисобга олишни англатади.

Кластер ёндашувининг қабул қилиниши маҳаллий ҳокимиятлар, бизнес, нодавлат-нотижорат бирлашмаларнинг маданий салоҳияти ва маданий-тарихий мероси объектларидан максимал даражада фойдаланиш асосида мақсадли бўлган ҳам давлат, ҳам хусусий инвестицияларни жалб қилиш, тадбирларни ўтказиш амалиётини кенгайтириш мақсадида ҳудуднинг туристик ва маданий жозибадорлигини оширишга қаратилган рақобатдош туристик маҳсулот яратиш бўйича ишларини уйғунлаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Таклиф этилаётган кластер стратегияси туризмни ҳудудий маданият соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири, маданий тадбирлар ва лойиҳаларни ривожлантириш катализатори сифатида эътироф этишга асосланган. Стратегия ҳудуддаги маданият ва туризм соҳасидаги хизматлар бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишни, туристик ва тегишли инфратузилма объектларининг тавсифини, ҳудуднинг маданий ва туристик ресурсларини таҳлил қилиш таклифларни қамраб олиши керак вилоят ёки

белгиланган манзил бўйлаб хизмат кўрсатиш соҳасида комплекс таклифни шакллантириш учун асос бўлган ҳудуднинг шаҳар туманларида кичик кластерларни яратишни инобатга олиши лозим.
Ушбу турдаги кластерни ривожлантиришнинг умумий мақсади бир қатор глобал муаммоларнинг мавжудлигини назарда тутади, уларнинг ечими иштирокчиларнинг кооператив ўзаро таъсирига асосланган яхлит ёндашувдан фойдаланишни назарда тутади

Ш.С Олтаев – СамИСИ доценти в.б.

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва методологик асослари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Муҳим стратегик йўналиш сифатида вилоятда туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун давлат, хусусий бизнес ва илм-фан ҳамкорлиги механизмларини шакллантириш таклиф этилган.

Калит сўзлар: методология, стратегия, туризм, механизм, ҳудудий туристик кластер.

Аннотация. В данной статье разработаны научные предложения и рекомендации по стратегическим направлениям и методологическим основам развития туризма в Самаркандской области. В качестве важного стратегического направления предлагается формирование механизмов государственно-частного партнерства и научного сотрудничества для ускоренного развития туризма в регионе.

Ключевые слова: методология, стратегия, туризм, механизм, региональный туристический кластер.

Abstract. This article develops scientific proposals and recommendations on strategic directions and methodological bases of tourism development in Samarkand region. As an important strategic direction, it is proposed to form mechanisms for public-private partnership and scientific cooperation for the accelerated development of tourism in the region.

Keywords: methodology, strategy, tourism, mechanism, regional tourism cluster.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғи сифатида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда «жаҳон ялпи маҳсулотининг 10,4%и, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 7%и, жами хизматлар экспорти ҳажмининг 30%и, умумий бандлик кўрсаткичининг эса 10,2%и ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келган ҳамда дунё бўйича ҳар ўн биринчи янги иш ўрни туризм соҳасида яратилган» [1].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда

туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди, жумладан соҳанинг «мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушининг 3,2%га, экспорт салоҳиятидаги ҳиссасининг 1,5%га» [2] етиши таъминланди. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга муҳим аҳамият берилиб, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида «...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш...» [3] белгиланди. “Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш...» [4] Ўзбекистан Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган.

Маълумки, ҳар бир ҳудуд иқтисодиётининг маълум йўналишда ихтисослашуви ушбу ҳудудда мавжуд ресурсларнинг нисбий, баъзан эса абсолют миқдордаги устунлигидан келиб чиқиши лозим. Халқаро амалиётда қабул қилинган ушбу тамойил ҳар бир ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг самарали параметрларига эга миллий хўжаликларни яратиш имконини берувчи ресурслар дастаги мавжудлиги ҳамда мана шу ресурслар асосида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозимлигини билдиради. Шундай ресурслардан бири Самарканд вилоятида туристик ресурслар ҳисобланади.

Самарқанд улкан сайёҳлик салоҳиятига эга вилоят ҳисобланади. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанд Рим билан бир қаторда “Абадий шаҳар” деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонган. Мамлакатимиз миқёсида мавжуд туристик объектларнинг 37,7% (жами 2642та) Самарқанд вилоятида жойлашган бўлиб, улар 780 меъморий, 1530 археологик, 36 тарихий, 225 монументал санъат ва 71 ҳайкалтарошлик ёдгорликларидан иборат.

Бундан ташқари, ер ости ва ер усти гидрологик сув ресурслари, шифобахш булоқлар (Қайнар булоқ, Роҳат булоқ, Муз булоқ), табиий манзаралар, ям-яшил ўрмонзорлар ва минг йиллик дарахтлар (Омонқўтон ўрмонзорлари, Ургут шаҳридаги Чор Чинор (1020 йиллик) ва ҳ.к.), машҳур ғорлар (Ҳазрати Довуд, Келси, Лев), гўзал шар-шаралар (Ғўссой, Камангарон), ноёб табиат ёдгорликлари (Камангарон, Ғўс), ажойиб кўллар

(Алвасти кўли), Зарафшон қўриқхонаси каби табиий масканлар вилоятимизнинг Ургут, Самарқанд, Нуробод, Қўшробод ва бошқа туманларида жойлашган бўлиб, жойларда зарурий инфратузилма объектларини шакллантириш орқали туристик оқимни сезиларли даражада ошириш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, биргина нодир табиий ресурслар, бой тарихий ва маданий мероснинг мавжудлиги мамлакатда туризмни ривожлантиришни таъминловчи ягона ва етарли шарт бўла олмайди. Замон шиддатига мос тарзда ривожлантиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши танланган маррага етишишнинг аниқ чегараларини белгилашга хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида узоқ муддатли истиқболда туризм соҳасини ривожлантиришнинг стратегик мақсади - мамлакат фуқаролари ва хорижий ташриф буюрувчиларнинг турли туристик хизматларга бўлган талабини қондириш, унинг халқаро туристик ҳамжамиятга интеграциясини таъминлашга кенг имкониятлар яратишни таъминлайдиган замонавий юқори самарали ва рақобатбардош туристик комплексни яратишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, туризмнинг ҳудудий ички маҳсулотдаги улушини сезиларли даражада ошириш;

иккинчидан, мавжуд улкан салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишга имкон берувчи замонавий туристик инфратузилмани шакллантириш;

учинчидан, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ва туризм бозорида соғлом рақобат муҳитининг амал қилишини қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, давлат ва хусусий бизнес шерикчилигига асосланган механизмларни жорий қилиш асосида ҳудудда қулай инвестицион муҳитини яратиш;

бешинчидан, туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

олтинчидан, туманларнинг туристик салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа истиқболли турларини, жумладан, экологик, этнографик, гастрономик, зиёрат қилиш, спортга оид, даволаш-соғломлаштириш, агротуризм, ишбилармонлик, болалар ва ёшлар туризми ҳамда бошқа турларини жадал ривожлантириш;

еттинчидан, туризм соҳасининг малакали ва рақобатбардош кадрлар билан таъминланганлик даражасини ошириш;

саккизинчидан, маҳаллий аҳолига кўрсатиладиган туристик хизматлар хилма-хиллиги, юқори сифати ва харид қобилиятига мослигини таъминлаш;

тўққизинчидан, рақобатбардош ҳудудий туристик маҳсулотларни шакллантириш ва халқаро туризм бозорида самарали силжитиш;

ўнинчидан, вилоятнинг туристик-рекреацион потенциалидан рационал фойдаланиш.

Бизнингча Самарқанд вилоятида узоқ муддатли истиқболда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Самарқанд вилояти ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантириш лойиҳаларини туманларнинг туризм салоҳиятини баҳолаш асосида ишлаб чиқиш;

иккинчидан, замонавий жаҳон стандартлари, туристлар талабига жавоб бера оладиган туризм инфратузилмасини ривожлантириш;

учинчидан, транспорт ва йўл бўйи транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

тўртинчидан, туризм соҳасига ахборот-коммуникацион технологияларини жорий қилиш орқали туризмнинг инновацион ривожланиш механизмларини шакллантириш;

бешинчидан, туристик маҳсулотни диверсификация қилиш ва янги туристик маҳсулотларни яратиш;

олтинчидан, социал туризмни ривожлантириш;

еттинчидан, туризм соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

саккизинчидан, ҳудудий турмаҳсулотни халқаро ва ички туризм бозорларида самарали силжитиш тизимини такомиллаштириш, кенг қамровли реклама кампанияларини ўтказиш ва Самарқанд брендини тарғиб этиш;

тўққизинчидан, ички туризмни жадал ривожлантириш;

ўнинчидан, вилоятда туризм соҳасини жадал ривожлантиришда давлат, хусусий бизнес ва илм-фан ҳамкорлиги механизмларини шакллантириш.

Кластер - бу бир-бири билан рақобатлашувчи, лекин шу билан бирга бутун кластернинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи, географик жиҳатдан концентрациялашган ташкилотларнинг ўзаро боғланган гуруҳлари, улар фаолиятига ихтисослашган хизмат кўрсатиш ташкилотлари, жиҳозлар етказиб берувчи ташкилотлар, уларга ҳамроҳ тармоқ ташкилотлари, шунингдек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли соҳа ташкилотлари (илмий-тадқиқот институтлари, ОЎЮлари, стандартлаштириш бўйича агентликлар, савдо уюшмалари ва ҳ.к.) ва бошқа бир қатор ташкилотлар гуруҳидир [5]. Горизонтал ва вертикал алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган ташкилотларнинг талаб ва истакларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда ахборотлар ҳаракатини таъминловчи шароитлар кластерни самарали фаолият кўрсатишининг асосий механизмлари бўлиб хизмат қилади [6].

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилган Самарқанд вилоятида узоқ муддатли истиқболда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатланиш, мамлакатимиз фуқаролари ва

хорижий ташриф буюрувчиларнинг турли туристик хизматларга бўлган талабини қондириш, унинг халқаро туристик ҳамжамиятга интеграциясини таъминлашга кенг имкониятлар яратишни таъминлайдиган замонавий юқори самарали ва рақобатбардош туристик комплексни яратишга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. UNWTO Tourizm Highlights 2016 Edition, p. 3 // http://www.unwto.org; Travel & Tourism Economic Impact 2016 World, p. 7// http://www.wttc.org.
2. Travel & Tourism Economic Impact 2016 Uzbekistan, p. 8 // http://www.wttc.org.
3. Ўзбекистан Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
5. Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2005, 610 с., С.256.
6. Корчагина Н.А. Кластерная политика - технология повышения эффективности управления компаниями: моногр. - Астрахань: Изд. дом «Астраханский университет», 2009., С.68.

В. Сирлибоев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА ХАЛҚАРО ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари аниқланган ва асосланган. Шунингдек, экотуризмнинг ҳалқаро моделларини қўллаш асосида Зарафшон водийсида халқаро туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Аннотация: в статье определены и обоснованы перспективные направления развития международного экотуризма в Зеравшанском долине. А также даны предложении по развитию международного экотуризма в Зеравшанской долине применяя основываясь на международным моделям экотуризма.

Abstract: The article defines and substantiates the promising directions for the development of international ecotourism in the Zeravshan Valley. And also given a proposal for the development of international ecotourism in the Zeravshan Valley, applying based on international models of ecotourism.

Калит сўзлар:водий, минтақа, миллий парк, модел, стандарт, биосфера, резерват, концепция,

Ключевые слова: долина, зона, национальный парк, модел, стандарт, биосфера, резервать, концепция.

Keywords: valley, zone, national park, model, standard, biosphere, reserve, concept.

Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва белгилашда биринчи навбатда экотуризм ривожланган давлатларнинг замонавий технологияларини, илмий-амалиёти натижаларини ўрганишимиз, тадбиқ қилишимиз лозим. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда экотуризмни истиқболли ривожлантиришимизда экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари қўллашимиз экотуризмни ривожлантиришда кутилган натижаларни беради.

Жаҳонда экотуризмни ривожлантиришнинг кўплаб моделлари, стандартлари яратилган. Шу билан бирга дунёдаги кўплаб давлатлар ўзларининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўз усулларини қўллаб экотуризмини ривожлантиришмоқда. Экотуризмни ривожлантиришда миллий парклардан ва давлат табиий қўриқхоналаридан фойдаланиш масалалари Европа давлатларида яхши тадқиқ қилинган.

Ҳозирги вақтда дунёда экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришда миллий парклардан фойдаланишнинг 50 дан зиёд моделлари бор, шулардан 6 таси дунё миқёсида тан олинган. Бу моделларнинг алоҳида–алоҳида модел сифатида ажратилиши, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида Зарафшон водийсида халқаро экотуризм ни ривожлантиришда қуйидаги халқаро моделларни қўллаш мумкин[1]:

1.*Америка миллий парклари моделида*(1982 йилда ташкил қилинган) муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг жуда катталиги, бетакрор табиати, экотизимларнинг кўплиги билан хусусиятланади. Дунёдаги энг катта (майдони бир неча млн. га) миллий парклар шу модел билан ишлайди. Бу моделдаги энг муҳим дастурлар қуйидагича:

1. Миллий парк майдонларининг катталиги.
2. Концессия орқали ижарага беришнинг мумкинлиги.
3. Давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан тенг миқдорда молиялаштирилади.
4. Халқаро ва ички туризмга рухсат берилганлиги.
5. Асосий фаолият табиат муҳофазасига ва дам олиш, рекреация, томоша қилишга қаратилганлиги.
6. Миллий паркдаги 50% хизматлар хусусий секторда эканлиги.
7. Миллий парк маъмуриятининг маҳаллий аҳоли билан тенг ҳамкорликда ишлаши.
8. Миллий парк майдонларининг давлат мулки эканлиги.

Ўзбекистоннинг миллий экотуризмида халқаро экотуризмни ривожлантиришда бу моделдаги 2, 3, 6, ва 7 дастурларни қўллашимиз мумкин, 1,4,5,8 дастурлар мамлакатимизнинг миллий парклар экотуризмида фаолият кўрсатмоқда.

2.*Европа модели.* Биринчи Европа миллий парки 1909-йилда Швецияда ташкил топган. Бу моделнинг амалий синови Англияда ўтказилди ва у модел Европа давлатлари ва Япония экотуризмида

[1].Ҳайитбоев Р., Экологик туризм, Ўқув қўлланма, “Баркамол файз медиа”, Тошкент, 2018. 248 б.

қўлланилмоқда. Бу моделдаги энг муҳим дастурлар қуйидагича:

1. Миллий парк майдонларининг кичиклиги.
2. Туризм инфратузилмаларининг яратилганлиги.
3. Хусусий секторда миллий парк назорати хусусий секторга берилганлиги.
4. Ички туризмда давлат аҳолининг дам олиши ва рекреациясини ташкил килиши.
5. Халқаро ва ички туризмда фойдаланишга рухсат берилганлиги.
6. Экологик мувозанатни сақлаш ва назорат қилишга давлат маблағ ажратади.
7. Миллий парк майдонларининг 50%и давлат мулки 50%и хусусий секторда эканлиги.
8. Давлат сиёсати - миллий парк халқ учун ва халқ ҳисобидан ривожлантирилади.

Ўзбекистоннинг миллий экотуризмида халқаро экотуризмни ривожлантиришда бу моделдаги 2, 3, 7, ва 8 дастурларни қўллашимиз мумкин, 1,2,4,5, дастурлар мамлакатимиз экотуризмида фаолият кўрсатмоқда, 3-дастурни қўллаш учун жуда кўп тўсиқлардан ўтишимиз керак.

3.*Парк резерват-моделининг* ривожланиш концепцияси бутунлай бошқача, бу миллий паркларни молиялаштириш давлат ҳисобидан эмас балки, аксинча давлатни қувватлашдир. Бу миллий паркларнинг фаолият кўрсатишдаги бош принципи - ўз кучига ишониш ғояси, ўзини-ўзи таъминлашдир. Бу модел XX аср ўрталарида шаклланди ва ҳозирда ривожланаётган давлатларда кенг ёйилиб бормоқда. Миллий паркга кириш баҳоси жуда паст ва шунинг учун ҳам ички ва ташқи экотуристлар жуда кўп ташрифлар қилишмоқда.

Бу моделдаги энг муҳим дастурлар қуйидагича:

1. Маҳаллий ҳокимият мулки эканлиги.
2. Миллий паркга хизмат қилувчилар маҳаллий аҳолидан бўлиши.
3. Миллий парк шиори-давлатга ёрдам бериш.
4. Экологик мониторинг миллий парк ва давлат тасарруфида.
5. 80% даромадлар миллий парк ва 20% даромадлар давлатга ажратилиши.
6. Халқаро ва ички туризмда фойдаланишга рухсат берилганлиги.
7. Хусусий мулкчиликнинг ҳукмронлиги.
8. Ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш тизими.

Ўзбекистоннинг миллий экотуризмида халқаро экотуризмни ривожлантиришда бу моделдаги дастурларни қўллашимиз ҳозирча анча мураккаб ҳисобланади. Моделдаги дастурлар билан танишишдан хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда Европаликлар билан бизларнинг ўртамизда ўз табиатини муҳофаза қилиш ва табиат бағрида дам олиш бўйича ўртадаги тафовутлар жуда катта. Лекин ҳозирдан бу моделдаги дастурларни ишлаб чиқишни бошлашимиз лозим.

Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда халқаро экотуризм моделларини қўллаш йўллари. Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда халқаро моделларни Зарафшон минтақасида қўллашдаги тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги истиқболли йўналишларни белгилаш мумкин:

1. Зарафшон водийсидаги Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва табиат қўриқхоналари, миллий паркларда халқаро экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларини давлат миқёсида ишлаб чиқиш.

2. Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда муҳим масалалардан бири шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ва унинг Зарафшон водийсида жойлашган вилоятларнинг департаментларида, бошқармаларида ‘‘Экотуризмни ташкил қилиш ва бошқариш тизими»ни ташкил қилиш тузилмалари шакллантирилиши зарур бўлади.

3.Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришдаги энг муҳим масалалардан бири - экотуризм ресурслари маданий марказлардан анча узоқ масофаларда жойлашганлиги сабабли бу масканларда туристик инфратузилмаларнинг ташкил этилмаганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар, давлат табиат қўриқхоналари ва миллий боғларимизда экотуристларга инфратузилмалар тизимини ва хизматларини ташкил қилишимиз экотуризмни ривожлантиришимиз керак.

3. Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришдаги яна бир долзарб масалалардан бири - водий вилоятларидаги аҳолининг қизиқишини, тадбиркорлигини ва ташаббускорлигини ташкил қилиш, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи имтиёзли давлат қарорларини ишлаб чиқиш керак.

4. Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришдаги муҳим муаммолардан бири бўлган яна бир масала шундан иборатки, экотуризмни ҳаракатга келтирувчи ихтисослашган махсус туризм фирмалари ёки туризм ташкилотлари ҳанузгача ташкил қилинмаяпти. Шунинг учун ҳам, водийдаги вилоятларда экотуризмни ташкил қилувчи ва экотуристик хизматларни кўрсатувчи туристик фирмалар ташкил қилиш экотуризмни ривожлантиришда шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Хулоса:

1.Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришдаги энг муҳим масалалардан бири - экотуризм ресурслари маданий марказлардан анча узоқ масофаларда жойлашганлиги сабабли бу масканларда туристик инфратузилмаларнинг ташкил этилмаганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар, давлат

табиат қўриқхоналари ва миллий боғларимизда экотуристларга инфратузилмалар тизимини ва хизматларини ташкил қилишимиз керак.

2.Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантириш долзарб масалалардан эканлиги ва бу истиқболли йўналишда экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро экотуризм моделларини қўллашнинг рекламаларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро экотуризм бозорларига чиқариш тадқиқотларини бошлашимиз керак.

Таклифлар:

1.Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда биринчи навбатда халқаро экотуризм моделларининг тавсиф ва тарифларини, бу моделларнинг мақсади ва вазифаларини, моделлар бўйича амалга ошириладиган ишларни, Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда халқаро экотуризм моделларини қўллаш объектларини муфассал ўрганиш.

2.Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришда рухсат берилган экотуризм ресурсларига туристик маршрутлар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва бу туристик маршрутларнинг рекламасини халқаро экотуризм бозорига чиқариш.

А.К.Гаппаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК ВА РЕКРЕАЦИЯ ТУРИЗМНИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА БУ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада туризм мураккаб ижтимоийғиқтисодий соҳа бўлганлигидан туризмдаги хар бир йўналишларни биринчи даражали қилиб қўйиш ва бошқа кўплаб омиллар таъсир кўрсатаётганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: туризм, экологик туризм, туристик ресурслар, антропоген, халқаро туризм, ривожланиш, транспорт, туристик оқим, тарихий ривожланиш.

Аннотация: В данной статье рассматривается тот факт, что туризм представляет собой сложную социально-экономическую отрасль, на которую влияет приоритетность каждого направления в туризме и множество других факторов.

Ключевые слова: туризм, экологический туризм, туристский ресурс, антропогенный, международный туризм, развитие, транспорт, туристический поток, историческое развитие.

Abstract: This article discusses the fact that tourism is a complex socio-economic sector, which is influenced by the priority of each direction in tourism and many other factors.

Keywords: tourism, ecological tourism, tourist resources, anthropogenic, international tourism, development, transport, tourist flow, historical development.

Кўплаб мутахассислар туризмдаги ресурсларни даражаларга бўлишади ва бу даражаларни туризмда устувор ёки қуйироқ йўналиш

аҳамиятига эга деб баҳолашади. Хизматдаги вазифаларни самарали бажариш учун инновацион фаолият ва ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга[1]. Масалан, биринчи томондагилар туризмни муайян давлатларда ривожлантириш учун ушбу давлатда халқоро туризм ва шу давлат миқёсидаги туристик объектлар, ресурсларнинг кўп хилма-хил ва жозибадор бўлишини биринчи навбатга қўйишади. Бу жуда тўғри хулоса ҳисобланади.

Иккинчи томондагилар эса, туризмни бир давлатда ривожлантириш учун ҳаммага маълум бўлган жойлаштириш ресурслари (меҳмонхоналар, ресторанлар), транспорт воситалари тизими, туристик маршуритлар ва ушбу туристик маршуртлардаги хизматлар, маршуртлардаги экскурсия хизматлари мукаммал жаҳон талабларига мос бўлишини олдинга суришади. Айниқса 2019 йил Хитойдан бутун дунёга тарқалган коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига катта зарар етказди[2].

Учинчи тараф юқорида қайд қилинганларни рад этмасдан туризмнинг ривожланиши бу- муайян давлатдаги туризм соҳасида аъло даражадаги хизматлар кўрсатиш деб ҳисоблайди. Шунингдек, давлатда туризмни бошқариш яхши йўлга қўйилса ушбу давлатда туризмнинг ривожланишига асос яратилади, қолганларини ишлаб чиқиш мумкин деган фикрни биринчи навбатга қўювчилар ҳам ўз ўрнида ҳақлидир.

Туризм мураккаб ижтимоий–иқтисодий соҳа бўлганлигидан туризмдаги хар бир йўналишларни биринчи даражали қилиб қўйиш ҳам мумкин. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлмоғи керак. Лекин, муайян давлатда туризмнинг ривожланиши дастлаб туризмдаги биринчи–туристик ресурсларнинг турли-туман ва қадимийлиги, сирлилиги, улуғворлиги, мўжизавийлиги, тарихийлиги ва бошқа шу каби хусусиятларини ўзида мужассамлаштиришига боғлиқ ҳисобланади.

Давлатлардаги туристик ресурслар халқаро аҳамиятга эга бўлса, сайёрамиздаги давлатларда ушбу ресурс маълум бўлса бу давлатга халқаро туристик оқим кириб кела бошлайди ва аксинча. Шунинг учун ҳам юқорида қайд қилинган туризм ресурслари бир мақсадда, мукаммал фаолият кўрсатганида муайян давлатда туризм кутилган даражада ривожланади. Демак, туризм ривожланишида туризм ресурсларидан фойдаланиш ёки туризм ресурсларини ишлаб чиқиш қуйидаги кетма–кетликда жойлаштирилса тўғри бўлади:

1. Туристик ресурслар – туристларқни жалб қилувчи, қизиқтирувчи барча антропоген (инсон қўли билан яратилган) ва табиий объектлар (табиий географик минтақа, флора, фауна, биологик хилма-хиллик, бетакрор табиат ландшафтлари, иқлим хусусиятлари, дам олиш масканлари ва ҳокоза).

[1]2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.
[2] Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

2. Туристларни жойлаштириш ресурслари- туристлар тунайдиган макон ёки уйлар, меҳмонхоналар, туристик лагерлар, ижара уйлари ва ҳ.к.
3. Туристларни овқатлантириш ресурслари – ошхоналар, барлар, ресторанлар, чойхоналар, кафелар.
4. Туристларга транспорт хизматларини кўрсатувчи ресурслар – барча транспорт воситалари, маҳаллий транспорт хиллари.

Ушбу бобда туризм ресурсларига қисқача тўхталганимизнинг асосий сабаби, туризмни ривожлантиришда тадқиқот худудлари ёки давлатнинг маъмурий худудларидаги туристик ресурсларнинг мавжудлиги (камлиги, кўплиги, халқаро ёки маҳаллий аҳамиятларга эгалиги)ни тадқиқ қилиш асосида ва туристик ресурслар бўйича туризмдаги қайси турларни ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ва истиқболини белгилаш ҳисобланади. Иккинчидан, мақолани шакиллантиришда қайд қилинган туризм ресурсларидан фойдаланиш ёки бу ресурсларни яратиш имкониятлари, режалаштириш туризмда фойдаланишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилади.

Жаҳон бўйича туристик оқимларнинг сони ва фаолиятини таҳлил қилганимизда ҳозирга келиб қадимий, тарихий мўжизакор обидаларга туристлар ташрифи биринчи ўринда, дам олиш туризми иккинчи ўринда ва зиёратгоҳ туризми учинчи ўринни эгаллаб кемоқда. Сўнги беш йилликда экологик туризм дунёвий туризм мавқейига эга бўлиб бораётганлиги ҳам даврий матбуот, халқаро ахборотлар маълумотларидан маълум бўлмоқда.

Демак, мамлакатимизда экологик ва рекреация турларини ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан олдин ушбу туризм турларининг моҳиятини билиш, бу туризм турларининг ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александрова А.Ю. География туризма.Москва, “КноРУС”, 2010, стр. 25-28.
2. Храбовченко В.В. Экологический туризм. Москва, “Академия”, 2004. стр.3-6.
3. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси. Ж. Экология хабарномаси, № 6 Тошкент: 2007, 17-26.б.
4. 2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.
5. Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

Ш.А.Агзамов - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказининг бош ҳисобчиси

ТУРИСТЛАРГА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ТАСНИФИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАКЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада туристларга автотранспорт воситаларида хизматлар кўрсатишни таснифи ва улардан фойдаланиш шакллари ёритилган.

Калит сўзлар: турист, автотранспорт, хизмат, автобус, автомобиллар ижараси, маршрут, ижара.

Аннотация: В данной статье рассмотрена классификация автотранспортных услуг к туристам и формы их использования.

Ключевые слова: турист, автомобильный транспорт, сервис, автобус, прокат автомобилей, маршрут, аренда.

Abstract: This article describes the classification of services provided to tourists by vehicles and forms of their use.

Keywords: tourist, motor transport, service, bus, car rental, route, rent.

Ҳудудий белгига қараб, шаҳарда йўловчи ташиш, шаҳардан ташқарига йўловчи ташиш, шаҳарлараро йўловчи ташиш ва халқаро йўналишларда йўловчи ташиш фарқланади. Шаҳарда йўловчи ташишга шаҳар (бир аҳоли яшайдиган жой) доирасида амалга ошириладиган йўловчи ташиш; шаҳардан ташқарига йўловчи ташишга шаҳар доирасидан ташқарига шу жумладан 50 км гача масофага амалга ошириладиган йўловчи ташиш; шаҳарлараро йўловчи ташишга шаҳар доирасидан ташқарига 50 км дан узоқ масофага амалга ошириладиган йўловчи ташиш; халқаро йўловчи ташишга Ўзбекистон Республикасидан ташқарига амалга ошириладиган йўловчи ташиш киради. Шу муносабат билан шаҳар автобуслари, шаҳардан ташқарига қатнайдиган автобуслар, шаҳарлараро автобуслар ва халқаро автобуслар фарқланади.

Ташиш вазифасига қараб, умумий фойдаланиладиган автобуслар, туристик-экскурсия автобуслари ва махсус автобуслар (мактаб автобуслари; вахта автобуслари; ходимларни шаҳар йўловчи транспорти умумий йўналишларидан узоқда жойлашган ишлаб чиқариш объектларига елтиш учун мўлжалланган автобуслар ва ш.к.) фарқланади. Мазкур автобусларнинг сиғими, чидамлик даражаси, салонларининг ички тузилиши, ташқи кўриниши ҳар хил бўлади.

Ўринлар сонига кўра, жуда кичкина сиғимли автобуслар (8-15 ўринли микроавтобуслар УАЗ, РАФ, «Газел» ва ш.к.); кичик сиғимли (21-26 ўринли) автобуслар; ўртача сиғимли (33-34 ўринли) автобуслар; катта сиғимли (41-45 кишига мўлжалланган) автобуслар ҳамда ўта катта сиғимли (54-56 тадан 80 тагача ўринли) автобуслар фарқланади.

Кичик сиғимли автобусларга “Отойўл” фирмасининг автобуслари, Россияда ишлаб чиқариладиган КАВЗ ва ПАЗ русумли автобуслар киради.

Ўртача сиғимли автотранспорт воситаларига Россияда ишлаб чиқариладиган ЛАЗ ва МАРЗ автобусларининг айрим (умумий фойдаланиладиган ва юмшоқ ўриндиқли) модификацияларини киритиш мумкин.

Катта сиғимли автобуслар орасида Россиянинг ЛАЗ, Венгриянинг «Икарус» автобуслари машҳур. Узоқ масофаларга туристларни ташиш учун кўпинча чет елда ишлаб чиқарилган «Бова», ДАФ, «Икарус», МАН, «Мерседес», «Неоплан», .«Сканиа», «Сетра», «Волво», «Ванҳоол» автобусларидан фойдаланилади.

Автотранспорт воситаларини ишлатиладиган ёнилғи турига қараб ҳам таснифлаш мумкин. Ҳозирда йўловчи ташишга мўлжалланган автобусларнинг аксарияти бензинда, дизел ёнилғида ёки табиий (суюлтирилган ёки сиқилган) газда ишлайди. Лекин сўнгги йилларда чет елда електр батареяларда ишлайдиган автобуслар электромобиллар (електробуслар) ҳам қўлланила бошланди. Масалан, Россияда ишлаб чиқарилган «Корнет» електромобили електр двигател ва аккумулятор батареялари билан жиҳозланган бўлиб, бир зарядлаш билан 60-70 км йўл босиши мумкин. У 30 ўриндиқли бўлиб, йўловчилар чиқиб-тушадиган майдончада зинапоя йўқ. Бу йўловчилар чиқиб-тушишини енгиллаштиради. Електробуслар паркларда ва пиёдалар юрадиган зоналарда фойдаланиш, шунингдек туристлар билан шаҳар бўйлаб екскурсия қилиш учун қулай. Илк електробуслар Москвада Поклонная гора ҳудудидаги маршрутда қатнай бошлади.

Автомобил транспорт халқаро уюшмаси ҳузуридаги Классификацион комиссия томонидан турли тоифадаги туристик автобусларга қўйиладиган муайян талаблар ишлаб чиқилган. Автобус тоифаси унинг класси билан белгиланади ва 1 тадан 5 тагача юлдуз билан ифодаланади. «1 юлдузли» автобуслар тоифасига шаҳар билан таништириш екскурсиялари ҳамда маҳаллий экскурсиялар ўтказиш учун мўлжалланган халқаро классга мансуб автобуслар киради. Қисқа масофаларга ички ва халқаро туризмни амалга оширишда иштирок етувчи транспорт воситалари «2 юлдузли» автобуслар тоифасига мансубдир. Олий классга ҳамда «люкс» классига мансуб автобуслар тегишинча «3 юлдузли», «4 юлдузли» ва «5 юлдузли» тоифалар билан тавсифланади. Улардан узоқ масофага ва узоқ муддатли туристик маршрутларда фойдаланилади. Автобусларни тоифалар бўйича таснифлаш қуйидаги техник кўрсаткичларга асосан амалга оширилади:

- двигател қуввати;
- тормоз системаси ва амортизацияга қўйиладиган талаблар;
- вентиляция тури (табиий-ҳаволи ёки кондиционер);
- иситиш усули (ҳароратни автоматик ростлагич мосламасига ега ёки бундай мосламасиз);
- ойналарга қўйиладиган талаблар (туманга қарши қопламали, вакуум қатламли, терлаш ёки музлашнинг олдини олувчи, қуёш нуридан сақловчи);

– ички (шу жумладан индивидуал) ёритгичларга егалиги;

– радиокарнай, микрофон ва магнитоланинг мавжудлиги;

– багаж бўлими учун сиғимлар ҳажмининг ҳамда қўл юки учун токчаларнинг катталиги;

– автобус музлатгич, туалет, видеосистема, ичимликлар учун термоиситгич, стаканлар учун таглик, йиғма столлар, чиқинди тўплагич билан жиҳозланганлиги;

– гид учун лозим даражада жиҳозланган жойнинг мавжудлиги.

Ушбу атрибутларнинг тўлиқ ҳолда мавжудлиги «4 юлдузли» ва «5 юлдузли» автобуслар учун мажбурийдир.

«5 юлдузли» тоифага мансуб автобуслар енг комфортабел автобус лайнери ҳисобланади. Туристлар учун юқорида санаб ўтилган қулайликлардан ташқари, бундай автобусда гардероб, грилли ошхона, микротўлқинли печ, қайноқ ва чанқовбосди ичимликлар учун дозатор, олдиндан тайёрланган таомлар учун термошкаф бор. Йўловчилар машрут бўйлаб ҳаракатдан хабардор бўлишлари учун салонларда марказий ахборот таблоси (ёки қаторлар оралиғида кичкина суюқ кристалли дисплейлар) ўрнатилади. Уларда босиб ўтилган масофа ва йўлдаги вақт, энг яқин тўхташ ва дам олиш жойининг номи, ҳаво ҳарорати, бортдан ташқаридаги ҳарорат ва шу кабилар акс етади. Беш юлдузли икки қаватли автобус ҳайдовчисининг кабинаси иккинчи қаватдаги йўловчилар салонини кузатиш учун видеокамера билан жиҳозланиши мумкин. Бундай автобуслар салонида шовқин даражаси соатига 100 км тезликда 74-76 ДБ дан ошмаслиги керак.

26-28 кишига мўлжалланган ВИП-классга мансуб автобуслар ҳам мавжуд. Улар комфортабел креслолар билан жиҳозланган бўлиб, пастки қаватнинг орқа қисмида дам олиш хонаси бор. Ушбу хонага диван, йиғиладиган столлар, иккита музлатгич ва кичик ошхона қўйилган.

Йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун туристларни оммавий тарзда ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш муддатлари тартибга солинади. Европанинг кўпгина давлатларида туристик автобуслардан фойдаланиш муддати 8-10 йилдан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари, ЕИнинг Техник мослаштириш қўмитаси туристик сафарлар учун мўлжалланган автобусларни хавфсизлик камарлари ҳамда энергияни ютувчи ўриндиқлар билан жиҳозлаш ҳақидаги таклифни илгари сурди.

Автотранспорт воситаларининг экологик хавфсизлигига қўйиладиган талаблар ҳам ошиб бораётир. Масалан, ЕИнинг зарарли газлар чиқаришга дахлдор нормалари охирги йигирма йилда 20 баравар камайди. Европа транспорт вазирлари конференцияси қабул қилган «Яшил автомобил» стандартида углерод оксид (СО), карбонат ангидрид (НО), углеводородлар (СН) ҳамда ёниб бўлган газлардаги қаттиқ зарралар миқдори, шунингдек двигателлар чиқарадиган шовқин даражаси тартибга солинади. Екология стандартлари соҳасида олиб борилаётган бундай сиёсат автотранспорт

воситалари учун янада такомиллаштирилган двигателлар ишлаб чиқилишига, шунингдек ёнилғининг янги турлари, чунончи: биологик ёнилғи, газ ёнилғиси (шу жумладан водород, диметил эфири ва б.) излаб топилишига имконият яратади.

Мунтазам маршрутларда ишлайдиган автобуслар учун қўшимча мажбурий талаб трафарет маршрутнинг бошланғич ва охирги пунктлари ифодаланган кўрсаткичнинг мавжудлиги.

Автомобилларни ижарага бериш бўйича хизматлар («Рент-а-сар») бутун дунёда туристик бизнес билан боғлиқ енг даромадли фаолият турларидан бири ҳисобланади. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, муайян ёшга тўлган исталган фуқаро автомобилларни ижарага бериш билан шуғулланадиган компанияга мурожаат етиб, вақтинчалик фойдаланиш учун ҳайдовчи билан ёки ҳайдовчисиз машина олиши мумкин.

Автомобилларни ижарага бериш ғояси XX аср бошида АҚШда пайдо бўлди. Дастлаб у транспорт воситасига муҳтож бўлган маҳаллий аҳолига ёрдам бериш учун мўлжалланган эди. Жаҳонда туризмнинг ривожланиши билан автомобилларни ижарага бериш хизматининг доираси кенгайди ва у туристик фаолиятнинг мустақил тармоғига айланди.

Автомобилларни ижарага бериш бизнеси Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида анча кенг тарқалган. Автомобилларни ижарага бериш бўйича хизматлар Осиё, Шимолий Африка, Марказий ва Жанубий Американинг кўпгина мамлакатларида ҳам йўлга қўйилган.

Автомобилларни ижарага бериш компанияларининг хизматларидан асосан бизнесменлар ва йирик ташкилотларнинг ходимлари, шунингдек якка тартибда сафар қилувчи туристлар фойдаланади.

Автомобилларни ижарага бериш жаҳон бозоридаги энг машҳур фирмалар орасида «Авис», «Ҳертз», «Будгет», «Еуросар», «Тоёта» ва бошқаларни қайд этиш мумкин. Бу компанияларнинг офислари кўпгина саноат, тижорат ва маданият марказларида жойлашган, шунингдек деярли барча аеропортларда, йирик шаҳарлардаги темир йўл ва автобус вокзалларининг аксариятида мавжуд. Мазкур компаниялар таклиф қилувчи хизматларнинг сифат даражаси ва нархлари деярли бир хил, аммо автомобилларни ижарага бериш қоидалари фарқ қилиши мумкин.

Ижарага автомобил олиш учун автомобилларни ижарага берувчи муайян компаниянинг маҳаллий ваколатхонасига бевосита, туристик фирма ёки Интернет орқали мурожаат етиш лозим. Автомобилни туристик фирма орқали бронлаштиришнинг афзаллиги шундаки, айрим ҳолларда мазкур ферма автомобилларни ижарага берувчи компания билан турист ўртасидаги низоли ҳолатларни тартибга солиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Масалан, вокзалга шошиб турган турист автомобилни топшириш вақтида унинг бакига бензин қуйган бўлмаса, турфирма жарима тўлаш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олиши мумкин. Шу тариқа у туристни катта кўнгилсизликдан сақлаб қолади, чунки бундай “айби” учун мижозлар одатда келажакда мазкур компания хизматларидан

фойдаланишни тақиқловчи «қора рўйхат»га киритилади.

Автомобилларни ижарага берувчи корхоналар буюртмаларни олдиндан, чунончи бир ой, бир ҳафта, бир кун олдин қабул қилади. Бу ҳолда (факс ёки електрон почта орқали) тасдиқнома олиш, унда машина буюртмачини кутадиган ижара шохобчасининг манзили кўрсатилиши лозим. Автомобил туристни меҳмонхона олдида, аеропортда ёки бошқа муайян жойда кутишини компания билан келишиш ҳам мумкин. Бундай хизматлар, қоида тариқасида, Европада ижара қийматини (ўрта ҳисобда 10-12% га) оширади, АҚШда эса, аксинча, арзонлаштиради.

Автомобилларни ижарага берувчи халқаро компаниялар учта асосий тарифни таклиф қилади: стандарт тариф, қатнов чегараланмаган тариф, бир кунлик қатнов чегараланган тариф. Биринчи ҳолда автомобилда босиб ўтилган йўлнинг ҳар бир километри учун ҳақ тўланади; иккинчи тариф бир кунлик қатнов 70 км дан ортиқ бўлган ҳолда маъқул; учинчи вариантда босиб ўтилган муайян йўл миқдори учун ҳақ тўлаш талаб етилмайди, меъёрдан ортиқ юрганлик учун еса ҳақ ундирилади. Кўрсатилган шартлар одатда шартномада акс эттирилади.

Турли давлатларда ва ҳатто бир мамлакатнинг турли ҳудудларида ижара хизматлари қиймати сезиларли даражада фарқ қилади. Қоида тариқасида, курорт минтақаларида у бошқа ҳудудлардагидан 15 - 20% қиммат бўлади.

Баъзан автомобил фирманинг бир шохобчасидан олиниб, бошқа шохобчасига топширилади. Агар машина чет элда ижарага берилаётган бўлса, ижара баҳоси анча ошади; агар автомобилни ижара бериш шохобчаси шу давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ижара ҳақи оз миқдорда оширилади, машина айни шу шаҳарнинг бошқа ҳудудида топширилган ҳолларда қўшимча ҳақ олинмайди. Қайтариш жойи шартномада олдиндан айтиб қўйилади.

Деярли барча компанияларда ижарага автомобил олишни истаган ҳайдовчининг ёшини чегаралайдиган қоидалар амал қилади. Бу ёш турли мамлакатларда 21-25 ёшни, ҳайдовчилик стажи камида бир йилни ташкил этади. Баъзан компаниялар мазкур ёш чегарасини пасайтиради, аммо суғурта шартномасини қимматроқ суммага расмийлаштиради. Айрим ҳолларда эса, аксинча, мижозларга қаттиқроқ талаблар қўйилади. Масалан, Францияда олий тоифа автомобиллардан фойдаланишни хоҳлаган фуқаролар ёши 30 дан кам бўлмаслиги керак.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

1. “Транспорт сервиси” Дарслик Т.: “Фан ва технология”, 2015 й.–262 б
2. М.Р.Болтабаев, Тухлиев И.С., Б.Ш.Сафаров, С.А.Абдуҳамидов “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2018 й.–400 б
3. Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. –Т.: «Ўзбекистон файлафуслар жамияти» нашриёти, 2011.-273б.

http:www.autotrans.uz Ўзбекистон автомобил транспорти агентлиги

А.К.Гаппаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК ВА РЕКРЕАЦИЯ ТУРИЗМНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада экологик туризмнинг келиб чиқиши халқоро туризмнинг жуда кучайиб, оммовийлашиб кетиши натижасида табиат ва жамият ресурсларига, маданий-тарихий туристик ресурсларга антропоген (инсоният фаолияти) юкнинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги ва бошқа кўплаб омиллар таъсир кўрсатаётганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: туризм, экологик туризм, туристик ресурслар, антропоген, халқаро туризм, ривожланиш, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Бутунжаҳон “Яшил дунё” ҳаракати.

Аннотация: В данной статье рассматривается зарождение экотуризма в результате роста популярности международного туризма, возрастающей антропогенной нагрузки на природные и социальные ресурсы, культурно-исторические туристские ресурсы и многих других факторов.

Ключевые слова: туризм, экологический туризм, туристские ресурсы, антропогенный, международный туризм, развитие, Всемирная туристская организация, Всемирное движение «Зеленый мир».

Abstract: This article discusses the origin of ecotourism as a result of the growing popularity of international tourism, the growing anthropogenic burden on natural and social resources, cultural and historical tourist resources, and many other factors.

Keywords: tourism, ecological tourism, tourist resources, anthropogenic, international tourism, development, World Tourism Organization, World Green World Movement.

Экологик туризмнинг келиб чиқиши халқоро туризмнинг жуда кучайиб, оммовийлашиб кетиши натижасида табиат ва жамият ресурсларига, маданий-тарихий туристик ресурсларга антропоген (инсоният фаолияти) юкнинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги сабаб бўлди. Айниқса 2019 йил Хитойдан бутун дунёга тарқалган коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиётига катта зарар етказди[1]. Хизматдаги вазифаларни самарали бажариш учун инновацион фаолият ва ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга[2].

Бутунжахон туризм ташкилотининг XXI-аср туризми башоратларида туристик талаб, эҳтиёж ва табиат ресурсларидан фойдаланиш масалаларида жуда жиддий, глобал муаммолар келиб чиқади ва кучайиб боради. Чунки, дунё бўйича туризмнинг тобора кучайиб, оммавийлашгани атроф-муҳид ва табиатга салбий таъсир этаётганлиги ўтган асрнинг 70 – йилларида Европалик экологлар, иқтисодчилар томонидан исботлаб берилганди.

Бугунги кунда антропоген босим туризм кўринишида туризм

[1] Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

[2]2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.

индустриясининг деярли барча сохаларига таъсир қилмоқда. Бу холатнинг кучайиб боришини, таъсир даражаларини ўша вақтда биринчилардан бўлиб “Глобал ўзгаришлар бўйича немис маслахатчилари Кенгаши” қуйидаги моделларни ишлаб чиқган эди. Моделлар синдром (бир касаллик учун характерли аломатлар мажмуйи) деб аталади ва БТТ га топширилади.

1. Ерларнинг инқирози синдроми. Ерларнинг (хосилдор) қишлоқ хўжаликда фойдаланишга яроқсиз бўлиб бораётганлиги ва фойдаланишдан умуман чиқарилиши бу холат табиатда рекреациянинг ривожланишига қаттиқ тўсқинлик қилади ва йўқотади.
2. Ривожланиш синдироми. Табий ландшафтларнинг тўлиқ инқирози ва бу жойлардаги табий фалокатли, экологик танг холат (Орол денгизи), асосий биологик турларнинг абадий йўқолиши (Турон йўлбарси).
3. Чиқиндилар синдроми. Жахонда захарли чиқиндиларни назорати ва назоратсиз ишлаб чиқиш (ер) ва кўмиш (дунё океани) натижасида сайёравий экологик инқирознинг инсониятнинг яшаб қолишига хавф солаётганлиги.

Бу халқора хужжат барча хисоб-китоблари ва исботлари билан эълон қилингандан кейин чет элларда табиат ва тарихий-маданий туристик ресурслардан туризмда фойдаланиш ва туризмнмнг бу ресурсларга салбий таъсири ҳақидаги мукаммал илмий – тадқиқотларнинг натижалари бўйича чет элларда 400 дан ортиқ мақолалар эълон қилинади.

Халқора миқёсдага туризм экспертлари ва таниқли эколог, иқтисодчиларининг ўз навбатида халқора ташкилотларга “босими” ва таклифи билан 1996 йили Бутунжахон туризм ташкилоти (БТТ) ва Бутунжахон туризми ва саёхатлар кенгаши (БТСК), Бутунжахон “Яшил дунё” харакати “XXI асрда туризмнинг барқарор ривожланиши консепцияси”ни (Adenda 21 for fravel and tourism industri) ишлаб чиқди. “Туизм индустрияси ва саёхатлар учун XXI асрнинг кун тартиби ва хар томонлама харакат дастури” хужжатини БМТ нинг 1992 йилдаги атроф мухит ва ривожланишга бағишланган халқаро конференциясида 182 та давлат рахбарлари имзолади.

“XXI аср кун тартиби” конференциясининг 10 йиллигига бағишланиб 2002 йилда Рио де Жанейрадаги БМТ нинг бош Ассамблеяси 2002 йилни “халқаро экотуризм йили” деб эълон қилди. БТТ нинг Европа бўйича эксперти П.Шеклфорд фикрича экотуризм сўзи “XXI аср кун тартиби” дан олдин ҳам қўлланилган. Шунингдек, А.Мюллер биринчи бўлиб “экотуризм” сўзини 1978 йилда ишлатилган деган манбаалар бор[1].

Россия давлатида “экологик туризм” атамаси ўтган асрнинг 80-йилларидаги матбуотда чоп этила бошлаган. Собиқ иттифоқнинг “Халқора ёшлар туризми БЮРОси, Иркутск област ВЛКСМИ нинг “Спутник” ёшлар маркази мутахасислари биринчи маротаба” Экотур... маршуртларини ишлаб чиқди ва бу экотур маршуртлар расмий жихатдан “Экологик

[1]Александрова А.Ю. География туризма.Москва, “КноРУС”, 2010, стр. 25-28.

туризм” маршуртлари деб аталди.

Шундан кейин 1997 йилда Гужин Г.С. ва М.Ю. Беликов ва Е.В. Клименоклар Россияда биринчилардан бўлиб “Экологик туризм асоси – атроф муҳит ҳамхўрлиги ва мухофазасидир” деган таърифни киритди. Ўша вақти учун ҳам ҳозир ҳам ушбу таъриф энг қулай ва экотуризмнинг ҳақиқий моҳиятини англатади деган хулосалар битилган[1].

Ўзбекистонда биринчи маротаба экологик туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари ривожланиш истиқболлари концепциясини Ўзбекистон “Табиатни мухофаза қилиш” давлат қўмитаси ишлаб чиқди[2].

Ҳар бир давлатда туризмнинг ривожланишида туризмнинг ресурслари ва ривожлвнтириш омиллари бўлиши зарурий, бир-бири билан узвий боғланган холатдир. Туризм ресурсларини туризм мутахассислари хар хил маънода тушунишмоқда. Аслида эса туризм ресурслари ва туристик ресурсларнинг мазмунига кўра бир яхлит иқтисодий соҳани билдиради. Фақат туристик ресурсларнинг мавжудлиги туризмнинг шаклланишига асос бўлади. Яъни туристик ресурслар туризм ривожининг пойдевори ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александрова А.Ю. География туризма.Москва, “КноРУС”, 2010, стр. 25-28.
2. Храбовченко В.В. Экологический туризм. Москва, “Академия”, 2004. стр.3-6.
3. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси. Ж. Экология хабарномаси, № 6 Тошкент: 2007, 17-26.б.
4. 2020). 'DIRECTIONS FOR IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ANALYZING THE EFFICIENCY OF SERVICE ENTERPRISES', European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(3), pp. 3228-3234.
5. Ortikniyozovich, F. U. (2020). Theme: Forecasts And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On The World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, 2(08), 108-116.

Р.Б Коссе – СамИСИ ўқитувчиси

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК САЁҲАТЛАРНИНГ АХОЛИ ЎРТАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Экологик сайёхатлар саломатликни сақлаш чиниқиш, ҳаво алмаштириш каби соғломлаштирувчи тадбир бўлиб ҳисобланади. Экологик сайёҳатлар инсонлар иш унумдорлигини оширишга ёрдам бериб, иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Аннотация.В статье освещаются вопросы, связанные с экологическими путешествиями, оздоровления, закаливания, проветривания воздуха. Экологические путешествия способствуют работоспособности и вносит свою лепту в развития экономики.

[1] Храбовченко В.В. Экологический туризм. Москва, “Академия”, 2004. стр.3-6.

[2] Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси. Ж. Экология хабарномаси, № 6 Тошкент: 2007, 17-26.б.

Abstract. Ecologic traveling is keeping health, tempering, air changing, as a wellness event. Ecologic traveling is can help to develop productivity, contribute to develop ecology.

Калит сўзлар: Чиниқиш, саёхат, руҳий, физиологик, иқтисодий, инновация, яшаш мухити.

Ключевые слова: Закаливание, путешествия, духовность, физиология, экономика, инновация, сфера жизни.

Keyvords: be tempered, travel, spiritual, physiology, economics, innovation, envirovement.

Ўзбекистоннинг географик жихатдан жойлашиши ва иқлим шароити ахоли ўртасида экологик саёхатларни ташқил этиш учун деярли барча фасилларда қулайдир. Ўзбекистонни иқтисодий ривожиантиришда экологик саё хатларнинг тутган ўрни турли тумандир. Юртимизда экологик максаддаги саёҳатларни, ташкил этиб ривожлантиришда саломатликни сақлаш йўлида саёҳатга чиқиш, ҳаво алмаштириш тадбирларидан кўра, кўпроқ, иқтисодий фойда олиш масалаларини илгари сурган ва тарғибот қилинган. Бундай экологик табиатни ўрганган одамда, табиатга саёҳат қилиб, вақтни мазмунли ўтказиш, жисмоний камолатга интилиш, Ватан сарҳадларини сезиш ва унинг гўзаллигини ҳис қилишдан кўра, кўпроқ иқтисодий фойда олиш мақсадида саёҳат ишларини ташкил этиш билан боғлиқ таъсуротларни ҳосил қилади. Шундай бўлсада экологик саёҳатчиларда иқтисодий интилишлар негизига асосланган юксак маънавий бойлик ва ватанпарварликни тарғибот қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан бутун жахон туристик ташкилоти экалогик соатларни ташкил этишда қўйидаги вазифаларни бажаришни асосий максад қилиб қўйган холда таклиф этади;

- муҳофаза қилинадиган экологик ҳудудга яқин бўлган қишлоқ туманлари аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва уларга иқтисодий кўмак бериш;

- табиатни билиш ва унга эҳтиёткорона, тежаб, муносабатда бўлишни, маҳаллий халқ маданиятига, унинг иқтисодига биологик ва маданий хилма-хилликка ижобий муносабатни рағбатлантириш;

- юртимиз экологиясини келажак авлодга соф холда етказиш билан боглиқ иктисодий чоралар куриш;

-маданий аҳамиятга эга бўлган турмуш тажрибаларини кекса авлод вакиллари тамонидан ёш авлодга етказиб бериш;

Бундай халқаро аҳамиятга эга бўлган вазифаларни Республикамиз ҳудудида ҳам амалга ошириш мумкин. Ҳозирги табиат кўринишини келажак авлодларга соф табиат манзаралари ва бойликларини мерос қилиб қолдиришда, Она ер ҳаётининг мангулигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Экологик саёҳатлар жисмоний маданиятнинг ўзига хос воситаларидан бири бўлиб, у ахоли ва ёшларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдан ташқари, уларни меҳнатсевар ва ватанпарвар, ростгўйлик,

садоқат, ўзаро ишонч, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳам катта ёрдам беради. Шунингдек, экологик саёҳатлар жараёнида ўқувчиларда мардлик, жасурлик, чидамлилик, кучлилик, кескин вазиятларда зарур қарорга келиш каби руҳий ва жисмоний сифатларни ҳам тарбиялаш имконияти жуда кенг. Республикамизда ҳали яхши ўрганилмаган, инсон оёғи етмаган экологик хилма-хиликка бой жойлар жуда кўп. Туристик саёҳатлар ва уларни ташкил қилиш, уни ўтказиш бўйича республикамизда катта тажриба тўпланган. Бугунги кунда бу тажрибаларни янада ривожлантириш, уни замонавий даражага олиб келиб юртимиз иқтисодиётни кўтариш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонунида белгиланганидек, “Санаторий-курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва туристик марказларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари” муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан биридир. Шу сабабдан “Барча санаторий–курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва туристик марказларда жисмоний тарбия моддий базаси ҳамда якка тартибда ва гуруҳ бўлиб ўтказиладиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун шарт-шароит яратилади”, - деб алоҳида таъкидланган. Бунинг боиси шундаки, табиат қўйнига экологик саёҳатлар уюштириб ахоли ўртасида соғломлаштирувчи жисмоний тарбия воситаларининг муҳим таркибий қисмидир.

Эътироф этиш лозимки, жаҳондаги жуда кўп мамлакатларда экологик туризмнинг бу шакллари билан бир қаторда ҳаваскорлик экологиг туризми (пиёда юриш, тоққа чиқиш, транспортларда юриш, дарё, кўллар ва ҳакозоларда сайр қилиш) ҳам асосий ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантиришда ҳаваскорлик саёҳатнинг шаклланиши ва унинг ривожланишида касаба уюшмалари ташкилотлари ғамхўрлик қилиб келмокда ва улар олиб бораётган туристик саёхатлар тақсинга сазовордир. Кейинги даврда ҳаваскорлик туризми шаклан ва мазмунан ўз кучини қисман пасайтирди. Яъни моддий таъминот, транспорт, жиҳозлар, хавфсизликни сақлаш, ташкилий ва хўжалик ишлари ҳамда бошқа кўп муаммолар вужудга келди. Шунга қарамасдан аҳолининг саломатлигини яхшилаш, талаба-ёшларнинг жисмоний камолотини ўзгартириш йўлида саёҳатнинг ўрни ва моҳияти йўқолган эмас. Булар ахоли давлат , жамоат ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Бундай ижтимоий-иқтисодий маданий ва тарбиявий жараёнларни амалга ошириш мақсадида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мажмуйи ишлаб чиқилиб, у 2000 й. 1 мартдан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу мажмуйида барча ёшдаги (6 ёшдан 60 ёшгача)ҳам кишилар учун мўлжалланган синов меъёрлар таркибида сайр-саёҳатлар (пиёда юриш) ўрин эгаллаган. Уларни намуна қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Саломатлик махсус тестлардаги саёҳат талаблар ва синов меъёрлари шуғулланувчи ёки қатнашчиларнинг ёши, жисмоний тайёргарлиги, жинси

ҳамда саёҳатларга қизиқишларини эътиборга олинади. Ўз навбатида уларнинг жисмоний жиҳатдан ривожланиши, саломатлигини яхшилаш, чиниқиш каби сифатлар ҳамда ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, ўлкани ўрганиш билан Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, экологик муҳитни сақлашга кўмаклашадиган назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, уларни бойитиш фазилатлари ҳам мужассамлаштирилган**.**

Экологик саёҳат Республикамиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга маълум даражада ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу йўлда Республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган ислохатлар турли–туман тадбирлар, бевосита ғамхўрликлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар аҳолининг саломатлигини яхшилаш, талаба-ёшларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялашда экологик саёҳат ўз мавқейи ва мақомига эришмоқда. Бу жиҳатлар “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мажмуйида ўз ифодасини топганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтканимизда республикамизнинг мустақиллиги туфайли ва шаҳарларнинг бугунги жамоли кескин равишда ўзгариб бориши аҳолини юртимиз худутларида экалогик сайрларни ўтказмоқда. Шундай экан экологик саёҳат мамлакат иқтисодини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак. Мамлакатимизнинг баҳаво жойларини ташвиқот ва тарғибот қилиш ҳамда кўпроқ иқтисодий фойда олиш масалаларини дадил қадамлар билан илгари суриш зарур деб ўйлаймиз.

М.М Нарзиев – Бухоро давлат университети таянч докторанти

ТУРИЗМ КЛАСТЕРЛАРИ – ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Аннотация: мақолада туристик кластерга таъриф берган ҳолда жаҳондаги машҳур технологик ва дори-дармон кластерларининг мисоли келтирилган. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Бўстонлиқ туманини комплекс ривожлантиришнинг биринчи бош лойиҳаси ёритилиб, бундай туристик кластерларни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: туристик кластер, самарадорлик, иқтисодий механизм, Силикон водийси, “Чорвоқ” туристик рекреацион зонасини.

Аннотация: в статье приводится пример известных мировых технологических и лекарственных кластеров с описанием туристского кластера. Исходя из мирового опыта, был освещен первый генеральный проект комплексного развития Бустонлыкского района, даны рекомендации по популяризации таких туристских кластеров и в других регионах республики.

Ключевые слова: туристический кластер, эффективность, экономический механизм, Силиконовая долина, туристско-рекреационная зона «Чарвак».

Abstract: the article gives an example of the world's famous technological and

medicinal clusters with a description of the tourist cluster. Based on the world experience, the first general project for the integrated development of the Bustonlyk district was highlighted, recommendations were made to popularize such tourist clusters in other regions of the republic.

Keywords: tourist cluster, efficiency, economic mechanism, Silicon Valley, tourist recreational area "Chorvok."

Республикамизда кластер ёндашуви асосида қишлоқ хўжалиги ва пахта-тўқимачилик саноатларининг ривожланиши амалиётда ўз исботини топганини инобатга олган ҳолда, туризм соҳасида ҳам кластер механизмини қўллаш бўйича республикамизда сўнгги йилларда қатор ишлар ва режалар белгиланди.

Туристик кластер деганда – маълум бир ҳудудда жойлашган туристик корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши, қўшимча қиймат яратиши ва ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш тушунилади.

Профессор Александрова А.Ю.нинг фикрига кўра [1], туристик кластерда маҳсулот ёки хизматнинг қўшимча қийматини яратиш механизми 4 босқичдан иборатдир:

- ✓ етказиб берувчилар занжири (биринчи навбатда, туристларни ташиш билан шуғулланувчи транспорт компаниялари);
- ✓ марказий қуйи тизимни ташкил этувчи жойлаштириш ва кўнгилочар объектлар занжири;
- ✓ туристик маҳсулот ва хизматларни сотиш каналлари (турфирмалар, турагентлар орқали);
- ✓ туристик занжир ёки истеъмолчилар занжири.

Кластер назарияси асосчиларидан бири ҳисобланган АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портернинг фикрича, АҚШ иқтисодиётида кластерларнинг роли жуда катта бўлиб, дунёда энг машҳур технологик кластерлардан бири бу “Силикон водийси” кластеридир. Ушбу кластер дастлаб Калифорния штатининг Сан-Хосе шаҳрида шаклланиб, кейинчалик Сан-Франциско шаҳрига кўчган. АҚШда технопаркларнинг ривожланиши 1980 йиллардан бошланиб, фан ва техника соҳасидаги давлат фаолияти “миллий инновацион қобилият” номли концепцияда ўз аксини топди. Сан-Хосе шаҳрида Американинг машҳур Стэнфорд университети жойлашган бўлиб, технологик кластер шунинг атрофида шаклланган.

АҚШнинг тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирда бундай юқори технологияларга асосланган кластерларнинг ташкил қилиниши барча давлатларда олиб борилмоқда. Уларга мисол қилиб, Россиядаги “Сколково” инновацион маркази, Дубайдаги “Dubai Silicon Oasis” ва “Dubai Internet City” инновациялар ва технологиялар марказлари, Париждаги “1000startups” электроника инкубатори, Лондондаги “Tech City

[1] Александрова А. Ю. Туристские кластеры: содержание, границы, механизм функционирования [Электронный ресурс] / А. Ю. Александрова // Современные проблемы сервиса и туризма. — 2007. — № 1. — С. 51–61. — Режим доступа: http://tourlib.net/statti_tourism/aleksandrova3.htm

Campus London” Европадаги йирик информацион технологиялар кластери ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Яна бир мисол сифатида, Германиянинг Майнц шаҳридаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи BioNTech компаниясини айтиш мумкин. Майнц яқинидаги Франкфурт шаҳрида XIX-XX асрлардан бошлаб дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича кластер шаклланган бўлиб, унинг атрофида шиша идишлар, липидлар, асбоб-ускуналар ва тадқиқот институтлари бирлашган. Натижада Франкфурт “Жаҳон фармацевтика” марказига айланган. BioNTech компанияси ўша



Расм-1. Чорвоқ туристик-рекреацион зонаси харитаси

кластер негизида 2008 йилда ташкил этилган. Бу компания Германиянинг бошқа фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзига хос кластер тизимида ишлаб, ҳозирда бутун жаҳонда долзарб бўлган касалликларга шифо бўладиган дори-дармонларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Шундай касалликлардан бири, 2019-йилда бошланган COVID-19 пандемияси бўлиб, унга қарши вакцинани BioNTech Америкадаги Pfizer фармацевтика компанияси билан ҳамкорликда, жуда қисқа вақт ичида яратди. Яъни ушбу фармацевтика кластери доирасида, ҳар бир кластер иштирокчисининг қўшган қўшимча қиймати натижасида янги вакцина яратилиб, бундан компания катта фойда олиши, қўшма янги тадқиқотларнинг ўтказилиши, ходимлар малакасининг ошиши ва бутун дунё бўйлаб миллионлаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди.

Ўзбекистонда ҳам жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 1-февраль куни Туризм ва спорт вазирлигида Бўстонлиқ туманини комплекс ривожлантиришнинг биринчи бош лойиҳаси тақдимотига

бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди[1]. Анжуманда Бош вазир ўринбосари, Туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳакимов сўзга чиқиб: “Бўстонлиқ тумани юқори туристик, табиий ва рекреацион салоҳиятни ўзида жамлаган. Уни тўғри ривожлантириш ўзи билан бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий, экологик ва инвестицион ўзгаришларни олиб келади (Расм-1). Давлат раҳбари ва Ҳукумат томонидан Бўстонлиқ туманини ривожлантиришга алоҳида эҳтибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан,



Расм-2. Чорвоқ туристик-рекреацион зонасида ташкил этиладиган янги хизматлар

“Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-августдаги ПФ-6053 сонли Фармони, шунингдек “Чорвоқ” туристик рекреацион зонасини (ТРЗ) ташкил этиш тўғрисидаги Республикаси Президентининг ПФ-5273 сонли Фармони қабул қилинганини айтиб ўтди”.

Бош лойиҳанинг асосий мақсади шундан иборатки, Чорвоқда мавжуд бўлган табиий, маданий ва археологик ресурслар ҳудудларида экокаркас ва жамоат жойларининг барқарор тизимини яратиш ҳамда экологик тоза транспортни ривожлантириш назарда тутилган (Расм-2).

Олиб борилаётган ишлар доирасида Чорвоқ ТРЗ таркибидаги икки ҳудуд: “Чорвоқ дарвозаси: Жанубий Хўжакент” ва “Юсуфхона” мажмуала-

[1] Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги расмий веб-сайти маълумотлари: https://uzbektourism.uz/news/view?id=2070

рининг мастер-режалари ва ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилган. Ушбу ҳудудларда соҳилда чўмилиш, тоғ ҳайвонот дунёси олами билан танишиш, Хумсон санаторийси, тоғ ёнбағирларида сайр қилиш ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш каби янги туристик хизматларни яратиш орқали, ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳудуднинг туристик ривожланиш барқарорлигини ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, бу ерда маҳаллий гид-таржимонлар, транспорт компаниялари, меҳмонхоналар, ресторанлар ва бошқа туристик субъектлар жалб қилиниб, туристик кластер ташкил қилинади.

Республикамиздаги бундай туристик потенциали юқори ҳудудларни аниқлаб, у ерда туристик кластерларни ташкил қилиш орқали йил давомида сайёҳларга хизмат кўрсатиш мумкиндир.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги туристик кластерларни давлат-хусусий шерикчилиги асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1. Бухоро вилоятидаги “7 ПИР” муқаддас қадамжоларини ўз ичига оладиган “Зиёрат туризми” кластерини ташкил қилиш;
2. Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани “Миронкўл” қишлоғида агроэкотуристик кластерини ташкил қилиш, яъни бу ҳудуд ўзининг табиати ва тоғлари билан машҳурдир;

Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва унинг атрофида жойлашган туристик объектларни бирлаштирган ҳолда “Хива шаҳри туристик кластери”ни шакллантириш. Бунда Хива шаҳрининг “Ичан қалъа”, “Дешон қалъа”, Хива туманидаги Ғоваккўл ва Эшонравот кўлларини киритиш мумкин.

Ф.Б.Маткаримов – УрДУ, “Туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш” кафедраси стажор-ўкитувчиси.

МИНТАҚАДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ туризмини ривожлантиришда илғор мамлакатларнинг имкониятлари ва тажрибалари очиб берилган. Шунингдек, қишлоқ туризмини ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлок туризм, агротуризм, хизматлар, экотуризм, фермер хўжалик.

Аннотация: В данной статье описаны возможности и опыт передовых стран в развитии сельского туризма. Также даны рекомендации по использованию опыта развитых стран в развитии сельского туризма.

Ключевые слова: сельский туризм, агротуризм, услуги, экотуризм, фермерство.

Annotation: This article describes the opportunities and experiences of advanced countries in the development of rural tourism. Recommendations were also made to use the experience of developed countries in the development of rural tourism.

Keywords: rural tourism, agrotourism, services, ecotourism, farming.

Ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг хар қандай тармоқларининг ривож топишида жаҳон хамжамияти билан хамнафас бўлиш талаб қилинмоқда, бирок бунда туризм соҳаси муҳим соха ҳисобланади. қишлоқ туризми хизматларини кенгайтириш ва самарадорликини оширишда хориж тажрибаларидан кенг фойдаланиш, соҳанинг ривожланиши учун етарли шарт шароит ва имкониятларни очиб беради. Туризм бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиё-тини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида қишлоқ туризмига қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Қишлоқ туризми тармоғи жуда тез сурьатда ривожланиб, баьзи мамлакатларда хорижий сайёҳларни жалб қилишдан келадиган асосий даромад манбаи ҳисобланади. Европада қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича Испания, Италия, Франсция, Швецария, Ирландия каби мамлакатлар етакчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ туризмини ривожлантиришдан олдин уни агротуризм ва экотуризм билан фаркини билиб олишимиз зарур. Буни қуйидаги чизма[1] орқали фарқлашимиз мумкин.



1-чизма:Қишлоқ туризми, агротуризм ва экотуризмнинг ўзаро боғлиқлиги.

Чизмадан кўриниб турибдики агротуризм қишлоқ туризмининг бир бўлаги сифатида қаралади. Экотуризм эса қишлок жойларининг мальум бир қисмларида ташкил қилиниши сабабли бир қисми ўзаро боғлиқ саналади.



2-чизма. Агротуризмни ривожланиш босқичлари.[2]

[1] Matkarimov Feruz Bekturdievich. “turizm (faoliyat turlari bo’yicha)” mutaxassisligi magistri akademik darajasini olish uchun dissertatsiya ishi.Urganch 2021.

[2] Matkarimov Feruz Bekturdievich. “turizm (faoliyat turlari bo’yicha)” mutaxassisligi magistri akademik

Қишлоқ туризмини бир қисми бўлмиш агротуризмни бошқа туризм турларидан фарқи шундаки, унда туризмни бир нечта турларини биргаликда ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятини беради. Агро-туризмни бир нечта босқичда ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин. Швейцариядаги ноёб Альп ўтлоқлари, Нидерландиядаги сув ҳавзалари ва тегирмонлар, Италиядаги виллалар ва боғлар сақланиб қолинган[1]. Натижада, Европа аҳолиси, яхши ташкил этилган ва ривожланган қишлоқ туризмидан юқори фойда олиш мумкинлигини англаб етишди. Мутахассисларнинг фикрича, Европа мамлакатларида қишлоқ жойларида дам олишдан келадиган даромад ҳиссаси бутун туризм саноати умумий даромадининг 10-20 фоизни ташкил этади. Статистик малумотлар шуни кўрсатадики, Европада шаҳар аҳолисининг 35 фоизи меҳнат татилларини қишлоқ жойларда дам олиш учун ўтказишади. Голландияда бу кўрсаткич юқори бўлиб, 49 фоизни ташкил этади[2]. Европа мамлакатларининг агротуризм соҳасидаги тажрибаси шундан далолат берадики, унинг шакллари хилма-хиллиги ва сўнгги йилларда ҳордиқ чиқаришнинг юқори даражадаги қулайликларга эга эканлиги сайёҳлар томонидан афзал кўрилмоқда.

Бироқ, бу маҳаллий табиий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жумладан, қишлоқ уйларидаги реал ҳаётга яқин яратилган шароитлар, мебель жиҳозлари, ошхона анжомлари, кийим-кечак ва ҳоказолардан фойдаланиш, ҳордиқ чиқаришнинг классик шаклларига бўлган талабни истисно қилмайди.[3]

Бордо, Тоскан ва Андалузия шаҳарларида қишлоқ уйларига бўлган талаб жуда юқоридир. Финляндияда балиқ овлаш, дарё ва кўл бўйида велосипедда саёҳат қилиш каби фаол ҳордиқ чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Словакия, Венгрия ва Польшада маҳаллий урф-одатлар ва маданият ҳақида кўпроқ билишни истаган, шунингдек, турли хил табиий диққатга сазовор жойларни, масалан, кўлларни ёки миллий боғларни кўришни истаган туристлар учун талим агротуризми ривожланган.

Мактаб таътили даврида қишлоқ жойларда болалар учун дам олиш дастурлари ташкил этилади ва такомиллаштирилиб борилади. Турли мамлакатлар шаҳарларидан болалар қишлоқ оилаларда яшайдилар, уларнинг ҳаёти билан танишадилар, қишлоқдаги тенгдош болалар билан фаол вақт ўтказишади, ўйнашади ва сайр қилишади. Ундан ташқари, улар ушбу ҳудудда яшайдиган халқнинг рақслари, қўл саньатлари, хорижий тиллар ва маҳаллий фольклорни ўрганишлари мумкин.

Польшада “яшил мактаблар”га ихтисослаштирилган ўқув дастурлари кескин ривожланиб, қишлоқ жойлардаги махсус танланган асосий агротуристик хўжаликларда шаҳар болалари учун икки-уч ҳафталик дам олиш кунлари ташкил этилади. Бу жараён нафақат ҳордиқ чиқариш балки қишлоқ ҳаётини ўрганишга ҳам имкон беради. Ҳаттоки, фермер хўжаликларида болалар учун махсус ўқув дастурлари тайёрланиб, улардан

---

darajasini olish uchun dissertatsiya ishi. Urganch 2021.

бири “дондан-нонгача” дастури бўлиб ҳисобланади ва болалар бевосита бу дастур асосида нон тайёрлаш жараёнига кенг жалб этилади.

80-йилларда Германияда йирик шаҳарлардан узоқда жойлашган қишлоқ ҳудудларида агротуризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Дастурнинг асосий мақсади - табиат қўйнида арзон дам олиш учун туристик йўналишлар бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги вақтда Германияда қишлоқ туризмининг қишлоқ ҳовлисида дам олиш, ферма ва виночилик хўжаликларида дам олиш каби турларини ривожлантиришга эришилди.

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда яшил агротуризм тури кенг тарқалган бўлиб, дам олувчи туристлар қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини олиб боришади. Ушбу ҳудудда истиқомат қиладиган халқлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, рақслари ва қўшиқлари билан танишадилар, урф-одатларини ўрганадилар ва қишлоқ меҳнат жараёнлар, маҳаллий байрам ва фестивалларда иштирок этадилар. Ушбу турдаги агротуризмнинг оммабоплиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш даражаси юқори. Аммо, табиий ландшафтлари мавжуд бўлмаган мамлакатлар учун хосдир. Ундан ташқари, агротуризмнинг ушбу тури фаол саёҳат қилувчилар ва йирик шаҳарларда ҳаётнинг гавжум суратлари билан доимий стрессга эга бўлган инсонлар учун ҳам қизиқарлидир.

Кейинги йилларда қишлоқ туризмининг яна бир тури “меҳнат агротуризми” ривожланиб бормоқда. Бунда туристлар шахсий меҳнатлари эвазига турар жой ва озиқ-овқат билан таъминланадилар. Агротуризмнинг ушбу йўналиши дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида “фермада кўнгиллилар” номли шиори остида ривожланмоқда. Қишлоқ жойларда саёҳат қилувчиларни маълум ҳудудларнинг табиий диққатга сазовор жойлари ва ўзига хос хусусиятлари қизиқтиради. Бундай ҳолатда, фаол ва пассив дам олишни ўз ичига қамраб олган рекреацион агротуризм турини келтириш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хорижий тажрибаларни қўлланилиши натижасида Ўзбекистонда қишлоқ туризм хизматларининг кенгайиши, соҳада янги ишчи ўринларининг кўпайишига шунингдек, рақобатбардошлик даражасини ортишига имкон беради. Натижада Хоразм вилояти минтақасида қишлоқ туризми турининг янги тармоғи сифатида истиқболли йўналишига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1) Кундиус, В.А. Проблемы и перспективы агротуризма в регионе / В.А. Кундиус, В.В. Чермянина // Аграрная Россия. – 2011. – № 2. – С. 49–54.

2) Ю.И.Новиков, О.А.Блинов, О.В.Шумакова, Направления и опыт развития агротуризма, Экономичесие и социально-гуманитарные науки. 2015.

3) Агротуризм как перспективное направление развития сельских территорий в Омской области [Электронный ресурс] / О.В.Шумакова [и др.] // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2. – Режим доступа: www.science-education.ru/122-20294

4) Тухлиев И.С, Хайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари дарслик. Тошкент 2014.

5) www.stat.uz

6) www.unwto.org

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Р.Б Коссе – СамИСИ ўқитувчи

ИСТЕМОЛЧИЛАР МАДАНИЯТИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Истемолчилар маданиятини ривожлантиришда ахоли уртасида оыилона истемол даражасини тушиниб етишини иқтисодий йўлларини топа билишдан иборат булиш керак. Истемолчилар маданиятини оширишга ёрдам бериб, иқтисодиётни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Калит сўзлар: Истемолчи маданияти, истемол даражаси,истемолни тушуниш, истемолчиларнинг хақ хукуқлари, оқилона истемол.

Аннотация. В статье освещаются вопросы, связанные с потребителями их правами и культурным потреблением стоимость товаров потребления.

Ключевые слова: *Потребитель, культурное потребление, стоимость потребителя, понимания потребителя, права потребителя.*

Abstract. Traveling is keeping health, tempering, air changing, as a wellness event. Ecologic traveling is can help to develop productivity, contribute to develop ecology.

Keyvords: be tempered, travel, spiritual, physiology, economics, innovation, envirovement.

Истеъмол маданияти,кенг маънода айтганда истемолчи,шахс бир гурух кишилар ва жамият ўзларининг энг мақбул оқилона истеъмол даражасини тушуниб етиши иқтисодий ва маънавий жиҳатдан уни қондириш йўлларини топа билишдан иборат бўлиш керак. Малуъмки биз бугунги кунда шахснинг баркамол ривожланиши учун юқори даражада моддий ва маънавий имкониятларга эгамиз. Лекин яратилган шундай имкониятларидан, бойликлардан ҳар бир киши, ҳар бир истеъмолчи оқилона фойдалана билишлиги мўҳим хисобланади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир шахснинг истеъмоли турмуш тарзи қандайлигига жуда боғликдир. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг истеъмол махсулотларига, айниқса озиқ-овқат махсулатларига бўлган талабларини қандириш ва шу асосда истеъмол маданиятини ошириш энг муҳим вазифалардан саналади. Демак сифатли озиқ-овқат махсулатларини ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш шу асосида истеъмол маданиятини юксалтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг ҳалқаро бозорда рақобат қила олишини таъминлаш ҳозирги кунда ҳам уствор вазифалардан бири бўлиб

қолиши зарур. Бугунги кунда ўз истеъмолини тушуниб етиш унинг оқилона даражасига риоя қилиш жамоа орасида ўзини тута билиш каби маъданиятли кўриниши сингари зарурият бўлиб қолиш лозим. Ўз навбатида классикларимиз жуда кўп нарсалардан фойдаланиш учун инсон шу нарсалардан фойдаланишга лаёқатли бўлиши яни юқори даражада маданиятли киши бўлиши керак деб ўқтириб ўтганлар.

Мустақил Республикамизда шахснинг баркамол бўлиб вояга етишишлари, уларнинг ривожланишлари учун жуда катта маъданий-маърифий, спорт соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу фундаментал мақсад бизнинг истеъмолга муносабатимизда ҳам намоён бўлиши шарт. Оқилона истеъмол деганда биз шундай истеъмол даражасини тушунамизки,бу истеъмол ана шу мақсадга эришишимизда максимал даражада кўмак беради. Назаримизда истеъмол маъданияти деганда аввало оқилона истеъмол мўлжаш ва унинг мақсадга мувофиқ шаклланишидаги энг муҳим асослардан бири бўлиб ҳизмат қилиши меёрларни тушунишимиз кераклигини олимларимиз ўз фикирларида айтиб ўтишган. Истеъмолчининг маъданиятини шакллантиришда ва шу асосида аҳоли тўрмуш даражаси сифатини оширишда маркетинг хизмати мўҳим ва асосий ахамиятга эга эканлигини айтиб ўтишимиз зарур.Кўйчилик маркетингнинг мқсади-ишлаб чиқаришнининг максимал ўсиши ва корхонанинг бойишида асосий омил юқори истеъмолга эришишни рағбатлантириш деб биладилар. Аслида маркетинг истеъмолчиларнинг талабларини максимал даражада қондиришдан ибортдир. Маркетингни ўрганувчи ва унга асосланган адабиётларда, маркетингни 4 та мақсади мавжуд деб келтирилади улар қўйдагилар. *1*.Мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш. *2*.Истеъмолчилар талабининг максимал қондирилишига эришиш. Истеъмолчиларга кенг хилма-хил товарни танлашга имконият яратиш. *4*.Аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш.Юқоридаги маркетингнинг мақсадлари асосан аҳоли турмуш даражаси оширилиши ва унинг сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминланишига қаратилгандир.Аҳоли турмуш даражасини оширишда қўйдаги тушунчаларни ўз ичига олади улар қўйдагилар. Товар маҳсулотларининг сифати,миқдори хилма-хил, тузиш тартиби нархи. Меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси.Маданий муҳитнинг сифатли ташкил этилганлигидир. Юқоридаги фикирларни тўлдириш мақсадида, замон фан ютуқлари буни қўйидагича изоқлайди.

1.Истеъмолдаги энергия балансига эришиш.

2.Асосий озиқ овқат мақсулотлари моддалари,яъни оқсил, ёғ, углеводлар ўртасидаги тўғри нисбатни ўрнатиш.

3.Қанд ва крахмал нисбатининг тўғрилигини таъминлаш.

4.Минерал моддалар ва витаминларни мувозонатлаштириш.

Истеъмол маданияти истеъмол товарларидан тежаб-тежаб фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига нобудгарчиликни олдини олиш ва уни нисбати камайтириш муаммоларини ечи-

шига ҳам даҳилдордир.

Маркетинг соҳасида истеъмол маданияти нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида нобудгарчиликни камайтириш,балки аҳоли истеъмоли бўлган газ, электроэнергия, сув ва бошқа моддий ашёлардан тежаб-тежаб фойдаланиш, қўрсатилган хизматга яраша ўз вақтида хизмат ҳакларини тўлаш қаби муҳим истеъмол хизматларини қамраб олади.Юртимиз аҳолисининг яхши кунлари кўп тўй хашшомларда бўладиган исрофгарчиликларга ҳеч бир нарсани таққослаб бўлмайди. Ҳеч кимга сир эмас бундай исрофгарчиликлар бор ва кўп, бундан ҳеч кўз юмиб бўлмайди. Бизнинг асосий вазифамиз йўл қўйилаётган юқоридаги каби исрофгарчиликларни камайтиришга жамоатчиликнинг эътиборини қаратишдан иборат бўлмоғи керак. Шунингдек, истеъмол маданияти, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва унинг биологиг қиймати билан ҳам чалбарчас боғлиқдир. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашда маҳсулотларнинг сифати-даражаси муҳимдир. Бугунги кунда асосий вазифа деб озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини микроэлементлар ва (бойитилган) витаминлар билан бойитиш ҳам ҳисобланади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни қўрсатадики,биз табиий маҳсулотларни истеъмол қилиб,оқсил, ёғ, углеводлар бўйича меёрий кўрсаткичга эришсакда,бари бир инсон организми витаминлар ва микроэлементларга қўшимча эҳтиёж сезаверади. Бунинг асосий сабаблари шундаки кўп озиқ овқат маҳсулотлари айниқса қишлоқ хўжалик хом ашёлар иистеъмолчилар дастурхонига етиб боргунча тозаланади ва қайта ишлабчиқилади. Хом ашёни қанча кўп тозаласак ва қайта ишласак шунча кўп унинг таркибидаги витаминларини йўқотамиз. Биз истеъмолчи ҳаридорлар кўпинча ёки кўп ҳоларда олий навли ун ёки оппоқ силлиқланиб тозаланган гуручни харид қилшга уринамиз. Бу харидларимизга сифат жиҳатидан тоза бўлиши мумкин, бироқ унинг таркибида витаминларнинг камайиб-организимизда витамин етишмаслигини ўзимиз келтириб чиқарамиз. Шунинг учун инсон организмидаги рационнинг асосий қисмини тозаланган маҳсулотлар ташкил этувчи ривожланган мамлактларда аҳолининг қўпроқ қисми тез-тез айрим турдаги касаликларга чалиниши ва нисбатан камроқ умир кўриши, организмда мунтаззам равишда айнан зарур витаминлар ва минерал моддаларнинг етишмаслиги асосий сабаб кўрсатқичи эканлиги, олиб берилган ўтказилган кўпгина илмий-тадқиқот ишлари асосида тасдиқланган. Бу борада республикамизда йод танқислиги касалликларини олдини олиш мақсадида ош тузини йодлаш ва қамқонликнинг олдини олиш унинг темир билан, озиқ овқат маҳсулотларининг баъзи тўрларини эса витаминлар билан бойитиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли амалий ишлар фикримизнинги исботидир. Баён этилган тезисда билдирилган фикирларни жамлаб ҳулосаса қиладиган бўлсак. Юқоридаги фикирларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки,агар ҳар биримиз аввало онгимизда ҳар бир раҳбар ўз ишчи ходимларига, ўқитувчи мураббийлар ўз ўқувчиларига, шогирдларига нонни азиз-тутиш, инсон меҳнатини эъзозлаш,исоннинг машаққатли мехнатини хурмат қилиш зарур. Юқорида билдирилган фикирларини тарғибод ва ташвиқот қилиш бизнинг инсоний бурчимиз ва шу йўлда қилинган катта меҳнатимиз шу ишга қўшган ҳиссамиз бўлиб қоларди.

Н.У Муродова – ҚарМИИ, “Бизнес ва инновацион менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси

ТУРИЗМДА СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада туристик корхоналарни стратегик маркетингининг ассосий йўналишлари, унинг роли ва аҳамияти ёритилган. Стратегик маркетингнинг потенциали ва туризмни бошқариш даражаси тақдим этилган. Туризм соҳасида маркетингнинг мақсади ва элементларини белгилайдиган асосий омиллар таркиби тавсифланади.

Калит сўзлар: стратегик маркетинг, туризм маркетинги, туризм маҳсулоти, туризм корхонаси, туризм бренди, инновация, маркетинг технологияси.

Аннотация: В статье раскрывают основные направления стратегического маркетинга туристского предприятия, возрастание ее роли и значения. Представлен потенциал стратегического маркетинга и уровни управления туристской деятельностью. Охарактеризованы содержание основных факторов, определяющих целевые установки и элементы маркетинга в сфере туризма.

Ключевые слова: стратегический маркетинг, турмаркетинг, турпродукт, туристское предприятие, туристский бренд, инновации, маркетинговые технологии.

Abstract: The article reveals the main directions of the strategic marketing of the tourist enterprise, the growth of its role and importance. The potential of strategic management and levels of management of tourist activities are presented. The content of the main factors determining the objectives and elements of marketing in the sphere of tourism is characterized.

Keywords: Strategic marketing, travel marketing, tourist product, tourist enterprise, tourist brand, innovations, marketing technologies.

Замонавий шароитда маркетинг технологиясини эгаллаш алоҳида аҳамиятга эга. Бозорда доимий ва барқарор муваффақиятга эришиш учун туристик корхонанинг узоқ муддатли истиқболини, макро ва микро муҳитдаги ҳар қандай ўзгариш шароитида омон қолишини кафолатлайдиган масалаларни ҳал қилиш учун маркетинг фаолиятини қайта йўналтириш лозим. Маркетингни менсимаслик муқаррар равишда туристик корхоналарни туристик хизматлар бозорида ўз мавқеини йўқотишига ва охир оқибат корхонанинг тугатилишига олиб келади. Маркетинг менежмент маданиятини оширади, мақсадга мувофиқликни ва фаолиятнинг барча соҳаларини аниқ мувофиқлаштиришни таъминлайди ва натижада корхонани бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга кўпроқ тайёр қилади.

Тактик маркетингдан фарқли ўлароқ, стратегик маркетинг - бу ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий ҳодисаларнинг кенг доирасига хос бўлган макро тенденцияларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш орқали прогноз қилиш, шакллантириш, қондириш, барқарорлаштириш ва кенгайтиришни таъминловчи, истеъмолчининг реал ва потенциал образини, ушбу образни шакллантирувчи атроф-муҳит, бозорни ўрганувчи технологиялар мажмуи[1]. Стратегик маркетинг моҳиятига кўра инновацион ҳисобланади. Унинг ечимлари муаммоларни ҳар томонлама ташхислаш ва таклиф қилинган ечимларни концептуаллаштириш асосида яратилган.

Стратегик маркетинг - "бу асосий истеъмолчилар гуруҳларининг

эҳтиёжларини мунтазам ва доимий равишда таҳлил қилиш, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга рақобатдош ва барқарор мавқеини таъминлайдиган самарали товарлар ва хизматлар концепцияларини ишлаб чиқишдир"[2]. Операцион маркетинг тезкор ва "потенциал харидорларни хабардор қилиш ва харидорларни топиш нархини пасайтиришда маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини намойиш этиш учун савдо, сотиш ва алоқа сиёсатини ташкил этишга" қаратилган [2].

Маркетингга бўлган иккала ёндашув бир-бирини тўлдиради ва корхонанинг ягона маркетинг сиёсатида мужассамлашган. Агар маркетингнинг тактик усулларидан фойдаланиш туристик корхона томонидан товарлар ва хизматларни сотиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилишга имкон берадиган бўлса ва шу билан ўз фаолиятининг қисқа муддатли тижорат ижарасини таъминласа, стратегик маркетинг бозорнинг барча таркибий қисмларининг ҳолати ва динамикасини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболли дастурни ишлаб чиқиши мумкин.

Стратегик маркетинг потенциали туризм тармоғини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади.

Халқаро миқёсда халқаро туризмни ривожлантиришнинг узоқ муддатли устуворликларини, миллий ва минтақалараро даражада туризм индустриясини динамикасини режалаштириш усул ва услубиятини ишлаб чиқишга, шунингдек, туризм тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Давлат сиёсати даражасида стратегик маркетинг имкониятларидан фойдаланиш туризм фаолиятини тартибга солиш жараёнини янада самаралироқ қилади, туризмни ривожлантириш устувор йўналишларини аниқлаш ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун ахборот базасини яратади, туризм инфратузилмасини яратишда, тарихий-маданий ёдгорликларни ҳимоя қилишда, туризм соҳасига инвестицияларни рағбатлантириш, туристик ва рекреацион кластерларни силжитишни тарғиб қилиш буйича устувор чораларни белгилашда давлат ва хусусий шериклик кучлари ва манбаларини мувофиқлаштиради.

Туризм соҳасидаги стратегик маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- ташқи омилларга боғлиқлик;
- туристик маҳсулот (ва унинг таркибига кирувчи хизматлар) нинг ўзига хос хусусиятлари;
- туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш технологиялари;
- вазифаларнинг мураккаблиги.

Туризм соҳасидаги маркетингнинг мақсадлари ва элементларини белгилайдиган асосий омиллар таркибини тавсифлаб берайлик.

1. Туризм индустриясининг ҳолатига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи ташқи омиллар табиий ресурслар, сиёсий ва иқтисодий вазият, аҳолининг ижтимоий-демографик тузилишидаги ўзгаришлар, аҳоли

турмуш даражаси, ялпи миллий маҳсулот ҳажми, асосий аҳоли гуруҳларининг ҳордиқ чиқариш қизиқишлари ва афзалликлари, урф-одатлари, мода, минтақанинг экологик ҳолати ва бошқалар.

2. Туристик маҳсулот (ва унинг таркибига кирувчи хизматлар)нинг ўзига хос хусусиятлари, унинг яхлит табиати ва унинг элементлари бир-бирини тўлдириши. Шу сабабли, улардан бирининг паст сифати барча таклифлар тўпламига бўлган муносабатга салбий таъсир қилади. Туристик маҳсулот кўп компонентлиги, ишлаб чиқарувчиларнинг кўп субъектлилиги туфайли юқори инерция хусусиятига эга ва шу сабабли турмаҳсулотларни талабнинг вазиятга қараб ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда оператив модификациялаш мумкин эмас. Туристик маҳсулотга киритилган хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш вақт ва жойда бир-бирига тўғри келади, шунинг учун уларни тўплаш, сақлаш, потенциал истеъмолчиларга товар намунаси сифатида намойиш этиш мумкин эмас. Улар асосан номоддий, тўғридан-тўғри идрок қилишнинг иложи йўқ. Маҳсулот ишлаб чиқарилиб, омборга юбориладиган ва харидор талаб қилгунига қадар сақланадиган товар ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, туризмда савдо-сотиқ ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш жараёнига тўғри келади. Туризм маҳсулотларини сотиб олиш ва истеъмол қилиш макон ўзгаришини (баъзан узоқ йўл босиб ўтишни) талаб этади, моддий ва вақт харажатларини енгиб ўтиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, унинг сифат параметрларига юқори талабларни келтириб чиқаради.

3. Туризм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- туризм бозори субъектлари ўртасида ҳам, туризм индустрияси ва унга алоқадор тармоқлар ўртасида ҳам юқори рақобатни келтириб чиқарадиган рекреацион эҳтиёжларни қондириш шаклларининг ўзаро алмашувчанлиги;
- ҳар иккала омил - иқтисодий омилларга (инфляция даражаси, оила бюджетининг ҳажми ва таркиби, туристик товарлар ва хизматлар нархлари динамикаси ва бошқалар) ва иқтисодий бўлмаган омилларга (сиёсий вазият, жиноятчилик даражаси, мода, туристик маҳсулотни танлашда афзалликлар ва кайфият) бевосита боғлиқ бўлган талабнинг эгилувчанлиги;
- жой ва вақт бўйича тақсимланмаган талаб (мавсумийлик, минтақалар ва туристик марказларнинг машҳурлиги).

4. Туризм маркетингида ўзига хос объект мавжуд бўлиб, у туристлар (якуний маҳсулот истеъмолчилари), туристик бизнес билан бевосита боғлиқ воситачилар ва муассасалар орқали намойиш этилади. Ушбу муассасаларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида туризм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилишади.

5. Стратегик маркетингнинг мақсад ва вазифалари туризм соҳасидаги вазиятни тавсифловчи тенденциялар ва муаммолар билан ҳам белгиланади.

Хусусан, сўнги йилларда туризм оммавий, стандартлаштирилган хизматлар ишлаб чиқаришдан аниқ ижтимоий гуруҳлар ва аҳолининг тоифаларига йўналтирилган дифференциаллаштирилган шаклга ўтди.

Истеъмолчиларни рағбатлантириш тобора мураккаблашмоқда ва дифференциаллашмоқда, туристик хизматларга талабнинг ўсиш суръатлари пасаймоқда, туризм хизматларини ишлаб чиқарувчилар бозори сиқилмоқда ва рақобат кучаймоқда. Рақобатбардошлик муҳитининг кескинлашуви туристик корхоналарнинг бозорга тақдим этилаётган маҳсулотлари (жойлаштириш, овқатлантириш, маданий дастурлар ва бошқалар) бошқа бозор субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани ва истеъмолчи маҳсулотни воситачиларсиз мурожаат қилиш орқали ҳам харид қилиши мумкин бўлганида намоён бўлади.

Ушбу тенденциялар ва муаммолар маркетинг мақсадлари ва технологияларини сезиларли даражада ўзгартиради. Бугунги кунда талабни ўрганиш фирманинг стратегиясини аниқлашнинг асоси бўла олмайди.

Маркетингнинг маъноси инновацион хусусиятга эга туристик хизматларни ривожлантиришда туристик хизматларни истеъмол қилишда барқарор мотив билан ажралиб турадиган, йилнинг исталган вақтида дам олишга йўналтирилган истеъмолчиларни шакллантиришдан иборат. Нархларни пасайтириш ва "қўшилиш" орқали рақобатчиларни сиқиб чиқариш сиёсати "бозор бўшлиқларини аниқлаш ва тўлдириш" стратегияси билан алмаштирилмоқда. Бу хизматларнинг сифати ва ишончлилигини ошириш, бозорда ўхшаш бўлмаган таклифларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гарифуллина Р.С., Сафин Ф.М. «Стратегический маркетинг в сфере туризма» ВЕСТНИК КАЗГУКИ № 2 2017 стр. 60-64
2. Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. СПБ: Наука, 2006.

С. Х. Рустамова – АДУ, 3-курс таянч докторанти

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Қарорлар инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув қарорлари эса менежментнинг асосий ўзаги десак адашмаймиз. Корхона раҳбари бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича маъсулиятни ўз бўйнига олар экан, қарор қабул қилиш учун таъсир этаётган барча омилларни инобатга олиши зарур.

Калит сўзлар: бошқарув қарори, ҳукмга асосланиш, интуитив қарор, мезон, омил, қарорларнинг турлари, тажрибага асосланиш, раҳбар фазилатлари, раҳбарликка номзодаларни баҳолаш, оптималлаштириш

Аннотация: Решения играют важную роль в жизни человека. А управленческие решения - это ядро управления. Руководителю предприятия необходимо учитывать все факторы, влияющие на принятие решения когда он берет на себя ответственность за принятие управленческих решений.

Ключевые слова: управленческое решение, суждение, интуитивное решение, критерии, фактор, типы решений, на основе опыта, лидерские

Abstract: Desisions play an important role in human life. And management desisions are the sore of management. While the head of the enterprise assumes the responsibility for making management desisions, it is nesessary to take into assount all the fastors influyensing the desision.

Key words: management desision, judgment-based, intuitive desision, sriteria, fastor, types of desisions, experiyense-based, leadership qualitiyes, evaluation of sandidates for leadership, optimization.

Қарор қабул қилишдаги асосий масала фақат муқобил вариантни танлаш эмас, балки бошқарув олдида қўйилган мақсаднинг оқилона ечимини топишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қарорни ишлаб чиқиш жараёни босқичлари қуйидагилар:

1. Вазиятни тахлил қилиш.
2. Муоммони аниқлаш.
3. Мезонларни танлаш.
4. Муқобил вариантларни аниқлаш.
5. Муқобил вариантни танлаш.
6. Қарор тўғрисида келишиб олиш.
7. Қарор ижросини уюштириш.
8. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва унга баҳо бериш.

“Иерархик таҳлил усули” орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш 3 босқичда амалга оширилади:

1. Иерархик структура тузиш босқичи, иерархияда асосан 3та поғона (чекланмаган) келтирилиб, уларнинг биринчиси бошқарув қарорининг самарадорлиги (корхонанинг асосий мақсади юзага келган муоммони бартараф этиш), иккинчиси бошқарув қарорларининг самарадорлик турлари, яъни иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, технологик, ижтимоий ва х.к (муоммони ечиш учун танланган мезонлар), иерархиянинг учинчи поғонасида қўйилган муоммога топилган барча муқобил вариантлар (бошқарув қарорлари) келтирилади.

2. Устунликни аниқлаш босқичи, иерархиянинг ҳар бир поғонасидаги элементларни устунлик даражаси, яъни муҳимлик даражасига қараб жуфтлик солиштирма таҳлил(математик асосланган ҳолда) орқали тартибга солинади.

3. Қарор қабул қилиш босқичи**,** муоммони ечими бўлиши мумкин бўлган муқобил вариантларнинг ҳар бири устунлик коэффициенти ҳисобланади. Энг юқори устунликка эга бўлган вариант ўз навбатида юқори самарадорликка олиб келади деб баҳоланса, аксинча энг паст устунликка эга вариант паст самарадорликка олиб келади деб баҳоланади**.**

Ушбу усул ёрдамида бир неча объектдан биттаси, мезонларга кўра энг яхшиси (сифатли, самарали, кам таваккалли, юқори нафли ва х.к.) танланади.

Ушбу усулдан самарали фойдаланишда тингловчилар масалани аниқ қўя бўлишлари, ечиш босқичлари ва MPRIORITY1.0 дастуридан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари улар томонидан оптимал қарор қабул қилиш имкониятларини янада оширади.[1]

Ҳозирги пайтда бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи “Emperor 3_01”, “MPRIORITY1.0”, “Expert Choice” ва “Мыслитель Экспресс 2015” махсус дастурлар мавжуд бўлиб, кўп мезонли қарорлар қабул қилишда фойдаланилади[2]

[1] Б.С.Ахраров “Аниқлик шароитида қарор қабул қилиш усуллари” мавзусини ўқитишда иерархиялар таҳлили усулини қўллаш методикаси “Замонавий таълим” илмий журнали 2020,№9 (94), 69-б

[2] А.Х.Холов “Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонлари”25.05.2017 “Бизнес эксперт”

Тизимлар назарияси нуқтаи назаридан бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнини “қора қути” модели ва “оқ қути” моделлари ишлаб чиқилган.[1]

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнининг ”қора қути” моделининг вазифаси бошқарув қарорини ишлаб чиқишдир, яъни- бу тизим бўлиб, унинг мақсади бошқариладиган тизимнинг бошқарув томонини бошқариш ҳаракатини шакллантиришдир. Ушбу модел универсал эмас, чунки у ишлаб чиқилган қарорни тўғрилашни таъминлайдиган мулоҳазаларни ўз ичига олмайди ва фақатгина кириш пайтида қандай маълумот бўлиши кераклигини ва бошқарув жараёни қандай шаклда тақдим этилиши мумкинлигини кўрсатишга хизмат қилади.[2] Бу ерда қарор ишлаб чиқувчи субъектлар, ахборотларни йиғиш жараёнида тахлил қилинадиган объектлар(бошқарув ташкилий тузилиши, бошқарув функциялари, бошқарув дастури ва б.), ҳамда қарор ишлаб чиқиш жараёнидаги ресурслар (меҳнат ресурслари, ахборот, технологиялар ва б) кўриб чиқилади.

Муаммоларни ҳал қилиш бўйича "оқ қути" схемасини амалга оширишда нафақат ташкилотнинг ички ресурслари, балки унинг самарали ривожланишини таъминлашга имкон берадиган ташқи муҳитнинг ўзига хос манбаи сифатида қулай имкониятлари ҳам иштирок этиши мумкин.[3] Қарор қабул қилишга экспертларни, тахлилчиларни жалб қилинсада, асосий маъсулият қарор қабул қилувчи шахсда бўлади. Қарорни оптималлаштириш учун кўплаб вариантларни ишлаб чиқиш, бир неча ресурсларни биргаликда ўрганиш, ишлаб чиқилган қарор вариантларига баҳо бериш имкониятини беради. Бошқарув қарорларини самарадорлиги кўп ҳолларда муоммога илмий-амалий асосланган бўлганда яхши натижа беради.

Машхур афсонавий математик Джон фон Нейман антоганистик ўйинлар назариясининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Мазкур назария Джон фон Нейман ва Оскар Моргенштерн томонидан уларнинг “Theory of Games and esonomis Behavior” деб номланган ва 1944 йилда асарида чоп этилган. Ўйинлар назарияси- зиддиятли вазиятларни математик моделлаштириш билан шуғулланадиган математик илмий йўналиш. Унинг мақсади-зиддиятли вазият иштирокчилари учун рационал стратегияларни танлаш усулларини ишлаб чиқиш.[4]

1994 йилда ноантагонистик ўйинлар назариясини яратгани учун Нобел мукофотини қўлга киритган машхур олим Джон Нешнинг ноантоганистик ўйиндаги асосий фаразлари қуйидагича:

- Ўйинчилар рационал (оқилона) қарорларни қабул қилади;

илмий журнали №5

[1] Тебекин А.В. Методы принятия управленческих решений. М.: Юрайт, 2014.

[2] Тебекин А.В., Мантусов В.Б. Управление организацией: теоретико-методологические основы, функциональные задачи, технологии, прикладные аспекты применения Монография / М.: РИО Российской таможенной академии, 2016. 125- ст.

[3] Тебекин А.В., Мантусов В.Б. Управление организацией: теоретико-методологические основы, функциональные задачи, технологии, прикладные аспекты применения Монография / М.: РИО Российской таможенной академии, 2016. 127- ст.

[4] А.Худайназаров “Тизимли таҳлил асослари” Дарслик Тошкент-2016,71-бет

•Ўйинчилар стратегик ҳаракатларни амалга оширишади, яъни рақибнинг юришларини пайқаган ҳолда қарор қабул қилишади;

•Статик ўйинларда ўйинчилар бир вақтда юришади, бундай вазиятларда вақт рол ўйнамайди;

•Динамик ўйинларда ўйинчилар кетма-кет юришади, яъни бундай вазиятларда вақт рол ўйнайди;

•Мукаммал ахборот шароитидаги ўйинда ўйинчи рақибининг шу пайтгача бўлган олдинги юришлари ҳақида маълумотга эга бўлади;

•Тўлиқ ахборот шароитидаги ўйинда ўйинчи рақибининг ютуқлари функцияси (афзалликлари, ютуқлари) ҳақида маълумотга эга бўлади.

Миқдорий ёки тизимли таҳлил усулларида аниқ математик ҳисоб-китоблар билан ишлаб чиқилган моделлар орқали муқобил вариантларни берилган мезонларига кўпроқ жавоб берувчи ёки мос келувчисини танлаш, уларни қиёсий таҳлил қилиш, таққослаш орқали эришилади деб ҳисоблаймиз.

Қарорларни ўз вақтида ижрочиларига етказиб бериш жуда ҳам зарур, чунки кечикиб ёки эртароқ жўнатиш ҳам ярамайди.кечикиб жўнатилган қарорлар ўз навбатида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ижрочиларга тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари улардан қарорнинг моҳиятини қай даражада тушингани тўғрисида қайта алоқа ўрнатиш зарур бўлиб, мазмунини тўғри англаб олинган қарор бажариладиган ишнинг 50% муваффақият гаровидир. Қарор қабул қилишга уни ижро этувчиларини ҳам жалб қилиш ижобий натижа бериши аниқ, чунки ижрочилар энг кўп ана шу муҳитда яшайдилар ва жараён ҳақида тўла тасаввури мавжуд. Халқимизда “Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб” ибораси мавжуд бўлиб, айнан ижрочилар вазиятга оқилона баҳо бера олиши мумкин. Уларни қарор қабул қилишга жалб этилар экан, албатта раҳбар ўз бўйнига маъсулиятни ҳам ола билиши керак. Зеро менежментнинг асосий тамойиллари ичида яккабошчилик ва жавобгарлик тамойили мавжуд бўлиб, гарчи жамоавий тарзда қарорлар қабул қилинса ҳам, раҳбар юқоридаги тамойилларга амал қилиши зарур.

Кадрлар ва ресурслар оптимал жойлаштириш оператив заҳираларни шакллантиришда ҳар бир танлов учун моддий таъминот зарур бўлиб, ҳодимларни меҳнатини қайта тақсимлаш, малакасини ошириш ва кадрлар заҳирасини амалга ошириш даркор.

Юқоридаги санаб ўтилган усулларга албатта назоратсиз эришиб бўлмайди. Вазифани ижрочиларга тақдим этиб, улардан натижани қандай бўлганлигини назоратга олмаган раҳбар алал оқибат кейинги қарорларининг ижросига путур етказиб қўяди. Негаки назоратни амалга оширилмаслиги ижрочиларда бепарволик ва маъсулиятсизлик кайфиятларини юзага чиқариши турган гап. Шунинг учун ҳам назорат муҳим аҳамият касб этади. Назорат функцияси деганда биз албатта “қамчилаб, тирноқ тагидан кир қидириш” қабилида эмас, четга оғишларни ўз вақтида бартараф этишни назарда тутяпмиз. Ўз вақтида ижронинг қаерида муоммо юзага келаётганини ва унга қандай омил таъсир кўрсатаётганини англаш қарорнинг самарадорлигини кафолатлайди.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Э.Н Ходжаев – проф., СамИСИ
Д.Э Убайдуллаев – МДМ-120 гурух магистри СамИСИ.

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Аннотация.Ушбу мақолада банк ресурсларини инвестиция жараёнларини қўллаб-қувватлашга жалб этишда уларни активлигини ошириш ва истиқболда банкларни инвестицияларни кредитлашдаги салмоғини жами инвестицияларни ташкил этиш манбаларидаги улушини 15-20 фоизга етказишга қаратилган қарашлар ўз аксини топган. Шунингдек қимматли қоғозларни турли соҳаларга жойлаштириш орқали инвестицияларга жалб этиладиган маблағлар ҳажмини ошириш, бунда инвестицион селендан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилиши ёки ундан молиявий восита сифатида кенг фойдаланиш зарурлиги доирасида муаллиф фикрлари баён этилган.

Калит сўзлар: банк ресурслари, қимматли қоғозлар, халқаро банклар, хорижий инвестициялар, такрор ишлаб чиқариш, кенгайтирилган ишлаб чиқариш, селенг, барқарорлик, иқтисодий сиёсат, реал сектор.

Аннотация. В данной статье отражены взгляды банка на повышение своей активности по привлечению банковских ресурсов для поддержки инвестиционных процессов и в перспективе на увеличение доли банков в инвестиционном кредитовании до 15-20% от общего объема инвестиционных источников. Взгляды автора также высказаны в контексте увеличения объема средств, привлекаемых для инвестиций за счет размещения ценных бумаг в различных отраслях, с выделением необходимости широкого использования инвестиционного селена или широкого использования его в качестве финансового инструмента.

Ключевые слова: банковские ресурсы, ценные бумаги, международные банки, иностранные инвестиции, воспроизводство, расширенное производство, селен, стабильность, экономическая политика, реальный сектор.

Abstract. This article reflects the bank's views on increasing its activity in attracting banking resources to support investment processes and, in the future, on increasing the share of banks in investment lending to 15-20% of the total investment sources. The author's views are also expressed in the context of increasing the volume of funds raised for investment through the placement of securities in various industries, highlighting the need for widespread use of investment selenium or its widespread use as a financial instrument.

Key words: banking resources, securities, international banks, foreign investment, reproduction, expanded production, selenium, stability, economic policy, real sector.

Жалб этувчан муҳитни яратиш учун салоҳиятли инвесторларга мамлакатда мавжуд инвестицион имкониятлар ҳақида реклама-ахборот

маълумотларини узлуксиз доимий тақдим этиш ва ўтказиш керак. Шу билан бирга чет элда инвестицион кўргазмалар, тақдимотлар ва семинарлар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш йўли билан хабардор қилиш талаб қилинади. Халқаро инвесторлар билан ишлашда, айниқса, қабул қилувчи мамлакатда умумиқтисодий ёки инвестицион фаолиятнинг норматив шароитларини ўзгариши рўй берган ҳолларда ахборот кўмаги зарур элемент ҳисобланади. Ахборот сифати иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Чунки ахборотнинг тўлиқлиги ва очиқлиги бозордаги рақобат даражасини белгилаб беради ва ресурсларнинг агентлар томонидан тақсимланиши, рискларни баҳолаш ва талаб қилинаётган даромадлилик даражасини белгилаб беради. Шу билан бирга замонавий коммуникация воситаларининг ривожланиши, очиқ ахборотларнинг кўчкисимон ўсишига олиб келади. Маълумотларнинг долзарблиги, унинг ишончлиги даражаси билан муҳим аҳамият касб этади. Чет эллик инвесторлар билан алоқада бўлиш учун масъул бўлган ва ихтисослашган давлат агентликлари яратиш амалиёти дунёда кенг тарқалган. Бундай агентликлар 100 дан ортиқ мамлакатда амал қилмоқда. Агентликлар учта асосий функцияни бажаради:

1. Потенциал инвесторлар кўз ўнгида мамлакатнинг қулай муҳитини яратиш;
2. Инвестицияларни мақсадли жалб этишни амалга ошириш;
3. Инвесторларга инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.

Инвестицияларни мақсадли жалб этиш уларнинг инвестициялари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим деб кўриб чиқилаётган компаниялар доирасини аниқлаш ва инвестицияларни амалга ошириш истиқболлари билан таништириш мақсадида улар билан бевосита алоқа ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Инвестицияларни жалб этиш бўйича рақобат сиёсати доирасида бундай алоқалар маълум бир тармоқларга, потенциал инвестор ва компаниялар билан ахборот алмашинишга йўналтирилган инвестицион миссия ва семинарларни ташкил қилиш ҳамда агентлик вакилларининг ушбу компаниялар раҳбарияти билан учрашувларини ташкил қилишда мужассамланади. Инвесторлар учун зарур ахборотлардан иборат бўлган умуммиллий ахборот тармоғини яратиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулдорликнинг ўсиши учун истиқболда рақобат шароитларини тенглаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Самарасиз корхоналар давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан на бевосита, на билвосита қўллаб-қувватланмаслиги лозим. Моҳиятига кўра, бу ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисмлари қуйидаги саъй-ҳаракатлар ҳисобланади:

- мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш;
- шартномани бажариш интизомини кучайтириш;

- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- банк тизими ва молия бозори институтларини ривожлантириш;
- табиий монополияларни ислоҳ қилиш;
- ер ислоҳотини ўтказиш.

Шу тариқа тўлақонли инвестицион инфратузилмани яратилиши жалб этувчанлик муҳитни яратиш учун хизмат қилади. ФАгар биз инвестицияларни жалб этиш ёки рағбатлантириш ҳақида гапирадиган бўлсак, буни қандай қилган маъқулроқ устувор лойиҳалар ёки инвесторларга бирон-бир имтиёз бериш ҳисобигами ёки ҳамма учун бир хил қулай шароитлар яратиш ҳисобигами деган савол туғилади. Савол жуда ҳам ўринли, чунки, биринчидан, муайян имтиёзлар, махсус шароитлар тақдим этиш осонроқ ва улардан тезроқ самара олиш мумкин. Биз учун айнан шундай амалиёт кўпроқ характерли. Шунингдек, инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ишларда устуворликларни ҳам белгилаш лозим. Экспертлар фикрига кўра коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш, суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва корпоратив бошқарувни яхшилаш, Ўзбекистон корхоналарининг чет эллик инвесторлар ва кредиторлар учун «шаффоф»лиги инвестицион муҳитни яхшилашнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth//European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 615-616.
3. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - С. 36.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотлари.
5. “Бекабадцемент” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.
6. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Қ.Ҳ Бердиев – ҚарМИИ катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНК ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг иқтисодиётдаги аҳамияти ва уларни банк тизимининг барқарорлигини таьминлашдаги аҳамияти ёритилган бўлиб, статистик маьлумотлар асосида таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари замонавий ва сифатли банк хизматларини кўрсатиши ҳамда банк тизимининг узлуксиз ва барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиши каби масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Банк тизими, ликвидлилик, ликвидлик коэффиценти, умумий капитал, банк баланси, банк активи,ссуда капитали, депозит,кредит портфели.

Аннотация:В данной статье приведён анализ статистических данных, в

котором рассматривается роль коммерческих банков в экономике и их роль в обеспечении стабильности банковской системы. Освещены такие вопросы, как предоставление современных и качественных банковских услуг коммерческими банками Республики Узбекистан и содействие бесперебойной и стабильной работы банковской системы.

Ключевые слова: банковская система,ликвидность,коэффициент ликвидности, общий капитал, банковский баланс,активы банка, ссудный капитал,депозит, кредитный портфель.

Abstract: This article discusses the role of commercial banks in the economy and their role in ensuring the stability of the banking system, which is analyzed on the basis of statistical data. Issues such as the provision of modern and quality banking services by commercial banks in the Republic of Uzbekistan and the promotion of the uninterrupted and stable operation of the banking system are covered.

Keywords: Banking system, liquidity, liquidity ratio, total capital, bank balance, bank assets, loan capital, deposit, loan portfolio

Бугунги кунда ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рақамли технологияларга асосланган замонавий ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўли билан ҳар бир мижознинг эҳтиёжларини қондириш, мамлакатимиз банк тизимининг узлуксиз ва барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш, аҳоли омонатларини сақлаш ҳамда уларни тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигига инвестиция қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўз вазифаларини бажариш жараёнида тижорат банклари қуйидаги асосий тамойил ва қадриятларга таянади:

- Молиявий хавфсизлик-тижорат банклари ўз активларини барқарор тарзда ўсиб боришини таъминловчи оқилона ва ўринли банк таваккалчилиги сиёсатини амалга оширади;
- Обрў-эътибор, бунда банклар ишончли ва нуфузли кредит-молия институти обрўсини сақлашга интилади;
- Индивидуал ёндашув, бунда банк ходимлари ҳар бир мижоз билан алоҳида иш юритади, унинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлалигича қондиради, иш юритиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади;
- Мижозларга ишончли, қулай ва сифатли банк хизматларини таклиф этадилар;

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янгиланган қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича 2020–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича қуйидаги масалалар назарда тутилди: [1]

- банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб, 60 фоизгача ошириш;
- банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;
- 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш ва бошқалар..

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасининг тижорат банклари активларини, шу жумладан кредит портфелларини янада ўсишини ва сифатини яхшилашни таъминлаш, таваккалчиликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, заҳираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашларни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чораларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада банк активларининг сифат даражасига эътибор қаратсак,қуйидагича келтирилган:

Банк активларининг сифат даражаси

№	Активларнинг сифати	Захиралар
1	Стандарт	**1%**
2	Субстандарт	**10%**
3	Қониқарсиз	**25%**
4	Шубхали	**50%**
5	**Умидсиз**	**100%**

Яъни, банк активларининг даражасига кўра,стандарт активи бўйича қарзларнинг ўз муддатида тўланиши шубҳа туғдирмайди. Қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони

юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятлар, жумладан, мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимига эгалигини кўрсатади. Субстандарт тоифага киритилган активлар берилишида иккиламчи тўлов манбаси (кафолат ёки гаров билан) пухта таъминланган бўлиши лозим. Умуман олганда, қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, лекин айрим ноқулай вазиятлар ёки йўналишлар мавжуд бўлиб, агарда улар бартараф этилмаса, қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Шубҳали кредитлар субстандарт деб таснифланувчи кредитларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига қўяди ва кам ишончли қилиб қўяди. Умидсиз деб таснифланган кредитларга эса қайтарилмайдиган кредитлар киради. Мазкур кредитлар тижорат банкларида муаммоли кредитлар сифатида ҳисобга олинади. Шу билан бир қаторда карантин чекловларининг жорий этилиши ва аҳоли даромадларининг пасайиши шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаси макроиқтисодий барқарорликни ва бутун банк тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлашга қаратилди.Бунинг натижасида Ўзбекистон банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичи етарли даражада яхши эканлигини кўрсатди. Хусусан, қисқа муддатли ликвидлик коэффициенти (LCR) 167 фоизга етди, бу энг кам тартибга солинадиган талабдан 67 фоиз пунктга юқоридир.Узоқ муддатли ликвидлик коэффициенти эса (NSFR)-113%, банкларнинг умумий активларида юқори ликвидли активларнинг улуши 15% ни ташкил этадиі. Ушбу маьлумотлардан келиб чиқадики,келтирилган ликвидлик заҳираси хавфсизликни таьминлаш учун зарур даражада эканлигини кўрсатади. Марказий банк аҳоли ва тадбиркорлик субектларига кредитлар муддатини узайтириш учун шарт-шароитлар яратди, кредитлар муддатини узайтириш таъсирини нейтраллаш ва ликвид ресурсларни қисқартириш учун банкларни зарур ликвидлик билан таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатининг қисқа ва узоқ муддатли воситаларини жорий этди. Банкларнинг молиявий барқарорлигини намоён этувчи қуйидаги рақамларга эьтибор қаратамиз, яьни жорий йилнинг ўтган даврида риск даражаси юқори бўлган активларнинг ўсиши 21 фоизга,яьни 317 трлн сўмдан 383 трлн сўмга, жами капиталининг ўсиши 14 фоизга,яьни 66 трлн сўмга етди. Капиталнинг етарлилик коэффициенти 1,2 фоизга тушиб, 17,2 фоизни ташкил этди, бу минимал талабларга жавоб беради. Ўзбекистон банк тизимида 33 та банк, жумладан, 12 та давлат улушига эга, шунингдек, 15 та хусусий ва 5 та хорижий банклар мавжуд бўлиб, 2021 йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра, банклар активлари 39 млрд долларни (419 трлн сўм) ташкил этиб, уларнинг 82 фоизи давлат банкларига тегишлидир. [1] Банкларнинг мажбуриятлари 33 млрд долларга (352,6 трлн сўм) етди, шундан 40

[1] www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти

фоизини депозитлар ташкил этади. Банкларнинг умумий капитали 6,2 млрд доллар (66 трлн сўм) даражасида бўлиб, шундан 81 фоизи давлат банклари капиталига тўғри келади. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда

Мамлакатимизда банк капиталининг асосий қисми давлатга тегишли эканлиги банк тизимидаги асосий муаммолардан биридир. Унинг банк секторида соғлом рақобатга, хизмат кўрсатиш сифатига бирмунча таьсири сезилмоқда. Халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилмоқда. Банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб боришнинг соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантиришнинг янги иқтисодий шароитда асосий мақсадлардан биридир. Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигацияларни чиқариш орқали банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарурлигини ифодалайди. Умуман олганда банк тизимининг барқарорлигини таьминлашда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

биринчидан: республиканинг ягона молия тизимидаги ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк-кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

иккинчидан: молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини янада ошириш;

учинчидан: банк тизимига халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни кўпроқ жалб этиш;

тўртинчидан: кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш орқали кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасини таьминлаш;

Мухтасар қилиб айтганимизда, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизациялаш,самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш янада такомиллашади.

Р.Ф Оманов– к.э.н., доц.,Зафкафедры«Финансы» КИЭИ
Г.У Назарова– преподаватель кафедры «Финансы» КИЭИ
Н Холов – студент магистратуры «Финансы» КИЭИ
Л Анварова – студентка магистратуры «Финансы» КИЭИ

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТСПОСБНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish omillari, shuningdek, ularni bartaraf etishning rivojlanish yo‘nalishlari tahlil qilingan. Iqtisodiyotning samarali modellarini joriy etish va ishlab chiqish shartlari va maqsadga muvofiqligi ta’kidlangan. Ushbu maqolada iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida korxonalar uchun tegishli sharoitlar yaratish uchun maksimal maqsadlarga erishiladigan iqtisodiyotning innovatsion modellarini ishlab chiqish va takomillashtirish imkoniyatlari ko‘rsatilgan. Milliy iqtisodiyotning rivojlanishida asosiy rol o‘ynaydigan iqtisodiy omillar.

Kalit so‘zlar: milliy iqtisodiyot, raqobatbardoshlik, iqtisodiyotning innovatsion modeli, iqtisodiy omillar.

Аннотация.В этой статье рассматриваются факторы повышения конкурентоспособности национальной экономики, а также направления развития по их устранению. Выделяется условия и целесообразность внедрения и развития эффективных моделей экономики. В этой статье излагается возможность развития и совершенствования инновационных моделей экономики при котором достигается максимум целей, для создания соответствующих условий для предприятий всех сфер экономики. Экономические факторы играющие первостепенную роль в развитии национальной экономики.

Ключевые слова: национальная экономика, конкурентоспособность, инновационная модель экономики, экономические факторы.

Abstract. This article discusses the factors for increasing the competitiveness of the national economy, as well as development directions for their elimination. The conditions and expediency of introducing and developing effective models of the economy are highlighted. This article outlines the possibility of developing and improving innovative models of the economy, in which the maximum goals are achieved, to create appropriate conditions for enterprises in all sectors of the economy. Economic factors playing a primary role in the development of the national economy.

Keywords: national economy, competitiveness, innovative model of the economy, economic factors.

Для достижения показателей эффективности развитых стран в условиях глобальной конкуренции необходимо обеспечить быстрый рост различных отраслей национальной экономики. Области специализации в мировой экономической системе позволяют максимально использовать преимущества научной конкуренции.

Увеличение доходов населения относительно темпов роста валового внутреннего продукта сопровождается экономической дифференциацией и является одной из проблем действующей модели экономического роста.

Поэтому переход от экспортно-сырьевой модели к инновационной

экономической модели связан с формированием механизма экономического развития. Эта национальная конкурентоспособность должна основываться на балансе между социальной справедливостью и свободой предпринимательства.

Такой подход требует проведения комплексных реформ, взаимосвязанных с ресурсами, сроками и этапами в следующих областях:

- создание высококонкурентной институциональной среды, стимулирующей предпринимательскую активность и привлечение капитала в экономику;
- постепенная демонополизация экономики, создание и развитие конкурентного рынка;
- снижение налоговой нагрузки на экономику;
- развитие новых инновационных видов предприятий и компаний, а также малого бизнеса;
- снижение деловых и инвестиционных рисков, развитие финансовых институтов и обеспечение макроэкономической стабильности за счет защиты прав собственности;
- упрощение и улучшение условий получения долгосрочных финансовых ресурсов, развитие финансовых рынков и поддержка институтов, конвертирующих депозиты в капитал;
- повысить ответственность за соблюдение условий договора между предприятиями и организациями в делопроизводстве;
- обеспечение высокого качества государственного регулирования экономики.

Суть структурной диверсификации экономики на основе инновационно-технологического развития требует формирования национальной инновационной системы, внедрения элементов, интегрированных в систему научных исследований и разработок и обеспечивающих потребности экономики. В связи с этим целью должно стать создание механизмов активизации системы инновационной инфраструктуры и институтов рынка интеллектуальной собственности, создание фундаментального научно-технологического комплекса, обеспечивающего приоритетность научных исследований и технологий.

Повышение конкурентоспособности ведущих отраслей экономики за счет использования механизмов частно-государственного партнерства, обеспечение экономики высококвалифицированными управленцами, рациональная защита с учетом мирового опыта позволит обеспечить экономическую эффективность предприятий.

Расширение и укрепление международных экономических связей страны, повышение эффективности ее участия в международном разделении труда требует решения следующих вопросов:

- привлечение в страну мировых технологий и высококвалифицированных кадров с использованием возможностей глобализации;
- поэтапное формирование совместного развития в единой Евразийской

экономической зоне и превращение республики в один из ведущих финансовых центров;
- установление разноплановых отношений с международными экономическими центрами в целях обеспечения устойчивого экономического развития страны и предотвращения глобальных рисков.

Новая региональная модель экономического развития республики предусматривает два аспекта:
- формирование новых центров социально-экономического развития на основе развития энергетических и транспортных структур и создание сети региональных производственных кластеров, реализующих конкурентный потенциал регионов;
- укрепление системы стратегического управления региональным развитием, повышение сбалансированности комплексного развития регионов и размещения производительных сил, расширение финансовых возможностей регионов.

Достижение целей развития успешной модернизации социальной сферы и экономики требует разработки механизмов взаимодействия государства, предпринимателей и населения, обеспечивающих учет интересов различных групп бизнеса и общества и действия всех стороны согласованы.

Инновационный тип социально-экономического развития требует создания максимально благоприятной среды для деятельности предпринимателей, повышения конкурентоспособности и инвестиционной привлекательности.

Поскольку основной движущей силой экономического развития является частное предпринимательство, расширение офисных возможностей на открытых мировых рынках в условиях жесткой конкуренции имеет важное значение и обеспечивает:
- формирование условий для массового (широкого) создания новых частных предприятий во всех отраслях экономики;
- ускорить регулирование экономических процессов косвенными методами, а не прямое регулирование экономики государством;
- регулярное снижение инфляции, предварительный анализ изменения основных макроэкономических параметров и поддержание макроэкономической стабильности;
- развитие государственно-частной кооперации, транспортной, энергетической и коммунальной инфраструктуры, направленной на развитие предпринимательства, инвестиции в исследования и разработки;
- поддержка деятельности предпринимателей по развитию потенциала социальной сферы;
- расширение участия бизнес-сообществ в подготовке решений органов управления, связанных с регулированием экономики;
- поддержка и защита деятельности предприятий на внешних рынках с соблюдением международного права и обязательств.

В инновационной социально ориентированной экономике важную роль играют специалисты и предприниматели, которые сталкиваются с острой глобальной конкуренцией и нуждаются в активном технологическом перевооружении и инновационном менеджменте.

Для эффективного привлечения субъектов, способствующих формированию и реализации социально-экономического развития, необходимо внедрение новой модели, предусматривающей:

- механизмы защиты прав и свобод граждан, создание конкурентоспособных государственных институтов;
- активация вертикальных и горизонтальных механизмов экономических моделей управления предприятиями;
- применение правил, гарантирующих учет прав предприятий всех сфер при принятии решений на всех уровнях территориального управления, обеспечивающих ответственность за результаты и последствия принимаемых и реализуемых решений;

Результат равноправного диалога государства, бизнеса и общественных организаций по основным проблемам развития предпринимательства должен быть положен в основу принимаемых нормативных законов.

Ш.Ш Файзиева – Қ арМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
С. А Сатторов – ҚарМИИ иқтисодиёт мутахассислиги 1-курс магистранти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИДАГИ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолияти давлат инвестицион стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси, инвестицияларнинг жалб этилиши ва хизмат кўрсатиш самарадорлигида тутган ўрни тўғрисида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, хорижий тажрибалар, инвестициялар,инвестор, хизмат кўрсатиш, тараққиёт стратегияси.

Аннотация. В данной статье рассматривается система мер по реализации государственной инвестиционной стратегии, зарубежный опыт развития малого бизнеса и предпринимательства, роль предпринимательства в привлечении инвестиций и эффективности услуг.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, зарубежный опыт, инвестиции, инвестор, сервис, стратегия развития.

Abstract. This article discusses the system of measures for the implementation of the state investment strategy, foreign experience in the development of small business and entrepreneurship, the role of entrepreneurship in attracting investment and the effectiveness of services.

Key words: entrepreneurship, small business, foreign experience, investments, investor, service, development strategy.

Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигидаги глобаллашув мамлакатимизда инвестиция муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларни самарали тақсимлашда ўзгача ёндашувларни талаб этмоқда. Бизга маълумки, ҳеч бир мамлакат аввал барча инвестицион маблағларни жалб қилиб, кейин уни тақсимлашни ташкил этмайди. Чунки, бу ҳолат инвестор учун қониқарли ҳисобланмайди. Давлат жалб этилган инвестицияларни тақсимлашни ташкил этишни оқилона солиқ сиёсати ва турли имтиёзлардан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Шунингдек, инвестиция маблағларини самарали тақсимлаш юзасидан келиб чиқиб, давлат хорижий инвесторга инвестицион лойиҳаларни таклиф этади. Қолаверса, ушбу жараённинг Давлат инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши бу борада давлат стратегик мақсадларни кўзлаб ҳаракатланаётганлигини кўрсатади. Бунда давлат инвестиция сиёсатининг таъсирчан воситалари нисбатан чекланганлиги сабабли муайян вазиятларда қайси жараён самарали, қайсилари самарасиз эканлигини билиш қийин. Бу фаолиятдан қандай натижага эришилишига қараб, давлат жалб этилган инвестицияларни тақсимлашда қанчалик самарага эришганлигини кўриш мумкин бўлади.

Бу фаолиятни ташкиллаштириш асосан мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, солиқ қонунчилиги, инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривожи ва мамлакат иқтисодий аҳволига боғлиқ.

Давлат инвестицион стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ва инвестицион тактикани қўллаш билан мезодаража ва макродаражада фаолиятни ташкил этиш орқали самарадорликка эришишни кўзлайди.

Мезодаража фаолиятда (ҳудудлар ва тармоқлар) – иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали тақсимлаш амалга оширилади.

Макродаража фаолиятда – давлат инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, жалб этилган инвестициялардан оқилона фойдаланишни кўзда тутади.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли тармоқлар ва соҳаларни модернизация қилиш, таркибий ислоҳотлар ҳамда инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда давлатнинг роли сақланиб қолмоқда. Бунда давлат мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва жалб қилинган инвестицияларни самарали тақсимлашни янада такомиллаштириш юзасидан бош ислоҳотчи сифатида иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот ўтказди. Бундай шаклдаги учрашув илк бор ўтказилиб, жами ўн мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охирги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Давлатимиз раҳбари ана шундай азму шижоатли ва фидойи тадбиркорларнинг айримларини тилга олиб, халқимизга мададкор бўлаётгани учун уларга миннатдорчилик билдирди.

Маълумки, мазкур очиқ мулоқот олдидан тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, турли масалаларга оид 15 мингдан ортиқ мурожаатлар бўлган эди. Президентимиз томонидан уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтилди.
- бизнесни молиялаштириш; - солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш; - ер ажратиш; - инфратузилма;
- экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш; - транспорт-логистика;
-соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш масалаларига қаратилди.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича долзарб вазифалар кўрсатилиб, янги ташаббуслар, экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига жалб қилиш бўйича ҳам қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Масалан, ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби жорий этилган эди. Энди ушбу тартиб барча тармоқларнинг ҳалол ва интизомли экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши айтилди. Шунингдек, йилига 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион долларгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Ҳозирги кунда айрим хомашёлар импорти учун бож ставкалари юқори эканлиги, оқибатда улар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўра четдан олиб келиш арзонроқ бўлмоқда. Шу боис, ҳукуматга хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш бўйича

вазифалар белгиланди. Бу ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг энг долзарб масаласидир.

Транспорт-логистика хизматларини ривожлантириш, тадбиркорларнинг юкларини ташишни енгиллаштириш масалаларига доир юк автомобиллари ва темир йўл вагонларини олиб кириш бўйича берилган имтиёзлар яна 3 йилга узайтирилиши маълум қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, субсидиялар олиш жараёнини осонлаштириш бўйича ҳам кўплаб кўрсатмалар берилди. Мулоқотда тадбиркорлар ўзларининг фаолиятида дуч келаётган муаммоларни, таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, улар тармоқ мутасаддилари ва ҳокимлар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз бундай очиқ мулоқотни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, **20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни”** деб эълон қилиш таклифини билдирди. Бу таклифлар кенг жамоатчилик асосида қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимизда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.”[1]

Ҳозирги пайтда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ривожлантирилиши ижобий самара келтиради. Шу сабабли дунёнинг кўпгина давлатларида ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган давлат органлари ва ташкилотлари ташкил этилган. Кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил бўлса-да, улар бир-биридан ушбу жараённи амалга ошириш механизми, усуллари ва воситалари билан фарқ қилади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда иқтисодиётда рақобат муҳитини сақлаб қолиш ва рақобат механизмининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга, унга давлат томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатилади. Мазкур тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар, энг аввало, АҚШ, Япония ва Германия рақобатбардошликка эришиш масаласини ўз мамлакатларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда турлича ҳал қиладилар. Ривожланган

[11] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

мамлакатлар ҳукуматларининг ушбу соҳадаги фаолиятларининг умумий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий воситалардан фойдаланиш асосида рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш;

– саноатнинг устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва саноат мажмуасидаги таркибий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш;

– миллий товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни ҳимоялаш, шу жумладан, миллий ишлаб чиқарувчиларни маркетинг воситасида қўллаб-қувватлаш;

– бозор инфратузилмаси ривожланишига ёрдам кўрсатиш.

Ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш соҳасида республикамиз тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашуви, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлаш, миллий брендларни хорижда фаол илгари суриш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этиш, жумладан: - бизнес-форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва уларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорларни топиш, ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳаларни амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари, жумладан хорижий инвесторларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорликни таъминлаш масалаларининг ҳал этилиши фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, жаҳон хўжалигидаги ривожланган давлатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган тажрибасини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уни мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳани янада кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга асос бўлади. Шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантириш бўйича ихтисослаштирилган орган ёки кенгайтирилган ваколатларга эга ташкилотни, яъни агентлик, департамент ташкил этиш ушбу сектор фаолиятини янги даражага олиб чиқиши мумкин деб ўйлаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар жалб этишнинг самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, натижада тадбиркорларнинг даромадлари ошишига имконият яратилади.

S Turabekov – Doctoral student of Samarkand institute of economics and service
S Kipchakova – Samarkand institute of economics and service

DISTINCTIVE FEATURES OF SWISS BANKS: ADVANTAGES AND DISADVANTAGES

Abstract. This article covers Swiss banks and their specific features. The advantages and disadvantages of opening an account and obtaining a loan in Swedish banks were highlighted. At the end of the article, the differences between the banks of Switzerland and Uzbekistan are listed one by one.

Keywords. Swiss banking system, accounts, credit.

Аннотация. В этой статье рассматриваются швейцарские банки и их особенности. Выделены преимущества и недостатки открытия счета и получения кредита в шведских банках. В конце статьи по порядку перечислены отличия банков Швейцарии и Узбекистана.

Ключевые слова. Швейцарская банковская система, счета, кредит.

Annotatsiya Ushbu maqola Shveytsariya banklari va ularning oʻziga xos xususiyatlarini oʻz ichiga oladi. Shvetsiya banklarida hisob ochish va kredit olishning afzalliklari va kamchiliklariga toʻxtalib oʻtildi. Maqolaning oxirida Shveytsariya va Oʻzbekiston banklari oʻrtasidagi farqlar birma-bir sanab oʻtilgan.

Kalit soʻzlar. Shveytsariya bank tizimi, hisoblar, kredit.

In today's digital economy, it is difficult to imagine an economy without modern banks serving the needs of today. When we talk about banks offering modern and professional services, as well as reliable banks, we certainly think of "Swiss banks".

Today in Switzerland there are about 250 banks and their branches around the world. The Swiss banking system is known for its high level of reliability, protection against various shocks, professionalism of employees and effective risk management. These banks also provide a wide range of services to clients from any country.

In terms of quality and efficiency of Swiss banking services, the advantages and benefits are much higher than in Uzbekistan. In particular, there are a number of advantages of opening a Swiss bank account:

- High level of privacy. Swiss banks keep information about their customers in absolute confidentiality. Customer information can only be obtained in the presence of customer-related violations, criminal cases and tax audits. In all other cases, banking secrecy remains unchanged. In Uzbek banks, the ability to keep customer information confidential at this level is not fully developed.
- Different currency accounts. The client can open a bank account in Switzerland in almost any currency. The client can also store his assets in several foreign currency accounts at the same time. There is no such opportunity in Uzbek banks.

• Reliability of the banking system. Swiss bank customers do not have to worry about the political and economic crisis in the country. Today Switzerland is one of the most stable countries in the world. Customer confidence in Uzbek banks is not fully guaranteed.

• High quality service. In Swiss banks, highly qualified staff is ready to serve the client at any time of the day. All problems are solved quickly and efficiently. Each client will have an individual approach. Uzbek banks do not have such an opportunity. In Uzbekistan, banks serve customers 5 days a week, from 9.00 to 17.00.

• Digital accounts. Typically, accounts are opened in the name of an individual or legal entity. However, in Swiss banks, each opened account is assigned a unique number. Of course, account holder information is also tied to the account, but only a few bank employees will be able to get this information and information about this special number. Such a system has not yet been introduced in Uzbek banks.

There are also disadvantages to opening a Swiss bank account. For example, the commission for opening an account with Credit Suisse Group and UBS, one of the most influential banks in Switzerland, is significantly higher than in other banks. The average cost of opening an account in both banks is 1,000 euros. There are also minimum balance requirements. That is, in Credit Suisse Group it is set at $500,000, in UBS at $300,000, and in the future it is mandatory to increase to $1 million.

In general, all doors to international business are open to an entrepreneur who has an account in Swiss banks. The reason is that a Swiss bank account allows you to get a loan to meet your personal and corporate needs. To date, there are several types of loans in Swiss banks:

1. Mortgage loan - Previously, in Switzerland, a mortgage loan was issued to a borrower at a rate of 3-4% per annum, but since 2019, the mortgage lending rate has been reduced to 1%.

2. Consumer loan - this type of loan is available to persons who have permanent residence or permanent residence in the territory of a European country. This loan rate is available in the amount of 5-15% depending on the term of the loan, the applicant's credit history and the policy of the lender. For information, since 2003 the maximum rate set by the Swiss microcredit law is 15%.

3. Loans for business development. These types of loans are mainly intended for small and medium businesses. The interest rate of the loan is determined by agreement with the client based on the period of its receipt.

In addition, the collateral for these loans may vary depending on the type of loan. For example, if an entrepreneur or a representative of a large business needs a loan, he can provide as collateral:

1. Shares, bonds;

2. Personal transport (yachts, planes, expensive cars);

3. Real estate;

4. Bank balances, etc.

In addition, during our research, we found that there is another interesting policy in the Swiss banking system. The fact is that in 2019 a number of Swiss banks set the interest rate on short-term loans at -0.75. The reason is that the Central Bank of Switzerland accepts deposits from the country's credit institutions, which are forced to pay extra to the "regulator" for maintaining excess funds. In this regard, banks are interested in short-term business lending on a credit basis at -0.75% per annum.

In our opinion, the core of this policy in Swiss banks is, first of all, stimulating the activity of all types of business and, as a result, ensuring the socio-economic stability of the country.

Today Uzbekistan is also undergoing serious reforms in the banking system. In particular, the services provided by banks are fully digitized, and all banks are undergoing transformation processes. In our opinion, this is very important for our banks to rise to the level of Swiss banks and gain a foothold in the international community.

Ш Ниёзов – СамИСИ, МДМ 120-гуруҳ магистранти
А.А Аббосов – илмий маслаҳатчи, ТИФ Миллий банк АЖ Самарқанд вилояти филиали бошқарувчи ўринбосари

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Аннотация:Мақолада республикамизда корхоналарнинг инвестицион харажатларини тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: корхона, тижорат банки, инвестицион кредит, инвестицион лойиҳа, фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси, инфляция, девальвация, гаров, пул оқими.

Аннотация:В статье выявлены проблемы, связанных с совершенствованием финансирования инвестиционных расходов предприятий за счет инвестиционных кредитов коммерческих банков и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: предприятия, коммерческий банк, инвестиционный кредит, инвестиционный проект, процентная ставка, ставка рефинансирования, инфляция, девальвация, залог, денежный поток.

Abstract: The article identifies problems related to the improvement of financing investment expenditures of enterprises through investment loans from commercial banks and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: enterprise, commercial bank, investment loans, investment project, interest rate, refinancing rate, inflation, devaluation, pledge, cash flow

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишнинг зарурий шарти сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, мазкур корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг етарлилиги ва барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикамиз корхоналарининг инвестицион харажатларини тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштириш борасида бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари, кредитларнинг фоиз ставкаларини нисбатан юқори эканлиги корхоналарнинг тижорат банклари инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодий адабиётда корхоналар инвестицион харажатларини тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, тижорат банклари америка моляи тизимининг тамал тоши бўлиб, корпорациялар фаолиятини ривожлантиришни уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас [2]. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш бериш амалиётининг қонунчилик асосларидан ҳамда илмий таҳлилни амалга оширишнинг эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик усулларидан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмининг ошиши корхоналарнинг инвестицион харажатларини кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва уларнинг таркибида узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг улуши [8]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2018	2020
Кредитлар-жами, трлн. сўм	26,5	34,8	42,7	53,4	108,5
Узоқ муддатли кредитлар, трлн.сўм	21,0	27,7	34,1	42,7	103,8
Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	79,3	79,6	79,8	80,0	95,7

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2019 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори, шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улушининг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган.

Тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш салоҳиятига нисбатан юзага келган салбий таъсирга барҳам бериш учун Ўзбекистон Ҳукуматининг кафолати асосида хориждан АҚШ долларида халқаро кредитлар жалб қилиш ва ушбу кредитлар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг тижорат банклари олдидаги АҚШ долларидаги муддати ўтган ва муддати келган кредитларни қайтариш лозим.

2017 йил 5 сентябрда, валюта сиёсатини либераллааштирилиши муносабати билан, миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсини қарийб икки баробарга пасайганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини АҚШ долларида олган кредитларини қайтариш имкониятини кескин пасайтириб юборди.

2. Корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражасини ошириш мақсадида табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида маҳсулотлар таннархининг ялпи тушумдаги салмоғини пасайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 34.

3. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

4. www.stat.uz –Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

5. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2020 год. Статбюллетень. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. – Ташкент, 2020. – С. 38.

Ж. А Умирзоқов – Тошкент молия институти таянч докторанти

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур илмий тезисда махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигини оширишда тадбиркорлик муҳитининг таъсири борасида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: махсус иқтисодий зона, инвестицион фаоллик, тадбиркорлик муҳити, ёш тадбиркор, имтиёзли кредит

Abstract. This scientific thesis was described the results of a sociological study conducted by the Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel on the impact of the business environment on increasing the investment activity of special economic zones.

Keywords: special economic zone, investment activity, business environment, young entrepreneur, soft loan

Аннотация. В данной научной тезиси описаны результаты социологического исследования, проведенного Институтом изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров о влиянии бизнес-среды на повышение инвестиционной активности особых экономических зон.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инвестиционная деятельность, деловая среда, молодой предприниматель, льготный кредит.

Маълумки, махсус иқтисодий зоналарнинг инвестицион фаоллигида қулай инвестицион муҳитдан ташқари мазкур минтақа ёки ҳудуда шаклланган тадбиркорлик муҳитининг ҳам ўрни алоҳида. Бу борада олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, махсус иқтисодий зоналарнинг бир тури сифатида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида инвестицион фаоллик ва тадбиркорлик муҳитининг ривожланиш ҳолати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, ресрубликамизнинг бошқа ҳудудларида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарининг ташкил этиш ва улардаги инвестицион фаолликни таъминлаш ишлари ҳам айнан ёшлар ўртасидаги тадбиркорлик муҳити билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан “Ёшлар орасида тадбиркорлик муҳити ва унинг муаммоларини аниқлаш” юзасидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари билан танишиб чиқамиз.

Дастлабки сўров “Самарали тадбиркорлик фаолиятининг гарови” борасида ёшларнинг фикри ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда иштирок этган респондент ҳисобланган ёш тадбиркорларнинг фикрига кўра, муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда билим (20,4%), омад (19,4%), маблағ (капитал) (17,2%) ва ҳаракат (16,5%) муҳим ўрин тутиши аниқланган. Шу билан бирга, самарали тадбиркорлик фаолиятининг гарови сўровига ёш тадбиркорлар томонидан иқтисодий

эркинлик (7,8%), давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (6,9%) сингари расмий ижтимоий омилларни 2-тоифага, ота-она, қариндошларнинг қўллаб-қувватлаши (5,5%), таниш-билишчилик (3,2) ва туғма қобилият (3,2%) сингари жавобларни беришган.

1-жадвал

“Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қайси омиллар муҳим таъсир кўрсатади?” номли ўтказилган сўров натижалари[1]

№	Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига хизмат қилувчи муҳим омиллар	муҳим (%)	муҳим эмас (%)
1.	Мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик	90	9,9
2.	Миллий валютанинг барқарорлиги	62,1	37,7
3.	Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун ва меъёрий хужжатларнинг мавжудлиги	72,3	27,6
4.	Хокимият, назорат ва солиқ органларида қариндош, дўст ёки танишларнинг фаолияти	35,7	64,2
5.	Дастлабки маблағ (сармоя)нинг бўлиши	65,4	34,5
6.	Иқтисодий эркинлик	75,2	24,7
7.	Инновация (янгиликни фаолиятга жорий қилиш)	69,6	30,3
8.	Имтиёзли кредитга эга бўлиш	64,5	35,4
9.	Замонавий технологиялар	73,6	26,3

Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қайси омиллар муҳим таъсир кўрсатади?” номли ўтказилган сўров натижаларининг таҳлили мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик (90%), иқтисодий эркинлик (75,2%), замонавий технология (73,6%), “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонун ва мавжуд меъёрий хужжатлар (72,3%) сингари омиллар муҳим эканлиги аниқланган.

Шу билан бирга, респондентлар тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар ичида коррупция, порахўрлик, таниш-билишлик (71,6%), мамлакатда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда сусткашликлар (70,3%), тадбиркорлик кўчмас мулки объектларини бузиш ҳолатлари (67,2%), зарур қонун ва ҳуқуқий кафолатларнинг ҳаётга тадбиқ этилмаганлиги (65,8%), тадбиркорлик фаолиятига ортиқча ва кераксиз аралашишлар (66,3%), маҳаллий раҳбарларнинг қаршилиги (64,7%), ижтимоий адолат тамойилининг бузилиши (64,1%)ни энг кўп қайд этишди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари – мамлакатда тадбиркор-ёшлар алоҳида қатлам сифатида уларнинг сони, фаолияти, турмуш тарзи, маданияти ва қадриятларидан келиб чиқиб, мустахкам ўрта синф қатламига айланганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик ва бизнес соҳасини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

[1] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти маълумотлари.

2-жадвал

“Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар” сўрови натижалари[1]

№	Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар	тўсқинлик қилади (%)	тўсқинлик қилмайди (%)
1.	Мамлакатда иқтисодий сиёсатни амалга оширишда сусткашликлар	70,3	29,6
2.	Зарур қонун ва ҳуқуқий кафолатларнинг ҳаётга тадбиқ этилмаганлиги	65,8	34,1
3.	Бюрократизм, қоғозбозлик	63,4	36,5
4.	Маҳаллий раҳбарларнинг қаршилиги	64,7	35,2
5.	Солиқларнинг юқорилиги	66,8	33,1
6.	Коррупция, порахурлик, таниш-билишлик	71,6	28,3
7.	Аҳолининг тадбиркорларга бўлган салбий муносабати	53,4	46,5
8.	Ижтимоий адолат тамойилининг бузилиши	64,1	35,9
9.	Дастлабки маблағнинг йўқлиги	57,2	42,7
10.	Бозор ва бизнес ҳакидаги маълумотларнинг камлиги	60,9	39
11.	Миллий валютанинг эркин алмаштиришнинг чегараланганлиги	55,4	44.5
12.	Инфляциянинг юқорилиги	60	40
13.	Тадбиркорлик фаолиятига ортиқча ва кераксиз аралашишлар	66.3	33,3
14.	Тадбиркорлик кўчмас мулки объектларини бузиш ҳолатлари	67,2	32,7

- ҳудудларда ёшлар бандлигини таъминлашга оид ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар ишлари агнетлиги томонидан ёшлар тадбиркорлиги ҳолатини доимий мониторинг қилиш аниқ механизмларини ишлаб чиқиш орқали уларнинг фаолиятига тўсқинлиқ қилаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва амалий бартараф этишда кўмаклашиш;

- бугунги кунда, иқтисодий соҳа, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича вазифларнинг устуворлигини инобатга олган ҳолда, тадбиркорликка тайёрлаш курсларини мамлакат бўйлаб, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда, махсус ўқувларни ташкил этиш.

[1] Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти маълумотлари.

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, “Турон” ФА Академиги
У.Х.Холбоев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси,
А.Р.Эгамов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

РАҚОБАТ ТУРЛАРИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада рақобат турларининг тавсифи ва ундаги субъектлар рақобатбардошлигининг тизимли таҳлили, нархларнинг шаклланиши ва уни назорат қилиш, товарларнинг табақаланиши ҳамда рақобатбардошлик даражалари бўйича фикр юритилган.

Калит сўзлар: рақобат, рақобат турлари, тизимли таҳлил, рақобатнинг даражалари, рақобат майдони.

Аннотация: В данной статье проводится системный анализ видов конкуренции и конкурентоспособности ее субъектов с точки зрения ценообразования и контроля, товарной стратификации и уровней конкурентоспособности.

Ключевые слова: конкуренция, виды конкуренции, положительные стороны конкуренции, отрицательные стороны конкуренции.

Аннотация: В данной статье описаны виды конкуренции и системный анализ конкурентоспособности ее субъектов, формирование и регулирование цен, стратификация товаров и уровень конкурентоспособности.

Ключевые слова: конкуренция, виды конкуренции, структурный анализ, уровни конкуренции, сфера конкуренции.

Abstract. This article describes the types of competition and a systematic analysis of the competitiveness of its subjects, the formation and control of prices, the stratification of goods and the level of competitiveness.

Keywords: competition, types of competition, structural analysis, levels of competition, area of competition.

Бугунги инновацион иқтисодиёт шароитида, турли хил рақобат турлари мавжуд. Бир хил рақобатда иштирокчиларнинг хилма-хиллиги, нархларнинг шаклланиши, товарларнинг табақаланиши, рақобатбардошлик даражаси турлича бўлади. Муҳими рақобатнинг ҳар бир тури даражасига қараб ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Буларнинг ўзаро боғлиқлигини олдинги мақолаларимизда қараб

чиққан эдик [1]. Бугунги шароитида ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали уларнинг барқарор фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўлларини яхши билишни, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо қилади. Бу ўз навбатида тизимли таҳлил усулларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Рақобат турларининг тизимли таҳлили ўзининг предметига эга бўлиб, бу амалий муаммолар асосида вазифанинг аниқ қўйилиши ва уларнинг ечими бўйича концепция ва принципларини аниқ белгилашида намоён бўлади. Рақобатда ҳамма ҳаммага қарши эмас. Бунда манфаатлар тўқнашуви бўлсагина улар ўртасида рақобат вужудга келади. Бундай тўқнашувнинг тизимли таҳлили масаланинг ойдинлашувига хизмат қилади. Чунки тизимли таҳлил махсус фан бўлиб, соҳаларни тадқиқ қилиш методлари ва натижаларининг вужудга келган ҳолатини муаммо ечимларига қаратиш орқали мақсадли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкконини беради. технологияларга интеграциялашув усулляриини турли тизимли ёндошувлар билан хулоса қилишга қаратилгандир. Тизимли таҳлилда турли объектлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда комплекс тадқиқотларининг методлари, усуллари ва моделларини қўллаш ҳам лозим бўлади. зеро бозор муносабатлари шароитида рақобатлашадиган субъектлар шунча кўпки, уларни бир тизимга келтириш учун тизимли таҳлил лозим бўлади.

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида рақобат иштирокчиларнинг кўплиги, уларнинг хилма-хиллиги, нархларнинг шаклланиши, товарларнинг табақаланиши, рақобатбардошлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир рақобат турининг ушбу мезонларга мослигини таъминлаш тизимли таҳлилнинг бир йўналиши ҳисобланади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги ушбу жадвалда ўз ифодасини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Рақобат турларининг тавсифи ва ундаги субъектлар рақобатбардошлигининг тизимли таҳлили

Т/р	**Рақобат турлари**	**Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар**	**Нархларнинг шаклланиши ва уни назорат қилиш**	**Товарлар-нинг табақала-ниши**	**Рақобатбар-дошлик даражаси**
1.	Такомил лашган рақобат	Кўп сонли фирмалар нинг иштирок этиши	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак бўлади
2.	Олигопо	Товар (иш,	Нархларнинг	Сертификат-	Яхши

[1] Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Умид Холбоев, Акбар Эгамов. Рақобатнинг шакллари, турлари ва улар мазмунининг изоҳи. (Ушбу мақола шу конференция тўпламида берилган).

	ллашган рақобат	хизмат)лар ишлаб чиқарувчи сон-оқли фирмалар-дан ибора бўлади	шаклланишида етакчи фирмаларнинг таъсири мавжуд	ланган товарлар учун бир хил ҳолатнинг таъминланиши	
3.	Дуопол рақобат	Товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарувчи сон 2 та бўлади	Нархларнинг шаклланишида улар келишилади	Сертификат-ланган товарлар-га бир хил ҳолат таъминланади	Яхши
4.	Монопол-лашган рақобат	Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи битта йирик фирма	Нархлар қонунлар ва бошқа таъсирлар натижасида чекланган	Табақаланмайди	Кучли
5.	Монопсония рақобати	Ишлаб чиқарувчилар кўп харидор битта бўлади	Нархларни асосан харидор кўпроқ белилайди	Харидор ёққанини танлаб олиш имкониятига эга	Ишлаб чиқарувчи-лар ўртасида. ўртача
6.	Такомил лашма ган рақобат	Чегараланган сотувчи, харидор ва ахборотга эга субъектлар	Нархлар келишув асосида шаклланади	Чегараланган ҳолда табақаланади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ
7.	Ҳалол рақобат	Жуда кўп майда сотувчи ва харидорларнинг иштироки	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак
8.	Ғирром рақобат	Рақобатга оид тартиб ва қоида-ларга амал қил-масдан фаолият кўрсатадиган субъектлар	Нархни ўз манфаатидан келиб чиқиб белгилайди	Товарлар бир-биридан кескин фарқ қилади	Кўриладиган тадбирлари қонун-лардан чекланиши-га олиб келади. Бу хатарли
9.	Нархли рақобат	Ўзининг товарла-рини бошқа субъ-ектларга нисбатан нархни пасайтиради	Нархни бозордаги нархга қараб пастроқ белгилайди	Товарлар фақат нархи бўйича табақаланади	Таннархдан пасайиб кетиши ХАТАРЛИ
10	Нархсиз рақобат	Товар ва хизмат-лар нархи билан эмас сифати билан курашади	Нарх катта аҳамият касб этмайди	Товарлар фақат сифати бўйича табақаланади	Сифатга қараб таннархни пасайиши ХАТАРЛИ
11.	Хорижий рақобат	Импорт қилинган хориж товарлари билан иштирок этувчи фирмалар	Нархлар жаҳон бозорига мос рав-ишда маҳаллий шароитга мослаштириш орқали	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак

			белгиланади		
12.	Жаҳон бозори рақобати	Бир қанча мамлакат фирмалари-нинг иштироки	Нархлар жаҳон бозорига мос равишда белгиланади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Етарли, фақат ҳара-кат қилиши керак
13.	Очиқ рақобат	Товар (иш, хизмат)лар баҳосиниг бир-бирига очиқлиги	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусу-сияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳара-кат қилиши керак
14.	Хаёлий рақобат	Харидорлар-нинг энг паст баҳода хаёлан харид қилиш истаги	Нархни харидор-лар ўз имконият-ларидан келиб чиққан ҳолда хаёлан белгилайи	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Кўрилади-ган тадбирларга боғлиқ
15.	Баҳоли рақобат	Товарларни кам баҳода сотиш орқали харидор-ларни жалб қил-увчи фирмалар	Нархларни белгилашда бозордаги энг кам баҳо танлаб олинади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиш керак
16.	Баҳосиз рақобат	Маҳсулотлар-нинг сифатини ошириш эвазига харидорларни жалб этилади	Нархни юқори-лигича сақлаб қолган ҳолда маҳсулот сифа-тини оширишга ҳаракат қилади	Товарлар маълум даражада табақалашган бўлади	Кучли, гап шунга мос харидорнин г мавжудли-гида
17.	Бозор рақобати	Бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашади	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусу-сияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳара-кат қилиши керак
18.	Маркет-инг рақобати	Харидорлар талабидан келиб чиқиб иш кўра-диган фирмалар	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Маҳсулотлар сифати ва хусу-сияти бўйича бир-бирига яқин	Етарли, фақат ҳара-кат қилиши керак
19	Шафқат-сиз рақобат	Бозорда ғирром-лик йўли билан ҳаракат қилувчи фирмалар	Нархни ўз манфаатидан келиб чиқиб белгилайди	Товарлар бир-биридан кескин фарқ қилади	Кўрилади-ган тадбир-ларига боғлиқ, хатарли
20.	Истеъ-молчилар рақобати	Битта харидорга талашиб иш кўра-диган фирмалар	Нархни ўз тала-бидан келиб чиқиб харидор белгилайди	Товарлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди	Етарлиди
21.	Соф рақобат	Бир хил товар аммо кўп харидор ва кўп сотувчи	Нархлар талаб ва таклиф натижасида шаклланади	Товарлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди	Етарлиди

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, бозор муносабатлари шаро-

итида хўжалик юритувчи субъектлар рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони - у ҳалол-покиза яшаш, ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш, хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, рақобат турларининг тавсифи ва ундаги субъектлар рақобатбардошлигининг тизимли таҳлили шуни кўрсатмоқ-даки, ҳозирги пайтда рақобатнинг турлари кескин кўпайиб борган ва бугун уларнинг турлари 21 тага етган. Буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият-ларга эга. Бу ҳақда шу тизимли таҳлилда қисқагина қараб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. М.М.Муҳаммедов, М.Қ.Пардаев, Ж.Р.Зайналов ва бошқалар. Т.: “Fan va texnologiya”. 2018. – 272 бет.
2. Рақобатбардошлик методологияси: Ўқув қўлланма / И.Х.Ибрагимов: СамИСИ, 2018. – 287 бет.
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiya nashriyot-matbaa uyi”, 2022. - 202 бет.
4. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007. – 164 бет.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Я.Ж. Исроилов – мустақил тадқиқотчи
Р.Н. Тошпулатов – СамИСИ, МА-120 гуруҳ магистранти

АВТОСЕРВИС ФАОЛИЯТИНИНГ ҲИСОБ ВА АУДИТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: автосервис фаолиятининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги хусусиятлари, чунончи ушбу фаолиятга кирувчи хизмат турлари, уларнинг ахборот фойдаланувчилар учун аҳамиятга молик таснифий ва тавсифий жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: автосервис, хизмат турлари, кафолатли хизматлар, даромад, харажат, ҳисоб, аудит.

Аннотация: в данной статье раскрыты особенности автосервисной деятельности как объекта учета и аудита, в частности виды, включаемые в данную деятельность, аспекты классификации и характеристики этих услуг, имеющие важное значение для пользователей информации

Ключевые слова: автосервис, виды услуг, гарантийное обслуживание, доход, расход, учет, аудит.

Abstract: this article reveals the features of car service activities as an object of accounting and audit, in particular the types included in this activity, aspects of the classification and characteristics of these services that are important for users of information

Keywords: car service, types of services, warranty service, income, expense, study, audit.

Автосервис фаолиятини ривожлантириш жаҳон аҳамиятига молик муаммолардан биридир. Бунинг негизида турли сабаблар ётади.

Биринчидан, жаҳон миқиёсида автомобилларга бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Автомобиллар билан таъминланганлик даражаси ҳар 1000 кишига Монакода 899 тани, АҚШда 797 тани, Лихтенштейнда 773 тани, Исландияда 717 тани ташкил этаётганлиги бунинг ёрыин гувоҳидир[1].

Иккинчидан, мос равишда, автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми борган сари ошиб бормоқда. Чунончи, дунё мамлакатларида 2019 йилда 90,5 млн., 2020 йилда 78 млн., 2021 йилда 81,3 млн.дона автомобиллар ишлаб чиқарилган [2] . LMC Automotive консалтинг компанияси маълумотларига кўра 2021 йилда автомобилларни сотиш бўйича жаҳон миқиёсида лидерлик Хитой давлатига тегишлидир, унинг йиллик сотиш 25млн. 508 минг дона бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш 4,3 %ни ташкил этган. АҚШда шу йилда 14, 9 млн дона автомобиллар сотилган, ўсиш даражаси олдинги йилга нисбатан 2,8 %ни ташкил этган. 2021 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари автомобил бозорларида 12 млн 402 минг дона, Шарқий Европа мамлакатларида эса 4 млн 046 минг дона автомобиллар сотилган, Жанубий Америкада маҳаллий автодилерлар орқали 2 млн. 335 мингта, Японияда 4 млн 397 минг дона, Жанубий Кореяда 1 млн693 минг дона, Канадада 1 млн 663 минг дона автомобиллар сотилган[3]. Ўзавтосаноат АК орқали 2018 йилда 139 902 дона, 2019 йилда 190 164 дона, 2020 йилда 173 756 дона миллий заводларимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар сотилган[4].

Учинчидан, автомобилларни хавфсиз харакатланишига, уларнинг техник-эксплуатацион, эстетик ва бошқа имкониятларини кенгайтиришга бўлган талаблар ошиб бормоқда.

Юқоридаги ва бошқа омиллар автосервисни ҳам йилдан йилга равнақ топиб боришига олиб келмоқда. Мос равишда, кундан кунга автосервисга ихтисослашган корхоналар сони кўпаймоқда, уларнинг тадбиркорлик фаолияти кўлами ва ҳажми ошиб бормоқда. Маълумотларга кура, ривожланган давлатларда АТХКС ва автосервислар турли хил хизмат кўрсатишга қаратилган бўлиб, уларнинг сони Францияда 14.7 млн автомобиллар парки учун 47 мингта, Германияда 16.7 млн автомобиль учун 20 мингта, Англияда 13.9 млн. АТВ учун 35 мингта, АКШ даги 115 млн. автомобиллар парки учун 570 мингга якин автомабилларга хизмат курсатиш билан боғлик корхоналар мавжуд, шулардан, 91.2 мингтаси автомобилларни сотиш ва уларга хизмат курсатувчи диллерлик пунктлари, 109.9 мингтаси -ТХКС ва таъмирлаш субъектларидир. Автосервис корхоналаридан бири, масалан, “Рено”(Франция) фирмаси бутун жаҳон

[1] Манбалар: LMC Automotive, аналитическое агентство «АВТОСТАТ», http://serega.icnet.ru/cars-sales-actual-world.html.

[2] https://kapital.kz/world/98192/v-2021-godu-proizvodstvo-avtomobiley-sokratit-sya-iz-za-nekhvatki-chipov.html

[3] https://www.autostat.ru/news/50412/

[4] https://www.autostat.ru/analytics/47350/

буйлаб 12000 та АТХКС мавжуд бўлиб, булардан 5000 таси Франциянинг ўзида, қолганлари эса жаҳон бўйлаб таркалган. Бу корхоналар асосан олди-сотди ва кафолат даврида ТХК ва ремонт ишларини бажарадилар. Кафолат давридан кейинги хизмат кўрсатиш билан асосан "мустақил" хизмат кўрсатиш корхоналари шуғулланади. Мустакил фаолият олиб борувчи автосервислар миқдори асосий қисмни ташкил этиб, бундай корхоналар АКШ да 60% ни, Японияда 70 % ни ташкил этади[1].

Автосервис корхоналари мустақил бирликлар сифатида ҳисоб ва аудитнинг ўзига хос субъектлари бўлиб ҳисобланади. Амалга оширилаётган автосервис фаолияти ҳисоб ва аудитнинг энг асосий объектлари сирасига киради.

Адабиётларда [2] автосервисга жараён, фаолият, ҳодиса, хўжалик операцияси сифатида таърифлар берилган. Бизнинг фикримизча, автосервис автомобилларга кўрсатиладиган турли хизматлар мажмуасидир. Автосервис, бир томондан, махсус профессионал ходимлар томонидан кўрсатилади. Иккинчи томондан, бундай хизматлар махсус тегишли равишда жиҳозланган жойларда (устахоналар, цехлар, мастерлик заллари, боксларда) амалга оширилади. Учинчидан, автосервис автомобил эгаларининг эстетик, рухий ва бошқа талабларига жавоб бериши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, автосервисга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **автосервис** – бу автомобил эгаларининг эстетик, руҳий ва бошқа талабларини, шунингдек автомобилларнинг соз ва хавфсиз ҳаракатини таъминлашга қаратилган хизматлар мажмуаси.

Ахборот фойдаланувчилар учун автосервисга оид маълумотларни ушбу хизматларнинг мақсади ва вазифалари асосида ҳисоб ва аудитда шакллантириш ўта муҳимдир. :

Автосервис фаолиятининг муҳим хусусияти бўлиб унинг турли - туманлиги ҳамда унга кирувчи хизмат турларининг кенг қамровлиги бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам, ахборот фойдаланувчилар учун автосервисга оид маълумотларни ушбу хизматларнинг мақсади ва вазифалари асосида ҳисоб ва аудитда шакллантириш ўта муҳимдир. Зеро, замонавий автосервислар олдига қўйилган мақсад ҳамда вазифаларига асосан қуйидаги асосий йўналишлардаги хизматларни бажарадилар:

1. Автомобилларга техник хизматлар ва таъмирлаш ишларини кафолатли даврда ва ундан кейин даврда ўтказиш;
2. Автомобил узел ва агрегатларни диагнозлаш;
3. Автомобилларни давлат техник кўригидан ўтказиш учун тайёрлаш;
4. Автомобил кузовларини коррозияланишга қарши қайта ишлаш;

[1] https://uz.denemetr.com/docs/768/index-284214-1.

[2] Белов В.А. Современная конкуренция на мировом рынке легковых автомобилей. Автореф.канд. диссертации. –М., 2006. – 27 с; Батурина В. Рынок легковых автомобилей: тенденции, динамика, емкость. / Ж.: Рынок, деньги и кредит. – 2010, № 11. – 49-51 с;. Шабанов М. Управление конкурентоспособностью предприятий и организаций автомобильной промышленности в регионах российской федерации. Автореф.канд. диссертации. – Чебоксары,2009. – 26 с.

5. Автомобил агрегатларини капитал таъмирлаш;
6. Автомобилларни сотиш, уларга сотув олди хизматини кўрсатиш;
7. Автомобилларга белгиланган муддатда кафолатли хизмат кўрсатиш;
8. Автомобилларга эксплуатацион материал ва эхтиёт қисмлар сотиш;
9. Бузилган автомобилларга йўлларда техник ёрдам кўрсатиш;
10. Автомобилларни тўғри техник эксплуатация қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар ташкил этиш;
11. Автомобиллар сотиш самарасини ошириш йўлларини топиш ва шу мақсадда реклама қилиш;
12. Автомобилларни ювиш, тозалаш ва уларга ёқилги қуйиш;
13. Мотор мойларини алмаштириш ва мотор мойлари қуйиш;
14. Автомобиль конструкцияларига рухсат этилган тартибда ўзгартиришлар киритиш;
15. Автомобилларни сақлаш, уларни бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб олиб бориш ва бошкалар.

Автосервис корхоналари томонидан кўрсатиладиган юқорида келтирилган хизматларни шартли равишда 3 турга ажратиш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Автосервис фаолиятига кирувчи хизматлар таснифи

Бизнингча, автосервисни турли бошқа белгилари бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ. Чунончи, биз уларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлашнинг ҳисоб, таҳлил ва аудитда ўта муҳимлигини эътироф

этганмиз: (1) оширилаётган вақтига кўра; (2) ким томонидан молиялаштирилишига кўра; (3) характерига кўра; (4) вақт сарфига кўра[1].

Ахборот фойдаланувчилар учун кўрсатилган автосервисни уни кўрсатиш вақтига кўра, бизнингча, 2 та тури бўйича ҳисобда акс эттириш ўта муҳим, Булар: (1) кафолат муддати даврида кўрсатиладиган хизматлар; (2) кафолат муддатидан кейинги хизматлар.

Кафолат муддати даврида кўрсатиладиган хизматлар – бу автомобилларни кафолатли эксплуатация қилиш муддати даврида уларни ишлаб чиқарувчи корхона – завод, шунингдек кафолатли жорий ва капитал таъмирлаш муддати ичида автосервис субъекти томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Кафолат муддати – бу, одатда, автомобилларни сотишда шартнома шартига кўра белгиланган кафолатли эксплуатация даври. Ушбу давр турличадир, масалан «Асака автомобиль заводи»нинг дилер корхоналарида ушбу давр 1 йил ёки 20 минг километр йўл босишдан иборат. Ушбу хизматлар мижозларга бепул кўрсатилади. Бундай кафолатли хизматлар автомобилнинг деталлари, узеллари, агрегатларини алмаштириш ёки таъмирлаш ишларини ўз ичига олади. Табиий равишда, кафолатли муддат даврида кўрсатилган ушбу хизматлар қўшимча харажатларни вужудга келтиради. Амалдаги тартибларга кўра, кафолатли муддатда кўрсатилган хизматлар ҳақи автодилер ҳисобланган автосервис субъектларига ишлаб чиқарувчи корхона-завод томонидан қоплаб берилади. Автосервис субъектларининг ўзлари томонидан амалга оширилган автосервис бўйича берилган кафолатли хизмат ҳақлари уларнинг ўзлари томонидан қопланади.

Кафолатли хизматлар муддатидан кейинги хизматлар деганда автомобилларга кафолат муддатидан кейинги фойдаланиш даврларида кўрсатиладиган хизматлар тушунилади. Ушбу хизматлар ўз ичига жорий (майда) ва капитал таъмирлаш ишларини олади.

Автомобилларни жорий (майда) таъмирлаш, одатда, вақтни кўп талаб этмайдиган хизматлар ҳисобланади. Автомобилларни капитал таъмирлаш эса вақтни кўп олади ва, мос равишда, жорий (майда) таъмирлашга нисбатан қиммат турадиган хизматлар ҳисобланади.

Автотеххизмат корхоналари томонидан амалга ошириладиган ҳам жорий (майда), ҳам капитал таъмирлаш уларда асосий фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Бу фаолият, бир томондан даромад келтиради, иккинчи томондан, унга маълум сарф–харажатлар қилинади.

Автотеххизматлардан олинган даромадлар деганда уларни кўрсатишда автомобил эгаларидан олинган пул тушумлари тушунилади.

---

[1] Уразов К.Б., Исроилов Я.Ж. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография, Иктисодиет, 2011, 16.2 б.т.Исроилов Ё.Ж. Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлари бухгалтерия ҳисоби объектларининг таснифий асослари// Ж.:Бизнес эксперт. – Т.: - 2016 йил, № 3, 51-55-бетлар.

Ушбу даромадлар таркибан қуйидаги иккита элементни ўз ичига олади:

Д= Эқ + Хҳ

Бу ерда: **Эқ** - автомобилларга сервис хизматлар чоғида қўйилган эҳтиёт қисмларнинг сотиш қиймати; **Хҳ** - сервис хизматларни кўрсатиш учун олинган хизмат ҳақи.

Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматларда уларга қўйиладиган эҳтиёт қисмлар мижоз томонидан тақдим этилган ҳолда, олинган даромадлар фақат сервис хизматларни кўрсатиш учун олинган хизмат ҳақидан иборат бўлади, яъни:

Д= Хҳ

Ҳозирги кунда автомобилларни дилерлик асосида сотувчи автотеххизмат корхоналари автомобилларга эҳтиёт қисмлар билан ҳам дилерлик асосида таъминланмоқда. Ушбу ҳолатда автодилерлар томонидан кўрсатилаётган сервис хизматларлардан олинаётган даромадлар қуйидаги иккита элементдан ташкил топади:

Д= Эқвҳ + Хҳ

Бу ерда: **Эқвҳ** - автомобилларга сервис хизматлар чоғида сотилган эҳтиёт қисмларга тўғри келувчи воситачилик ҳақи.

Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлари нақд пулга ва нақдсиз йўл билан амалга оширилади. Ушбу даромадларни ҳисобга олиш негизида, мос равишда, касса методи ва ҳисоблаш тамойили ётади. Касса методини қўллаш хизмат кўрсатиш ва унга ҳақ тўлашни бир вақтнинг ўзида амалга ошишига олиб келади. Бу методни қўллаш кўрсатилган сервис хизматларга тўғри келадиган даромадларни реал пул маблағлари билан таъминлашга имкон беради.

Ҳисоблаш тамойилига кўра хизматлардан олинадиган даромадлар улар кўрсатилган пайтда турли усулларга асосан тан олинади. Бундай усуллар бўлиб, 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” ҳамда сервис

*тугалланиш фоизи усули;

*қилинган харажатларга мутоносиб ҳисоблаш усули.

Автотеххизмат корхоналарида кўрсатилган сервис хизматлардан олинадиган дармомадларни тан олишда юқоридаги усуллардан биринчиси қўлланилади. Ушбу усулга кўра автомобилларга кўрсатилган сервис хизматлардан олинадиган дармомадлар улар тўлиқ амалга оширилган вақтда (кунда) тан олинади. Хизматлар учун тўловни ўша куни тўланмас-дан қолиниши сабабли, мос равишда, дебиторлик қарзи ҳам тан олинади.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзавтотеххизмат» тизимига кирувчи корхоналар учун республикамизда автосервисни ҳужжатли расмийлаштиришнинг яхлит тартиби тасдиқланмаган. Фикримизча, автосервис фаолиятига кирувчи барча хизматларни акс эттирувчи бошланғич ҳужжатлар тизими тасдиқланиши ва улар барча автотеххизмат корхоналарида бир хилда қўлланилиши лозим.

Автосервис корхоналари томонидан амалга ошириладиган ҳам жорий

(майда), ҳам капитал таъмирлашга доир хизматларга сарф харажатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу кўрсатилган автотеххизматлар таннархини ташкил қилади. Ушбу хизматлар таннархининг таркиби, уни шакллантириш тартиби ҳозирги кунда махсус меъёрий ҳужжат билан белгиланмаган. Республикамизда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» [1] айнан автосервисга кирувчи хизматлар таннархини шаклантириш хусусиятларини қамраб олмайди. Шу боис ҳам, фикримизча, автосервис субъектлари учун махсус «Автодилерлик ва автосервис субъектларида ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Автосервисга кирувчи барча турлдаги хизматлар таннархи уларнинг ҳар бири бўйича индивидуал тарзда ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бундай ҳисоб-китоб ҳар бир автомобилга очиладиган калькуляция карточкасида харажат турлари бўйича амалга оширилиши керак

Автосервисни кўрсатишда меҳнат ва вақт сарфи ўта муҳим ҳисобланади. Айнан сарфланган вақт ва унинг бир бирлиги учун белгиланган ҳақ тўлаш таърифлари кўрсатилган хизматлар таннархини аниқлашда меҳнат харажатларини топишда асосий база бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда автомобилларга кўрсатиладиган барча турдаги сервиснинг турлари, уларга сарфланадиган вақт меъёрлари, бир бирлик вақт сарфи учун белгиланган таърифлар «Ўзавтосаноат» АК ва «Ўзавтотеххизмат» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган махсус «Классификатор»да [2] ўз аксини топган. Ушбу классификаторда келтирилган вақт меъёрлари ҳамда бир бирлик вақт сарфи учун белгиланган таърифларни қайта кўриб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, қорида келтирилган қисқача шарҳдан кўриниб турибдики, автосервис фаолияти бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос объектлари ҳисобланади. Ушбу хизматларни даромад олиш манбаи ва таннарх калькуляцияси бирлиги нуқтаи назаридан тўғри талқин қилиш, тан олиш, ўлчаш ва алоҳида ҳисобини юритиш тамойилларини тўғри белгилаш ҳамда уларга амал қилиш мазкур фаолиятни аудит кўригидан ўтказишда асосий дастак бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Уразов К.Б., Исроилов Я.Ж. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография, Иктисодиет, 2011..

[1] Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

[2] «Нормы времени на техническое обслуживание и ремонт автомобилей производства АО «УзДЭУавто» марок «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз», «Ласетти». Издание III. 2007/

2.Исроилов Ё.Ж. Автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлари бухгалтерия ҳисоби объектларининг таснифий асослари// Ж.:Бизнес эксперт. – Т.: - 2016 йил, № 3, 51-55-бетлар.
3.Белов В.А. Современная конкуренция на мировом рынке легковых автомобилей. Автореф.канд. диссертации. –М., 2006. – 27 с;
4. Батурина В. Рынок легковых автомобилей: тенденции, динамика, емкость. / Ж.: Рынок, деньги и кредит. – 2010, № 11. – 49-51 с;.
5.Шабанов М. Управление конкурентоспособностью предприятий и организаций автомобильной промышленности в регионах российской федерации. Автореф.канд. диссертации. – Чебоксары,2009. – 26 с.
6.«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом. Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.
7. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”
8. БҲМС № 2. Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар. Уз.Р. адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 августда рўйхатга олинган, № 483
9. Нормы времени на техническое обслуживание и ремонт автомобилей производства АО «УзДЭУавто» марок «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз», «Ласетти». Издание III. 2007/
10.LMC Automotive, аналитическое агентство «АВТОСТАТ», http://serega.icnet.ru/cars-sales-actual-world.html.
11. https://kapital.kz/world/98192/v-2021-godu-proizvodstvo-avtomobiley-sokratit-sya-iz-za-nekhvatki-chipov.html
12.https://www.autostat.ru/news/50412/
13. https://www.autostat.ru/analytics/47350/
14. https://uz.denemetr.com/docs/768/index-284214-1.

К.Б.Уразов –СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Р.Н. Тошпулатов – СамИСИ, МА-120 гуруҳ магистранти

КОРХОНАЛАР СОФ ФОЙДАСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ХАЛҚАРО МЕТОДЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДА ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ТАРТИБЛАРИ

Аннотация: корхоналар соф фойдасини аниқлашнинг халқаро методлари, шунингдек фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботни ушбу методлар асосида тузиш тартиблари очиб берилган.

Калит сўзлар: фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, соф фойда, капитални қўллаб-қувватлаш методи, операцион метод, харажатлар характерига асосланган ҳисобот шакли, харажат функцияларига асосланган ҳисобот шакли, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот чекловлари, фойда сифати, харажатлар сифати, битта акцияга тўғри келувчи соф фойда.

Аннотация: в данной статье раскрыты сущность международных методов определения чистой прибыли, а также порядок составления отчета о прибылях и убытках на основе этих методов.

Ключевые слова: отчет о прибылях и убытках, чистая прибыль,метод поддержки капитала, операционный метод, форма отчетности по характеру затрат,

форма отчетности по функциям затрат, информационнные ограничения финансовой отчетности, качества прибыли, качества затрат, чистая прибыль на одну акции.

Abstract: this article reveals the essence of international methods of determining net profit, as well as the product of compiling a profit and loss statement based on these methods.

Key words: income statement, net income, capital support method, operating method, cost reporting form, cost function reporting form, informational limitations of financial reporting, profit quality, cost quality, net income per share.

Республикамизда Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 4611-сон қарорига асосан миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимимизни халқаро миқиёсда амал қилаётган стандартлар талабларига мослаштириш, чунончи молиявий ҳисобот шаклларини халқаро амалиётда қўлланилаётган ҳисобот шаклларига трансформациялаш, шунингдек уларни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит қилиш вазифалари белгиланди. Ушбу устувор вазифани бажариш иқтисодиётнинг барча соҳасига кирувчи тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан автосервис фаолияти билан шуғулланаётган субъектларга ҳам дахлдордир.

Автосервис субъектларида молиявий ҳисоботларни халқаро амалиётдаги ҳисобот шаклларига трансформациялаш ва уларни халқаро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш учун халқаро стандартлар асосида тузиладиган ҳисобот шаклларининг бизнинг республикамизда қўлланиб келинаётган ҳисобот шаклларидан мазмуни, кўрсаткичлари ва уларни шакллантириш методлари, ахборот бериш имкониятлари ва чекловлари ҳамда бошқа жиҳатлари бўйича нималари билан фарқланишини тушуниб олиш ўта муҳимдир. Қуйида ушбу масалаларни молиявий ҳисоботнинг муҳим шакли бўлган “Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот”, шунингдек унда акс эттириладиган соф фойда кўрсаткичи мисолида кўриб чиамиз.

Халқаро ва миллий ҳисоб тизимларида назарда тутилган молиявий ҳисоботнинг муҳим шаклларидан бири бўлган «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» турлича бошқа номларда ҳам аталади. Масалан, “Фойда ва зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида ҳисобот”, “Фойда тўғрисида ҳисобот”, “Даромад тўғрисида ҳисобот”, “Операцияларнинг натижалари тўғрисида ҳисобот”, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”. Бизнинг республикамизда молиявий ҳисоботнинг ушбу шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” деб номланади.

Турлича номланишидан қатъий назар, ушбу ҳисоботнинг бош мақсади бўлиб корхоналарнинг маълум бир даврдаги молиявий хўжалик фаолиятининг якуний натижалари тўғрисида ахборот бериш ҳисобланади. Автосервис субъектларида бу ҳисобот уларнинг ҳисобот даврида олган барча даромадлари, қилган сарф-харажатлари, солиқ тўловлари ва пировардида эришган соф фойдаси тўғрисидаги ахборотларни пул бирлигида акс эттиради. Айнан ушбу кўрсаткичлар ҳисоботнинг асосий

элементларини ташкил этади. Ҳисоботнинг муҳим элементларини ташкил қилувчи ушбу кўрсаткичлар автосервис корхоналари рентабеллигини, инвестиция қийматини, тўлов қобилиятини, молиявий ҳолатини аниқлашда энг муҳим манба сифатида ишлатилади. Бу ҳисобот ёрдамида инвесторлар ва кредиторлар ўзларининг пул маблағларини келгуси даврлар учун кирими ва чиқимини башорат қиладилар, шунингдек уларнинг қопланиш муддатларини белгилайдилар ҳамда мавжуд хатарларга баҳо берадилар. Буларнинг барчаси «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»нинг ўта муҳим ҳисобот шаклларидан бири эканлигидан дарак беради.

“Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот” нинг энг муҳим ва пировард кўрсаткичи бўлиб соф фойда ҳисобланади.

Соф фойда деганда, одатда, корхонанинг барча даромадларидан барча харажатлар ва солиқлар чегириб ташлангандан кейин қолган фойдаси тушунилади.

Халқаро амалиётда соф фойда иккита метод асосида аниқланади. Булар:

1. Капиталдаги ўзгариш ёки капитални қўллаб-қувватлаш методи.
2. Операцион метод.

Соф фойдани аниқлашнинг «Капиталдаги ўзгариш» ёки «Капитални қўллаб-қувватлаш» методи. Ушбу методни америкалик олим Хикс тавсия этган. Шу боис, адабиётларда бу методни «Хикс методи» деб ҳам атайдилар.

Ушбу методга кўра, корхонанинг соф фойдаси қуйидаги алгоритм асосида топилади.

$$С_ф = С_{А2} - С_{А1} + Итд \pm УК$$

Бу ерда: $С_{А2}$ – давр охиридаги соф активнинг суммаси;

$С_{А1}$ – давр бошидаги соф активнинг суммаси;

Итд – ҳисобот йилида тақсимламаган соф фойданинг ишлатилган қисми (ҳисобланган дивидендлар, ўтган даврлар учун қўшимча ҳисобланган солиқлар, тўловлар ва бошқалар) ;

УК- ҳисобот йилида устав капиталидаги ўзгаришлар (кўпайиши, камайиши).

Хикс методига кўра корхонанинг тақсимланмаган соф фойдаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

Мисол. Айтайлик корхонанинг соф активлари йил бошига 400 миллион сўм, йил охирига 500 миллион сўм, йил мабойнида ҳисобланган (тўланган) дивидендлар 80 миллион сўм, қўшимча ҳисобланган солиқлар 10 миллион сўм, инвесторларнинг устав капиталига қўшимча бадаллари 50 миллион сўм (жадвал).

Кўриниб турибдики, соф фойдани аниқлашнинг «Капиталдаги ўзгариш» ёки «Капитални қўллаб-қувватлаш» методи «Баланс ҳисоботи» ёки “Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот”да соф активларнинг ўзгаришига, шунингдек ҳисобот даврида олинган ва «Фойда ва зарарлар тўғрисида

Ҳисобот даврининг тақсимланмаган соф фойдаси ҳисоб-китоби

(Хикс методи бўйича)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, млн. сўм
1.	Йил охирига соф актив суммаси (**$С_{А2)}$**)	500
2	Йил бошига соф актив суммаси (**$С_{А1)}$**)	400
3.	Соф актив суммасида ўзгариш, (+,-) (1қатор-2қатор)	100
4	Соф фойданинг ишлатилган қисми (ҳисобланган дивидендлар, ўтган даврлар учун қўшимча ҳисобланган солиқлар, тўловлар ва бошқалар) (**Итф)**	90
5	Устав капиталидаги ўзгаришлар (+↓**УК) (-↑УК)**	50
6	Ҳисобот даври соф фойдаси (3+4 ± 5)	140

ҳисобот» ҳамда «Ҳисобот давр фойдасининг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот»ни ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи метод ҳисобланади. Бундай боғлиқликнинг мавжулиги бевосита юқорида номлари зикр этилган ҳисобот шаклларини тўғри тузилганлигидан ҳам дарак беради. Айнан шу соф фойдани аниқлашнинг «Хикс методи»нинг асосий афзаллиги ҳамда ўта муҳимлигини ҳам ифодалайди. Шунинг билан бирга бу метод, кўриниб турибдики, соф фойдани топишда асосий ролни ўйновчи даромадлар, харажатлар ва солиқлар тўғрисидаги ахборотларни ўзаро узвий боғлиқ эканлигини акс эттирмайди. Холбуки, соф фойда суммаси бевосита олинган даромадларга, қилинган сарф харажатларга ва ҳисобланган (тўланган) солиқларга бевосита боғлиқдир. Айнан шулар «Хикс методи»нинг камчиликлари бўлиб ҳисобланади.

Соф фойдани аниқлашнинг операцион методи. Ушбу метод «Хикс методи»дан фарқли ўлароқ соф фойдани топишда даромадлар, харажатлар, солиқлар, ҳисобот йилнинг фойдасини ишлатилганлиги тўғрисидаги ахборотларга бевосита асосланган метод ҳисобланади. Ушбу методга кўра корхонанинг ҳисобот давридаги тақсимланмаган соф фойдаси қуйидагича топилади:

$$С_ф = Д - СТ - ДХ - БД + МФд - Мфх + Фд - Фз - Фс - Фи$$

Бу ерда: **Д –** сотишдан олинган даромад (соф тушум);

СТ – сотиш таннархи;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

МФд – молиявий фаолиятдан даромадлар;

МФх- молиявий фаолият харажатлари;

Фд – фавқулотдаги даромадлар;

Фз – фавқулотдаги зарарлар;

Фс – фойдан солиқлар (фойда солиғи ва ободонлаштириш солиғи),

Фи – ҳисобот йили фойдасининг турли мақсадларда ишлатилган қисми (ҳисобланган дивидендлар, ўтган даврлар учун қўшимча ҳисобланган солиқлар ва ш.к.).

Корхонанинг ҳисобот йилида эришган соф фойдаси суммаси

операцион метод асосида қуйидаги шаклда ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Ҳисобот даври соф фойдаси ҳисоб-китоби
(операцион метод бўйича)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, Млн.сўм
1.	Жами даромадлар (соф тушум)	2500
2	Сотиш таннархи	1700
3.	Сотишдан олинган ялпи фойа (1-2)	800
4	Давр харажатлари	500
5	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	50
6	Асосий фаолиятдан олинган фойда (3-4+5)	350
7	Молиявий фаолиятдан даромадлар	20
8	Молиявий фаолиятга доир харжатлар	60
9	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (6+7-8)	310
10	Фавқулотдаги фойда	-
11	Фавқулотдаги зарарлар	-
12	Солиққача фойда (9+10-11)	310
13	Фойда солиғи	80
14	Ҳисобот йили фойдасининг ишлатилган қисми	90
15	**Тақсимланмаган соф фойда (12-13-14)**	**140**

Операцион методнинг афзаллиги шундаки, корхонанинг соф фойдаси суммаси ҳисоб-китобида унга бевосита таъсир қилувчи барча даромадлар, харажатлар, солиқ тўловлари ҳамда ҳисобот йилида фойданинг ишлатилган қисми ёрқин кўриниб туради. Шу боис, ҳам халқаро миқиёсда, ҳам бизнинг республикамизда ҳозирги пайтда соф фойдани аниқлашнинг операцион методи кенг қўлланилмоқда.

Корхона соф фойдаси тўғрисида фойдаланувчиларга ахборот беришнинг асосий манбаи бўлган “Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот” ички таркибий тузилишига кўра тўрт бўлимдан иборат. Булар:

1-бўлим. Операцион бўлим:

А. Сотишдан олинган даромадлар.

Б.Сотиш таннархи.

В.Сотиш харажатлари.

Г.Маъмурий бошқарув ва бошқа операцион харажатлар.

Д.Операцион фаолиятнинг якуний натижаси.

2-бўлим. Операцион бўлмаган бўлим:

А.Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар.

Б.Асосий бўлмаган фаолиятга доир бошқа харажатлар.

3-бўлим. Фойдадан солиқ тўловлари бўлими

4-бўлим.Битта акцияга тўғри келувчи соф фойда бўлими

Бизнинг республикамизда қўлланилиб келинаётган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” кўрсаткичларининг жойланиши ҳам юқорига тартибга умуман олганда ўхшашдир. Фарқ шундаки, бизда қўлланиб келинаётган ҳисоботнинг охирги бўлимида фақат соф фойда (зарар)нинг умумий суммаси акс эттирилади, унда «битта акцияга тўғри

келувчи соф фойда» кўрсаткичи назарда тутилмаган.

Ҳам халқаро амалиётда қўлланилаётган “Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот”, ҳам бизнинг республикамизда қўлланилаётган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маълум ахборот чекловларига эга. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар томонидан олинган фойдага сифат жиҳатидан баҳо бера олмайди. **Фойда сифати**, одатда ҳар бир акция бўйича тўланган соф фойда суммаси билан эмас, балки ҳар бир акция келтирган соф фойда суммаси билан ўлчанади. Ҳисоботда битта акцияга тўғри келадиган соф фойда миқдорини ўхшаш компаниялар билан таққослама маълумотлари бўлмаганлиги сабабли, фойдаланувчилар бу кўрсаткич сифатига баҳо бериш имкониятига эга эмаслар.

2. Корхоналарнинг соф фойдаси, одатда, унинг барча турдаги фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Ҳисоботда кўрсатилган соф фойданинг суммаси унинг қайси фаолиятдан кўпроқ олинганлигини кўрсатмайди. Бу, мос равишда, келгусида даромадларни бюджетлаштиришда маълум қийинчиликлар туғдиради.

3. Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар томонидан қилинган сарф-харажатларга ҳам сифат жиҳатидан баҳо бера олмайди. **Харажатлар сифати** деганда, одатда, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги тушунилади. Бинобарин, бундай сифат кўрсаткичини ҳар бир фаолият бўйича аниқлаш, ўхшаш компаниялар билан таққослаш кўпроқ наф беради. Бироқ, ҳисобот шаклларида ҳозирги пайтда келтирилган маълумотлар ҳар бир фаолият бўйича ҳамда жами корхона бўйича ушбу сифат жиҳатларни баҳолашга имкон бермайди.

4. Халқаро амалиётда қўлланилаётган “Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот” ҳамда бизнинг республикамизда қўлланилаётган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” у ёки бу фаолиятга доир даромадлар, харажатларнинг таркиби тўғрисида тўлиқ маълумот бера олмайди. Бундай маълумотларни олиш учун махсус жадваллар-расшифровкалар тузиш лозим бўлади.

5. Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар тўлайдиган фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган доимий ва вақтинчалик фарқларни (яъни норационал харажатларни), солиқ имтиёзларини махсус қаторда кўрсатилишини назарда тутмаган. Бу, мос равишда, ҳисобот бўйича фойдадан солиқларни тўғри ҳисобланганлигини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Халқаро ва миллий амалиётда “Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот”ни тузишнинг турли форматлари қўлланилади. Бу форматлар уларнинг шакли, таркибий кўрсаткичлари ва бу кўрсаткичларни тўлғазилиши бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро амалиётда соф фойда кўрсаткичи бўйича бир хил бўлган маълумотни акс эттирувчи “Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот”нинг бир-биридан фарқ қилувчи иккита формати кенг қўлланилади. Булар:

1. Харажатлар характерига асосланган формат.
2. Харажатлар функцияларига асосланган формат.

Харажатлар характерига асосланган форматда корхона харажатлари уларнинг характерига қараб кўрсатилади. **Харажатлар характери** деганда, одатда, уларнинг моддий, меҳнат ва молиявий, пуллик ва пулсиз, бевосита ва билвосита харажатларга ажратилиши тушунилади.

Моддий харажатлар – бу ишлаб чиқаришга сарфланган хом-ашё ва материалларнинг таннархидир.

Меҳнат харажатлари – бу корхона ходимлари меҳнати учун ҳисобланган иш ҳақи ва уларга мос равишда ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов (мажбурий ажратмалар) суммасидир.

Молиявий харажатлар – бу банк хизматлари, олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари, мол-мулк ва бошқа хўжалик рискларини суғурталар, хўжалик муносабларидан келиб чиқадиган пуллик тўловлар ва бошқалардир.

Амортизация харажатлари – бу узоқ муддатли асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган пулсиз харажатлардир.

Бошқа харажатлар – бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятига доир бошқа билвосита харажатларидир.

“Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот” харажатлар характери форматига кўра қуйидаги шаклда тўлғазилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот

(харажатлар характери формати бўйича)

Кўрсаткичлар	**Хусусий сумма, млн. сумда**	**Жами сумма, млн сўмда**
1. Асосий фаолият даромадлари		2500
2. Асосий бўлмаган фаолият даромадлари		70
3. Материал харажатлар	800	
4.Иш ҳақи ва суғурта харажатлари	600	
5. Суғурта харажатлари	100	
6.Амортизация харажатлари	260	
7.Бошқа харажатлар	500	
8.Жами харажатлар		2260
9.Солиққача фойда		310
10. Фойда солиғи		80
11. Фойданинг бошқа мақсадларда ишлатилиши		90
11.Соф фойда		140
10.Муомаладаги 1 та оддий акцияга тўғри келадиган соф фойда (сумда)		1000

Харажатлар функцияларига асосланган форматда корхона харажатлари уларнинг функцияларига қараб кўрсатилади. **Харажатлар функциялари** деганда, одатда, уларнинг корхоналарнинг ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш ва бошқа фаолият турларига доир (даҳлдор) функцияларга тегишлилиги тушунилади. Чунончи, сотилган маҳсулот,

бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилган қисмига тегишли бўлган барча ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоботнинг ушбу форматида «Сотиш таннархи» кўрсаткичида кўрсатилади. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотишга оид харажатлар «Сотиш харажатлари», бошқарувга оид харажатлар «Бошқарув харажатлари», бошқа фаолият турларига оид харажатлар эса «Бошқа харажатлар» қаторида кўрсатилади.

“Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот” харажатлар функциялари форматига кўра қуйидаги шаклда тўлғазилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот

(харажатлар функцияси формати бўйича) млн. сумда

Кўрсаткичлар	**Даромад**	**Харажат**
1. Асосий фаолият даромадлари	2500	x
2. Сотиш таннархи	X	1700
3. Ялпи фойда	800	
4.Бошқа операцион даромадлар	70	x
5. Сотиш харажатлари	X	80
6.Бошқарув харажатлари	X	200
7.Бошқа харажатлар	X	280
8.Солиқлар	X	80
9. Фойданинг бошқа мақсадларда ишлатилиши		90
9. Соф фойда (зарар)	140	
10. Муомаладаги 1 та оддий акцияга тўғри келадиган соф фойда, сумда	1000	x

Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” ўзининг мазмуни ва таркибий тузилмасига кўра харажатлар функциялари форматига мос келади.

Халқаро амалиётда қўлланилаётган “Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот”да корхоналарнинг соф фойдаси узлуксиз давом этаётган фаолият ва яқин ўртада тугатилаётган фаолият турлари якуний молиявий натижалари эътиборга олинган ҳолда акс эттирилади. Бунда, узлуксиз давом этаётган фаолиятдан олинган фойда (зарар) ҳамда яқин ўртада тугатилаётган фаолият турлари бўйича фойда (зарар) алоҳида-алоҳида қаторларда кўрсатилади.

Халқаро амалиётда бизнеснинг муҳим кўрсаткичи (индикатори) сифатида “битта акцияга тўғри келувчи соф фойда” (Ф1а) кўрсаткичи фойдаланилади. 1 та акцияга тўғри келувчи базовий соф фойдани (EPS) билдирувчи ушбу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$Ф1а = \frac{Сф - Диа}{Ао}$$

Бу ерда: **Сф**- соф фойда; **Диа**- -имтиёзли акцияларга тўғри келувчи дивиденд суммаси; **Ао-** давр мабойнида муомалада бўлган оддий акцияларнинг ўртача сони.

33-сон МҲХС “Битта акцияга тўғри келадиган фойда” асосий акцентни 1 та акцияга тўғри келувчи базовий соф фойда (EPS) кўрсаткич

миқдорини тўғри аниқлашда муҳим рол ўйновчи давр мабойнида оддий акцияларнинг ўртача сонини реал аниқлашга қаратади. Стандартга мувофиқ давр мабойнида муомалада бўлган оддий акцияларнинг ўртача сони (Ао) қуйидагича топилиши лозим:

Ао = Адб +/- (Асж*Кв);

Бу ерда: **Адб** - давр бошига муомаладаги оддий акцияларнинг сони; **Асж** - давр мабойнида муомалага чиқарилган ва муомаладан чиқарилган акциялар сони; **Кв** – вақт бўйича айланиш коэффициенти.

Ўз навбатида, вақт бўйича айланиш коэффициенти (Кв) қуйидагича топилади:

Кв = Акос /Ско.;

Бу ерда: **Акос** – акцияларнинг муомалада бўлган кунлари (ёки ойлари) сони; **Ско** – ҳисобот давридаги кунлар (ёки ойлар) сони.

Ҳисобот даври мабойнида янги акцияларни муомалага чиқарилиши ва акцияларни муомаладан чиқарилиши натижасида ҳисобот йили охиридаги 1 та акцияга тўғри келувчи базовий соф фойда (EPS) кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан кам миқдорда бўлиши ва бу акциядорларда тушунмовчиликлар ва норозичилик туғдириши мумкин. Аслида 1 та акцияга тўғри келувчи базовий соф фойда (EPS) кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан пасаймаганлиги исботлаш учун ўтган йилдаги 1 та акцияга тўғри келувчи базовий соф фойда (EPS) кўрсаткичи эмиссия коэффициенти асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади ва унинг миқдори ҳисоботда таққосламаликни таъминлаш мақсадида кўрсатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон қарори
2. 1-сон МҲХС (IAS) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”
3. 33-сон МҲХС “Битта акцияга тўғри келадиган фойда”
4. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Самарканд, 2013.

С.Н. Ташназаров – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СИФАТ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ

Аннотация: Ушбу мақолада янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг сифат тараққиёт босқичида амалга оширилган ишлар ва стратегик вазифалар баён қилинган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС), бухгалтерия ҳисоби соҳасида профессионал ташкилотлар, Аудитнинг халқаро стандартлари.

Аннотация: В данной статье описаны проделанная работа и стратегические задачи по качественному развитию бухгалтерского учета в новом Узбекистане.

Ключевые термины: Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), профессиональные организации в области бухгалтерского учета, Международные стандарты аудита.

Abstract: This article describes the work done and strategic tasks in the qualitative development of accounting in the new Uzbekistan.

Key terms: International Financial Reporting Standards (IFRS), professional organizations in the field of accounting, International Standards on Auditing

2017 йилда эътиборан бухгалтерия ҳисоби тараққиётида янги сифат жиҳатдан кўтарилиши босқичига ўтилди. Ушбу босқичда жаҳон интеграцион жараёнига тўлақонли кириб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида МҲХСлари ва АХСларини жадал жорий этиш жадаллаштириш бўлиб ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудитга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Янги Ўзбекистоннинг стратегияси ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда. Кейинги икки йил мабойнида Президентимизнинг молиявий ҳисоботни ва аудитни халқаро стандартларга жадал ўтказиш бўйича битта фармон ва 3 та қарорлари қабул қилинди (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МҲХС ва АХСлари жадал жорий қилишга қаратилган фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар

Қарорлари	**МҲХС ва АХСларни жорий қилишга қаратилган вазифалар**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори	2021 йил 1 январдан бошлаб, **акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди**; 2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд **«Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)»** сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан

	таъминлайди. 2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «**Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин** ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин 2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) **ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан** ўтказиш

Президент Қарорида қўйилган вазифаларни амалда ижросини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз (2-жадвал):

2-жадвал

МҲХСларини жорий қилишда амалга ошириладиган ишлар ва таклифлар

Биринчи	Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида профессионал ташкилотларнинг **МҲХС бўйича Кенгашига** ҳамда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерациясига аъзо бўлиш. Ўзбекистонда МҲХСларига ўтишни халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига эришиш лозим.
Иккинчи	Ўзбекистонда МҲХСларини кенг тарғиб қиладиган, уни жорий қилиш билан шуғулланадиган, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган БҲМСларини ишлаб чиқадиган, бухгалтерларни сертификатлаш масалалари, имтиҳон талаблари ва масалаларини ишлаб чиқадиган **Ўзбекистон Бухгалтерлари профессионал институтини** ташкил этиш
Учинчи	Ташкил этиладиган Ўзбекистон Бухгалтерлари профессионал институти томонидан МҲХСлари ва стандартларга интерпретацияларни ўзбек тилига расмий таржима қилиш, МҲХСлари Кенгаши томонидан ушбу МҲХСларнинг ўзбек тилидаги версияларини расмий тан олинишига эришиш
Тўртинчи	Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва аудит бўйича МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ўзбек атамалар тўпламини яратиш.
Бешинчи	МҲХСлар талабларига тўлиқ мувофиқ келадиган такомиллашган намунавий молиявий ҳисобот форматларини жорий қилиш
Олтинчи	Бухгалтерлар ва аудиторларни МҲХСлари бўйича сертификатлашнинг самарали миллий тизимини жорий этиш

Уларнинг мазмун моҳиятига тўхталиб ўтамиз:

- Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида профессионал ташкилотларнинг МҲХС Кенгашига ҳамда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерациясига аъзо бўлиш, уларга аъзолик бадалларини тўлаш, давлат даржасида ҳамкорлик олиб бориш, делегациялар алоқаларни ўрнатиш, Ўзбекистонда МҲХСларига ўтишни халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига эришиш лозим;
- МҲХСлари ва стандартларга интерпретацияларни ўзбек тилига расмий таржима қилиш, МҲХСлари Кенгаши томонидан ушбу МҲХСларнинг ўзбек тилидаги версияларини расмий тан олинишига эришиш;
- бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва аудит бўйича МҲХСлари талабларига жавоб берадиган ўзбек атамалар тўпламини яратиш, бунинг учун эса халқаро атамаларни қабул қилиш, уларни ўзбек тилига ўгириш ёки бошқа тилларга бир хил қабул қилинган атамаларни ўзгаришсиз қабул қилиш керак. Буни ишлаб чиқмасдан МҲХСларини профессионал даражада ўзбек тилига таржима қилишга эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса ваколатли ташкилотлар қошида профессионал бухгалтер ва аудиторлардан иборат Кенгаш тузилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;
- мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МҲХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МҲХСлар орқали инвестициявий жозибадорлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим;
- МҲХСлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)ни қайта таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. МҲХСлари ва БҲМСлари ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш керак. Имкон қадар мувофиқлаштириш керак. МҲХСларда мавжуд бўлган, лекин БҲМСлар таркибида бўлмаган стандартларни ҳам ишлаб чиқиш керак. Стандартларга интерпретациялар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш керак. Бухгалтерия ҳисоби бўйича бошқа қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, жумладан Низомлар ва қоидаларни ҳам стандартларга айлантириш керак. Ўзбекистонда мукаммал бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тизими шаклланиши лозим;
- молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг сифатини ошириш мақсадида унинг таркиби ва мазмунини ахборот фойдаланувчилар манфаатларига мувофиқлаштириш, ахборотларга ишлов бериш ва уларни узатишда энг илғор усул ва услублардан фойдаланиш, халқаро инструментлар ва стандартларини ҳамда МҲХСлар талабларига тўлиқ

мувофиқ келадиган такомиллашган намунавий молиявий ҳисобот форматларини жорий қилиш;

- бухгалтерлар ва аудиторларни МҲХСлари бўйича сертификат-лашнинг самарали миллий тизимини жорий этиш, аккредитацияланган ўқув марказларида илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув жараёнлари ва ўқув-услубий таъминотини ташкил этиш, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминлаш.
- олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид фанларнинг мазмунини ривожланган мамлакатлар университетлардаги ўқув режалари ва дастурларига (селаббус) мувофиқлаштириш, ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, педагог кадрларни халқаро сертификатлаш мақсадида ўқув марказларида ва хорижий университетларда малака оширишини ва имтиҳонларни топширишини ташкил этиш, илғор университетлардаги дарсликлар билан таъминлаш;
- замонавий ахборот технологияларини қўлланилишини таъминлаш мақсадида МҲХСлари бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини нашр эттириш учун барча шароитларни яратиш, Ўзбекистон компанияларининг молиявий ҳисоботлари сайтини яратиш, кенг ахборот фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботнинг ўқилиши ва таҳлилини амалга оширишда услубий ёрдамларни амалга ошириш ва хизматларни ташкил этиш.

Ҳозирги кунда бюджет соҳасида бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқишга киришилди ва босқичма-босқич жорий этилмоқда. Солиқ кодексини халқаро тажрибаларга мувофиқ ҳолда такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Бу босқичда сифат жиҳатдан амалга оширилаётган муҳим ишлардан бири олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишлари ва мутахассислик ўқув режаларига халқаро университетлардаги фанлар киритилди. Ушбу университетлардан инглиз тилидаги фан соҳасидаги адабиётлар келтирилиб, улар асосида ўқитишнинг инновацион технологиялари жорий этилмоқда. Шу муносабат билан жаҳондаги етакчи таълим муассасаларидаги фанлар ва улардаги фан адабиётлари соҳага кириб келмоқда. Натижада, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаси бўйича ҳам дунёда тан олинган фанларни ўқитишга киришилди. Бу соҳадаги ишлар фанимизни халқаро даражада ўрганишни ва тараққий эттиришни кўзда тутади.

S. R Egamberdiyeva – Qarshi muhandislik –iqtisodiyot instituti, Buxalteriya hisobi va audit dotsenti, iqtisod fanlari nomzodi.

R.R Shopiyev, F. I Qodirov – QarMII, Buxgalteriya hisobi (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha) mutaxassisligi 2- kurs BH-504-20-guruh magistratura talabalari.

MOLIYAVIY NATIJALARNI ANIQLASH HAMDA ULARNING HISOBI VA HISOBOTINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya: ushbu maqolada moliyaviy natijalarni aniqlash hamda ularning hisobi va hisobotini xalqaro standartlar asosida takomillashtirishning dolzarb jihatlari, hisobning O‘zbekiston va xorij standartlarini tahliliy tasnifi va ahamiyati bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, moliyaviy hisobotning elementlari, daromadlar, tushumlar, boshqa daromadlar, odatdagi faolitidan olingan daromadlar, asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar.

Аннотация: В данной статье описаны современные аспекты определения финансовых результатов и совершенствования их учета и отчетности в соответствии с международными стандартами, аналитическая классификация и значение бухгалтерского учета по узбекским и зарубежным стандартам.

Ключевые слова: Международные стандарты финансовой отчетности, элементы финансовой отчетности, доходы, выручка, прочие доходы, доходы от обычной деятельности, прочие доходы от операционной деятельности.

Abstract: This article describes modern aspects of determining financial results and improving their accounting and reporting in accordance with international standards, analytical classification and the importance of accounting according to Uzbek and foreign standards.

Keywords: International Financial Reporting Standards, elements of financial reporting, income, revenue, other income, income from ordinary activities, other income from operating activities.

Tobora shakllanib, takomillashib borayotgan raqobat sharoitiga mos ravishda ishlab chiqarish faoliyati to‘g’risida sifat va aniqlik jihatdan barcha talablarga javob bera oladigan hisob tizimini ishlab chiqish bugungi kunning dolzarb masalasidir.

Mamlakatimiz olimlarining ishlarida daromad va foydani tan olish, baholash, aniqlash va moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotda aks ettirishning nazariy hamda uslubiy masalalari tadqiq etilgan. A.Z.Avlokulov[1]ilmiy ishlarida moliyaviy natijalar ko‘rsatkichlari bo‘yicha axborot qamrovini kengaytirishda pragmatik konsepsiyani qo‘llash taklif etilgan hamda hisobot nazoratining uch

[1] А.З.Авлокулов. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: ТМИ, 2019 й. 71-б.

bosqichli algoritmi ishlab chiqilgan, S.N.Tashnazarov [1] tomonidan foyda va zararlar hamda boshqa yalpi daromadlar to‘g‘risidagi hisobotning xalqaro standartlarga muvofiq keladigan shakli taklif etilgan, R.Hasanova [2] moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni takomillashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqqan. Mualliflarning tadqiqotlari muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega bo‘lsada, lekin ushbu ishlarda daromadlar va foyda hisobini xalqaro standartlar talablariga muvofiqlashtirish, daromadlar (foyda)ni tan olish, baholash, foyda va zararlar to‘g‘risidagi hisobotni tuzish va taqdim etish masalalari yetarli darajada tadqiq etilmagan.

Rossiya Buxgalteriya hisobi bo‘yicha Nizomning (PBU 9/99) [3] 2-bandida daromadlarga quyidagicha ta’rif keltirilgan: “Daromadlar – bu tashkilotning kapitali ko‘payishiga olib keluvchi aktivlarning kelib tushishi (pul mablag‘lari yoki boshqa mulklar) va (yoki) majburiyatlarning uzilishi natijasida yuzaga kelgan iqtisodiy nafning ko‘payishidir.”

Rossiya standartlariga muvofiq daromadlar ikki turga bo‘linadi:

1) Odatdagi faoliyati (obichnoy deyatelnosti) turlaridan olingan daromadlar;

2) Boshqa daromadlar.

3) Internet manbalarida [4] quyidagi ta’riflarni uchratish mumkin: “Tashkilotning daromadi–korxona tomonidan ishlab chiqarish, sotish, moliyaviy va investitsiyaviy faoliyatlarini amalga oshirganligi uchun olinadigan pul va pul bo‘lmagan mablag‘lardir.” Ushbu manbada buxgalteriya hisobida xususiyati va olinish shartlariga bog‘liq holda daromadlar odatdagi faoliyat turlaridan olingan daromadlar va boshqa daromadlar bir-biridanfarqlanishi ta’kidlab o‘tilgan.

4) O‘z navbatida odatdagi faoliyat turlaridan olingan daromadlarga: tovarlarni sotishdan tushum, bajarilgan ishlar va ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lovlar, debitorlik qarzlari, litsenzion to‘lovlar, ijara to‘lovlari va royalti kiritilgan.

5) Boshqa daromadlar guruhiga korxona tomonidan hamkorlikdagi faoliyat natijasida olingan foyda, da’vo muddati o‘tib ketgan kreditorlik qarzlariva boshqa daromad turlari kiritilishi qayd etilgan.

6) Баъзи манbalarda daromadlar va xarajatlar hisobini o‘rganishda quyidagi qismlarga ajratilgan [5]:

1) Buxgalteriya hisobida korxonaning daromad va xarajatlariga nimalar kiradi;

2) soliqqa tortish nuqtai nazaridan daromad va xarajatlar;

3) tashkilotning daromadlari va xarajatlarini hisobga olish prinsiplari;

---

[1] С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p.

[2] Р.Ҳасанова. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида молиявий натижалар ва уларни тақсимлашнинг ҳисоби.http://www.biznes- daily.uz/uz/birjaexpert/49680-zamonaviy-korporativ-boshqaruv-tizimida-moliyaviy-natijalar-va-ularni-tahsimlashning-hisobi.

[3] Учет доходов. https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet_dokhodov.html.

[4] Учет доходов и расходов. https://class365.ru/uchet-tovarov-uslug/uchet-dohodov-i-raskhodov.

[5] Порядок и принципы учета доходов и расходов в организации.https://nalog- nalog.ru/nalog_na pribyl/rashody nalog_na pribyl/poryadok i principy ucheta dohodov i rashodov v organizacii/.

4) kompaniyaning daromadlari va xarajatlari hisobiningalgoritmi;
5) daromad va xarajatlar hisobi uchun dastur.



• **1-rasm**. **Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, Rossiya Buxgalteriya hisobi Nizomlari va O‘zbekiston Buxgalteriya Hisobi milliy standartlaridagi daromadlarning tavsifi, tasnifi va tarkibiy qismlari**

Bizning fikrimizcha, buxgalteriya hisobi maqsadlarida daromadlarga moliyaviy hisobotning elementi sifatida tavsif berish maqsadga muvafiq hisoblanadi. Yuqoridagi tajribalarni o‘rganish asosida daromadlarga moliyaviy hisobotning elementi sifatida quyidagi ta’rifni beramiz:

Daromadlar – bu moliyaviy hisobotning muhim elementi bo‘lib, hisobot davri davomida ta’sischilarning qo‘shimcha kapital kiritishidan tashqari xususiy kapitalning ko‘payishida o‘z aksni topgan aktivlarning kelib tushishi va (yoki) sifatining yaxshilanishi va (yoki) majburiyatlarning so‘ndirilishi ko‘rinishida iqtisodiy nafning olinishidir.Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, Rossiya Buxgalteriya hisobi Nizomlari va O‘zbekiston Buxgalteriya Hisobi milliy

standartlaridagi daromadlarning tavsifi, tasnifi va tarkibiy qismlarini quyidagi 1-rasmda solishtiramiz.

Ushbu 1- rasmdagi solishtirish natijalaridan quyidagi xulosalarni keltirish mumkin:

Birinchidan, xalqaro standartlarning konseptual asoslarida daromadlarga ta'rif keltirilgan. Ushbu ta'rif umum tan olingan hisoblanadi. Keltirilgan ta'rifning eng muhim xususiyati, unda daromadlarga moliyaviy hisobotning elementi sifatida ta'rif keltirilgan. Unga ko'ra bir vaqtning o'zida quyidagi shartlar bajarilishi talab etiladi: birinchi sharti daromad sifatida tan olinadi, qachonki xususiy kapitalning ta'sischilar tomonidan qo'shimcha kapitalning kiritilishidan tashqari ko'payishiga olib kelsa, ikkinchi sharti daromadlarni yuzaga keltiruvchi hodisalar aktivlar (pul mablag'lari yoki boshqa aktivlar)ning ko'payishi yoki uning holatining yaxshilanishi yoki majburiyatlarning so'ndirilishiga olib kelishi kerak. Ushbu ikkita shartning bir vaqtida bajarilishini ta'minlovchi hodisa va jarayonlarning summadagi miqdori daromad sifatida tan olinadi.

Ushbu holat Rossiya standartlarida daromadlarga berilgan ta'rifda yetarli darajada o'z aksini topgan va xalqaro standartlarda berilgan ta'rif talablariga javob beradi, deb o'ylaymiz. Faqat, berilgan ta'rifda "aktivlar sifatining yaxshilanishi" ko'rinishidagi iqtisodiy naf o'z aksini topmagan.

O'zbekiston 2-sonli BHMS "Asosiy xo'jalik faoliyatidan tushgan daromadlar" standartida "Asosiy xo'jalik faoliyatidan olinadigan daromadlar - xo'jalik yurituvchi subektning odatdagi faoliyati davomida vujudga keladigan davr ichida mulk egalarining o'z sarmoyalariga badali bilan bog'liq bo'lgan ko'payishlarni istisno etganda, o'z sarmoyasi ko'payishiga olib keladigan tushumlar" deb ta'rif keltirilgan. Bu ta'rifni takomillashtirish zaruriyati mavjud. Chunki, ta'rif asosiy xo'jalik faoliyatidan olingan daromadlarga berilgan, ta'rif aslida daromadlarga berilishi kerak edi, chunki odatdagi faoliyati bilan bog'liq bo'lmagan boshqa daromadlar ham yuqoridagi ta'rif talablariga javob beradi, shuning uchun standart boshqa daromadlarni moliyaviy hisobotning alohida elementi sifati qaralmaydi. Moliyaviy hisobotning konseptual qoidalariga muvofiq daromad moliyaviy hisobotning elementi hisoblanadi, qaysiki unga asosiy daromadlar va boshqa daromadlar kiradi.

Ikkinchidan, daromadlar xalqaro standartlarga muvofiq odatdagi faoliyatidan olingan daromadlar, ya'ni asosiy daromadlar va odatdagi faoliyatiga bog'liq bo'magan daromadlarga ajratilgan. Rossiya standartlarida bu tasnifga rioya qilingan. O'zbekistonda "Moliyaviy hisobotning konseptual asoslari"da rioya etilgan, ya'ni bu hujjatda daromadlar asosiy faoliyatdan daromadlar va asosiy bo'lmagan faoliyatdan daromadlar, lekin "Xarajatlar tarkibi to'g'risidagi" Nizomda ushbu qoidalar o'z aksini to'g'ri topmagan.

Uchinchidan, daromadlarning tarkibini solishtiradigan bo'lsak, xalqaro standartlarda tushumlarga, ya'ni odatdagi faoliyati bilan bog'liq asosiy daromadlarga 1. Sotishdan tushgan tushum; 2. Xizmatlar uchun rag'batlantirishlar; 3. Foizlar, 4. Dividendlar, 5. Royalti 6. Ijara daromadlari.

Rossiya standartlarida ushbu qoidaga rioya qilinmagan. Unda odatdagi faoliyati bilan bog‘liq tushumlarga faqat sotishdan tushgan tushum hamda ko‘rsatilgan xizmatlar va bajarilgan ishlardan tushgun tushumlar kiritilgan. Foizlar, dividendlar va royaltini ta’min etadigan quyidagi daromadlari: 1.Tashkilotning to‘lov asosida vaqtinchalik foydalanishga taqdim etilgan aktivlar uchun kelib tushishlari; 2. Kashfiyotlar, sanoat namunalari va boshqa intellektual mulk turlariga patent huquqlarini to‘lov e’vaziga taqdim etish bilan bog‘liq kelib tushishlar; 3. Boshqa tashkilotlarning ustav kapitaliga qatnashishi bilan bog‘liq kelib tushishlar; 4. Hamkorlikdagi faoliyat natijasida tashkilot tomonidan olinadigan foyda kabi daromadlari boshqa daromadlar tarkibiga kiritilgan. Bu xalqarostandartlarning talablariga muvofiq kelmaydi.

O‘zbekistonda “Moliyaviy hisobotning konseptual asoslari” da daromadlarning tarkibi to‘g‘ri tasniflangan va u xalqaro standartlar talablariga muvofiq keladi. Lekin, standartda boshqa daromadlar tarkibi to‘liq shakllantirilmagan. Bunda amalda bo‘lib turgan “Xarajatlar tarkibi to‘g‘risidagi” Nizom daromadlarni tansifi ayrim jihatlari bo‘yicha xalqaro standartlarga muvofiq kelmaydi. Mazkur Nizomga muvofiq xo‘jalik yurituvchi subektlar tomonidan ularning xo‘jalik faoliyatini amalga oshirishi natijasida olinadigan daromadlari hisobotga quyidagi asosiy bo‘limlar bo‘yicha kiritiladi: 1) Sotishdan olingan sof tushum; 2) Asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar (operatsiya daromadlari); 3) Moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar; 4) Favqulodda daromadlar. Buni tahlil qiladigan bo‘lsak, sotishdan olingan sof tushum asosiy faoliyatdan olingan asosiy daromadlarga kiradi. “Asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar” deb nomlanishi mazmunan to‘g‘ri emas. Uni “Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim etish uchun konseptual asoslar” standartida nomlanganidek, “Asosiy bo‘lmagan faoliyatidan olingan daromadlar” yoki “boshqa daromadlar” deb nomlash maqsadga muvofiq hisoblanadi. Moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlarning ayrim moddalari, jumladan moliyaviy ijara, royalti, dividendlar va foizlar asosiy tushumlar tarkibiga kiritilishi kerak bo‘ladi. Valyuta kursi farqlarining korxonaning moliyaviy faoliyati bilan aloqadorligi yo‘q, chunki bu daromadlar korxona tomonidan yuritiladigan moliyaviy faoliyat siyosatiga bog‘liq emas. Shu sababli, bu daromad boshqa daromadlar tarkibida aks ettirilishi maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz

Д.Тошназарова – Самиси таянч докторанти

МАҲСУЛОТ БИРЛИГИ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада умумий таннарх тушунчасига таъриф берилган, маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш тартиби ҳамда камайтириш йўллари кўрсатилган.

Таянч атамалар: Умумий таннарх, маҳсулот бирлигининг таннархи, таннарх драйвери, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар

Аннотация: В данной статье даны определения на общая себестоимость, показан порядок расчета себестоимости единицы продукции и пути снижения

Ключевые слово: общая себестоимость, себестоимость единицы продукции, драйвер себестоимости, переменные затраты, постоянные затраты.

Abstract: This article gives definitions for the total cost, shows the procedure for calculating the cost of a unit of production and ways to reduce cost

Keywords: total cost, unit cost, cost driver, variable costs, fixed costs.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда қўйилган муҳим вазифалар қаторига МҲХСларга ўтиш орқали корхоналарда инвестицион муҳитни яхшилаш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кенгайтириш имкониятларини яратиш масалалари киритилган. Маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили маҳсулот таннархини оптималлаштириш, маҳсулот сифатини пасайтирмаган ҳолда таннархни қисқартиришнинг резерв ва имкониятларини топиш ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан хулоса қилиш мумкинки, маҳсулот таннархи ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш ва шу асосда хорижий инвесторларга таннархга оид ахборотларни МҲХСлари асосида тақдим этиш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришнинг резерв ва имкониятларини топиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, таннарх ҳисобини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб бориш зарурияти мавжуд.

Умумий харажатлар – маълум бир даврда маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича умумий амалга оширилган харажатлардир. Умумий харажатлар бу абсалют кўрсаткичлар бўлиб ишлаб чиқаришнинг самардорлигини англатмайди. Ташқи ахборот фойдаланувчиларга умумий харажатлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади. Масалан, “Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи” тўғрисидаги ҳисоботда тайёр маҳсулотларнинг умумий таннархи, “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисоботда сотилган тайёр маҳсулотларнинг умумий таннархи акс эттирилади. Умумий таннарх кўрсаткичлари фойда ва зарарларни ҳисоблашда муҳим оралиқ кўрсаткичлар ҳисобланади.

Маҳсулот бирлигининг таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш хара-

жатларини, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади:

$$\text{Маҳсулот бирлигининг таннархи} = \frac{\text{Ишлаб чиқариш умумий таннархи}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори}}$$

Масалан, ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқаришнинг бошланғич ва охирги қолдиқлари мавжуд эмас. Ой мабойнида маҳсулотни ишлаб чиқариш (материал, меҳнат ва устама ишлаб чиқариш) харажатлари 280000 п.б. ташкил этади. Ҳисобот даврида 1000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. У ҳолда маҳсулот бирлигининг таннархи 280 п.б. ни ташкил этади:

$$\text{Маҳсулот бирлиги таннархи} = \frac{280000\ \text{п.б.}}{1000\ \text{бирлик}} = 280\ \text{п.б./бирлик}$$

Таннарх драйвери (ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омиллар)нинг таъсирига кўра харажатлар **ўзгарувчан ва доимий харажатларга ажратилади. Таннарх драйвери** деганда, таннархнинг умумий суммада ўзгаришига энг катта таъсир кўрсатадиган омилга айтилади, қайсики унинг таъсирида таннарх маълум бир боғлиқликлар асосида ўзгариб боради. Таннарх драйвери бўлиб ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми, меҳнат соатлари, машина соатлар, бажарилган ишлар ҳажми ва бошқа омилларни олиш мумкин.

Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ҳажми (фаолият даражаси)га тўғридан-тўғри мутонасиб (пропорционал) равишда ўзгарадиган харажатларга айтилади. Уларга мисол қилиб ишлаб чиқариш материал харажатлари, ишбай меҳнат ҳақи, сарфланган энергия (ёқилғи, электроэнергия) харажатларини келтиришимиз мумкин.

Доимий харажатлар ўрганилаётган даврда маҳсулот ҳажми (фаолият даражаси)нинг катта ўзгариши диапазонида миқдор жиҳатдан ўзгаришсиз қолади. Ушбу харажатларга мисол қилиб амортизация харажатлари, назоратчилар, усталар иш хақи, ижара тўловларини олиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги сабабли маҳсулот бирлигининг таннархи камайиб боради. Бунга асосий сабаб, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар ўзгармайди, лекин доимий харажатлар умумий суммада бўлганлиги учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги сабабли маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар камайиб боради. Натижада, маҳсулот бирлигининг таннархи камаяди (1-жадвал).

Маҳсулот бирлигининг таннархи доимий равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайиши билан унинг даражаси ўзгариб туради. Чунки, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар ўзгармас бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражасида ўзгармас бўлади. Доимий харажатлар эса ҳисобот даврида умумий суммада бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши

1-жадвал

Маҳсулот бирлиги таннархининг доимий харажатлар ҳисобидан ўзгариши

Маҳсулот бирлиги	Маҳсулот бирлига ўзгарувчан харажати, п.б.	Жами ўзгарувчан харажатлар, п.б.	Жами доимий харажатлар, п.б.	Жами харажатлар, п.б.	Маҳсулот бирлигининг таннархи, п.б.
1	2	3 = 1 x 2	4	5 = 3+4	6 = 5 / 1
2000	100	200 000	300 000	500 000	250
4000	100	400 000	300 000	700 000	175
6000	100	600 000	300 000	900 000	150
10000	100	1000 000	300 000	1300 000	130
20000	100	2000 000	300 000	2300 000	115

билан маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар миқдори камайиб боради, аксинча эса кўпаяди.

Харажатларни қисқартириш имкониятларини топиш учун ўзгарувчан ва доимий харажатларга таснифлаш, маҳсулот ҳажмининг ошиши билан доимий харажатлар ҳисобидан маҳсулот бирлигининг таннархи камайиши амалий мисолларда кўрсатиб берилди. Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши харажатларни оптималлаштириш ва қисқартириш бўйича резерв ва имкониятларни топишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. https://lex.uz/ru/docs/4746049

2. Management and Cost Accounting. 10th Edition Colin Drury Publisher: Annabel Ainscow https://www.pdfdrive.com/management-and-cost-accounting-e183857367.html;

3. Horngren’s Cost Accounting. Harvard University Madhav V. Rajan Stanford University. (2017).pdf;

4. L. E. Heitger, S. Matulich. Cost accounting. Mc.Graw-Hill Book Company, 1991.;

5. А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-Молия”. 2019 й. -538 б.;

T.I.Yahyoyev – SamISI o‘qituvchisi

QURILISH KORXONALARIDA MOLIYAVIY HOLAT TAHLILINI AMALGA OSHIRISHDA AXBOROT MANBALARI

Annotatsiya: Maqolada qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda foydalaniladigan axborot manbalari, moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda axborotning ahamiyati, axborotlarni hamda axborot manbalarini ma’lum xususiyatlariga ko‘ra turkumlarga ajratilishi bo‘yicha axborotlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Axborot, axborot manbalari, intellectual salohiyat, moliyaviy holat tahlili, xomashyo, asosiy axborot manbalari, yordamchi axborot manbalari, buxgalteriya balansi.

Аннотация: В статье описаны источники информации, используемые при анализе финансового состояния строительных организаций, значение информации при анализе финансового состояния, классификация информации и источников информации по определенным признакам.

Ключевые слова: Информация, источники информации, интеллектуальный потенциал, анализ финансового состояния, сырье, основные источники информации, вспомогательные источники информации, бухгалтерский баланс.

Abstract: The article describes the sources of information used in the analysis of the financial condition of construction companies, the importance of information in the analysis of the financial condition, the classification of information and information sources according to certain characteristics.

Keywords: Information, sources of information, intellectual potential, analysis of financial condition, raw materials, main sources of information, auxiliary sources of information, balance sheet.

Kirish. Qaysi bir amalga oshirilayotgan faoliyat turini olmaylik albatta qaysidir resurslardan foydalangan holda o‘z faoliyatini amalga oshiradi hamda ko‘zlangan natijaga erishishga harakat qiladi. masalan, ishlab chiqarish korxonalari moddiy hamda mehnat resurslari asosida yangi mahsulot yaratadi va yakuniy natijada korxona uchun tayyor mahsulot paydo bo‘ladi, savdo korxonalarida esa ishlab chiqarish korxonalari natijasi ya’ni tayyor mahsulotlarni tavarlarga aylantiradi va ushbu tovarlarni sotish orqali foydaga chiqishga harakat qilishadi, xizmat ko‘rsatish korxonalarida esa asosan inson resursining intellectual salohiyatidan foydalaniladi hamda ushbu asosida foydalilikga erishishga harakat qilinadi. Demak bundan ko‘rinib turibdiki qaysi bir jarayonni olib qaramang ular uchun xomashyo mavjud ya’ni qaysidir resurslar asosida yangi bir qiymat yaratishga harakat qilinadi. Moliyaviy tahlil ham tor manoda aynan bir jarayon deb qarasak, keng manoda esa faoliyat turi bo‘lib hisoblanadi. Iqtisodiy tahlilning “xomashyosi” esa bu axborotdir. Tahlil mavjud axborotlar asosida belgilangan tahliliy ko‘rsatkichlarni aniqlash hamda aniqlangan ko‘rsatkichlar asosida korxonaning moliyaviy holatiga baho berishga xizmat qiladi. Korxonada iqtisodiy tahlilni amalga oshirishdagi axborotlarning realligi esa tahlil natijalarining samaradorligini oshishiga hamda ushbu asosida qabul qilingan boshqaruv qarorlarining o‘zini oqlashiga xizmat qiladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Ushbu mavzu bo‘yicha mahalliy va xorijiy adabiyot manbalari tahlili, qurilish sohasida fundamental tadqiqotlar qatorida I.S.Stepanova [1], M.A. Vaxrushinoy [2], DJ.K. Lobbek [3], Serov V.M. [4] , K. R. Subramanyam [5] singari xorijiy olimlarning, M.K.Pardayev[6], N.T.Tuxliyev [7], E.V.Golsheva [8], M. Miraxmedov [9], A.A.Eshtayev [10], K.B.Urazov [11], singari mahalliy iqtisodchi olimlarning qurilish sohasidagi turli masalalari bo‘yicha ilmiy tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar.

Tadqiqot metodologiyasi. Ilmiy-tadqiqot ishida statistik va iqtisodiy tahlil usullari, tahlil, sintez, mavhumiy-mantiqiy tahlil, shuningdek, tanlovli kuzatuv, sotsiologik so‘rov, SWOT-tahlil, qiyoslov usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishdagi axborot manbalarini quyidagi guruhlarga ajratishimiz mumkin.



1-rasm. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda foydalaniladigan axborot manbalari.

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda asosiy axborot manbasi guruhi bo‘lib foydalanish qamroviga ko‘ra axborot manbalari hisoblanadi. Foydalanish qamroviga ko‘ra axborot manbalari moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda axborot manbalaridan foydalanish darajasiga qarab ikki guruhga ajratiladi.

1. Asosiy axborot manbalari,
2. Yordamchi axborot manbalari.

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda foydalaniladigan axborotlarniolish manbasiga ko‘ra ya’ni axborotlar

korxonaning o‘zining ichida shakllantirilganmi yoki korxonadan tashqarida shakllantirilgan axborotligiga ko‘ra ikki guruhga bo‘linadi.

1. Ichki axborot manbalari (korxonaning ichida shakllantirilgan axborotlar),
2. Tashqi axborot manbalari (korxonadan tashqarida shakllantirilgan axborotlar).

Axborot manbalariga tartibga solinishiga ko‘ra ya’ni axborot beruvchi manbalar aniq qonun xujjatlari asosida tartibga solinganligiga ko‘ra quyidagi ikki guruhga bo‘linadi.

1. Tartibga solingan axborot manbalari,
2. Tartibga solinmagan axborot manbalari.

Yuqorida berib o‘tilgan axborot manbalarining barchasi qurilish korxonalarini moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda quyidagi vazifalarni bajarib beradi:

- moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda aniqlanishi kerak bo‘lgan ko‘rsatkichlarni hisoblash uchun asos bo‘luvchi barcha axborotlar bilan ta’minlaydi,
- korxonaning moliyaviy holatiga birlamchi baho berishga asos bo‘lib xizmat qiladi ya’ni axborot manbalarida keltirilgan axborotlarning o‘zi boshqa ko‘rsatkichlarni aniqlamasdan korxonaga birlamchi baho berishga asos bo‘ladi,
- moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda muhim vosita bo‘lib hisoblanadi.

Xulosa va takliflar. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda foydalaniladigan axborot manbalariga quyidagilarni kiritishimiz mumkin.

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda foydalaniladigan axborot manbalari.

1-jadval

Axborot manbalari	**Asosiy**	**Yordamchi**	**Ichki**	**Tashqi**	**Tartibga solingan**	**Tartibga solinmagan**
Moliyaviy hisobot shakllari	+	-	+	-	+	-
Statistik hisobot shakllari	-	+	-	+	+	-
Soliq idoralari tekshiruv natijalari	-	+	-	+	-	+
Tashqi audit natijalari	+	-	-	+	-	+
Ichki audit natijalari	+	-	+	-	-	+
Korxonaning hisob siyosati	+	-	+	-	-	+
Buxgalteriya hisob registrlari ma'lumotlari	+	-	+	-	+	-

1-jadvalda keltirilgan barcha axborot manbalari ma’lum shakllarga hamda ushbu shakllar o‘zining axborot turlariga va qamroviga ega.

Korxonalarda moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda asosiy axborot manbalaridan biri bu moliyaviy hisobot shakllaridir. Adliya vazirligi tomonidan 26.07.1998 yilda tasdiqlangan 1-son buxgalteriya hisobi milliy standartiga muvofiq moliyaviy hisobot shakllariga quyidagilar kiradi.

1. Buxgalteriya balansi-1 shakl,
2. Moliyaviy natijalar to‘g’risidagi hisobot-2 shakl,
3. Asosiy vositalar harakati to‘g’risidagi hisobot – 3 shakl (bugungi kunda ushbu hisobot shaklini soliq idoralariga topshirish to‘xtatilgan ammo korxona o‘z faoliyati davomida foydalanishi mumkin),
4. Pul oqimlari to‘g’risidagi hisobot – 4 shakl,
5. O‘z sarmoyasi to‘g’risidagi hisobot,
6. Izohlar, tushuntirishlar va hisob-kitoblar[1].

Har qaysi moliyaviy hisobot shakllarining alohida xususiyatlari hamda alohida ko‘rsatkichlar qamrovi mavjud. Masalan moliyaviy hisobotning birinchi shakli buxgalteriya balansi korxonaning ma’lum sanadagi aktivlari, xususiy kapitali hamda kreditorlik qarzlari to‘g’risidagi axborotlarni o‘zida jamlaydi.

O‘zbekiston respublikasi adliya vazirligi tomonidan 1226 son bilan ro‘yxatga olingan 15-son buxgalteriya hisobi milliy standarti “Buxgalteriya balansi” da quyidagicha ta’rif berilgan.

Buxgalteriya balansi moliyaviy hisobotning tarkibiy qismlaridan biri hisoblanadi, xo‘jalik yurituvchi sub’ektning mulkiy va moliyaviy ahvoli haqidagi axborotni to‘playdi hamda oshkor qiladi[2].

Buxgalteriya balansi ikki qism hamda to‘rt bo‘limdan iborat.

1-qism aktiv qismi ikki bo‘limdan iborat:

- Uzoq muddatli aktivlar,
- Joriy aktivlar.

2-qism passiv qism ikki bo‘limdan iborat:

- Xususiy kapital,
- Majburiyat.

Buxgalteriya balansi

2-jadval

Aktiv	**Passiv**
Uzoq muddatli aktivlar	Xususiy kapital
Joriy aktivlar	Majburiyatlar

Korxonaning buxgalteriya balansi korxonaning ma’lum sanadagi aktivlari hamda uning tashkil topish manbalarining tengligin ifodalab beradi.

Aktiv = Xususiy kapital + Majburiyat

[1] 1-son Buxgalteriya hisobi milliy standarti –Adliya vazirligi 26.07.1998.
[2] 15 – son Buxgalteriya hisobi milliy standarti – Adliya vazirligi 20.03.2003

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda asosiy axborot manbalaridan yana biri bu moliyaviy hisobotning ikkinchi shakli “Moliyaviy natijalar to‘g’risidagi hisobot” hisoblanadi.

Moliyaviy natijalar to‘g’risidagi hisobotda korxonaning ikki hisobot davrining daromad, xarajat hamda foyda turlari keltiriladi. Misol uchun korxona 2021 yil birinchi kvartali uchun moliyaviy natijalar to‘g’risidagi hisobotida 2020 yilning ham mos hisobot davrlari daromad, xarajat hamda foyda turlari keltiriladi. Adliya vazirligi tomonidan 27.08.1998 yilda 484-son bilan ro‘yxatga olingan 3-son buxgalteriya hisobi milliy standarti “Moliyaviy natijalar to‘g’risidagi hisobot”ga ko‘ra hisobot shaklida quyidagi axborotlar keltirilishi kerak.

1.Savdo-sotiqdan tushgan sof tushum;

2.Savdo-sotiqning yalpi moliyaviy natijalari;

3.Asosiy faoliyatdan keladigan boshqa operatsion daromadlari va xarajatlari;

4.Asosiy xo‘jalik faoliyati moliyaviy natijalari (foyda yoki zarar);

5.Moliyaviy faoliyatga doir boshqa daromadlar va xarajatlar;

6.Xo‘jalik umumiy faoliyatining moliyaviy natijasi;

7.Favqulodda foyda va zarar;

8.Daromad solig’i to‘langunga qadar umumiy moliyaviy natijalar (foydalar yoki zararlar);

9. Hisobot davridagi sof foyda (zarar).

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirish jarayonida korxonaning pul mablag’lari harakati tahlili moliyaviy holat tahlilning asosiy qismi hisoblanadi. Ushbu qism tahlilni amalga oshirishda esa foydalaniladigan asosiy axborot manbasi bu moliyaviy hisobotning 4-shakli “Pul oqimlari haakati to‘g’risidagi hisobat” sanaladi. Korxonaning pul oqimlari harakati to‘g’risidagi hisobotda korxonaning jami pul oqimi harakati quyidagi turlarga bo‘lib shakllantiriladi.

1. operatsiya faoliyati,
2. investitsiya faoliyati,
3. moliyaviy faoliyati[1].

Shu o‘rinda korxona uchun yuqorida keltirib o‘tilgan uch faoliyat bo‘yicha tushunchalarni berib o‘tamiz. 9-son buxgalteriya hisobi milliy standartida ushbu faoliyat turlariga quyidagicha ta’riflar berib o‘tilgan.

Operatsiya faoliyati - xo‘jalik yurituvchi sub’ektning daromad keltiruvchi asosiy faoliyati, shuningdek sub’ektning investitsiya va moliya faoliyatiga oid bo‘lmagan o‘zga xo‘jalik faoliyati.

Investitsiya faoliyati - pul ekvivalentlariga kiritilmagan uzoq muddatli aktivlar va boshqa investitsiya ob’ektlarini sotib olish va sotish.

[1] 9-son buxgalteriya hisobi milliy standarti – Adliya vazirligi tomonidan 519-son bilan ro’yxatga olingan, 04.11.1998.

Moliyaviy faoliyat - xo‘jalik yurituvchi sub’ektning faoliyati bo‘lib, uning natijasida o‘z mablag’i va qarz mablag’lari miqdori va tarkibida o‘zgarishlar yuz beradi[1].

Korxonaning moliyaviy mustaqilligi hamda moliyaviy barqarorligi moliyaviy holatni ifodalovchi muhim ko‘rsatklichlar hisoblanadi. Ushbu ko‘rsatkichlarni esa korxonaning o‘z mablag’lari hamda ularning harakatini ifodalovchi ko‘rsatkichlarsiz aniqlash mumkin emas. Korxonaning o‘z mablag’lari holati, harakati hamda samaradorligini ifodalovchi ko‘rsatkichlar tahliliy o‘rganilganda korxonaning moliyaviy hisobotining 5-shakli “Xususiy kapital to‘g’risidagi hisobot” ma’lumotlari asosiy axborot manbasi hisoblanadi.

Xususiy kapital to‘g’risidagi hisobotda xususiy kapital va uning tarkibiy qismlari to‘g’risidagi, ustav kapitali, qo‘shilgan kapital, rezerv kapital, taqsimlanmagan foyda (qoplanmagan zarar) sotib olingan o‘z aksiyalari va boshqa xususiy kapital elementlari haqidagi axborot ochib berilishi kerak. hisobotda hisobot davridagi xususiy kapital tarkibida bo‘lgan o‘zgarishlar haqidagi axborot ochib berilgan bo‘lishi kerak. Buning uchun quyidagilar: qimmatli qog’ozlar emissiyasi, uzoq muddatli aktivlarning qayta baholanishi, ustav kapitalini shakllantirish chog’ida valyuta kursidagi farqlar, rezerv kapitalga ajratmalar, joriy yilning taqsimlanmagan foydasi (zarari), tekinga olingan mol-mulk, pul dividendlari va aksiyalar ko‘rinishida to‘lanadigan dividendlar, shuningdek, xususiy kapitalni shakllantirishning boshqa manbalari to‘g’risidagi axborot ochib berilishi lozim.

Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda yuqorida keltirib o‘tilgan moliyaviy hisobot shakllari bilan bir qatorda korxonaning statistik hisobot shakllaridan ham keng foydalaniladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. -“Xalq so‘zi”, 2020 yil 25 yanvar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish – montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari” to‘g‘risidagi PQ-4586 sonli qarori-06.02.2020.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi” PF-6119 sonli farmoni – 28.11.2020.
5. Аренс Э.А., ДЖ.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
6. Shodmonov SH.SH, G‘afurov U.U. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. T.: Fan va texnoligiya, 2005.
7. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2004.

[1] 9-son buxgalteriya hisobi milliy standarti – Adliya vazirligi tomonidan 519-son bilan ro’yxatga olingan, 04.11.1998.

8. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строительстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.
9. Miraxmedov M., , Shomirzayev E. Qurilish majmuasini tashkil etish va menejment. – Toshkent: TAQI, 2012.
10. Nurimbetov R.I. Loyihalar tahlili va ularni boshqarish. O‘quv qo‘llanma. - T.: TAQI, 2012.
11. Nurimbetov R.I. Korporativ boshqaruv.- (o‘quv qo‘llanma) – T.: TAQI, 2012.-156 b.
12. Rahimov Q.E. Qurilishda marketing va yagona buyurtmachi xizmatini tashkil etish. Darslik. – T.: TAQI, 2018.

А.К Эралиев – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедра ассистенти

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада консолидациялашган ҳисобот тузиш, унинг тартиби, ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мослиги ва унда қўлланиладиган услублар таҳлил қилинган. Консолидациялашган ҳисоботни тузиш усуллари ва кетма-кетлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: ҳисобот, консолидациялашган ҳисобот, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС), бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, бош корхона, шўъба корхона.

Аннотация: В этой статье консолидированная отчет, его порядок, анализируется соответствие отчета принципам бухгалтерского учета и применяемым в нем методам. Изучены методы и последовательность составления консолидированная отчет.

Ключевые слова: отчетность, консолидированная отчетность, финансовая отчетность, Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), бухгалтерский баланс, финансовые результаты, материнская компания, дочерняя компания.

Annatation: In this article, the consolidated report, its order, analyzes the compliance of the report with the principles of accounting and the methods used in it. The methods and sequence of drawing up a consolidated report have been studied.

Keywords: reporting, consolidated reporting, financial reporting, International Financial Reporting Standards (IFRS), balance sheet, financial results, parent company, subsidiary.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон Қарорига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган.

Дунёдаги глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашиб бораётганлиги бевосита, дунё миқёси бўйича йирик компаниялар ва шу

қаторда уларнинг шуъба компаниялари сонининг йилдан-йилга кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида бош компаниялар ва шуъба компаниялар ҳисоботларини умумлаштириш яъни консолидациялашган ҳисоботларини тузишга бўлган заруратнинг ортиб бораётганлигини англатади. Демак, шундай экан, консолидациялашган ҳисоботни қандай тузиш керак?

Иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнларини ривожланиб бораётган бир даврда стратегик алоқалар воситасида компанияларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига эришиш долзарб масалалардан биридир. Бунда компаниялар томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш заруриятини юзага келтирувчи асосий омил бу - иқтисодий соҳаларнинг кенгайиб бораётганлиги яъни йирик компанияларнинг сони ортиб бораётганлигидир. Ҳозирги кунда компаниялар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ва унинг шаффофлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Даставвал, консолидациялашган молиявий ҳисоботга берилган таъриф-ларга тўхталиб ўтамиз.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар - ҳисобот санасидаги молиявий аҳволни ва хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими.

Алоҳида молиявий ҳисоботлар - гуруҳ ҳар бир аъзосининг консолидациялаш лозим бўлган ҳисоботи.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш - бош ва шўъба компаниялар гуруҳи тўғрисидаги ахборотни ягона иқтисодий тузилма сифатида тақдим этишдир.

Демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, консолидациялашган ҳисобот - бош, шўъба ҳамда ҳамкорликда назорат қилинадиган компанияларда тузилган ҳисоботларнинг маълумотлари умумлаштириб яхлит ҳолга келтирилган ҳисоботдир.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг биринчи босқичига қуйидагилар киради: 1) Капитални умумлаштириш; 2) Мажбуриятларни умумлаштириш; 3) Оралиқ мажбуриятларни истисно қилиш; 4) Даромад ва харажатларни умумлаштириш; 5) Бирлик назариясига риоя қилиш билан боғлиқ ва аниқ номга эга бўлмаган баъзи бир хусусиятларини умумлаштириш.

Капитални умумлаштиришда бош ва шўъба компанияларда мавжуд бўлган капиталлар ўзаро умумлаштирилади.

Мажбуриятларни умумлаштириш жараёнида компанияларнинг ташқи қарзлари қўшилади. Ўзаро мажбуриятлар умумлаштириш жараёнида чегириб ташланади.

Даромад ва харажатларни умумлаштиришда босқичида бош ва шўъба компанияларнинг ўзаро бир-биридан олинган даромад ва

харажатлари ҳисобга олинмайди. Мана шу кетма-кетликда ўтиш ҳисоботи тайёрланади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда биринчи бўлиб, ҳисоботини тузишнинг қанчалик таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бу ажратиш даврида қўйидаги ўзгаришлар бўлиши керак:

- баланс ва ҳисобот тузилмасида молиявий натижалар тўғрисида;
- ҳисобот моддалари таркибида;
- ҳисобот моддаларини баҳолашда;
- ҳисобот моддаларини бир валютадан бошқасига қайта ҳисоблашда. [6]

2-босқичда консолидациялашадиган баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни горизонтал жамлаш жараёни амалга оширилади.

Сўнгги босқичида бош ва шўъба компанияларнинг молиявий ҳисоботлари бевосита умумлаштириш жараёни тугалланади ва якуний консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, консолидациялашган молиявий ҳисоботни миллий стандартлар асосида тузиш, айрим нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ўз навбатида ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини йўқотишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан, консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни корхонанинг ҳисоб сиёсатида
қабул қилинган корхона активлари, мажбуриятлари ва молия-хўжалик операцияларини тан олишга ягона ёндашув республика ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган шўъба компаниялари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни, бош компаниянинг консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишга қаратилиши лозим. Яъни шўъба компанияларнинг ҳисоб сиёсати бош компаниянинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ тузилиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 14 апрель. № 404.

2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти” номли 8-сонли БҲМС -Т.: ҚБАМА, 1998 йил 14-октябр, 50-сон

3. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти” номли 24-сонли БҲМС -Т.: ҚБАМА, 2009 йил 5-август, 79-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда

5. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаевлар Н. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2002. -444 б.

6. Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича транс-формацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил

Э.Н. Ходжаев – илмий рахбар - проф СамИСИ
Д.Э. Убайдуллаев – М ДМ-120 гурух магистри СамИСИ

МОЛИЯ СЕКТОРИ ОРҚАЛИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада мамлакат иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, инвестиция, инвестицион харажат, узоқ муддатли кредит, қимматли қоғоз, жорий актив, жорий пассив, солиқ, фоиз ставкаси, кредит.

Аннотация: В статье выявлены проблемы, связанных с повышением роли финансового сектора в финансировании инвестиционных расходов предприятий реального сектора экономики страны и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: предприятия, инвестиция, инвестиционный расход, долгосрочный кредит, ценная бумага, текущий актив, текущий пассив, налог, процентная ставка, кредит.

Abstract: The article identifies problems related to enhancing the role of the financial sector in financing investment expenditures of enterprises in the real sector of the country`s economy and develops scientific preliminaries aimed at solving these problems.

Keywords: enterprises, investment, investment expense, long-term loan, security paper, current asset, current passive, tax, percentage rate, credit

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг барқарор тизимини шакллантириш зарурияти юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини оширишни тақозо этади.

Айни вақтда, республикамизда корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги, уларнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш амалиётининг такомиллашмаганлиги молия секторининг корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришдаги ролини ошириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш зарурияти юзага келтиради. Тараққий этган мамлакатларда банк тизимининг ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиялаштириш манбаларига бўлган талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга, шу жумладан инвестицион кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

АҚШлик таниқфли иқтисодчи олим Ж.Синкининг хулосасига кўра,

компанияарнинг харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари етарли даражада молиявий имкониятларга эга, аммо, компанияларнинг ўзи бунинг учун етарли даражада ликвидлиликка ва ижобий репутацияга эга бўлишлари лозим .

Одатда, тижорат банкларининг кредитлари бўйича тўловлар аннуитет шаклида, яъни кредитдан фойдаланиш даврида тенг қисмларда тўланади. Биз, аннуитет шаклида амалга ошириладиган тўловлар шароитида, моделга фоиз ставкасини қўшамиз:

$$\mathbf{R_t = \frac{1}{n} I_{t-1} + \frac{1}{N} I_{t-2} + \ ... + \frac{1}{n} I_{t-n} = \frac{1}{n} \sum^{n} I_{t-n}}$$

Бу ерда:

R – кредит бўйича тўлов;

I – инвестициялар;

n – кредитнинг муддати;

r – кредитнинг фоиз ставкаси.

Фоиз ставкаси кредитнинг баҳоси сифатида капиталнинг ўсиш суръатлари динамикасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, кредитлар, муддатига кўра, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг ривожланиш даражасига ва умуман макроиқтисодий ўсиш суръатларига турлича таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг роли, биринчи навбатда, ушбу харажатларни давлат бюджети маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштиришда ҳамда корхоналар томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилишда намоён бўлади.



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмида молия секторининг улуши, фоизда [4]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2015-2020 йилларда давлат бюджети маблағларининг реал сектор корхоналарининг

инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларининг ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилган. Бу эса, мазкур даврда корхоналарнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитларининг инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2020 йилда давлат бюджети маблағларининг корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғи 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, давлатнинг мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокининг фаоллашганлиги билан изоҳланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали “Бекабадцемент” Очиқ акциядорлик жамиятининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

“Бекабадцемент” ОАЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари, фоизда [1]

	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2020
Ўз маблағлари	67,7	67,6	68,7	81,5	93,5
Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	0,0	0,0	0,0	0,0	6,5
Узоқ муддатли қарзлар	32,3	32,4	31,3	18,5	0,0
Молиялаштириш манбалари-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Бекабадцемент” ОАЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларининг мутлақ асосий қисмини ўз маблағлари ташкил этади. Бу эса, ушбу корхонанинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг жуда паст эканлигидан ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан маблағлар жалб қилиш амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Фикримизча, корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда молия секторининг ролини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Корхоналарнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг мўътадил даражасига эришиш (йиллик 3%) ва миллий валютанинг девальвациясига барҳам бериш йўли билан корхоналар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга кўмаклашиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг корхоналарнинг узоқ муддатли

[1] “Бекабадцемент” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан жадвал маълумотлари тайёрланди

қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак.

2. Корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш зарур; иккинчидан, корхоналар жорий активлари ва жорий пассивлари таркибини яхшилаш йўли билан жорий ликвидлилик коэффициентининг меъёрий даражасига (1,25%) эришиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth//European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 615-616.
3. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - С. 36.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотлари.
5. “Бекабадцемент” ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.
6. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

А. Б Равшанов – ҚарМИИ катта ўқитувчиси

СОТИБ ОЛИНГАН ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ ТАННАРХИНИ БЕВОСИТА УСУЛДА ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралари таннархини тўғри аниқлаш ва ҳисобда акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифларидан бири ҳисобланади. Мақолада товар-моддий захираларини ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилиши муаммоларини бартараф этиш бўйича бухгалтерия ёзувлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таннарх, харид қилиш билан боғлиқ харажатлар, божхона божи, божхона йиғимлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, воситачи ташкилот, сертификатлаш, техник шартларга мувофиқ синаш, иш ҳақи, ижтимоий солиқ, транспорт-тайёрлов харажатлари, суғурта харажатлар, чегирма.

Аннотация: Одной из основных задач бухгалтерского учета является правильное определение и учет стоимости товарно-материальных запасов в хозяйствующих субъектах. В статье рассмотрено ведение бухгалтерского учета для устранения проблемы включения товарно-материальных запасов в баланс организации по себестоимости.

Ключевые слова: себестоимость, закупочные расходы, таможенные пошлины, таможенные сборы, налог на добавленную стоимость, акцизный

налог, посредническая организация, сертификация, техосмотр, заработная плата, социальный налог, транспортные расходы, страховые расходы, скидка.

Abstract: One of the main tasks of accounting is the correct determination and accounting of the cost of inventory in business entities. The article considers accounting to eliminate the problem of including inventories in the organization's balance sheet at cost.

Key words: cost, purchasing costs, customs duties, customs fees, value added tax, excise tax, intermediary organization, certification, technical inspection, wages, social tax, transportation costs, insurance costs, discount.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларини актив сифатида тан олиш, таннархини тўғри аниқлаш ва ҳисобда акс эттириш бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу масалани тўғри ҳал этиш биринчидан хўжаликнинг оладиган фойдасини тўғри аниқлаш имкониятини берса, иккинчидан фойдадан тўланадиган солиқни тўғри ҳисоблаш имкониятини беради. Натижада, солиқ жарималари ва пеняларини ҳисобланишини олдини олади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи маълумотларини ишончлилигини оширади.

Маълумки, товар-моддий захиралари қачонки актив сифатида тан олиниб, субъект балансига кирим қилинади: субъектга актив билан боғлиқ келгусидаги иқтисодий наф келишига ишонч мавжуд бўлса; актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса ва уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Товар-моддий захираларни баҳолаш баланс тузилаётган санадаги таннарх ёки баланс тузилаётган санадаги реализация қилишнинг соф қийматини энг пасти бўйича амалга оширилади.

Товар-моддий захиралар (ТМЗ) ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади ҳамда улар харид қийматини (етказиб берувчига тўланадиган сумма) ва харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

ТМЗни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуйидагича бухгалтерия проводкалари берилади:

1. Божхона божлари ва йиғимлари суммасига:

Дебет 1000-2900 Кредит 6990;

2. ТМЗни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқлар: акциз, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса, ҳисобга олишга қабул қилинмаса)га:

Дебет 1000-2900 Кредит 6010;

3. ТМЗни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқлар: акциз, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланса, ҳисобга олишга қабул қилинса)га:

Дебет 4410 Кредит 6010;

4. ТМЗ таъминотчи ва воситачи ташкилотлар орқали харид қилинганда уларга тўланадиган тўловлар (воситачилик ҳақи)га:

Дебет 1000-2900 Кредит 6990;

5. ТМЗни харид қилиш билан боғлиқ бўлган уларни сертификатлаш бўйича харажатларга:

Дебет 1000-2900 Кредит 6990;

6. ТМЗни харид қилиш билан боғлиқ бўлган уларни техник шартларга мувофиқ синаш бўйича (материаллар сари, махсус синовни амалга оширувчи ташкилотларга тўлов, ишчилар иш ҳақи ва ижтимоий солиқ) харажатларга:

Дебет 1000-2900 Кредит 1000, 6010, 6710, 6520;

7. ТМЗни тайёрлаш ва уларни айни пайтдаги жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов (транспорт корхонасига, ўз транспорти) харажатларига:

Дебет 1000-2900 Кредит 6010, 2310;

8. ТМЗни тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари ва уларни барча турдаги транспорт билан, айни пайтдаги жойлашиш ёки фойдаланиш жойига транспортда ташиш учун (фрахт) тўловларни амалга ошириш бўйича харажатлар, шу жумладан ТМЗни транспортда ташишда хатарларни суғурталаш бўйича (ишчилар бажарганда иш ҳақи ва ижтимоий солиқ суммасига, ўзининг махсус техникадан фойдаланса, махсус транспорт корхонаси техникаси, суғуртага) харажатларга:

Дебет 1000-2900 Кредит 6710, 6520, 2310, 6010, 6510.

Ташкилот томонидан бошқа шахслардан қайта сотиш учун харид қилинган товарлар харид қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин. Бунда товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган (транспорт-тайёрлов, юклаш-тушириш ва б.) харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатларига (сотиш бўйича) киритилади. Бу ҳолатда товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларга дебет 9410 кредит 6010 бухгалтерия проводкаси берилади.

Моддий жавобгар шахсларнинг фаолияти устидан тегишлича назорат ўрнатиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш билан шуғулланувчи ташкилотларга чегирмаларни бухгалтерия ҳисоби счетларида алоҳида ҳисобга олган ҳолда, харид қилинган ТМЗни ҳисобда сотиш қиймати бўйича акс эттирилишига рухсат берилади. Бу ҳолатда чегирмаларни (устамаларни) суммасига дебет-2900 Кредит 2980 бухгалтерия проводкаси берилади.

ТМЗни ҳисобга олишнинг қўлланиладиган тартиби ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида ўз акс топиши шарт.

Хулоса қилиб айтганимизда, ТМЗни ҳаракатини ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, уларни актив сифатида тўғри тан олиш, таннархини аниқлаш ва бухгалтерия счётларида акс эттириш ТМЗ ҳисобининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. ТМЗ ҳисобини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби асосида ташкил этиш ва юритиш корхонанинг самарасиз харажатларини камайтиради. Операцион фаолиятдан олинадиган фойдасини ва молиявий ҳисобот маъумотларини ишончлилиги оширади.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ж.Ю.Сиддиқов – СамИСИ, МА-120 гуруҳ магистранти

ГИЛАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЗАРАРСИЗЛИК ДАРАЖАСИГА АУДИТОРЛИК БАҲОСИНИ БЕРИШ

Аннотация: гилам ишлаб чиқаришда зарарсизлик даражасига аудиторлик баҳосини бериш хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: гилам, гилам маҳсулотлари, гилам ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, зарарсизлик нуқтаси, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар.

Аннотация: в данной статье раскрыты особенности оценки аудитора степени безубыточности в производстве ковров.

Ключевые слова: ковер, ковровые изделия, производств ковров, себестоимость, точка безубыточности, переменные затраты, постоянные затраты.

Abstract: this article reveals the features of the auditor's assessment of the degree of break-even in the production of carpets

Keywords: carpet, carpet products, carpet production, production costs, break even, cost, variable costs, fixed costs.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти самарадорлигини оширишда олинадиган фойдани режалаштириш учун зарарсизлик даражасини аниқлаш жуда муҳим ахамият касб этади. Гилам ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятини баҳолашда таннарх муҳим ўрин тутади. Маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш, зарарсизлик даражасини аниқлаш гилам ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланилмаётган ички имкониятларни топиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга ёрдам беради.

Аудиторлик текширувлари жараёнида аудитор томонидан корхона фаолиятининг зарарсизлик даражасига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки корхоналар самарадорлигини баҳолаш хам аудитнинг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш энг биринчи навбатда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннархдан паст бўлмаган нархларда сотиш ва фойда олиш имконини беради. Маҳсулотларни таннархдан паст нархларда сотилиши ўз навбатида турли хил солиқ оқибатларига ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, ушбу кўрсаткич корхонанинг молиявий фаолиятига ва молиявий ҳисоботларни шакллантиришга ўз таъсирини ўтказади. Шу сабабли ҳам зарарсизлик нуқтасига баҳо бериш аудитда мухим ахамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтаси – бу маҳсулот сотишдан олинган даромадлар ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ қоплаган ҳолатдир. Мазкур нуқтада фойда ҳажми нолга тенг бўлади. Маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтасидан ошиши фойда олишга, пасайиши эса зарар кўришга олиб келади.

Корхоналарнинг зарарсизлик даражасини аниклаш учун ўзгарувчан ва доимий харажатларини аниқлаб олиш зарур.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан бирга маълум нисбатда ўзгаради: ишлаб чиқариш ортса — харажатлар ҳам ўсади, ишлаб чиқариш камайса — харажатлар ҳам камаяди. Бундай харажатларга маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом-ашё ва материаллар сарфи, ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ускуналарини ишлатиш вақтида энергия ресурслари сарфи ва бошқаларни киритиш мумкин.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш динамикасига деярли боғлиқ эмас, улар ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидан қатъий назар мавжуд бўлади (ишлаб чиқариш ускуналарининг эскириши, ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари, умумий эҳтиёжлар учун энергия харажатлари ва бошқалар).

Зарарсизлик нуқтасини икки хил – натурал ва қиймат ўлчовларда ҳисоблаш мумкин. Натурал ўлчамдаги ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик нуқтаси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ЗН_н = ДХ / (Н_{1б} – ЎХ_{1б})$$

Бу ерда,

$ЗН_н$ – зарарсизлик нуқтаси(натурал ўлчовида)

ДХ – доимий харажатлар;

$Н_{1б}$ – бир бирлик маҳсулот нархи;

$ЎХ_{1б}$ – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ўзгарувчан харажатларю

Қиймат ўлчамидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик нуқтаси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ЗН_қ = Т*ДХ / (Т – ЎХ)$$

Бу ерда,

$ЗН_қ$ – зарарсизлик нуқтаси(қиймат ўлчовида)

Т – маҳсулот сотишдан тушган тушум;

ЎХ – ўзгарувчан харажатлар;

ДХ – доимий харажатлар.

Қуйида биз ASIA CARPET TEXTILE гилам ишлаб чиқариш корхонасининг маълумотлари асосида фақат бир турдаги гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик даражасини аниқладик.

Гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича калькуляция бирлиги бўлиб 1 метр квадрат гилам маҳсулоти ҳисобланади. Қуйида келтирилган гилам маҳсулотининг сотиш нархи 67 000 сум, декабр ойида 16 000 м2 ҳажмда гилам ишлаб чиқарилган.

2021 йил декабр ойидаги “ZEGNA” гиламини ишлаб чиқариш харажатлари (16 000 м2)

№	Харажат гуруҳи	Қиймати, сўмда
1	Бевосита материал харажатлари	750 000 000,00
2	Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	56 000 000,00
3	Меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тулови	8 400 000,00
4	Ишлаб чиқаришда сарфланган коммунал харажатлар	36 000 000,00
	Жами узгарувчан харажатлар	**850 400 000,00**
5	Умумхужалик эҳтиёжлар учун коммунал харажатлар	4 000 000,00
6	Амортизация ажратмалари	120 000 000,00
	Жами доимий харажатлар	**124 000 000,00**
	Жами ишлаб чиқариш таннархи	**974 400 000,00**

Корхонада доимий харажатлар 124 000 000 сўмни, бир бирлик маҳсулотнинг ўртача сотиш нархи 67 000 сўмни, маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар 53 150 (850 400 000/16000м2) сўмни ташкил қилади. Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб корхонанинг натурал ўлчовдаги ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик нуқтаси юқоридаги биринчи формулага асосан қуйидагича бўлади:

$$ЗН_н = 124\,000\,000 / (67000 - 53150) = 8\,953 \text{ м2}$$

Қиймат ўлчамидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик нуқтаси қуйидагича:

$$ЗН_қ = (67\,000 * 8\,953 * 124\,000\,000) / (67\,000 * 8\,953 - 53\,150 * 8\,953) = 599\,855\,595{,}67$$

Демак, корхонада гилам ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлик даражаси натурал ўлчовда 8 953 м2, қиймат ўлчовида 599 855 595,67 сўмни ташкил қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ушбу миқдордан ошириш фойда олиш учун имкон яратади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, зарарсизлик даражаси аудит жараёнида корхона фаолиятидан фойда олиш учун зарур бўлган минимал кўрсаткични кўришга имкон беради. Шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун мақбул нархларни аниқлаш, нарх ўзгариши сотилган маҳсулотлар ёки натижада олинган даромадга қилинган харажатларга қандай таъсир қилишига баҳо бериш имконини беради.

Шунингдек солиқ оқибатлари нуқтаи назаридан ҳам аудит жараёнида корхона томонидан ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмида зарарсизлик

нуқтасига баҳо бериш жуда муҳим. Агар корхона томонидан зарарсизлик нуқтасидан паст даражада маҳсулот сотилган бўлса, бу ўз навбатида корхона томонидан маҳсулотларни таннархдан паст нархларда сотиш ҳолатларини вужудга келтириб чиқариши, бунинг натижасида ўша маҳсулотни сотишдан корхона зарар кўриши мумкин. Бу эса солиқлар кам ҳисобланишига олиб келади. Яъни маҳсулотнинг таннархдан паст нархда сотилиши ҚҚС га ҳам таъсир қилади. Мос равишда ҚҚС фойда солиғи базасини камайтириши оқибатида фойда солиғи суммасини камайишига сабаб бўлади. Бу эса йўқотилган иқтисодий нафга олиб келади. Йўқотилган иқтисодий наф мос равишда корхонанинг ўзига, таъсисчиларга ҳамда давлатга зиён келтиради. Шу нуқтаи назардан зарарсизлик даражасига аудиторлик баҳосини бериш, сотиш ҳажмининг зарарсизлик даражасидан пасайиш ҳолатларига олиб келган сабабларини ўрганиш ва бу борада аудиторлик тавсияларини бериш мақсадга мувофик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-M OLIYA», 2008. 444 6.
2. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. -612 б.
3. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби/ — Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. — 252 бет.
4. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.-Т.:“ИҚТИСОД-МОЛИЙА”, 2015. 392 б.
5. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриётматбаа уйи», 2020, 558 бет.
6. Уразов К.Б. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот: ўқув услубий мажмуа.2018, 176 бет.

Фойдаланилган интернет манбалар:

1. https://lex.uz/docs/3107036
2. https://president.uz/uz/lists/view/4057
3. buxgalter.uz
4. gazeta.norma.uz

Д.Р. Рафеев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ ҲОЛАТИ ВА УНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда бухгалтерлик хизматлари, уни ҳозирги ҳолати, эришилган натижалар, ривожлантиришни устувор йўналишлари тадқиқ этилган

Калит сўзлар: бухгалтерлик хизматлари, улар билан шуғулланувчи корхоналар номлари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари,муаммолари ва ечимлари

Аннотация: в статье исследуются приоритетные направления бухгалтерских услуг в нашей стране, их текущее состояние, достигнутые результаты, развитие

Ключевые слова: бухгалтерские услуги, названия и организационно-правовые формы предприятий, занимающихся ими, их проблемы и пути решения

Abstract: the article examines the priority areas of accounting services in our country, their current state, achieved results, development

Keywords: accounting services, names and organizational and legal forms of enterprises engaged in them, their problems and solutions

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хизматлари сохасида охирги уч йилда юқори кўрсаткичли ривожланишни ўзида намоён этди. Агар бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи корхоналар сони 2019 йилда Республикамиз бўйича жами 923 ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 октабрь ҳолатига келиб ушбу кўрсаткич 1519 тани ташкил этган.

Бухгалтерлик хизматларини кўрсатувчи корхоналар сонининг ошиши ўз вақтида ушбу сохага бўлган талабни ошаётганлигига далолат бермоқда. Бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг йиллик хизмат ҳажми ҳам уларнинг сонига мутаносиб равишда ошмоқда. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2019 йил жами хизмат ҳажми 92 188 959,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунларига кўра ушбу кўрсаткич 96 460 494,0 минг сўмни ташкил этиб, 4,6 % га ошганлиги соҳани мамлакатимизда ривожланиш тенденцияси баланд бўлганлигини тасдиқлайди.Бу ҳолатни Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқамиз.

1 жадвал

Самарқанд вилояти бўйича бухгалтерлик хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар ҳақида маълумот (2021 йил 1 октабр ҳолатинга)

Масъулияти чекланган жамиятлар	Хусусий корхоналар	Оилавий корхоналар	Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти	Консалтинг марказлари
84	24	10	2	3

1-жадвалдан кўриниб турибдки, вилоят бўйича жами бухгалтерлик хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар сони 123 та, шуларнинг асосий салмоғи масъулияти чекланган жамиятларга (МЧЖ) тўғри келади-

84 та, кейинги ўринда оилавий корхоналар-10 та, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти-2 та, консалтинг марказлари-3 та, жами ишловчилар сони 390 киши, ўртача бир корхонага тўғри келадиган ишловчилар сони (390/123) 3 кишини ташкил этади.

Самарқанд вилояти бўйича бухгалтерлик хизматлари билан шуғулланувчи корхоналар номлари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳақида маълумот (2021 йил 1 октабр ҳолатинга)

2-жадвал

Т/р	Корхоналар номи	Ишловчилар сони
	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази унитар корхонаси	
1	Самарқанд туман тадбиркорлиика кўмаклашиш УК	2
2	Нарпай туман фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази	14
3	Самарқанд вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳузуридаги “Ягона ҳисоб- китоб маркази” ДУК	13
4	Тайлоқ туман фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази	22
5	Жомбой туман фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази	30
6	Булунғур бухгалтерия маркази	43
7	Ургут туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашлари ҳузуридаги фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК	26
8	Самарқанд туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашлари ҳузуридаги Самарқанд тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК	20
	Аудиторлик ташкилотлари	
1	“Самарқанд келажак аудит” МЧЖ	5
2	“Комил Ишонч” МЧЖ	9
3	“Афросиёб аудит стандарт” МЧЖ	10
4	“Жавлон аудит сервис” МЧЖ	4
5	“Солиқ давр” МЧЖ	2
6	“Самарқанд бусинес адвисорс” МЧЖ	14
	Солиқ маслаҳатчилар ташкилоти	
1	“Солиқ уз” МЧЖ	3
2	“Жавлон консултант сервис” МЧЖ	1
	Консалтинг марказлари	
1	“Иштихон консалтинг хизматлари” МЧЖ	2
2	“Бизнес иқтисоб консалтинг” МЧЖ	2
3	“Самарқанд ариал консалтинг” МЧЖ	3

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхоналарнинг номлари хилма-хил ва баъзилари ниҳоятда узун. Масалан, Ургут туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашлари ҳузуридаги фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК(унитар корхонаси) ; Самарқанд туман фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашлари ҳузуридаги Самарқанд тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази УК.

Ишловчилар сони бўйича ҳам энг кўп ишловчилар айнан шу Жомбой (30),Тайлоқ(22), Ургут(26), Самарқанд(20), Нарпай (14) фермер деҳқон хўжаликдарига тўғри келади. Айрим корхоналар номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилмаган.Масалан, фақат Булунғур бухгалтерия маркази.Аммо ишловчилар сони бу марказда 43 кишини ташкил этади ва ушбу фаолият кўрсатувчи корхоналар ичида вилоятда биринчи ўринда туради.

Олиб борилган изланишлар шундан далолат берадики, юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар қанчалик таъсирчан бўлишига қарамасдан мамлакатимизда бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг олдида бугунги кунда ҳал этилиши ва керакли чоралар кўрилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Улар қуйидагиларни каритиш мумкин:

1. Ахборот технологиялари саводхонлиги
2. Автоматлаштириш
3. Мижозлар билан муносабатлар
4. Янги маҳорат талаблари
5. Солиқ қоидаларига ўзгартиришлар
6. Мусобақа
7. Ахборот техналогиялари хавфсизлиги

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки:

1.Бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар сони ва улар кўрсатилаётган хизматлар ҳажми хизматлар бозорида ортиб бормоқда

2.Бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар ва мижозлар ўртасидаги шартномалар тўғри тузулишига эътиборни кучайтириш

3.Янги бухгалтерия хизматлари кўрсатувчи субъектлар очилаётган вақтида уларнинг номланиши ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри ва қисқа бўлишига эътибор бериш

4.Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги талаблардан келиб чиқиб бухгалтерия хизматлари кўрсатишнинг мос йўналишларни топиш ва жорий этиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.«Бухгалтери ҳисоби тўгрисида»ги Ўзбекистон Республткаси Қонуни 2016 йил 13 апрел

2. Аутсорсинг нима? https://kun.uz/13375754

3. www.stat.uz - Ўзбекистон Республткаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Ж.Б Ахтамов – СамИСИ кафедра мудири

ТАЛАБА ВА ЁШЛАР ХАЁТИДА ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЁРДАМИДА УЛАРДА ЖИСМОНИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ХОСИЛ ҚИЛИШ

Аннотация: Ушбу мақолада яккакураш элементлари бўлган харкатли ўйинларни ўқув жараёнида қўлланилиши концепцияси илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берилган. Ўқувчиларнинг жисмоний шаклланиши учун ушбу харакатли ўйинларнинг фундаментал база сифатида роль ўйнаши келтирилган.

Калит сўзлар: қўлланилиши концепцияси ,база,ҳаракатли ўйинлар, критерия, фундаментал.

Аннотация: В работе показана и обоснована целесообразность использования концепции обучения в виде подвижных игр на основе экспериментальных данных, теоретических обобщений и методологических положений. Реализация подвижных игр в процессе физического воспитания школьников по выявленным критериям и аспектам обеспечит повышение уровня фундаментальной подготовки и качества процесса обучения и воспитания.

Ключые слова: использования концепции, база, подвижные игры, фундаментал ,критерия.

Abstract: The suitability of the usage of the concept of education in the form of mobile games on the bases of experimental facts, theoretical generalizations and methodological standings is given and justified in the work. The realization of mobile games in the process of physical education of schoolchildren in identifying criteria and aspects provides the increase the level of fundamental preparation and the quality of the education and training process.

Keyword: mobile games, fundamental preparation, concept of education, criteria, methodological.

Болаларни жисмоний ривожлантириш ва тарбиясида асосий роль ўйинга - болалар фаолиятининг муҳим турига тегишли. У бола шахсини, унинг хулқий ирода сифатларини тарбиялаш ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантириш ва харакатни шакллантириш учун самарали восита ҳисобланади. Ўйин қоидаларини такрорлаш маълум бир ҳаракатларни ривожлантириш учун яхши тренинг асосни яратади. Ҳаракатли ўйинлар ақлий фаолиятнинг мураккаб жараёнларини, логик фикрлаш, тасаввур, хотирани шакллантиришга ёрдам беради. Тетикланишни эмоционал буёқ

билан таъминлаган ҳолда, ҳаракатли уйинлар организмни мустахкамлашга, унинг бардошини оширишга, ҳаракатни шакллантиришга, хулқий сифатлар, иродани, ташкилотчиликни тарбиялашга хам ёрдам беради.

Мактаб ёшида жисмоний тарбия ҳаётда зарур бўлган харакатли билим ва кўникмаларни ўргатиш ва ҳаракатли фаолиятнинг хилма-хил шароитларда уни кўллаш асосларини эгаллаш учун катта аҳамиятга эга. Шу нарса аниқланганки, бу ёшда ҳаракатли фаолиятни ўрганиш қобилияти янги ҳаракатларни тез ва тўлиқ эгаллаш, етарлича эгалланмаган ҳаракатларни қайта ўрганиш, ҳамма харакатли сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун яхши даврга эга бўлади. Мактаб ёшида эгалланган ҳаракатли билим ва кўникмаларнинг бой жамгармаси хамда жисмоний интеллектуал, ирода ва бошқа сифатлар касбий-меҳнат ва бошқа махсус харакатли фаолиятни тез ва тулиқ эгаллаш, кейинчалик катта ёшда жисмоний шаклланиш учун база бўлади.

Ҳаракатли ўйинлар шахсни тўлиқ ривожлантиришга ёрдам берувчи шароитлардан иборат: англаш ва эмоционал туйғулар, ички ва ташқи ҳаракатлар, болалар фаоллигининг жамоавий ва индивидуал (якка) бирлиги. Ўйинларни ўтказишга хамма бу бирликлар амалга ошиши зарур, яъни хар бир ўйин болага янги эмоционал туйғулар, билимлар олиб келсин, мулоқот тажрибасини кенгайтирсин, биргаликдаги ва якка ҳаракат фаоллигини ривожлантирсин.

Хозирги вақтгача қуйи синф ўкувчиларининг жисмоний тайёргарлигини дарс вақтида ҳаракатли ўйинларни қўллаш воситалари билан ошириш усуллари етарлича тулиқ ишлаб чиқилмаган, лекин охирги йилларда бу йўналишларда маълум сонли ишлар пайдо булди.

Шу билан боғлиқ ҳолда ушбу муаммони ечиш ўқув жараёнини шакллантиришда анча актуал хисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади шундан иборатки, қуйи синф ўқувчилари билан махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш самарадорлигини ва болаларнинг жисмоний сифатларининг ривожланишига, уларнинг таъсирини аниқлаш.

Тадкикотнинг воситалари куйидагилардан иборат:

1. Қуйи синф ўқувчиларининг ўқув жараёнида якка кураш элементлари булган ҳаракатли уйинларни ва махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш афзалликлари ва заруриятини аниқлаш.

2. Умумтаълим мактабларининг жисмоний маданият дарсларида яккакураш элементлари бўлган махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси. Хар қандай ўйин, хатто ҳаракатли сифатида бажариладигани хам, ўз таркибида зарурий мусобақа элементига эга бўлади. Шунинг учун хам ҳар қандай уйинда одамнинг ҳаракатли фаолияти белгилар қаторида спорт фаолиятига яқин (оммавий спорт боскичида). Ўкувчиларнинг ўқув жараёнига махсуслаштирилган ҳаракатли ўйинларни киритиш қуйи синф

ўқувчиларининг ўқув машғулотларида тасдиқланган дастур доирасида амалга оширилди.

Ўйинни ўтказиш уч босқичда омалга оширилди: ўйинга тайёрланиш, ўйиннинг ўзи, уйинни мухокама қилиш ва ғолибларни тақдирлаш.

Ўйинга тайёрлаш - бу босқич ўқувчиларда ўйинда тўлиқ иштирок этиш учун етарли бўлган зарурий ҳаракатларни шакллантириш учун йўналтирилган. Бу керакли ўйин ҳаракатларини шаклланишини таъминловчи тайёргарлик машқларидир. Ўйиннинг бориши ва ўйинчиларнинг ҳаракатини кузатиш. Ўйин вақтида болаларнинг ўйинини эгаллаш ва ўзини тутиши маълум даражада уни туғри бошқаришга боғлиқ .

Ўйинни ташкилий равишда ва ўз вақтида бошлаш зарур. Ўйин белги бўйича бошланди.

Болаларни ўйин қоидаларига онгли равишд амал қилишга ўргатиш. Уйинжараёнида ўйнаётганларнинг ижодий фикрини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур. Бошқарувчи болаларни ўйинбилан қизиқтириши, уларни жалбқилиш лозим. Тартибга, ўйинчилар зиммасидаги қоида ва мажбуриятларни хаққоний бажаришига эришиш лозим. Ўйин жараёнида ўйинчиларнинг кайфияти хам назарга олинади .

куйидаги схема асос хисобланади.

1) ўйиннинг номи (ўйин қандай мақсадда ўтказилишини айтиш мумкин);
2) ўйинчиларнинг вазифаси ва уларнинг майдонда жойлашуви;
3) ўйиннинг бориши;
4) ўйиннинг мақсади (ким ғолиб деб эълон килинади);
5) ўйин қоидалари.

Ўйиннинг тушунтирилиши ўйинчиларнинг саволларига жавоб бериш билан якунланади.

Уйин жараёнида микдор.

Ҳаракатли ўйинларда хар бир қатнашчининг имкониятларини ҳамда унинг шу вактдаги жисмоний холатини хисобга олиш қийин. Оптимал юкламалар билан таъминлаш зарур. Интенсив юкламаларни дам олиш билан алмаштириб туриш керак.

Ўйинни хар хил усуллар билан бошкариш керак:

а) ўйин давомийлигини қисқартириш ёки ошириш билан;
6) танаффусларни киритиш билан;
в) ўйинни соддалаштириш ёки мураккаблаштириш билан;
г) ўйинчиларнинг сонини ўзгартириш билан;
д) майдон катталигини ўзгартириш билан;
е) қоидаларни ўзгартириш ва уйинчилар вазифасини алмаштириш билан.

Ўйиннинг давомийлиги ўйин характерига, машғулотлар шароитларига ва шуғулланувчилар таркибига боғлиқ. Бошқарувчи ўйинни болалар чарчаб қолмасидан якунлаши, уларнинг харакатлари тулиқ хис-хаяжонли булган вақтда, уйинга қизиқиш уйғотиши керак.

Ўйин натижаларининг аниқланиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйин тугагач бошқарувчи унинг натижаларини эълон қилиши керак. Ўйин натижаларини, болаларнинг ўз ҳаракатларини туғри баҳолашга ўргатиш учун хаққоний, хеч кимни назардан четда колдирмасдан эълон қилиш керак.

Ўйин натижалари эълон қилинаётганда, қатнашчиларнинг техник ва тактик ҳаракатларида йўл қўйилган хатоларини кўрсатган холда тахлил қилиниши зарур.

Ж.Б Ахтамов – СамИСИ кафедра мудири

БАРКАМОЛ ВА САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация:Ушбу мақолада ёшларнинг баркамол инсон бўлиб тарбияланишида юксак маънавий қадриятларнинг ўрни ва роли кўрсатиб берилган. Юртимизнинг бугунги куни ва келажаги баркамол ва салоҳиятли авлоднинг тарбияланишига боғлиқ бўлган ҳолатлар ёритилган.

Калит сўзлар: маънавий борлиқ, ахлоқий идеал, интеллектуал ривожланган, юксак маънавият, салохият, қадрият ,юксак ахлоқий тарбия.

Аннотация: В статье определяется место и роль нравственного идеала в формировании высокой духовности молодёжи, даются понятия совершенства молодёжи. Настоящее и будущее Узбекистана связано во многом с воспитанием гармонично развитой молодёжи.

Ключевые слова: духовное воспитание ,процесс воспитания, духовный идеал, интеллектуальное развитие, высокое моральное воспитание, гармоничное развитие молодёжи, моральный статус.

Abstract: The Place of a moral ideal in formation of spirituality of youth. The present and the future of Uzbekistan is connected in many respects with education of harmoniously developed youth. In clause concepts ofperfection of youth, its education in spirit of high ideals are given.

Keyword: moral ideal,process of education, intellectual improvement, high moral education,harmoniously developed youth, moral status.

Мустақилликнинг дастлабки одимлариданоқ соғлом авлод тарбияси устивор йўналишлардан деб белгиланади. Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳаётий ўрнига эга булган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилгак кенг кўламли чора тадбирларни амалга ошириш ушбу даврнинг долзарб вазифаларидандир.

Дархақиқат, ёшларимизда мукаммал ахлоқий тамойиллар, мезон ва меъёрларни шакллантириш ва шу орқали ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислохотларни ҳаётий кучга айлантириш мумкин. Бунинг учун ёш авлод

маънавиятини янада бойитиш, таълим ва тарбия жараёнида узвийликни яратиш, узлуксиз таълим жараёнида бўшлик яратмаслик зарур. Етишиб чиқаётган ёш кадрларимиз ўз сохасини мукаммал ўзлаштириши билан баробарида маънавий, ахлокий идеалларни қай даражада қабул килмоқдалар?

Ёшлар баркамоллик деганда нимани тушунадилар?

Ёшлар тарбияси нақадар долзарб ва айни пайтда мураккаб жараён эканлиги ана шу саволлардан кўриниб турибди. «Киши иқтидорли мутахассис бўлиши мумкин. Лекин у маънавий жиҳатдан қашшок бўлса-чи? Бундай инсонда Ватанга садоқат, элга мухаббат, ўзгаларга ҳурмат бўлмайди.

Бундай кишилар бошқаларни дарду армонларини тушунмайди» .

Бугунги ёшларимиз маънавий қашшоқликдан озод бўлиши учун таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашмоқда. Чунки таълим ва тарбиядаги узвийликсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Тарбияда инсоний табиатнинг камол топиш сири мужассам бўлса, таълим- инсонни ўзлигини англаш йўлига етаклайди. Ёшларни маънавий-рухий жихатдан мукаммал инсон сифатида камолга етказиш, етук мутахассис қилиб тарбиялаш замон талаби, катта авлоднинг келажак авлод олдидаги асосий бурчидир. Ақлий етуклари ва фикрий сохаларда бошқалардан илгарилаб кегган авлод ўзгалардан кўра узоқрокни кўра олади. Юксак ахлоқий тарбия ва теран билим олган ёшларимиз Ватанимизнинг буюк келажагини аниқ тасаввур эта оладилар.

Бугунги ва келажакдаги Ўзбекистоннинг истиқболлари кўп жихатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғликдир. Шиддат билан ривожланиб бораётган давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, ундаги кишиларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш ва бу йўлда олиб борилаётган ислохотларнинг инсонпарварлигидир.

Ўтмиш авлодларимиз хам ўз замонасини ахлоқий тарбияси хақида фикр юритганлар, бахс-мунозара олиб борганлар. Авестодаги муқаддас ёзувлардан тортиб, Алишер Навоийгача ва ундан кейин хам ёш авлоднинг маънавияти, уларга хос ахлоқий идеаллар яратишга уринишлар, интилишлар бўлганининг гувоҳи бўламиз. «Ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни, ундаги олийжанобликни улуғлашдан келиб чиқади. Комил, баркамол инсон ғояси ижтимоий-ахлоқий идеал ифодасидир. Киши, - деб ёзади Абу Райхон Беруний, ахлоқий мукаммалликка эриша олади, хулк ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб. унга ахлоқий даво килса ва тадрижий Суръатда ахлоқ китобларида зикр килинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетгазса нафсни ёмон хулқ, ва одатлардан яхши томонга кодирдир» .

Кишида ахлоқий идсалликни шакллантириш муаммолари **утмишда** ҳам ўзига хос ўринда бўлган. Ёш авлоднинг тарбияси узлуксизлиги билан доим катта масъулият талаб қилиб келган. Мутафаккирларнинг қарийб хаммаси

ўз асарларида жамиятдаги кишиларнинг ахлоқий қиёфаси, уларни тарбияси, панд-насихатлари ҳақида ёзиб колдирганлар. Чунки, биз инсонни қанчалик улуғламайлик, қулай фурсат келганда, у ўзидаги ижобий-инсоний хислатларни унутиши, шахсий манфаатларини хар қандай ахлоқий хислатлардан устун қўйиши мумкин. Барча кишилар шундай қилмаса-да, инсоний фазилатларни унутадиган шахслар хар бир даврда топилган. Шунинг учун хам ахлоқий идеал инсонни таназзулга етакловчи иллатларга қарши мехр-мухаббат, ишқни, инсонни олийжаноб қилувчи фазилатларни мадҳ қилади, ўтмиш мутафаккирларимиз комиллик, баркамоллик мезонларини тадқиқ этиб, бир қанча хулосаларга келишган.

Биринчидан, рухий-маънавий юксаклик, ақлу-идрок, энг эзгу хислатлар мужассамлашган бўлса, иккинчидан, инсон ана шу юксакликка интилиб яшаган. Бу интилиш уни доимо эзгулик, яхшилик, кабихликдан сақланишга ёрдам берган. Улар баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида қуйидагиларни белгилайдилар:

1. Ақлий етуклик - соғлом фикр, истеъдод, салохият;
2. Маънавий камолот - ахлоқий юксаклик;
3. Жисмоний етуклик - бадан ва рух тарбияси;
4. Нафосат тарбияси - гузалликни ҳис қила билиш.

Бу натижадан кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирларимиз хам соғлом авлодни тарбиялашда шахснинг хар томонлама уйғун ривожланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Ана шу маънавий мероснинг хақли ворислари сифатида аждодларимиз тажрибаларини, тафаккур меваларини ўзлаштириб, хаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнида қўллашимиз мақсадга мувофикдир.

Ёш авлод маънавий борлигининг мукаммаллашиб бориши фақат мактаб ёки мактабгача тарбия масканларидаги тарбия жараёнларидагина эмас, балки оила ва маҳаллада олиб бориладиган саъи-харакатларга хам боғликдир. Таълим-тарбия бериш бирор кимсага таҳдид қилишни ўргатиш эмас, балки ўрнак, намуна, андоза бўла оладиган идеал ахлоқий қадриятлар ёки комил инсонларнинг ҳаётий тажрибаларидан воқиф қилишдир. Тарбия кўрган одам жамият ва одамларга бирор фойда келтиради. Фойда келтирувчи киши инсоний фазилат соҳибидир. Фазилат эса тарбия натижасидир. Инсоний тарбия асосларидан бири ўз-ўзини тарбиялашдир.

Маънавиятдаги бўшликдан фойдаланиб, турли хорижий маблағлар сарфланмокда. Унга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилиш ҳозирги устивор вазифалардан биридир. Ёшларни маънавий қўриқлаш ва уларни ахлоқий етук қилиб тарбиялаш учун туғри тарбия қилиш илм-маърифатли, иймон эътиқодли қилишимиз зарур. Ёшларнинг маънавий борлиғи борасида доим огоҳ, сезгир бўлишимиз даркор. Юртбошимизнинг ушбу фикр-хулосаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, юксак ахлоқий тарбия, ахлоқий идеалларсиз баркамол авлод ёки мустақил фикрловчи шахсни биз ярата олмаймиз. Чунки тарбия борасида идеаллик купроқ ахлоқий нуқтаи назарда гавдаланади. Қандай тарбиялаш, қайси андоза

орқали тарбиялаш, намуна, идеалларни танлаш ва келажак авлод эхтиёжини қондирадиган тарбия восита ва усул, услубларини яратишдек муаммо ижтимоий фалсафий тахлилга мухтожлигича қолиб келмоқда.

Мамлакатимизда маънавият соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, тарғиботлар ўзига хос натижа бериб бормоқда. Шу маънода «Ижтимоий фикр» томонидан олиб борилган социологик тадқиқотларнинг натижалари кўпчилик ёшларнинг онги ва тафаккур тарзида миллий аньаналар ва юксак маънавиятни акс эттирувчи қадриятлар устивор эканлигини тасдиқлайди.

Албатта, ёшлар камолоти, уларни юксак маънавият ва хуқуқий маданият, ахлоқий идеаллик тамойиллари асосида тарбиялаш узоқ давом этадиган жараён. Бу борадаги социологик сўровлар ва тадқиқотлар эса мамлакатимизнинг бу борада эришаётган ютуқларини кўрсатувчи натижаларни ифода этади.

Ж.Б Ахтамов – СамИСИ кафедра мудири

ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада хозирги кунда ёшлар тарбиясида халқ педогогикасининг ўрни ва бу йўналишдаги муаммолар тўлиқ ёритилган. Ёшларнинг миллий қадриятларимизни ўрганаган ҳолда ушбу қадриятларни янада бойитиш лозимлиги, ёшларни жисмоний ва рухий баркамол этиб тарбияланишининг мухим жихатлари келтирилган.

Калит сўзлар: халқ педагогикаси, рухий тарбия,ахлоқий тарбия, миллий қадрият.

Аннотация: В данной статье раскрыто значение использования наставлений и нравоучений наших предков, морально-нравственных ценностей в воспитании молодежи. Освещаются народно-педагогические методы воспитания детей и ухода за ними. Подчеркивается также то, что молодое подрастающее поколение должно изучать традиции, переданные нашими предками, следовать им и всячески обогащать наше культурное наследие. Раскрыта роль физического и умственного воспитания в подготовке к различным жизненным испытаниям нашего подрастающего поколения.

Ключевые слова: народно-педагогические методы, морально-нравственные ценности, традиции, культурное наследие.

Abstract: The following article is dealt with the moral admonition and exhortation of ancestors, the spiritual and moral values in Grinding up the new generation. The national pedagogical methods of educating children are illuminated. The rising generation should learn, follow the traditions and enrich the cultural inheritance inherited by our ancestors. The role of physical and mental education in training different life trail of rising generation is also revealed.

Keyword: moral admonition, spiritual and moral values, national pedagogical methods, cultural traditions.

Ёшлар тарбиясида аждодлар, ўгити, панд-насихатлар, ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш, уларнинг ақлан зийраклигини шакллантиради. Ахир ота-боболаримизнинг гўзаллик юзда эмас, ақлда деган ҳикматли сўзлари бежиз айтилмаган. Ёшларимизнинг миллий қадриятлар асосида тарбияланиши эса уларнинг ақл фаросати юксак, ахлоқий тарбияси мукаммал, инсоний фазилатлари эстетик маданият билан йуғрилган холатда етишувини таъминлаб беради. Зеро, гўзалликнинг япроғи - ахлоқ, илдизи - ички дунё, меваси - инсоний фазилатдир.

Ўсиб келаётган инсоннинг кўз ўнгида мунтазам очилиб бораётган дунёни билиш, уни ўзлаштиришга бўлган қудратли эхтиёж хар бир ёшда ҳар хил бўлади. Чунки оилавий шароит ва таълим-тарбия муассасалари ҳар хил бўлганлиги сабабли, ёшларнинг тафаккур дунёси ҳам бир хил эмас. Болалар ёшлигида қандай тарбияланган бўлса, келажакда шу асосда фаолият олиб боради. Бу фикрлар халқимиз орасидаги «Ёшликда олган билим, тошга уйилган нақш кабидир» деган нақлга тўғри келади. Шунинг учун халқимиз таълим ва тарбияни қўшиб олиб борганлар ва инсоннинг маънавий дунёси унинг амалий фаолиятида асосий кўрсаткич мезони бўлишини таъкидлаб келганлар. Бу хақда аждодлар мероси, маданий, маънавий ёдгорлиги бўлган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» бирлигида хам ўз ифодасини топган.

Кекса авлод вакиллари хаёт тажрибалари асосида тўпланган, шаклланган доно фикрларини қуйи авлодларга оғзаки ҳикоя, эртак, ривоят, топишмоқ, макоқ, панд-насиҳат, маталлар шаклида сингдиришга, ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга интилганлар. Ёшларни ривоят, макоқ, панд-насиҳатлар орқали ота-оналарнинг, катталарнинг маслахатларига диккат-эътибор билан қулок солишга ривоят ва эртак қахрамонларидан намуна олишга ундаганлар. Шулар асосида ёшларни тарбиялаш эса, уларни яхшиликка, мехнат қилишга ва хақгўйликка ундайди.

Халқ педагогикасининг бу қирраларида инсон хаётининг хамма томонлари кўрсатилган, уларда ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш борасидаги йўл-йўриқ ва усуллари хам ўз ифодасини топган. Шунинг учун хозирда халқ педагогикасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Ёшларнинг маънавий ахлоқий камол топишига таъсир этувчи анъаналар катта тарбиявий ахамиятга эга. Масалан:

Наврўз байрами - бир кунда ўтиб кетадиган байрам эмас, балки бир неча кун давом этади. Унда хамма жойлар тозаланади, сумалак учун буғдой ундирилади. Хафагарчиликлар унутилади, гинахонликка бархам берилади. Наврўз кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап, ҳақорат чиқмаслиги шарт ҳисобланиб, уруш-жанжал ман қилинади. Шу сабабли Наврўз кунлари ҳамма жойда интизом озодалик ҳукм суради.

Хайит - бу куни хамма бир-бирларига таом чиқаришади, ташриф буюришади, кексаларга совға-салом олиб боришади, камбағал, етим-

есирлар, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади. Мархумлар сиймоси эсланиб, қариндош-уруғлари билан руҳан йўқлаш орқали руҳини шод этишади. Гиналар унутилиб, урушганлар ярашадилар.

Маросимлар - урф-одатларнинг амалий ифодаси. Улар маълум қоида, тартиб, меъёрлар асосида ўтказилади. Унга ҳамма амал қиладилар унинг тартиб-қоидаларидан четга чиқиш жамоатчилик тамонидан қораланади. Масалан, мотам маросимини олайлик. Бу дам кайғули ва изтироблидир. Бу пайтда одам ҳаётнинг барча икир-чикирларини унутади, марҳумни хотирлайди, ҳаёт мамотни таққослайди, яшашнинг моҳиятини ўйлайди, шундай қилиб ўзининг инсоний бурчини ўтайди. Бу маросимда йўқлов, марсия, йиғи, бўзлов каби аза қўшиқдари жўр бўлади. Бу маросим ҳар қандай ғоя, панд-насихатлардан, афсона ва ривоятлардан кўра киши қалбига чуқур, кучли ва мустаҳкам таъсир этади ва мустаҳкам сақланади. Ёшларни тарбиялаш бобида бу каби воситалар муҳим аҳамиятга эга. Миллий анъаналар ҳаёт сабоғи, кучли тарбия воситаси хисобланади.

Қадимда халқимиз ёшларга монанд таъсир кўрсатиш йўли, воситаси яратилган. Керак бўлганда рағбатлантирилган, лозим бўлса жазоланган. Масалан, сувга туфлаш «гуноҳ» бўлади, «ёмон бўлади» деб тушунтирилган. Қадимда ҳовузларнинг, ариқларнинг суви ҳафталаб, ойлаб тоза турган. Киши уни «ҳаром» қилишга ботина олмаган. Болаларга бу «ёмон бўлади» ибораси орқали етказилган. Қозонга мушук ёки ит, сутга сичкон тегса ўша идишлар «ҳаром» ҳисобланиб тоза сувда яхшилаб ювилган. Кечқурун қозон ювуқсиз қолса «ҳаром» бўлган. Кечаси уй супурилмаган, супурги ётқизиб қўйилган. Икки қўлини оркага тираб чалқанча ётиш, бармоқларини занжир қилиш, оёқларини чалиштириб, кўпчилик олдида узатиб ўтириш одобсизлик ҳисобланган. «Ёмон бўлади» ибораси орқали катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик тарбияланган. Етим болаларга, бошига мусибат тушган оилаларга озор етказилмаган. Бундай ахлоқий фазилатлар бола ақлини танимасдан, гапиришни билмасдан олдин ота-она турмуш тарзида ифодаланган. Кейинчалик эса «ёмон бўлади» ибораси орқали давом эттирилган. Маҳалладаги ҳар бир боланинг юриш туриши, тарбияси учун ҳамма баравар масъулият ҳис қилган. Ота-оналарсиз қолган болаларни боқишни бутун маҳалла ўз зиммасига олган. Бу савоб иш деб қаралган. Боқувчиси йўқлар ҳам маҳалла эътиборидан четда қолмаган. Қазоси етганда бутун маҳалла кўмган.

Халқ тажрибасида фарзандни жисмонан бақувват, ақлан баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга уларни ҳаётга турмушнинг оғир-енгил синовларига тайёрлаб боришга ҳам катта эътибор беришган. Бунда таълим-тарбиянинг ўгит-насихат, намуна бўлиш, мехнатда чиниқтириш шаклларидан унумли фойдаланилган. Ёшларни тарбия қилишда халқ тажрибаси усули хозирда ҳам кенг қўлланилмоқда ва ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ёшликда берилган ҳар бир яхши тарбия, келажакда уларнинг комил инсонлигини таъминлайди.

Ж.Б Ахтамов – СамИСИ кафедра мудири

ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ АХЛОКИДА МАВЖУД БЎЛГАН МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР

Аннотация:Ушбу мақолада хозирги кунда долзарб бўлган ғоявий-диний, ижтимоий-сиёсий муаммолар глобализация жараёни билан боғлиқ бўлган муоммолар тўлиқ ёритиб берилган. Асосан ўтиш даврида прозелитизм ва миссионерлик хос бўлган турли мафкуравий ячейкалар фаолияти тўғрисида батафсил маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: маънавий тарбия, тарбия жараёни, мафкуравий муаммо, глобализация, миссионерлик, прозелитизм, ғоявий кураш.

Аннотация: В статье анализируются религиозно-идеологические и социально-политические проблемы, связанные с процессом глобализации. Особое внимание в статье уделяется таким проблемам переходного периода, как прозелитизм и миссионерство, которые создают идеологическую угрозу.

Ключевые слова: духовное воспитание ,процесс воспитания, идеологические проблемы глобализация, миссионерство, прозелитизм, идеологическая борьба.

Abstract: In the article socially-political and religiously-ideological problems concerned with the process of globalization are analyzed. Special attention in the article is given to such problems of transitional period as proselytism and missionary work with create and ideological threat.

Keyword: moral upbringing, education process, ideological problems of globalization, missionary, ideological threat, proselytism.

Янгиланаётган хар бир жамият учун аввало ўша жамиятнинг маънавий, ахлоқий, миллий ва шахсий эътиқод даражаси жуда муҳимдир. Жамиятимизнинг асосий бўғини, таянч нуқтаси, ҳисобланган ёш авлод тарбияси эса 6у борадаги бирламчи омиллардан ҳисобланади.

Миллат маънавияти шу миллатга алоқадор шахсларнинг маънавий дунёси мажмуини ташкил этади. Бугун дунё кўрган ҳар бир инсон, у ёки бу муайян миллат қонида минг йиллар давомида шаклланган ирсий хотира мавжуд. Демак, шахс маънавий тўкислигининг бир нишонаси унинг ўз миллий маънавиятига алоқадорлигидир. Ватанга меҳр эса, миллий маънавиятнинг узвий қисми эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Ўзбекистонда ўтиш даврида, яъни хали истиқлол мафкураси тўла шаклланмаган, мураккаб изланишлар жараёни давом этаётган бир даврда турли-туман диний, сиёсийлашган окимларнинг мазкур бўшлиққа суқилиб киришлари учун имкон пайдо бўлди. Соф диний эътиқоднинг ижтимоий хаётдаги табиий мақомини тиклашга қаратилган интилиш, ҳар хил ички ва ташқи омиллар таъсири остида сиёсийлашган ғаразли гуруҳлар ва шахслар томонидан суистеъмол қилинишига шароит туғилди. Ўзбекистонда вужудга келган бугунги диний вазиятни юзага келтирган омиллар жуда хилма хил ва кўп сонлидир. Насронийлик ва мусулмончилик ривожланган

давлатлар ўртасидаги ҳилма хил муносабатлар орқали турли хил динлар ўртасида ўзаро бир-бирига таъсир этиш йўли билан махаллий жойларда вужудга келган объектив ва субъектив шарт-шароитлар дастлаб ўз кўриниши жиҳатдан муайян даражада ижобий суратга эга бўлган оқимларни вужудга келтирган бўлсада, бугунги ижтимоий-сиёсий ва тарихий-мафкуравий муаммолар авж олган бир даврда ўрта аср мазмунини ўзида мужассам этган мафкураларни қабул килиш мумкин бўлмаган ҳолатдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мафкура - жамиятда яшайдиган одамларнинг хаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради» . Собиқ империянинг қулаши билан, унинг собиқ минтақаларидаги халклар орасида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиши билан бирга, бир пайтнинг ўзида омма орасидаги тарихий анъаналарга интилиш, миллий урф-одатлар ва инсоний қадриятларга қайтиш ва уларнинг исломий анъаналар билан боғлиқлиги ҳолатлари хам юзага келди. Бу эса, қайсидир хорижий мафкура марказларига ўз фаолиятини фаоллаштириши учун имкон яратди. Шунингдек, минтақа ва юртимизга ғаразли мақсадлар билан халкаро ислом ва бошка конфессия марказлари ҳисобланмиш нохукумат ташкилотларининг маблағлари эвазига сафар килувчи миссионерлар олиб борган тадбирлар, аждодларимиз эътикодига мос келмайдиган оқимларнинг Марказий Осиёга кириб келиши учун имкон яратди,

Диннинг мохияти, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни ва аҳамияти, жаҳоннинг диний манзараси қандай экани, унда кайси дин ёки конфессиянинг тутадиган ўрни каби масалаларни ўрганиш нихоятда муҳим. Бу ўз навбатида, диний ақидапарастлик, ислом халифалигини тиклаш, дин ниқоби остидаги зарарли ва бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларга қарши фаол ва огоҳ бўлиш туйғусини шакллантиришга ёрдам беради. Ўлкамиз мустақил бўлган кунидан бошлаб, чет эллардан турли хил диний оқимларнинг юртимизга ёпирилиб келиши, ва унинг авж олиб кетганлиги хеч кимга сир эмас. Айниқса, миссионерларнинг ҳамласида катта хавф яшириниб ётибди. Бироқ, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, «Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлок-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай ҳуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва хамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда» .

Дархакикат, дунё тарихига назар соладиган бўлсак, миссионерларнинг ўзга дин вакиллари орасидаги фаолияти ҳар доим минтақа барқарорлигини бузган, аҳоли орасида нотинчликларга, қон тўкилишларга сабаб бўлган.

Бунга мисол қилиб Индонезиядан Шарқий Тимор оролининг мусулмон давлатидан ажралиб чиқишини кўрсатса бўлади. Воқеани кузатган мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳолнинг юз беришига миссионерлранинг бевосита алоқаси бор.

Ҳар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян ғояларда, назарияларда ўз ифодасини топади. Хеч қачон кишилик жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одам эса, қаёққа етакласа кетаверади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг тарбиямизга ёт турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Нафакат ғоявий бўшлиқ, ҳатто ғоявий катъиятсизлик бор жойда хам мафкуравий тазйиқ кучайиб бораверади. Шу нуқтаи назардан, ғоялар, назариялар ўртасида кураш бўлиши табиий. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: «Ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, бахсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси хам шунда. Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт хақиқатига суянган ҳолда хар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади» . Шундай экан, Республикамиз ёшларини баркамол маънавиятли инсон сифатида тарбиялашда ўкув масканлари, ўкитувчи мураббийларнинг роли хам ўта муҳимдир. Ёшларимизни ғаразли тузоқлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун имкон қадар миллий, тарихий маънавий илдизларимиздан кўпроқ баҳраманд қилиб боришимиз лозим. Бу борада биз хар биримиз нафақат ўзимиз учун, балки келажак авлоднинг диний камолоти учун хам масъулмиз. Бегона мафкураларнинг Ўзбекистонга таъсирини ўрганиш жараёни ғоявий тарғибот, тарбия борасида ҳали кўпгина вазифалар борлигидан далолат беради. Ёшларимизда ғайрат, келажакка, ҳақиқатга интилиш бор, аммо уларда кўпинча ҳаёт тажрибаси етишмайди. Ҳаётий билимлар нотўкислиги боис, муаммоларни бир зарбада ҳал қилиш истаги кучлилик қилади. Натижада, баъзан яхшини ёмондан, дўстни душмандан, теранликни юзакиликдан ажрата олмай қолиш ҳавфи туғилади. Эътиқод масаласида ушбу хатарлар жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки эътиқод жуда қудратли куч, чин эътиқод эгасини эса енгиб бўлмайди. Шундай экан, бу йўлда янглиш қадам ташламаслик қанчалик муҳимлигини, унинг оқибатини атрофимиздагиларга доим уқтириб боришимиз кераклигини ҳеч қачон унутмайлик

Ҳ.Н. Очилова – СамИСИ стажёр-тадқиқотчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этишнинг назарий асослари қараб чиқилган. Бунда дуал таълимнинг мазмуни, уни амалга ошириш йўллари қараб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим, дуал таълим, профессонал таълим, олий таълим, меҳнат бозори, иш жойи, рақобатбардош кадрлар, таълим хизматлари.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические основы организации дуального обучения в системе высшего образования. Рассмотрено содержание дуального образования и пути его реализации.

Ключевые слова: образование, дуальное образование, профессиональное образование, высшее образование, рынок труда, рабочее место, конкурентоспособные кадры, образовательные услуги.

Abstract:: The article discusses the theoretical foundations of the organization of dual education in the higher education system. The content of dual education and ways to implement it are considered.

Keywords: education, dual education, professional education, higher education, labor market, workplace, competitive personnel, educational services.

Олий таълимнинг асосий мақсади меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ билимли, юқори малакали кадрлар тайёрлашдир. Биз етказиб берадиган кадрлар қанча билимли, юқори малакали бўлса, давлатимиз бунданда тез ривожланади, иқтисодиётимиз юксалиб, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсади ва шунга мос равишда аҳолининг фаровонлиги ҳам ошиб боради. Мамлакатимизнинг келажаги илмга боғлиқлиги тўғрисида Президентимиз жуда кўп марта таъкидлайди. Шу туфайли мазкур соҳага катта эътибор қаратиб келмоқда.

Таълим тизими жаҳонда минтақавий хусусиятлар ва омилларни эътиборга олган ҳолда ривожланиб келмоқда. Қайси давлат таълимга, унинг таркибий қисми бўлган олий таълим тизимига эътиборни қаратса, ўша мамлакат рақобатбардош кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиб, мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда. Тараққиётимизнинг стратегик йўналишларида ҳам мазкур соҳага эътибор қаратилган бўлиб, таълим сифатини ошириш юзасидан бир қанча вазифалар ҳам қўйилган. Жумладан стратегияда қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган: биринчидан, давлатларнинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш ва соҳани стратегик бошқарувини такомиллаштириш масаласи қўйилган.

Иккинчидан, бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилиш билан бирга, унинг нисбатан тез ўзгариб борувчи эҳтиёжини қондиришга ҳам қаратилган. Чунки иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт янги-янги мутахассисларни ва шунга мос кадрларни етказиб беришни тақозо қилмоқда.

Учинчидан, кадрлар тайёрлашнинг мавжуд имкониятлари ҳамда салоҳияти билан мувофиқлаштирган ҳолда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш уйғунлигининг сифати ва самарадорлигини моделлаштириш ҳамда прогнозлаш жараёнларини мақсадли эҳтиёж ва кадрларга бўлган талабнинг таркиби асосида такомиллаштириш масаласи ҳам устувор вазифалардан саналади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар доирасида малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари, хусусан, ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида (ОТМ) кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда олий таълим соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, битирувчиларни иш билан таъминлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизими стратегик бошқарувини самарали ташкил этиш ҳамда стратегик менежментнинг замонавий усулларидан фойдаланиш муҳим масалалардан бирига айланган.

Булардан келиб чиқиб, олий таълимда таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида чет эл тажрибасидан фойдаланиш ва ушбу тажрибаларнинг ижобий томонларини ўзимизга жорий қилиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро тажрибалар таҳлил қилинганда Германия тажрибасидан фойдаланиш юқори самара бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, Германияда кенг қўлланилиб келинаётган илғор таълим тизимларидан бири **дуал таълим** тизими экан. Дуал таълим бизнинг мамлакатимизда, хусусан Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қатор Фармон ва Қарорларида ҳам ўз аксини топиб келмоқда.

Жумладан, 2021 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган Низоми ҳам ишлаб чиқилди. Низомда ташкилот нима, дуал таълим дастури нима, иш жойи нима, ўқув-услубий қисм нима, устоз ким, шартномалар кимлар ўртасида тузилади буларнинг ҳаммасига алоҳида тушунчалар бериб тухталиб утилган. Яна шуни таъкидлаб утиш жоизки, ушбу Низомда дуал таълимни қандай ташкил қилиш мумкинлиги ҳам аниқ кўрсатилган. Профессионал таълим тизимида ташкилотнинг, ўқувчининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлишлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Энди дуал таълимнинг мазмунига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Дуал сўзи рус тилидан таржима қилинганда “иккилик” маъносини англатади. Бу иккилик дегани икки томонлама таълим бериш, яъни назарий таълимни албатта амалий таълим билан уйғунлаштирган ҳолда бериш лозимлиги тушунилар экан. Бу борада ҳали бизда анча ишларни амалга оширишга тўғри келмоқда. Чунки Дуал таълим тушунчаси бизга яқин даврлардан бошлаб кириб келганлиги туфайли, уни амалга ошириш ва ривожлантириш учун тажрибаларимиз ҳали етарли эмас.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Германияда дуал таълим

дастлаб усталар тайёрлаб берадиган коллежларда қўлланилган. Ҳафтанинг 3 кунида ўқиса, 3 кунида ўзи ўқийдиган соҳаси бўйича амалиётда ишлаган. Бунда профессионал таълим муассасаси билан ташкилот ўртасида ва ташкилот ва ўқувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган. Ушбу шартномада ташкилот мутахассисликка буюртма беради, профессионал таълим муассасаси юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлайди. Шартномада икки томоннинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган бўлади. Ташкилот билан ўқувчи ўртасидаги шартномада эса ташкилот ўз ҳисобидан ўқувчини ўқитади, иш ҳақи бериб иш билан таъминлайди ва ўқишни битиргандан кейин битирувчини айнан шу ташкилот иш билан таъминлаб, ундан бутун фаолияти давомида фойдаланади. Бу шартномада ҳам икки томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг 2-иловаси “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури”нинг 22-мақсадида электротехника соҳасида мутахассислар тайёрлашда “ривожланган мамлакатларда ўз самарасини берган “Дуал таълим” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш” кераклигини таъкидлаб ўтганлар[1].

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттита устувор йўналишлари бўйича тараққиёт стратегиясида ҳам таълим тизимини ривожлантиришга тегишли аҳамият берилган. Бунда эътироф этилишича сифатли олий таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, ОТМлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси ҳудудларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда стратегик бошқарув механизмини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Таълим хизматларини кўрсатишда дуал таълим хизматларини ҳам йўлга қўйиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки дуал таълим олий таълимда олган назарий билимларимизни амалиётда ҳам кўриб ўрганишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Буни амалиётда жорий қилиш учун олий таълим муассасаларида ҳафтада бир кунни амалиёт куни деб жорий қилинди. Аммо бу масофавий таълим жараёнида тегишли самара бермади. Шу туфайли ушбу ишни амалга ошириш учун йирик олий ўқув юртлари қошида таълим соҳасига оид корхоналарни ташкил этиш мақсадга

[1] 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури. 65-бет.

мувофиқ. Масалан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ҳам буни муваффақият билан амалга ошириш мумкин. Бунинг учун институт қошида битта йирик меҳмонхона қурилса, ушбу объектда талабалар бир вақтнинг ўзида туристик хизматларни, овқатлантириш хизматларини, транспорт, гид каби хизматларни назария билан қўшиб олиб боради.

Ҳозир Банк иши кафедрасига қарашли банк операцияларини амалга оширишга қаратилган лаборотория мавжуд. Буни бевосита бирорта банкнинг амалдаги филиалига айлантириш ҳам мақсадга мувофиқ. Бухгалтерия кафедраси билан ҳамкорликда аудиторлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Бунда талабалар назария билан амалиётни биргаликда, уйғун ҳолда олиб боришлари мумкин. Аммо бу ишга талабаларнинг ҳаммаси, ҳамиша ҳам жалб қилинаётган эмас. Булардан ҳам кўриниб турибдики, институтимизда дуал таълимнинг элементлари мавжуд, аммо у тегишли тарзда йўл қўйилиши лозим. Буни йўлга қўйиш ва ундан самарали фойдаланиш учун институтимизда мазкур соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Буни амалга оширишда фақат битта олий ўқув юрти эмас, балки бутун мамлакатимиз миқёсида аҳамият берилиши лозим.

Дуал таълимнинг яна бир фойдалилик томони шундаки, талаба оладиган назарий билим бизга амалиётда керак бўладими деган фикрга бормасдан, бизга бу фанларни ўзлаштиришимиз зарур экан деган тушунча хосил бўлади ва назарий билимни олишга ҳам қизиқиш пайдо бўларди. Олган назарий билимини амалиётда иш ўрганиш давомида қўллаб кўрарди ва ишонч ҳосил қилади.

Талабаларнинг амалиётни тўлиқ ўрганиши учун бир куни камлик қилади. Биринчи босқичда бунга икки кунни белгилаш лозим. Бунда бевосита талаба амалиёт ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги ўрнатилган бўлиши лозим. Бунда амалиёт кунининг аниқ режаси ишлаб чиқилмоғи лозим. Шундагина амалиёт куни деб белгилаб қўйилган кундан самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Бунда ҳамма томон вақтнинг қадрини биладиган ва интизомга қаттиқ риоя қиладиган бўлиши лозим. Чунки олий таълимнинг асосий мақсади аввалом бор етук, бозорбоп рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган. Шу мақсадга эришиш учун дуал таълимни ишлаб чиқилган режалар асосида босқичма-босқич йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, дуал таълимни олий таълимга қўллашнинг бир қанча муаммолари мавжуд. Улардан бири буюртма берадиган ташкилот олий ўқув юртида ўқитаётган ўзларининг талабаларига эга эмас. Улар ўртасида шартнома деярли йўқ. Талабаларнинг таълим олиши учун, амалиёт ўташ жараёнида иш ҳақи билан таъминлайдиган ташкилотлар топиш жуда қийин. Бу масала қонун йўли билан ҳам йўлга қўилмаган. Буни амалда қўллаш учун аввалом бор ташкилот ўзи учун мактабда аъло баҳоларга ўқийдиган, ташаббускор ўқувчиларни танлаб олиши ва уни дуал таълим асосида ўқитишга буюртма бериши мақсадга мувофиқ.

Ш.З Ўрозов – СамИСИ катта ўқитувчиси.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақолада узлуксиз таълимнинг мазмун-моҳияти, уни ташкил этиш шакллари ва тамойиллари ҳамда глобаллашув шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълимнинг инсонларнинг шахсий ва касбий ривожланишдаги тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, республикамизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этиш тенденциялари таҳлил қилиниб, тавсиялар берилган.

Аннотация: В данной статье рассмотрены суть и содержание непрерывного образования, его организационные формы и принципы, а также роль и значение непрерывного образования в подготовке конкурентоспособных кадров в развития формировании интеллектуального и профессионального развития человека в условиях глобализации. Проанализированные тенденции и даны рекомендации по реформированию непрерывного образования республике.

Abstract: The essence and content of continuous education, its organizational forms and principles, as well as the role and importance of continuous education in preparation of competitive personnel in development of formation of intellectual and professional development of person in the context of globalization are considered in this article.There analyzed trends and recommendations on reforming the continuous education of the republic.

Калит сўзлар: таълим, узлуксиз таълим, “узлуксиз таълим” концепцияси, узлуксиз таълим тизими, таълим шакллари, ҳаёт давомида таълим олиш, инновацион жамият.

Ключевые слова: образование, непрерывное образование, понятие «непрерывное образование», система непрерывного образования, формы обучения, непрерывное обучение, инновационное общество.

Keywords: education, continuing education, the concept of "continuing education", the system of continuing education, forms of education, lifelong learning, innovative society.

Ҳозирги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири - бу таълим ҳисобланади. Охирги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, дунёнинг аксарият давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган муносабат ўзгарди. Таълим ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бош, етакчи омили сифатида қаралмоқда. Бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қадрияти ва асосий капитали - бу янги билимларни излаш, эгаллаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган инсон ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги даврда таълим шахс ва жамиятни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва кескин рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда инсоннинг олдинги даврдаги бутун ҳаёт учун таълим олиш эмас, балки бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Баъзи бир манбаларга кўра, таълимнинг узлуксизлиги тўғрисидаги илк ғояларни айрим Ғарб тадқиқотчилари ҳатто Сукрот, Афлотун,

Аристотель ва Сенеканинг инсоннинг доимий равишда маънавий такомиллашуви ҳақидаги диний-фалсафий тасаввурларида ва илмий асарларидан ҳамда бунга ўхшаш ғояларни муқаддас ислом динимизда ҳам учратишимиз мумкин. Узлуксиз таълим ғоясининг пайдо бўлиши ўз навбатида, бир томондан педагогик концепция сифатида, бошқа томондан эса, амалиётнинг натижасида пайдо бўлган. Умуман, бугунги кун тушунчасидаги катталар таълими ривожланиши XIX асрдаги саноат инқилоби натижасида фан, техника, ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар оқибати билан боғлиқ. "Узлуксиз таълим" концепцияси биринчи марта ЮНЕСКОнинг 1965 йилдаги форумида таниқли назариётчи П.Лангранд томонидан ўртага ташланиб сезиларли даражада назарий ва амалий резонансга сабаб бўлди ва натижада ўтган асрнинг 60-йиллари охирига келиб мазкур ибора илмий таҳлилнинг махсус предметига айланди. Узлуксиз таълимни халқаро даражада ўрганишнинг устуворликлари ўз ичига таълим тизимининг узлуксизлигини таъминловчи узлуксиз касбий таълим, қўшимча таълим, катталар таълими, аҳолининг ҳимоя қилинмаган қатлами таълимини ва иқтисодий моделларни қамрайди. Улардан энг кўп учрайдиганлари: "узлуксиз таълим-бутун ҳаёт давомида эгаллайдиган таълим", "узлуксиз таълим - катталар учун таълим", "узлуксиз таълим - бу узлуксиз касбий таълим" каби иборалар қўлланилса, жаҳон педагогикасида узлуксиз таълим бир нечта атамалар билан изоҳланиб улар ичида "давом этувчи таълим", "ҳаёт давомида ўқиш", "доимий ўқиш" иборалари кенг қўлланилади.

Умуман олганда, узлуксиз таълим шахс ва жамиятнинг мос эҳтиёжлари давлат ва жамият институтлари ва ташкилий таъминловчи тизим орқали шахснинг бутун ҳаёти давомидаги таълим (умумий ва касбий) салоҳиятининг ўсиш жараёни билан кечади.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, креатив, маънавий бой шахсни шакллантирувчи ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашда олдинда боришлик учун зарур шароитлар яратади. Таълимнинг турларига ўз навбатида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва мактабдан ташқари таълимни киритиш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти ва ажралмас бир қисми сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, стратегик ривожланиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик кучли ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қурмоқда.

1997 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун [1] ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури [2] мамлакатда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослашнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиш омилларидан биридир.

Ўтган йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида республикамизда мустаҳкам ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник база яратилди, бу интеллектуал салоҳияти юқори ва баркамол ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини янгилашга кўмаклашди. Мустақиллик йилларида республикамизда таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ, ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда [7]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти [5].

Таҳлилларнинг кўрсатишича, охирги йилларда ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Мутахассислар тайёрлаш, таълим-

тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари талаблари билан етарли даражада боғланмаган.

Умуман олганда, касб-ҳунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими ҳозирги замон талаблари даражасида эмас. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали илмий-педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиётлар ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида самарали ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Республикамиз таълим тизими амалиётидаги мавжуд муаммолар ҳисобга олинган ҳолда ҳамда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитларни яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши мавжуд касб-ҳунар коллежларининг моддийтехника базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва умуман узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу мақсадга эришиш учун фикримизча, узлуксиз ва қўшимча таълимнинг жаҳон амалиётида мавжуд бўлган юқоридаги шаклларидан республикамиз амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунда асосий тамойиллар қуйидагилар бўлиши лозим:

- атрофдаги реалликка эмас, балки мамлакат келажагини инновацион жамият сифатида тасаввур қилишга таяниш;

- ўз ва ўзганинг бошқа ижобий тажрибаларига тезда мослашиш;

- таълимда катта миқдордаги фойдали инновацияларни яратишни рағбатлантириш;

- инсон капиталига инвестицияларнинг дастлаб ҳам таълим олувчи, ҳам ўқитувчи сифатидаги киритилиши;

- узлуксиз таълимнинг инновацион асосда илгарилаб кетувчи сифатида ривожланиши.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги даврда ҳар бир мамлакат рақобатбардошлиги аввало, унинг таълим ва фан даражасига боғлиқ. Таълим ва жамият ривожланишининг замонавий ҳолати инсон фаолиятининг касбий ва касбий тайёргарлик сифати даражасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаблар қўймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 5 январдаги ахборотномаси, 03/18/456/0512-сонли қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-4958 сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3151-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони.

Р.Б Коссе – СамИСИ ўқитувчиси

ЁШЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация В статье рассматривается об здоровом образе жизни, пропоганде разнообразные напровления.

Ключевые слова: духовный, физиологический, возраст, пол, профессиональная деятельность, образ жизни.

Аннотация. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳар-ҳил йўналишларда олиб бориши лозим.Мавзуда ушбу масала ўз ечимини тўлиқ қамраб олган.

Калит сўзлар: руҳий, физиологиг, ёши, жинси, касбий фаолият, яшаш мухити.

Abstract. In this article through written the theme which our country’s nature, excavations and historical destinations are showed to our students and some problems are solved.

Keywords: mental, physical, age, gender, professional activity, living environment.

Мамлакитимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёсдир. Шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жадал сурратларда ривожлантириш натижасида бугунги кунда спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида юртимиз байроғини кўкларга кўтариб, давлатимизнинг ҳалқаро миқёсидаги обрусини сарбаланд қилишда салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Спорт билан мунтаззам шуғулланиш аҳолимиз, аввало ёш авлодимизнинг соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, бу соҳага Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги замонивий спорт иншоотларни бунёд этилиши президентимизнинг белгилаб берилган ислоҳотлари натижасида амалга оширилмикда.

Президентимизнинг олий мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида қуйдаги фикрлар айтилган:

“Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммолаштириш яна бир долзарб вазифадир. Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рахбатлантириш ва қўллаб – қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз. Ёш авлодимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этамиз”.

Дарҳақиқат бугунги кунда ўта муҳим вазифалар қаторида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи соҳасини ривожлантириш орасида изчил ислоҳотлар олиб борилиб, улар ўртасида спорт билан бандлиги таъминлашга эришилмоқда.

Ёшлар саломатлиги бу-энг аввало, унинг руҳий ва физиологик сифатларини ривожлантариш, умрнинг максимал давомийлигида мақбул даражадаги ишчанлик қобилияти ва ижтимоий фаоллигини сақлаб қолишдан иборатдир. Кўпгина олимларнинг фикрича, инсон организмининг функционал имкониятлари ва унинг ташқи муҳитдан бўладиган нохуш омилларга барқарорлиги бутун умри давомида ўзгариб туради, негаки, саломатликни сақлаш, жўшқин жараён бўлиб, у ёш, жинс, касбий фаолият, яшаш муҳитига боғлиқ ҳолда яхшиланиб (саломатлик бўшашиб ёки мустаҳкамлашиб) боради.

Одам ҳаёти, соғлиғи - энг катта ижтимоий бойликдир. Бу оила, мактаб ва инсон тарбияси, камолоти билан шуғулланувчи бошқа масканлар олдига соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласини кўндаланг қўяди. Миллат соғлиғи ҳам табиий равишда, соғлом турмуш тарзи орқали ҳал этилади.

Саломатлик - инсон организмининг биологик, руҳий, жисмоний ҳолатлари ва меҳнат фаолиятининг мувозанатлашган бирлигидир. Сихат-саломатлик ҳар бир киши учун бахт-саодатдир. Унинг меҳнат унумдорлиги, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ривожлантиришнинг зарур шартидир. Умумхалқ мулки бўлмиш сихат-

саломатликка нисбатан онгли ва масъулият билан ёндашиш жамият ва унинг барча аъзоларининг турмуш, ахлоқ нормаси бўлмоғи лозим.

Саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, аввало, одам ўз танасининг тузилиши барча тўқима ва аъзоларининг нормал иш фаолияти, ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши қонуниятларини билиши зарур. Шунингдек, барча тирик мавжудодлар каби, инсонга ҳам хос бўлган ушбу биологик хусусиятларни асраш ва тобора такомшшаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитни мукаммал билиш ва яратиш талб этилади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳар хил йўналишларда олиб борилиши лозим. Бу бир томондан, талабалар ва катталарга соғлом турмушга оид маълум бир тиббиёт ва гигиеник билимларни беришга, уларга соғлом турмуш тарзини организм ривожига қандай таъсир этиши ҳақидаги тасаввурларнинг уйғонишига қаратилган бўлса, иккинчи томондан, таълим-тарбиада гигаеник қоидадарга амал қилшига, ўзини ва ён атрофдагиларни соғлиғини асрашни кундалик одатга айлантириш кўникмаларини шакллантиршга боғлиқдир. Бу борада соғлом турмуш тарзи оммавий ахборот воситадарида, барча тарбия ўчоқлари билан хамжиҳатликда умумтаълим мактаби, Академик лицей, касб-ҳунар коллежларда ҳамда олий ўқув юртларида тарғиб қилинмоғи зарур.

Соғлом турмуш тарзи инсоннинг саломатлиги хавфсизлигини таьминлашга хизмат қилувчи кўникмаларга эга бўлиш асосида хаётий фаолиятни йўлга қўйиш ҳамда саломатлигининг юқори даражада бўлишига эришишни таьминловчи ижтимоий ҳодисадир.

Соғлом турмуш тарзи инсон турмуш шароитларини фаол ўзлаштириш усули бўлиб, сайёҳатлар уюштириш, кун тартибига риоя қилиш, фаол ҳаракат асосида организмни чиниқтириш, сузиш спорти билан шуғулланиш, тўла ва сифатли овқатланиш, овқатланшнинг гигиеник қоидаларига риоя қилиш, мулоқот ва экологик маданиятга эришиш, умум инсоний ва миллий қадриятлар асосида маьнавий тарбия олиш, зарарли одатлардан ўзини тута билиш демакдир.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг мақсадини қуйидаги таклифлар орқали ривожлантиришни тавсия этамиз:

- ёшларни ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш борасидаги назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришга эришиш;
- кунлик фаолияти давомида кун тартибига қатьий амал қилиш;
- ёшларни мунтазам равишда чиниқтириб бориш, фаол жисмоний ҳаракатни ташкил этиш ҳамда спорт билан доимий шуғулланишга эришиш;
- бўш пайтида оилада сайр-сайёҳатлар билан шуғулланиш;
- эрталабки бадан тарбия ва спорт машғулотлари билан мунтазам шуҳулланиш;

- ёшларда салбий одатларни (тамаки маҳсулотларини чекиш, наркогол моддалар ва спиртли ичимликларни истеьмол қилмаслик)ни таъминлашдан иборат;

Ёш овлодни мустаҳкам ҳаёт тарзига амал қилиш одатини тарбиялаш зарур. Бунда соғлом турмуш тарзига риоя қилиб бадан тарбия билан шуғулланишни, тоза ҳавода сайр-сайёҳат қилиш, спорт ўйинларида иштирок этиш, узоқ умр кўриш ва саломатликни таъминловчи омиллар-дандир. Ҳар бир ёш овлод мунтазам равишда муайян даражада жисмоний қобилятга мос келувчи жисмоний ҳаракатларни бажаришга одатланиши лозим. Булардан ташкари, бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда анъанавий усулларга қараганда ноанъанавий усуллар билан организмни чиниқтириш табиат қўйинига сайёатлар уюштириш мақсадга мувофиқдр.

Хулоса. Биз ёшлар таълим-тарбияси жараёнида юқорида билдирилган фикрлар асносида ёшларимиз ҳаётига соғлом туртмуш тарзини сингдира олсак улар соғлом, кучли ва ватан равнақига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай кучларга ва иллатларга қаршилик кўрсатиш ва курашишга тайёр бўлаоладилар деб ҳисоблаймиз.

Ш.З Ўрозов – СамИСИ катта ўқитувчиси.
Д Зиёдуллаева – СамДЧТИ талабаси.

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада педагогик таълимнинг мазмун-моҳияти, уни ташкил этиш шакллари ва тамойиллари ҳамда глобаллашув шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда олий педагогик таълимнинг инсонларнинг шахсий ва касбий ривожланишдаги тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, олий педагогик таълим тизимини ислоҳ этиш тенденциялари таҳлил қилиниб, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, педагогик таълим, рақобатбардош кадрлар, таълим шакллари, ҳаёт давомида таълим олиш, инновацион жамият.

Аннотация: В статье раскрывается сущность педагогического образования, формы и принципы его организации, а также роль и значение высшего педагогического образования в личностном и профессиональном развитии человека при подготовке конкурентоспособных кадров в условиях глобализации. Также анализируются тенденции реформирования системы высшего педагогического образования и даются рекомендации.

Ключевые слова: образование, высшее образование, педагогическое образование, конкурентоспособные кадры, формы обучения, непрерывное обучение, инновационное общество.

Abstract: The article describes the essence of pedagogical education, forms and principles of its organization, as well as the role and importance of higher pedagogical education in the personal and professional development of people in the training of competitive personnel in the context of globalization. It also analyzes trends in the reform of the higher pedagogical education system and makes recommendations.

Keywords: education, higher education, pedagogical education, competitive staff, forms of education, lifelong learning, innovative society.

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълимга қамров даражасини ошириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳмиз.

Мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди. Олий педагогик таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мукаммал равишда яратилди. Ушбу ҳолат педагогика соҳаси учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини ривожлантиришга асос бўлмоқда.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, педагогика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида ўтказилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, сўнгги йилларда Ўзбекистонда абитуриентлар орасида педагогик йўналишларга киришга қизиқиш бир неча маротаба ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йиллар давомида соҳага доир таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг концептуал масалаларини белгилаб берди. Соҳадаги ўзгаришлар жараёнида тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш устувор йўналиш сифатида ўз аҳамиятини янада оширади.

Жамиятимизда педагог нуфузининг ортиб бориши, кучли тарғибот ва рағбатлантириш сиёсати натижасида педагоглик касбига қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу жараён педагоглардан кўр меҳнат ва янгича ёндашувни талаб қилади.

Хусусан, педагогик таълим соҳасининг йўналиш ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, давлат учун олий педагогик таълим ҳар бир шахснинг касбий ва умумий ривожланиши учун мақбул шарт-шароитларни таъминлаш борасидаги ижтимоий сиёсатнинг етакчи соҳаси ҳисобланса, жамият учун эса, таълим ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим шарти, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи ҳамда унинг касбий ва маданий салоҳиятини ошириб борувчи механизм ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти учун олий таълим халқаро ҳамкорлик асосида миллий маданиятларни ва

умуминсоний қадриятларни сақлаш, ривожлантириш ва ўзаро бойитиш усули ҳисобланади. Бу, энг аввало, билимларни эгаллаш ва ўрганиб олишни талаб этади.

Педагогик таълимда бутун ҳаёт давомида таълим олиш тўрт устунга таяниши лозимлиги таъкидланади.

1.Билишга ўрганиш. Бу шахснинг кенг умумий маданиятини фанларнинг чекланган соҳасида билимларни чуқур эгаллашни назарда тутади. Шахснинг умумий маданияти таълим олишни рағбатлантиради, унинг билимини муттасил ошириб боришга ўргатади. Бу, шунингдек, узлуксиз таълим туғдирган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўқишни ўрганишни ҳам кўзда тутади.

2.Ишлашни ўрганиш. Ҳар бир шахс фақат касб малакасини эгаллабгина қолмасдан, айни пайтда турли вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш ва жамоа билан бирга ишлай олиш кўникмаларини шакллантирган компетентликка эга бўлиши керак. Шунингдек, шахс ҳаёти давомида дуч келадиган турли ижтимоий ёки ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳам ўрганиши керак.

3. Биргаликда яшашга ўрганиш. Умумий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳур фикрлилик, ўзаро англашув, келишиш қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда можароли вазиятларни ҳал қилишда бевосита ана шу фазилат асқотади.

4. Яшашни ўрганиш. Бу ўз шахсини камол топтириш, мустақил фикрга эга бўлиш, шахсий масъулият демакдир. Шунинг учун таълимда инсоннинг ушбу фазилатларини ривожлантирадиган барча воситалардан: хотира, мушоҳада юргизишга қодирлик, эстетик дид, жисмоний имкониятлар, алоқа қилишга қодирлик ва ҳоказолардан самарали фойдаланилиши лозим.

Умуман олганда, олий педагогик таълим шахс ва жамиятнинг мос эҳтиёжлари давлат ва жамият институтлари ва ташкилий таъминловчи тизим орқали шахснинг бутун ҳаёти давомидаги таълим (умумий ва касбий) салоҳиятининг ўсиш жараёни билан кечади.

Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ва инновацион ўзгаришларнинг ривожланиши мос равишда жамиятда таълим жараёнларини модернизациялашни талаб этади. Педагогик таълим бутун таълимдаги ўзгаришларни шакллантирувчи тизим сифатида, меҳнат бозорида мутахассисларнинг малакаси ва касбий компетенцияларининг ривожланишини белгиловчи ва умуман иқтисодиёт ва жамиятнинг ривожланиш даражасини оширувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Педагогик таълимнинг ривожланиши шунингдек, илмий-техник жараёнлар, ИТТКИни жорий этиш ва инновацион ўзгаришлар билан изоҳланади.

Инновацион жамиятнинг ўзига хос хусусияти ўзида ҳар хил ёш категориясидаги инсонлар билимини доимий тизимли равишда тўлдириб бориш ва кенгайтиришни таъминлайдиган ҳаёт давомида ва босқичма-

босқич жараёндан иборат бўлган узлуксиз таълим ҳисобланади [5, 6]. Педагогик таълимнинг мақсади билимлар иқтисодиётининг инновацион ривожланиш бўғинининг ажралмас бўғини сифатида инсоннинг ўзгаришларга ва иқтисодиётни модернизациялашга, касбий ҳаёт, маданият, жамиятга мослашиш қобилиятини мустаҳкамлаш сифатида намоён бўлади [7].

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури [4] тасдиқланди.

Таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, шунингдек узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигининг холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди.

Шу билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган суръатлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими шароитида орттирилган тажрибанинг моҳиятини қатор хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги илғор амалиётини ҳисобга олган ҳолда қайта англаш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги шароитда илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини тобора жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ундан республиканинг инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда[2].

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлилларга кўра халқаро стандарт классификацияга мувофиқ педагогик таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари қуйидагича тақсимланади:

- ўз ичига институционал таълим ташкилотларини олувчи расмий таълим (мактаблар, коллежлар, университетлар ва бошқ.);

- норасмий таълим, расмий таълимга тааллуқли бўлмаган ҳар қандай таълим фаолиятини тавсифлайди. Шуни таъкидлаш зарурки, мазкур

таълим шакли ўз олдига таълим олувчиларни аттестациялашни мақсад қилмайди;

- маълумот берувчи (информал) таълим ўзида узлуксиз таълимнинг бир мунча инновацион шаклини намоён қилади. Бундай шаклга мисол тариқасида мустақил таълим (шахсий даражада) ёки иш жойида ёки оилада (гуруҳ даражасида) бўлиши мумкин. Ҳозирги даврда замонавий таълим эҳтиёжларига жавоб берадиган узлуксиз таълимнинг роли ва аҳамиятини янгича қараш ва англаш талаб этилади.

Узлуксиз таълим бугунги глобал иқтисодиёт шароитида ҳар бир инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиб боришининг асосини намоён этувчи сифатидаги инновацион таълим моделининг энг муҳим концепцияларидан бири ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, ривожланган давлатлар амалиётида ўзини оқлаган қўшимча таълимда кутиладиган ёндашувлар балансини амалга ошириш сезиларли даражада енгил ҳисобланади, сабаби унда асосан ўрта ёшдагилар таҳсил олишади. Катта ёшда таълим олувчилар – етарли даражада юқори ривожланиш даражасидаги бир мунча муваффақиятли инсонлардир. Қўшимча таълимнинг ҳар бир янги босқичида умумжамият аҳамиятидаги мақсадга – ҳар қандай ёшда ҳаётдаги муваффақияти учун ҳар бир инсондаги қобилият ва иқтидорни ривожлантиришга сезиларли даражада тезроқ эришилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги даврда ҳар бир замонавий ходимнинг маълум бир иш фаолиятига мослик даражасини баҳолаш борасидаги талаблар доимий равишда ўзгариб ва кучайиб бормоқда. Бунда “Касбий компетентлик” сифатида унинг нафақат касбий билимлари, малака ва кўникмалари, балки мантиқий фикрлаши, ташаббускорлиги, уддабуронлиги, гуруҳда ишлаш ва ҳамкорлик қилишга бўлган қобилияти, маълумотлилиги ва бошқа сифатлари муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, узлуксиз таълим тизими нафақат “ҳаёт давомида” таълим механизми сифатида, балки иқтисодиётнинг ўзгаришларига корхона ва муассасалар кадрлар салоҳиятининг мослашувчанлиги ва сафарбарлигини ошириш, доимий шахсий ва касбий такомиллашишнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 5 январдаги ахборотномаси, 03/18/456/0512-сонли қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-4958 сонли фармони. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил 2/2018 (№ 00034) www.iqtisodiyot.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “ Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909- сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3151-сонли қарори.

5. Ахмедов А.Э., Смольянинова И.В., Шаталов М.А. Система непрерывного образования как драйвер совершенствования профессиональных компетенций// Профессиональное образование и рынка труда. 2016. №3. С.26-28.

6. Кизин М.М. Вокальное искусство в пространстве цифровых технологий// В сборнике: Музыкальное искусство в контексте современных проблем культуры и образования. Москва, 2016. С.215-220.

7. Никитенко Л.И. Самостоятельная работа в системе индивидуального образовательного маршрута студента// Устойчивое развитие науки и образования. 2016. №3. С.39-43.

М.Г.Абдуллаев – АДУ, докторант кафедра «Экономика»,

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ПЕРСОНАЛА - ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Аннотация: в статье речь идет о персонале, его количественных и качественных показателях, человеческом капитале, трудовом потенциале, эффективном использовании персонала.

Ключевые слова: персонал, качество персонала, человеческий капитал, трудовой потенциал, конкурентоспособность, инновации.

Annotatsiya: maqolada personal, uning miqdoriy va sifat ko'rsatkichlari, inson kapitali, mehnat salohiyati, personaldan samarali foydalanish haqida so’z boradi.

Kalit so'zlar: personal, personal sifati, inson kapitali, mehnat salohiyati, raqobatbardoshlik, innovatsiyalar.

Annotation: the article deals with personnel, its quantitative and qualitative indicators, human capital, labor potential, effective use of personnel.

Key words: personnel, personnel quality, human capital, labor potential, competitiveness, innovations.

Главной целью стран всего мира в нынешних процессах глобализации является внедрение качественно новых подходов к подготовке кадров, отвечающих требованиям все более современного времени.

Понятия «качество труда», «человеческий капитал» и «трудовой потенциал» в некоторой степени взаимосвязаны, но их нельзя считать абсолютно тождественными. Интерес к этим концепциям не ограничивается только теорией. На практике при управлении социально-

экономическим развитием, при ведении бизнеса необходимо постоянно контролировать факторы, влияющие на человеческий капитал, трудовой потенциал и рабочую силу. Например, нельзя отрицать влияние инвестиций в человеческий капитал на качество рабочей силы. В любом случае рабочий человек остается важным фактором производства. Живой труд является движущей силой самых умных и современных технологий. Чем сложнее уровень развития экономики и вопросов в ней, тем выше потребность в высококвалифицированной рабочей силе. Конъюнктура рынка и конкуренция заставляют нас заботиться о качестве персонала на любом уровне предприятия. На рынке побеждает тот, у кого высокое качество продукции и хороший уровень обслуживания, у кого высокая производительность труда и эффективный менеджмент. Сами эти показатели напрямую связаны с качеством персонала, задействованного в производстве. Целесообразно использовать квалификационный показатель в первую очередь для их оценки. Уровень квалификации работника определяется его общим и специальным профессиональным образованием, знаниями, опытом, профессиональными навыками и производственным опытом. Присвоение работнику квалификационного тарифного разряда и обеспечение соответствия разрядов рабочего и должности на производстве позволит оформить эту важную часть трудовых отношений. Однако с теоретической точки зрения этого формального описания (квалификационной категории) недостаточно для оценки качества рабочей силы. Важные составляющие качества рабочей силы также должны учитывать: личностные характеристики работника (физическая и умственная работоспособность, способности, интересы и личность), способность приспосабливаться к работе и принимать инновации, а также гибкость, мобильность, уровень заинтересованности в работе. Эти характеристики качества персонала имеют не только теоретическое, но и практическое значение. Многие компании проводят аттестацию рабочих мест и разрабатывают рекомендации по карьере, исходя из специфики конкретного рабочего места.

Учитывая усложнение производства и повышение его научного потенциала, необходимо учитывать не только особенности лица, возникающего в процессе труда, но и личностные качества работника, т. е. склонность к новаторству, профессиональную направленность и профессиональной пригодности. В последнее время спрос на квалифицированную рабочую силу на рынке труда растет. Низкий уровень квалификации производственного персонала также приводит к низкой конкурентоспособности продукции и услуг. Поэтому одной из важных задач кадровой политики на предприятиях является подготовка высококвалифицированных, конкурентоспособных кадров.

Одним из основных инструментов повышения личной конкурентоспособности является организация инновационной деятельности на предприятиях. Отсутствие определенного опыта не

позволяет этого сделать. В настоящее время интеграции науки и производства серьезно препятствует неразвитость инфраструктуры горизонтальных связей между промышленными предприятиями, слабая связь с научными и финансовыми учреждениями, старение научных кадров.

Чтобы полностью понять текущую ситуацию, необходимо понять значение терминов. Понятие инновации (англ. «invention») можно рассматривать в контексте новой идеи. Этот термин может использоваться для описания нового продукта, новой технологии, нового метода, кадров с новыми, современными знаниями. Понятие инновации (англ. «innovation») означает новый или усовершенствованный продукт (или технологию), полученный на основе внедрения инновации. Этот продукт может быть реализован на рынке производства, управления и других видов деятельности.

Другими словами, технологические инновации являются основным источником технологических инноваций. Процесс, происходящий на его основе, считается инновационным процессом. В свою очередь, вывод инноваций на рынок называется процессом коммерциализации инноваций. С того момента, как инновация появляется на рынке, она становится инновацией. Инновации могут быть в форме продуктовых инноваций (связанных с производством продукции), технологических инноваций (изменение способа производства зависит от запястья), нетехнологических инноваций (социальных, организационных, кадровых и т. д.).

Одним словом, сегодня инновации — это средство «выживания» в среде, поддерживающее конкурентоспособность предприятия. Опыт развитых компаний показывает, что предприятия, способные быстро адаптироваться к изменениям, связанным с инновационными процессами, могут продолжать свою деятельность без перерыва. Для того чтобы предприятие обладало инновационным потенциалом, необходимы следующие ресурсы:

- ✓ интеллектуальные (технологические документы. Патенты, лицензии, бизнес-планы, инновационная программа предприятия);
- ✓ материальные ресурсы (опытная база. Технологические устройства, ресурсная площадка);
- ✓ финансовые ресурсы (собственные, арендованные и др.);
- ✓ человеческие ресурсы (лидер новостей, сотрудники, заинтересованные в инновациях, личные и совместные отношения сотрудников с научно-исследовательскими институтами и университетами);

Как было сказано выше, для эффективной организации инновационной деятельности на предприятиях в первую очередь необходимо повысить инновационный потенциал персонала. Для этого в настоящее время в первую очередь целесообразно использовать на предприятиях следующие виды подготовки и переподготовки работников:

1. Профессиональное обучение. Подготовка высококвалифицированных рабочих и служащих в профессиональных колледжах. Обучение может проводиться индивидуально или коллективно непосредственно в самом производственном процессе.
2. Обучение менеджменту. Данная работа предназначена для обучения специалистов основам менеджмента, маркетинга, управленческого права, социально-психологических методов управления.
3. Обучение персонала. Вне зависимости от того, как приобретается основная профессия, каждый работник будет повышать свою квалификацию. Для этого на предприятии должны быть организованы производственно-технические курсы, школы повышения квалификации, целевые курсы по овладению смежными профессиями.
4. Профессиональное развитие. Существует система университетов для подготовки широкого круга специалистов. Эта работа проводится в институтах повышения квалификации руководителей и специалистов, на курсах повышения квалификации при вузах.
5. Самообразование. При таком способе обучения сотрудники учатся самостоятельно на основе индивидуальной программы. Эта программа составляется работником и утверждается руководителем.

Список использованной литературы:

1. Абдураҳмонов Қ.Х., Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти. Тошкент 2019 й.
2. Генкин Б.М. “Экономика и социология труда” учебник. Москва. Норма. 2017 г.
3. Оганесян, И. А. Управление персоналом организации/И. А. Оганесян. – Минск: Амалфей, 2017. – 246 с.
4. Одегов, Ю. Г. Управление персоналом: учеб. пособие/ Ю. Г. Одегов, И. А. Оганесян, П. В. Журавлев. – М.: Финстатинформ, 2007. – 879 с.
5. Неверов, А. В. Управление персоналом: учеб пособие для студентов экономических специальностей высших учебных заведений/А. В. Неверов, В. Д. Арещенко. - Минск: БГТУ, 2013. - 239 с.
6. Шапиро, С. А. Основы управления персоналом в современных организациях: уникальный подход, обеспечивающий эффективную работу компании / С. А. Шапиро. - ГроссМедиа, 2005. - 208 с.

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

Ш.Ш Файзиева – ҚарМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
М.Х Собирова – ҚарМИИ мустақил изланувчиси

РАҚАМЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодиёт тармоқларида ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда рақамлаштириш тизимининг самарадорлиги, хизмат кўрсатиш жараёнларининг амалиётга ижобий таъсири тўғрисида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, агросаноат мажмуи, электрон савдо, интернет тармоқлари, самарадорлик, электрон тўлов, рақамлаштириш қўшимча тамроқ, техника тараққиёти, кўп тармоқли фермер хўжалиги

Аннотация: В статье рассматривается эффективность системы цифровизации экономики и развития сельского хозяйства, положительное влияние сервисных процессов на практику.

Ключевые слова: цифровая экономика, агропромышленный комплекс, электронная коммерция, интернет-сети, эффективность, электронные платежи, оцифровка, техническое развитие, диверсифицированное сельское хозяйство

Abstract: The article discusses the effectiveness of the system of digitalization of the economy and the development of the agriculture, the positive impact of service processes on practice.

Keywords: digital economy, agriculture, e-commerce, Internet networks, efficiency, electronic payments, digitalization, technical development, diversified agriculture

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси тўғрисидаги Фармони кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “2022 йилни мамлакатимизда **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили“** деб қилинганлиги мамлакатимиз иқтисодиётида сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатади. Йилнинг бундай номланиши мамлакатимизнинг барча тармоқ ва соҳалари каби

агросаноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам рақамлаштириш тизимини жорий этилишига туртки бўлди. Рақамли иқтисодиётда иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга оширилади. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёев "Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштиришсиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб етиши шарт. Барча даражадаги раҳбарлар буни ўзига кундалик вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак"лигини таъкидлаган[1].

Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқини оддийгина ҳолда тушунадиган бўлсак, айтайлик, харидорга пойабзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисодиёт. Телеграмдаги бирор савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш эса рақамли иқтисодиёт дейилади. Аслида ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, маошларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулоту хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказолар. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади. Энг муҳими, у коррупция ва яширин иқтисодиётнинг асосий кушандасидир.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш тўғрисидаги карори қабул қилинди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди. Ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ва техник ҳужжатлари ҳамда НҲҲлари лойиҳаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш унинг ваколатига киради (крипто-активлар ва блокчейн технологиясини жорий этиш бўйича ваколатлар ЛБМАда сақлаб қолинди). Шу муносабат билан вазирлик тизимида ўзгаришлар рўй берди.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш учун махсус ҳисобрақам очилади. Унга:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 22 сентябрда "Тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш" масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши материалларидан

- уяли алоқа компаниялари томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг (ойига 2 000 сўм) тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи. Қолган сўмма белгиланган тартибда тақсимланади;
- ЯИДХП орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25%и, шунингдек, Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар келиб тушади.

2021 йилда “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ахборот тизимини яратиш босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган эди. “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологиясини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Агросаноат мажмуида ягона интеграцион платформа ахборот тизими юритилишида қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “AGROSERVISINFO” маркази масъул ҳисобланади.

Агросаноатнинг рақамлаштириш натижасида мажмуадаги барча жараёнларни электрон тарзда рўйхатдан ўтилишига ва тизим шаффофлигига эришилади. Бундан ташқари, агросаноат мажмуида янги ИТ қўлланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таннархи пасайишига ва рақобатбардошлик ошишига имкон яратади. Бунда агросаноат мажмуи таркибига кирувчи соҳалар, уларнинг юқори органлари ва хўжалик юритувчи барча субъектлар ўртасида маълумотларни етказиш ва ахборотларни узатиш тармоғини ташкил этиш, сотиш жараёнини электрон тартибга ўтказиш муҳим ҳисобланади. Рақамлаштириш тизими иқтисодиёт тармоқларида тежамкорликни оширади ва самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича 239 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Рақамли иқтисодиётни ривожланиши агросаноатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ЯИМ улушининг ўсишига олиб келади ва ЯИМни аҳоли жон бошидаги улуши ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Бу эса қишлоқ аҳолисининг яшаш даражасини юксалишига, уларнинг даромадларининг ошишига, қишлоқ аҳолисининг замон билан ҳамнафас яшашига имкон яратади. Шу боис, Президентимиз томонидан 2 йил ичида барча қишлоқ ва маҳаллаларни тезкор интернет билан таъминлаш, 12 мингта муассасани тезкор интернетга улаш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқиш кўрсатмаси берилган.

Қишлоқ хўжалигидаги рақамлаштириш тизимини қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

- Телефон ва интернет тармоқлари хизматидан фойдаланиш;
- Мобиль тўлов тизимини қўллаш;
- Online харидларни амалга ошириш;

- Бухгалтерия ҳисоботларни электрон калит орқали юбориш;
- Пластик карталардан фойдаланиш ва ҳаказо.

Қишлоқ хўжалигидаги рақамлаштирилиши натижасида харажатлар камайишига (таннархнинг пасайиши), маълумотлар тезкорлигига, жаҳон бозорига чиқишга (биржадаги нарх-наво), бозордаги муҳитни назорат қилишга (харидор ва истеъмолчилар эҳтиёжи ва талабини қондириш), сифатли, қулай ва шаффоф тизим яратилишига эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги унумдорлиги жиҳатидан Ўзбекистон ривожланган мамлакатлардан бир неча марта ортда қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида бандликнинг юқори даражаси қишлоқ хўжалиги соҳасида технологик ечимлар жорий этилишининг паст даражасини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш 2017 йилда Франция 92,8 млрд АҚШ доллар, Турция 149,1 млрд АҚШ доллар, Малайзия 2,2 млрд АҚШ доллар, Бразилия 74,2 млрд АҚШ доллар, Ўзбекистон 17,7 млрд АҚШ доллар миқдорида экспорт қилган. Иш билан бандлик, иқтисодиётга ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга қўшган ҳисса кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган ва юқори технологияли қишлоқ хўжалигига эга етакчи давлатлар танланган. Ўзбекистон мева-сабзавот, парранда тухуми, майда шохли қорамол гўштини экспорт қилади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги экинлари, дуккакли экинлар, поме ўсимликлар (зиғир, кунгабоқар, пахта) етиштириш учун катта салоҳиятга эга, хусусан ушбу экинлардан тайёр махсулотни экспорт килиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари чоғида Чили қалампирини Индонезиядаги аччиқ қалампир навларидан етиштириш режалаштириш йўлга қўйилганлигини таъкидлаган эди. Ўзбекистон делегациясининг Индонезияга сафари давомида бу ҳолат ўрганилган. Ҳозирги кунда бутун дунёда 68,3 миллион тонна чили қалампири ишлаб чиқарилмоқда. Чили қалампирининг пишиш даври 60-80 кунгача бўлиб, саноат етиштирилишидаги ҳосилдорлиги 40 т/га ни ташкил қилади. ФАО маълумотларига қараганда дунёда мавжуд 570 млн.фермер хўжалигидан 500 млн. атрофидагиси оила аъзолари томонидан бошқарилади. Биргаликдаги оилавий меҳнатга асосланган ҳолда фаолият юритаётган фермерлар томонидан жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 80 фоизи ишлаб чиқарилади. Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларнинг ташкил этишиши эса оила аъзоларини иш билан таъминлаш билан биргаликда, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг ҳам ортишига замин яратади. Зеро, БМТ маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак 2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 9,2 млрд. кишига етиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчи аҳолининг қишлоқ хўжалиги ерлари, мол-мулкнинг

ҳақиқий эгасига айланиб бориши замирида биринчи навбатда мамлакат аҳолисининг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжларини ички имкониятлар ҳисобига сифатли, инсон организми учун зарарсиз ва нисбатан арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига турли йўналишларда хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш мамлакат раҳбариятининг алоҳида эътиборида бўлмоқда. Ишлаб чиқаришда меҳнатни замонавий, ресурстежамкор, бир йўла кўплаб агротадбирларни бажарувчи техника воситалари билан қуроллантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар туфайли бугунги кунда фермер хўжаликлари учун имтиёзли асосдаги техникалар лизинги тизими ва имтиёзли кредитлаш орқали қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилиш механизмлари йўлга қўйилди. Республика қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли сифатида фермер хўжаликларининг ривожланиши учун ҳуқуқий асослар кенгаймоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси таҳлил қилинганда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишонишмоқда. Фақат ҳозирча мижозлар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Навбатдаги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлининг танлаганлиги ахборот технологиялари, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишларни очиб беради. Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, айниқса, қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни сотиш, рекламадан фойдаланиш, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамда учинчи ренессансни шакллантиришда рақамлаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш энг долзарб масаласи ҳисобланади.

У. Худайбердиев –и.ф.н., СамИСИ доценти
С.А.Бабаназарова – СамИСИ ўқитувчиси

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ!

Аннотция: мақолада мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида таълимнинг ўрни ва аҳамияти, турли мамлакатларда таълимга берилаётган эътибор ҳамда натижада эришилган ютуқлари ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: тараққиёт стратегияси, фан ва техника ютуқлари, замонавий илм, илм-фан, таълим-тарбия, Миллий дастур, ижодий ёндашиш, илғор тажрибалар.

Аннотация: В статье рассматриваются роль и значение образования в экономическом развитии страны, внимание, уделяемое образованию в разных странах и вытекающие из этого достижения.

Ключевые слова: стратегия развития, научно-технические достижения, современная наука, наука, образование, Национальная программа, творческий подход, передовой опыт.

Abstract: The article discusses the role and importance of education in the economic development of the country, the attention paid to education in different countries and the achievements arising from this.

Key words: development strategy, scientific and technological achievements, modern science, science, education, National Program, creative approach, best practices.

Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 2026 йилга мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга етказишни режалаштирилмокда. Бунинг учун иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган саноатни 1,4 баравар, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўртача ўсишни камида 5,0 фоизга (2020 й 2,8%) таъминлаш лозим бўлади. Бундай иқтисодиётни юқори суръатларда ривожлантириш мумкинми? Дунё мамлакатларида иқтисодиётни юқори суратлар билан ривожланган Япония, Германия, Сингапур каби мамлакатлар иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш мумкинлигини амалда исботлаганлар. Иқтисодиёти қурол-яроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган Япония II жаҳон урушида енгилгандан сўнг табиий қазилмалари деярли йўқ иқтисодиётни тиклаш учун барча маблағларни илм-фанни ривожлантиришга, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиб, юқори технологияга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Натижада Япония ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёдаги етакчи (3-ўрин) мамлакатга айланди. Демак, иқтисодий ривожланишнинг асосий омили замонавий илм, фан ва техника ва технологияларни эгаллаш экан. Замонавий илм ва билимга эга бўлиш инсоннинг бешикдаги пайтидан бошланади. Ахир бекорга айтилмаган «Бешикдан то қабргача илм изла» деб. Она чақалоқга меҳрибонлик, ватанпарварлик аллаларини айтиб

улғайтирса, кейинчалик оилада, болалар боғчаларида минг йиллардан буён дунё этироф этиб келаётган Абу Райҳон Беруний, Мусо Хоразмий, Али ибн Сино, Мирзо Улугбек каби буюк боболаримиз илмлари ҳақида, Амир Темур, Жалоллидин Мангуберди боболаримиз қаҳрамонликлари ҳақида билим берсалар, илмга муҳаббат ва ватанпарварлик руҳида тарбияланади. Мамлакатимизда мактабгача таълимга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 30 сентябрдаги Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригида "Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда" деб таъкидлаган. Мамлакатимизда болаларнинг боғчаларда тарбияланишига катта эътибор берилмоқда. Бу борада давлат, давлат-шерикчилик, хусусий ва оилавий боғчалар сони кўпаймоқда 2021 йилга келиб 19 минг 316 та боғча фаолият юритаётган ва болаларни қамраб олиш 62 фоизга етган бўлса, бу кўрсаткич беш йил олдин 5 минг 211 боғча бўлиб, қамраб олиш даражаси 28 фоизгина бўлган.

Узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи умумий ўрта таълимдир. Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги Президент мактаблари, ижод мактаблари, математика, физика, кимё, биология, информатика чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослашган мактаблар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда математика ва физика фанлари бўйича 126 та, кимё ва биология фанлари бўйича 87 та, аҳборот технологиялари бўйича 99 та, хорижий тилларни ўргатиш йўналишида 20 та ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг умумий сони 790 тага етган. Мактабларда илмни чуқур эгаллаш, ижодий ёндашиш, танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида миллий ўқув дастури яратилди, фанлардан замон талабларига жавоб берадиган дарсликлар, методик қўлланмалар тайёрланмоқда. Болаларнинг билим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги мактаблар қурилмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган, 202876 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган (жорий йилда эса 6177 та мактабларда таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлиб, 42 та мактаб янгитдан қурилди https://yuz.uz/news/xalq-talimi-evrilish-va-yuksalish-yoli). Иқтидорли ўқувчиларга илм олиши учун барча шароитлар яратиб берилаётганлиги сабабли, улар халқаро миқёсдаги фан танловларида муваффақиятга эришмоқда. Дунёда тан олинган математика (IMO), физика (IPHO), кимё (ICHO), биология (IBO) ва информатика (IOI) фанларидан ҳалқаро нуфузли олимпиадаларда Ўзбекистонлик ўқувчилар қатнашиб, фақат 2021 йили 10 та медаль, шу жумладан 3 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритган.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар таёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан фан олимпиада ғолибларини рағбатлантиришнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Қарорга асосан ҳалқаро фан олимпиасида I ўринни (олтин медаль) олган ўқувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг (Б.Ҳ.М) 500 баравар (122,5 млн сўм) ўқитувчисига 450 баравар (110,25 млн сўм); 2 ўрин (кумуш медаль) учун ўқувчига Б.Ҳ.М.ни 300 баравар (73,5млн сўм), ўқитувчисига 250 баравар (61,25 млн сўм); 3 ўрин (бронза медаль) учун ўқувчига Б.Ҳ.М.нинг 200 баравар (49,0млн сўм), ўқитувчисига 150 бараварида (36,75 млн сўм) бир марталик мукофот пули белгиланган. Бундан ташқари халқаро олимпиада фани ғолиблари олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз имтиёзли равишда қабул қилинади. Фан олимпиада ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари 2021 йил 17 августда Тошкент шаҳрида муносиб тақдирланган.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида Миллий дастурни жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, малакали ўқитувчилар ойлик маошларини босқичма босқич 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш кўзда тутилган.

Иқтисодий тармоқларни жадал ривожлантириб, мамлакат аҳолиси фаровонлигини оширишда юқори малакали мутахассисларнинг роли катта. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 150 дан кўпроқ олий таълим муассасалари фаолият юритаётган бўлиб, кейинги йилларда нуфузли хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллар ташкил этилиб, Олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш, давлат-хусусий шерикчилик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш режаси белгиланган.

Юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш талабанинг тарбиясига, иқтидорига; ўқитувчиларнинг малакаси ва тажрибасига; замонавий дарслик ва ўқув адабиётларининг мавжудлигига, талабанинг билим олиши учун шарт-шароитнинг яратилганлиги ва шу каби омилларга боғлиқ. Лекин энг аввало, асосан билим олиш, билим олувчининг яъни талабанинг ўзига боғлиқ чунки бир гуруҳда, бир шароитда ўқийдиган талабаларнинг маълум қисми, ушбу ўқитувчида яхши ўқиса, яхши билим ва кўникма олса, айримларининг билими жуда саёз бўлади. Талабалар шуни яхши тушинишлари керакки, улар диплом учун эмас, керакли даражада билим олиш, яхши мутахассис бўлиш учун ўқиш лозим. Талаба бу билимни мутахасслигини бутун ҳаёти давомида фойдаланади.

Тараққиёт стратегияси бўйича олий таълим муассасалар сонини 200 тага ва олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш белгиланган.

Таълим соҳасида олиб бораётган ислохотлар юқори малакали мутахассислар тайёрлашга имкон яратади. Натижада бундай

мутахассислар фан ва техника янгиликларини, илғор тажрибаларни иқтисодий тармоқларини ривожлантириш учун амалиётга тадбиқ етадилар. Бу Тараққиёт стратегиясида белгиланган марраларни ўз муддатида, бажаришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 17 январдаги мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари буйича видеослектор йиғилишида таъкидлаганидек, Тараққиёт стратегияси мақсадларининг бажарилиши, иқтисодий тармоқларнинг юқори суръатлар билан ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлиги “нажотимиз мактабда, нажотимиз таълимда, нажотимиз билимда”дир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни: “Таълим тўғрисида”. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2019 йил 3май
3. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси. 2022йил
4. Ўзбекситон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табриги” 2021 30 сентябр

L.E Saatova – f.f.d.(PhD).,O‘zbekiston Respublikasi Oliy harbiy aviatsiya bilim yurti “Axborot texnologiyalari” kafedrasi dotsenti, Qurolli Kuchlar xizmatchisi

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARASI

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini yanada rivojlantirish uchun raqamli iqtisodiyotni kiritilish, raqamli iqtisodiyot tushunchasi uning belgilari, qulayliklari, raqamli iqtisodiyotni insoniyatni turmush darajasini yanada oshirishdagi o‘rni haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot, web-iqtisodiyot, kriptovalyuta, bitkoin, blokcheyn, electron to‘lovlar, elektron to‘lovlar, elektron bitimlar.

Аннотация: В данной статье рассматривается внедрение цифровой экономики для дальнейшего развития экономики Республики Узбекистанf, понятие цифровой экономики, ее особенности, удобства, роль цифровой экономики в дальнейшем повышении уровня жизни человечества.

Ключевые слова: цифровая экономика, интернет-экономика, новая экономика, веб-экономика, криптовалюта, биткойн, блокчейн, электронные платежи, электронные платежи, электронные транзакции.

Abstract: This article discusses the introduction of the digital economy for the

further development of the economy of the Republic of Uzbekistan, the concept of the digital economy, its features, convenience, the role of the digital economy in further improving the standard of living of mankind.

Keywords:digital Economy,internet economy, new economy, web economy, cryptocurrency, bitcoin, blockchain, electronic payments, electronic payments, electronic transactions.

Currently, the concept of the digital economy is used for the further development of the economy of our country. In particular, in his Address to the Senate and the Legislative Chamber of the Oliy Majlis dated January 24, 2020, President Mirziyoyev declared 2020 the Year of Science, Education and the Development of the Digital Economy. After that, citizens began to have many questions about the term "digital economy".

The digital economy is a system of economic, social and cultural communication based on the use of digital technologies. This is not some other economy that needs to be created from scratch. This means transitioning existing economies to a new system by creating new technologies, platforms and business models and implementing them into everyday life. Sometimes it is also represented by the terms internet economy, new economy, or web economy.

In 1995, the American programmer Nicholas Negroponte coined the term "digital economy". Today, the term is used by politicians, economists, journalists and entrepreneurs around the world. In 2016, the World Bank published the first report on the state of the digital economy in the world (“Digital Dividends”).

The distinctive features of the digital economy are:

• high level of automation;

• electronic document management;

• electronic integration of accounting and management systems;

• electronic databases;

• Availability of CRM (system of interaction with clients) and corporate networks.

The advantages of the digital economy are as follows:

1. The costs of payments are reduced (for example, access to a bank and other resources is saved).

2. More and more information about goods and services will be received.

3. The opportunities for goods and services of the digital world to enter the global market are great.

4. Goods and services will improve rapidly due to the rapid receipt of feedback (consumer opinions).

5. Faster, better, more convenient.

In light of the above, one of the clearest examples of the development of digital platforms is the Chinese company Alibaba, which has an e-commerce system. The experience of its use shows that in the process of data collection very competitive advantages are created for expansion into different sectors of the economy. Alibaba is not just a digital platform, but an ecosystem of

platforms. It should be noted that the digital economy is different from the conventional economy. For example, a client needs simple trousers for a suit. If it enters the market, selects it directly, and buys it with cash, that's the traditional economy. Choose the product you like through any trading bot in Telegram. Paying money to the owner of the product through the electronic payment system and receiving the product through the delivery service is called the digital economy.

In fact, we are all already in the digital economy, using its conveniences. For example, our salary goes to plastic cards, we pay for utilities, telephone, Internet and other goods and services electronically, we file tax returns electronically, we transfer money from card to card, we order food at home, and so on.

The choice of the state in favor of the development of the digital economy opens up new directions in the field of information technology and electronic document management in general. The turn to "digital technologies" was due to the development of the World Wide Web and high-quality communications.

The National Agency for Project Management under the President of the Republic of Uzbekistan is the authorized body in the field of implementation and development of the digital economy. In addition, the ministries of economy, finance, information technology, justice and a number of other state bodies have specific responsibilities and tasks for the development of the digital economy. This was noted in the Message of President Shavkat Mirziyoyev to the Senate and the Legislative Chamber of the Oliy Majlis dated January 24, 2020: “gave the right to full ownership of wire and wildlife and other natural resources. All property, enterprises were transferred to Uzbekistan for an independent economic policy,

Therefore, one of the key factors in the implementation of economic reforms is the creation of a legal framework for a market economy. Therefore, special attention was paid to the creation of a legal framework for reforms. More than 100 laws relating to the economic sphere have been adopted. These laws can be divided into a number of areas according to content.

1. Property relations and laws that form a diversified economy. Within the framework of this direction, laws have been adopted on property, on the denationalization and privatization of property, on rent, on the privatization of public housing and other laws.

2. Laws have been adopted to regulate the management of the economy, i.e. laws on privatization, property, entrepreneurship, enterprises, farming, dekhkan farms, shirkats. Laws on banks and banking, the monetary system, entrepreneurship, insurance, exchanges and stock exchanges, securities and stock exchanges, and other laws have been adopted to create and regulate market infrastructure.

3. Legal norms have been created that determine the foreign economic activity of Uzbekistan. The adopted laws on foreign economic activity, foreign investment, international treaties of the Republic of Uzbekistan have opened a

new page in the history of the development of foreign economic relations of our country.

In short, we cannot but commend the resilience of our people, who have been able to withstand the hardships of economic development since independence to the present day. We must instill and educate the rising generation that we must work tirelessly and diligently to make our dreams come true. and hopes for the future have not remained the same. From such measures in the development of the digital economy, we can conclude that the development of economic growth using the technologies of the 21st century, the implementation of reforms in developed countries to overcome their shortcomings, we understand that in our country it is necessary to nurture and support the same young and advanced personnel as us, in all areas. Based on the ideas of our first President Islam Karimov, such as "Let's have a free and prosperous Motherland", "The need for a new era of thinking and work",

References:

1. Message from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Senate and the Legislative Chamber of the Oliy Majlis on January 24, 2020.

2.http://summitc.uz/ru/news

3. /xs.uz/uz/post

4. Work of the First President of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov "Uzbekistan - a unique way of transition to market relations" 1992

5. m.kun.uz/uz/news.

О Муртазаев – и.ф.д., профессор, ТДИУ Самарқанд филиали директори
Ғ.А Ибрагимов – ТДИУ Самарқанд филиали– мустақил изланувчи

АГРОХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада Самарқанд вилоятидаги мавжуд агрохизмат корхоналари сони ва кўрсатилган хизматлар миқдори, хизматларнинг самарадорликка таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар. Агрохизмат, фермер хўжаликлари, агрохизматлар билан таъминланиш даражаси, фойдадаги улуш

Аннотация. В статье исследуется динамика агросервисных предприятий и объем оказываемых услуг, влияние услуг на эффективность.

Ключевые слова: Агросервис, фермерские хозяйства, уровень оказания агросервисных услуг, доля в прибыли

Abstract. In the article investigated the dynamics of agriservice enterprises and the volume of services provided, the impact of services on efficiency.

Keywords: Agroservice, farms, level of agroservices, profit share

Жаҳон ривожланган мамлакатлари - АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Исроил тажрибаси шуни кўрсатадики, хизматларни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш таъминланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан агросаноат мажмуасининг етакчи бўғинлари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи инфратузилмасининг агрохизмат корхоналари барпо этилиши ва ривожланиш даражасига ҳам бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз иқтисодиётида жадал суръатларда юз бераётган ислоҳотлар аввало, мавжуд чекланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда мамлакат аҳолисининг кенг миқёсдаги талабини қондириш асосида, уларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаларининг салмоғи ўзгариши табиий. 2004-2020 йилларда хизматлар ҳажмининг улуши 37,2%дан 47,0%га қадар ошиб, 2020 йилга келиб 33,5%ни ташкил этган. 2020 йилда ЯИМ ҳажми 580,2 трлн сўмни, хизматлар 194,4 трлн сўмни ташкил қилди. ЯИМ таркибида хизматларнинг улуши камайган бўлса-да, қиймат кўрсаткичи ошиб бормоқда.

Агрохизмат фаолияти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Хом-ашё, материаллар, тайёр маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилиши кўп жиҳатдан хўжалик айланмасида бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаб беради. Хизмат кўрсатиш тармоқларини вужудга келтиришнинг бош шарт-шароити мамлакат иқтисодий потенциалининг умумий ўсиши ҳисобланади. Агрохизмат объектларини анча тез ривожлантиришнинг зарурияти, унинг таркибига кирувчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ўстириш омилларининг ўзгариши билан боғлиқ.

2007-2020 йиллар давомида Самарқанд вилоятидаги агрохизмат объектларининг сонини таҳлили шуни кўрсатдики (1-расм), танланган агрохизмат субъектлари ичида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасида вилоятда зооветеринария пунктлари, минерал ўғит таъминоти ҳиссасининг ўсиш тенденцияси мавжуд.

Таҳлил этилаётган даврда агрохизмат турлари сонининг ижобий томонга ўзгариши, бир томондан уларга давлатнинг ҳар жиҳатдан эътибор каратиши бўлса, иккинчи томондан хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайишидир. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир хизмат турига тўғри келган қиймат кўрсаткичининг ошишида намоён бўлади.

Буни 2-расм маълумотлари таҳлилидан билиш мумкин. Агрохизматлар кўрсатиш 2007-2020 йиллар давомида турли кўринишда ўзгарган. Минибанклар, ЁММ шахобчалари, минерал ўғит таъминоти каби кўрсатилган хизматларда кескин ўсиш кузатилган бўлса, қолган хизмат турлари бир хил ўсиш тенденциясига эга. Бунга асосий сабаб, кейинги 5



1-расм. Самарқанд вилоятида агрохизмат объектларининг ўзгариш динамикаси[1]



	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Минибанк	8872	8133	30211	25174	24614	23647	30849	63035	68280	142165	76633	81998	91837	96429
ЁММ шахоб	25482	19359	35568	35112	35375	42905	100798	117783	260945	71552	97206	32193	52257	1
Мин ўғит таъм	44095	38203	45471	43710	52931	58632	26170	71939	82463	48373	65029	93654	80234	96464
ММТПлар сони	10093	9077	16003	14727	8018	3245	5922	7316	5983	7360	3886	737	663	617
Зооветеринария шах	473	616	757	942	956	1067	460	1581	1819	2001	1022	128	141	162
СИУлар	1531	2464	2258	2734	2702	3461	3769	4747	4681	5686	7826	623	748	890

2-расм. Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида агрохизматлар билан таъминланиш даражасининг даврлар бўйича динамикаси (2007-2020 йй)[2]

йил давомида, пахта хом-ашёси сотиш баҳоларининг ўсиш суръатига нисбатан ёқилғи-мойлаш материаллари баҳолари ўсиш суръатларининг кескин ошиб кетиши ва шунга мос равишда кўрсатилган хизматларга ўрнатилган баҳоларнинг кўтарилишидир.

[1] Манба: Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
[2] *Манба: муаллиф томонидан тузилди.

Демак, юқоридаги хизмат кўрсатиш турларига тўғри келган иш ҳажмининг пасайиши, биринчидан, уларнинг улгуржи баҳоларининг ошиши ҳисобига бўлса, иккинчидан, кўрсатиладиган хизматлар баҳоларининг ошиб кетишидир.

2-жадвал

Самарқанд вилоятида асосий қишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқаришда олинган фойдага таъсир қилувчи хизмат кўрсатиш омиллари ўзгаришининг статистик таҳлили (минг сўм/га)*

Ўзгарувчилар	Кузатув-лар сони	Ўртача	Стандарт хатолик	Минимум қиймат	Максимум қиймат
Пахтачиликдан олинадиган фойда	196	71,34563	243,9343	-1302,222	657,0826
Ғаллачиликдан олинадиган фойда	196	321,0631	238,4401	-309,8321	1187,607
Сабзавотчиликдан олинадиган фойда	196	2139,297	1535,89	266,3636	9147,776
Кимё хизмати қиймати	196	3992,08	3522,795	0	20229,3
Ёқилғи таъминоти қиймати	196	3207,243	3484,819	8,6	18280
МТП ва ММТП хизматлари қиймати	196	549,8057	576,1308	5,9	2720
Агроветеринария хизматлари	196	70,36646	45,78442	3,43	224,8
СИУ хизмати	196	252,869	226,4201	0	1270,4
Йиллар	14	2013,5	3,462373	2007	2020

*манба: Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Самарқанд вилоятида асосий қишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқаришда олинган фойдага таъсир қилувчи хизмат кўрсатиш омиллари ўзгаришининг статистик таҳлилини амалга ошириш учун 14 та туманнинг 14 йиллик (2007-2020) маълумотларини ўргандик. Натижада кузатувлар сони 196 тани ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги асосий экин турлари сифатида пахта, ғалла ва сабзавот ишлаб чиқариши олинди. Кўрсатилган хизматлар сифатида кимё хизмати, ёқилғи таъминоти қиймати, МТП ва ММТП хизматлари, агроветеринария хизматлари ва СИУ хизматлари STATA дастури Random effect модели асосида ўрганилди.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2007-2020 йиллар давомида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида туманлар миқёсида пахтачиликда олинган ялпи фойда миқдори ўртача 71,35 минг сўм/гектарни ташкил қилган бўлса, ғаллачиликда ва сабзавотчиликда мос равишда 321,06 ва 2139,29 минг сўмни ташкил этган.

Ўрганилган даврда кимё хизматидан фойдаланиш қишлоқ хўжалигида ўртача 3992,08 минг сўм, ёқилғи таъминотидан фойдаланиш эса ўртача 3207,24 минг сўм, МТП ва ММТП хизматлари эса ўртача 549,81 минг сўм, Агроветеринария хизматлари эса ўртача 70,37 минг сўм, СИУ хизмати эса

ўртача 252,87 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, пахта ва ғалла ишлаб чиқаришдан 2007-2020 йиллар давомида айрим ҳудудлар зарар билан чиққанлигини кўришимиз мумкин.

Тасодифий таъсир модели натижаларига кўра, Самарқанд вилоятида асосий қишлоқ хўжалик экинлари пахта, ғалла ва сабзавот ишлаб чиқаришда олинган фойда миқдорида Кимё хизмати қиймати, Ёқилғи таъминоти қиймати, МТП ва ММТП хизматлари қиймати статистик (significant) аҳамиятли таъсир қилган. Сабзавотдан олинган фойда миқдорига эса фақатгина СИУ хизмати статистик сезиларли таъсир қилган.

Cons. ҳолатида, таҳлил қилинаётган омиллар таъсирини 0 деб фараз қилсак, фойда миқдори айтайлик ғаллада 291 минг сўмга ошади. N бу ерда кузатувлар сони ва мисолда 196 та (14 йил 14 та туман 14 х 14=196) кузатувлар бор. r^2=0,24, пахтада ялпи фойда миқдори ўзгаришининг 24 фоизи бевосита юқорида омиллар ҳисобига бўлган, 34 фоизи худди шундай ғаллада, ва 17 фоиз сабзавотда кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал маълумотлари Пахтачиликда кимё хизматини бир бирлик ошириш фойданинг 0,022 минг сўмга камайишини, стандарт хатолик 0,00802 га тенг бўлгани учун натижа -0,022±0,00802 минг сўмга камайишини билдиради. Бу ғаллачиликда фойда 0,0323±0,00484 минг сўмга ошишини, сабзавотчиликда -0,0386±0,0300 минг сўмга камайишини кўрсатади.

Ёқилғи хизматини бир бирлик ошириш фойданинг пахтачиликда 0,0163±0,00879 минг сўмга ошишини, ғаллачиликда -0,0106±0,00601 минг сўмга камаяди, сабзавотчиликда 0,0348±0,0386 минг сўмга ошади.

3-жадвал

Самарқанд вилоятида асосий қишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқаришда олинган фойдага таъсир қилувчи хизмат кўрсатиш омилларининг регрессион таҳлили (Random effects model – тасодифий таъсир модели)*

№	Фойдага таъсир қилувчи омиллар	Экинлардан олинган фойда, минг сўм		
		Пахта	Ғалла	Сабзавот
1.	Кимё хизмати қиймати	-0,0217*** (0,00802)	0,0323*** (0,00484)	-0,0386 (0,0300)
2.	Ёқилғи таъминоти қиймати	0,0163* (0,00879)	-0,0106* (0,00601)	0,0348 (0,0386)
3.	МТП ва ММТП хизматлари қиймати	0,0736** (0,0320)	0,0344* (0,0207)	-0,102 (0,131)
4.	СИУ хизмати	0,0791 (0,106)	0,352*** (0,0732)	0,777* (0,471)
5.	Пахта экин майдони ўзгариши	9,846** (4,259)	х	х
6.	Ғалла экин майдони ўзгариши	х	-17,64*** (2,378)	х

7.	Сабзавот экин майдони ўзгариши	x	X	135,8*** (34,95)
8.	_cons	-20,00 (32,66)	291,0*** (43,00)	1813,5*** (243,5)
9.	N	168	168	168
10.	r2	0,24	0,34	0,17

* p<0,1, ** p<0,05, *** p<0,01 қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади

*манба: Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

МТП ва ММТПлар хизматларини бир бирлик ошириш фойданинг пахтачиликда 0,0736±0,0320 минг сўмга ошишига, ғаллачиликда 0,0344±0,0207 минг сўмга ошишига, сабзавотчиликда -0,102±0,131 минг сўмга камайишига олиб келади.

СИУ хизматларини бир бирлик ошириш фойданинг пахтачиликда 0,0791±0,106 минг сўмга ошишига, ғаллачиликда 0,352±0,0732 минг сўмга ошишига, сабзавотчиликда 0,777±0,471 минг сўмга ошишига олиб келади.

Таҳлиллар кўрсатишича, пахта майдонинг вилоят бўйича яна 1 га ошириш пахтачилик бўйича ўртача фойдани 9,846±4,259 минг сўмга оширади. Ғалла майдонини ошириш ўртача фойдани -17,64±2,378 минг сўмга камайтиради. Сабзавот майдонини 1 га ошириш ўртача фойдани 135,8±34,95 минг сўмга оширади.

Самарқанд вилоятида асосий қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда олинган фойдага таъсир қилувчи хизмат кўрсатиш омилларининг регрессион таҳлили қуйидаги муҳим илмий натижаларни юзага келтирди:

1. Меъёрдан ортиқ кимё хизматидан фойдаланиш пахтачиликдан олинадиган фойданинг камайишига олиб келади. Бунинг икки жиҳати бўлиб:

а) хизмат кўрсатишнинг қимматлиги туфайли харажатларнинг ошиб кетиши бўлса;

б) ерларнинг шўрланиш даражасининг кўтарилиши туфайли ҳосилдорликнинг бир мунча пасайишидир (кимё хизматининг 1 бирликка оширилиши, пахтадан олинган фойда миқдорини 0,022 минг сўмга камайтирилишига олиб келади)

Шундай ҳолат, сабзавотчиликда ҳам кузатилади. Хизмат сарфининг 1000 сўмга оширилиши фойданинг ўзгаришига 0,0386 минг сўм салбий таъсир кўрсатади;

Ғаллачиликда эса, аксинча кимё хизматининг ошиши фойда миқдорини ошишига олиб келиши аниқланди. Агар кимё хизматига сарфларни минг сўмга оширсак, ғалла ишлаб чиқаришдан олинадиган фойда миқдори 0,032 минг сўмга ошишига олиб келади. Ғаллачиликда асосий сарф харажатлар таркиби кўп ҳам бой эмаслиги сабаб харажатлар кўп ошиб кетмайди, натижада кимё хизмати кўрсатишни ошириш ижобий таъсир этади.

2.Ёқилғи таъминоти хизмати пахтачилик (0,0163 минг сўм) ва сабзавотчилик (0,0348 минг сўм) ишлаб чиқаришларида фойдага ижобий таъсир этиши аниқланди. Пахтачилик ва сабзавотчиликда ёқилғи ҳисобига кўп ишлар бажарилада, шу сабабдан ҳам ижобий таъсир кузатилади. Ғаллачилик ишлаб чиқаришида эса ёқилғи таъминоти салбий таъсир қилиши аниқланди – 0,0106 минг сўм. Ғалла ишлаб чикаришда уруғ экиш ва ўрим-йиғим даврида қисқа вақтда ёқилғи таъминоти хизматига эҳтиёж кузатилади, қолган вақтларда умуман эҳтиёж йўқ, шу сабаб ҳам хизматни кўпайтириш салбий таъсир этади.

3.Техник хизматларнинг ошиши **(**пахта (0,0736 минг сўм) ва ғалла (0,0344 минг сўм) ишлаб чиқаришда фойдага ижобий таъсир этиши маълум бўлди. Бу икки соҳада қўл меҳнати кўп самара бермайди, ишни техникалар ёрдамида бажариш кўпроқ самара бера олади. Айнан шу сабаб ҳам хизматни ошириш ижобий самара кўрсатмоқда. Сабзавотчиликда хизматни ошириш фойдага салбий таъсир этади – 0,102 минг сўм. Сабзавотчиликда техник ишлардан кўра қўл меҳнати ёрдамида бажариладиган ишлар кўп ва баъзан техникани жорий этиш сабзавотчиликда жуда қимматга тушиб кетади. Шу сабабдан ҳам хизматнинг оширилиши салбий натижа кўрсатди.

4.СИУ хизмати барча ишлаб чиқариш турларида ижобий натижани кўрсатди. Хизматни ошириш пахтачиликда фойданинг 0,0791 минг сўмга ошишини, ғаллачиликда – 0,352 минг сўмга, сабзавотчиликда – 0,777 минг сўмга ошишига олиб келади. Сув ресурси нафақат Самарқанд вилоятида, балки Республикамиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим ресурс ҳисобланади. Сув таъминоти хизматига харажатларни оширилиши фойданинг ҳам ошишига олиб келади. Ҳозирда ҳатто сув тежовчи технологияларга сарфлар ҳам катта сарфларга олиб келса-да, у фойданинг ошишига олиб келади. Чунки, бундай технологиялар, нафақат сувни тежайди, балки ҳосилдорликни ҳам ошириб, бошқа ресурсларининг ҳам тежалишига олиб келади.

5.Фойдага экин майдони ўзгаришининг таъсири ҳам ўрганилди. Бунда пахта экин майдонининг вилоят бўйича 1 га ошиши ўртача фойданинг ҳам 9,846 минг сўм/гектарга ошишига олиб келади. Буни катта пахта майдонларига хизмат кўрсатиш харажатларнинг камайишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин. Ғалла ишлаб чиқаришда ҳосилдорликнинг камайиб бориши, сўнгги йилларда турли касалликлар (занг каби) кўпаётгани сабаб, ғаллачиликда экин майдонининг оширилиши фойдага салбий таъсир этиши аниқланди, яъни агар ғаллачиликда экин майдонини бир бирликка оширсак олинган фойда миқдори 17,64 минг сўмга камаяди. Вилоятда сабзавотчиликдан юқори самарага эришиб келинаётганлиги, экспорт салоҳиятининг ҳам ошиб бораётганлиги сабаб унинг экин майдонини ошириш ҳам фойдага ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Агар сабзавот майдонини бир бирликка оширсак, ялпи фойда миқдори 135,8 минг сўмга ошиш имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида. 30.04.1998. (26.08.2004да ўзгартиришлар киритилган). 1-модда

2. Baymuradova Iroda Shermamatovna. The Role of Agritourism in the Sustainable Development of Rural Areas / Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2021. - 83-88-p

3. Djalolava Saodat, Hasanov Habibullo. Xizmat koʻrsatish sohasida ish haqini tabaqalashtirish va uning xizmat koʻrsatish samaradorligiga ta'siri / Ijtimoiy soha infratuzilmasini rivojlantirishning metodologik muammolari. – Samarqand, 2016. -108-110 b.

4. Ibragimov G.A., Janibekov F.B., Nazarova M.S., Khurramov A.M., Tursunov O.M. The role of agricultural clusters in increasing the efficiency of Agriculture //Colloquium-journal: Economics, Earth sciences, Agricultural Sciences. -№14 (66), 2020. Warszawa, Polska. –p. 6-9. ISSN 2520-6990

5. Ibragimov Gayrat Ablaqulovich. Consulting Services in Uzbekistan Agriculture //Regional economic cooperation in Central Asia: Agricultural production and trade. 24-26 November 2014. Halle (Saale) |Germany.

6. Ibragimov Gayrat Ablaqulovich. Farms as a form of entrepreneurship in Agriculture / International Scientific conference-Symposium "Agricultural Transitions along the Silk Road: Restucturing, Resources and Trade in the Central Asia Region".-Almaty, 2016.

7. Ibragimov Gayrat Ablaqulovich. The impact of agricultural services on farm profits //SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR). ISSN: 2319-1422 Vol 10, Issue 1, January 2021, Impact Factor SJIF 2020 = 7.126. –p 19-24

8. Ibragimov Gayrat Ablaqulovich. The impact of agricultural services on farm profits//SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR). ISSN: 2319-1422 Vol 10, Issue 1, January 2021, Impact Factor SJIF 2020 = 7.126. –p 19-24

9. Ibragimov Gʻayrat Murtazaev Olim, Rakhmonov Davlat. Klaster tizimining qishloq xoʻjaligi samaradorligiga ta'siri//Agroiqtisodiyot. –Toshkent, 2020. -№1. -20-23 b.

10. Khalmurzaev, Mansur. The Role Of Investment Projects In The Economy Of Uzbekistan / International Journal of Progressive Sciences and Technologies 30.1 (2021): 268-272.

11. Kurramov Ortiqjon Kayumovich, Ibragimov Gayrat Ablaqulovich, Tursunov Ozod Matlubovich. Agrarian reforms in Uzbekistan: resources and results//Trends in Economics and Management for 21th Century: inter. conf. 2012 20th-22nd September. – Brno, Czech Republic, 2012. –pp-120-121.

12. Kurramov Ortiqjon Kayumovich, Ibragimov Gayrat Ablaqulovich, Tursunov Ozod Matlubovich. Role of using global network in sphere of service and tourism//Trends in Economics and Management for 21th Century: inter. conf. 2012 20th-22nd September. – Brno, Czech Republic, 2012. –pp-202-203.

13. Mamasoliev Sodikjon Avazalievich, Ibragimov Gayrat Ablaqulovich, Murtazaev Olim, Ganiev Ibragim Mamadievich, Mariusz Maciejczak. Production capacity and financial results of an enterprise from the grain industry in Uzbekistan.//ANNALS of The Polish Association of Agricultural and Agribusiness Economists, 2013. ISSN 1508-3535. Volume 15/5-11-15 pp.

14. Mardonov M., Kyrmizoglou P., Sanaev G. Organizational and methodological aspects of the audit of innovative products //Central European Review of Economics & Finance. – 2014. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-87.

15. Mardonov Mamed Shavkatovich. Issues in Accounting Systems Design to Report Innovation in Organizations //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 24. – №. 2. – С. 68-72.

16. Murtazaev Olim, Ibragimov Gayrat Ablaqulovich The Effectiveness of Economic Relationships and Forecasting between Farms and Agricultural Services//The Indian Journal of Economics (ISSN: 0019-5170) Issue 400. Pages 6

17. Quvondiqov Shuhrat, Hasanov Habibullo. Xizmat koʻrsatish va servis sohalarini rivojlantirishda muhim yoʻnalishlar // Ilmiy axborotnoma jurnali. - Toshkent, 2017. -183-185-b.

18. Tursunov Ozod, Ibragimov Gayrat. Roles of investment and service system sector in agriculture//Вісник ХНАУ: Серія Економічні науки. – ХНАУ, Харковь, Украина, 2013. –№3. –с 203-215.

19. Urakov Zafar, Kwangsuck Lee, Ganiev Ibragim. A Pilot Study for the Development of AgroProcessing Industry Cluster in Uzbekistan / Knowledge Sharing Program with Uzbekistan: Innovation Strategy for Agriculture and Industrial Technology. Government Publications Registration Number 11-1051000-000475-01 ISBN 978-89-8063-855-0 94320 978-89-8063-849-9 (set) Copyright ⓒ 2014 by Ministry of Strategy and Finance, Republic of Korea. -31-79-p

20. Xolmurzaev, Mansur, Azizbek Khurramov, and Azamkhon Nasrullaev. History of service delivery to agricultural machinery and problems in the current environment./ Development issues of innovative economy in the agricultural sector (2021): 397-400.

21. Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари. 2007-2020 йй.

22. www.lex.uz - Oʻzbekiston Respublikasi qonunchiligi portali.

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Пардаев М.Қ, Холбоев У.Х., Эгамов А.Р.	Рақобатнинг шакллари, турлари ва улар мазмунининг изоҳи	4
Christo Ananth	Problems of development in services sector – significance of india’s foreign investment	9
Темирова Ф.С.	Шаҳарлар брендингини шакллантириш ва силжитишнинг асосий вазифалари	16
Нурмухамедова Б.И. Юлдашева Н.М.	Разработка грамотной экономической политики и обеспечение экономической конкурентоспособности страны как главный фактор успешного развития	19
Аминов З.Ю.	Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари	23
Karimqulov J.I. Abduqaxorov B.O‘.	Maxsus iqtisodiy zonalar investitsion faolligini oshirishda rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribasidan foydalanish imkoniyatlari	27
Мусабаева Л.А.	Принципы формирования концепции развития потребительского рынка региона	29
Суюнов Ж.Ў	Озиқ-овқат савдоси корхоналарида хизматларни диверсификациялашнинг моҳияти ва унинг назарий асослари	34
Umirzoqov J.A. Abduqaxorov B.O‘.	Maxsus iqtisodiy zonalar investitsion faolligini oshirishda xorijiy mamlakatlar tajribasi	39
Олтаев Ш.С.	Меҳнат бозоридаги меҳнат ресурсларини инновацион бошқаришнинг назарий жиҳатлари	41
II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Холмуродов О.Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлиги, фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти	45
Усманов М.Д. Холиқулов А.Н.	Қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини ошириш йўллари	48

Файзиева Ш.Ш. Йўлдошев Н.Н.	Учинчи ренессансни шакллантиришда агрокластерлар асосида хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.	51
Эрназаров О.Э. Рузиева Ш.С. Мамазияев Ҳ.З.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида аҳолига савдо хизматлари кўрсатиш самара-дорлигини оширишда мерчендайзингнинг ўрни	59
Abdirashidov A.A. Sultonxo`jayeva M.	Aholini uy joy bilan ta’minlashda islom moliyasining instrumentlaridan foydalanish yo‘nalishlari	56
Суюнов Ж.Ў.	Хизмат кўрсатиш соҳасида озиқ-овқат савдоси корхоналарининг ўрни ва унинг вазифалари	65
Umirzoqov J.A.	Through intensive placement of investment projects increase of investment activity of special economic zones (on the example of Davlatabad district youth industrial zone)	68
III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Astanakulov O.T. Soxibova M.X.	Turistlarni joylashtirishning xalqaro texnologik infrastrukturasining xususiyatlari va ustuvor yo‘nalishlari	72
Сирлибоев В.	Зарафшон водийсидаги экотуристик районларда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	75
Гаппаров А.К.	Экологик туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати	79
Коссе Р.Б.	Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлан-тиришда туризм хизматларнинг тутган ўрни	82
Махмудова Р.	Туризм соҳасида туристик кластерларни шакллантириш асосида давлат-хусусий шерикчилик механизмини такомиллаштириш	84
Олтаев Ш.С.	Туризм соҳасини ривожлантириш стратегияси (Самарқанд вилояти мисолида)	88
Сирлибоев В.	Зарафшон водийсида халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	92
Гаппаров А.К.	Экологик ва рекреация туризмнини мамлакатимизда бу туризмни ривожланиши	96
Агзамов Ш.А.	Туристларга автотранспорт воситаларида хизматлар кўрсатишни таснифи ва улардан фойдаланиш шакллари	99

Гаппаров А.К.	Экологик ва рекреация туризмнинг моҳияти ва ундаги муаммолар	104
Коссе Р.Б.	Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида экологик саёҳатларнинг ахоли ўртасида тутган ўрни	106
Нарзиев М.М.	Туризм кластерлари – туризм соҳасини ривож-лантиришнинг самарали механизми сифатида	109
Маткаримов Ф.Б.	Минтақада қишлоқ туризмини ривожлантиришда хориж тажрибалари	113
IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Коссе Р.Б.	Истемолчилар маданияти ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришда маркетинг хизматларининг тутган ўрни	117
Муродова Н.У.	Туризмда стратегик маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари	120
Рустамова С.Х.	Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг замонавий усуллари	124
V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Ходжаев Э.Н. Убайдуллаев Д.Э.	Инвестицион муҳитни яхшилашнинг назарий аспектлари	127
Бердиев Қ.Ҳ.	Ўзбекистон Республикасида банк тизимини барқарорлаштириш масалалари	129
Оманов Р.Ф., Назарова Г.У., Холов Н., Анварова Л.	Факторы повышения конкурентспособности национальной экономики	134
Файзиева Ш.Ш., Сатторов С. А.	Тадбиркорлик фаолиятида инвестицияларнинг хизмат кўрсатиш самарадорлигидаги ўрни	137
Turabekov S. Kipchakova S.	Distinctive features of swiss banks: advantages and disadvantages	142
Ниёзов Ш. Аббосов А.А.	Банкларнинг инвестицион кредитлари ҳисобидан корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш	144

Умирзоқов Ж. А.	Махсус иқтисодий зоналар инвестицион фаоллигини оширишда тадбиркорлик муҳитининг таъсири	147
VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Пардаев М.Қ. Холбоев У.Х. Эгамов А.Р.	Рақобат турларининг тизимли таҳлили	150
Уразов К.Б. Исроилов Я.Ж. Тошпулатов Р.Н.	Автосервис фаолиятининг ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги хусусиятлари	154
Уразов К.Б. Тошпулатов Р.Н.	Корхоналар соф фойдасини аниқлашнинг халқаро методлари ва улар асосида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиблари	161
Ташназаров С.Н.	Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг сифат тараққиёт босқичи	169
Egamberdiyeva S. R Shopiyev R. R. Qodirov F. I.	Moliyaviy natijalarni aniqlash hamda ularning hisobi va hisobotini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish	174
Тошназарова Д.	Маҳсулот бирлиги таннархини камайтириш йўллари	179
Yahyoyev T.I.	Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini amalga oshirishda axborot manbalari	182
Эралиев А.К.	Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва методологик асослари	188
Ходжаев Э.Н Убайдуллаев Д.Э.	Молия сектори орқали корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш йўллари	191
Равшанов А. Б.	Сотиб олинган товар-моддий захиралари таннархини бевосита усулда ҳисобда акс эттириш масалалари	194
Уразов К.Б Сиддиқов Ж.Ю	Гилам ишлаб чиқаришда зарарсизлик даражасига аудиторлик баҳосини бериш	197
Рафеев Д.Р.	Бухгалтерия хизматлари ҳолати ва уни самарадорлигини ошириш йўллари	201

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Ахтамов Ж.Б.	Талаба ва ёшлар ҳаётида харакатли ўйинларни қўллаш ёрдамида уларда жисмоний кўникмаларни хосил қилиш	204
Ахтамов Ж.Б.	Баркамол ва салоҳиятли авлодни тарбиялашда маънавий қадриятларнинг ўрни	207
Ахтамов Ж.Б.	Талабаларни таълим ва тарбиялаш жараёнида халқ педагогик усулларидан фойдаланиш	210
Ахтамов Ж.Б	Талабаларни миллий ва тарбиявий ахлоқида мавжуд бўлган мафкуравий муаммолар	213
Очилова Ҳ.Н.	Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этишнинг назарий асослари	216
Ўрозов Ш.З.	Янги Ўзбекистонда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизимининг роли	220
Коссе Р.Б.	Ёшларда соғлом турмуш тарзи тушунчаларини шакллантиришда малакали кадрларнинг тутган ўрни	224
Ўрозов Ш.З. Зиёдуллаева Д.	Мамлакатимизда олий педагогик кадрлар тайёрлашнинг айрим муаммолари	227
Абдуллаев М.Г.	Повышение качества персонала - фактор обеспечения конкурентоспособности предприятия	232
VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Файзиева Ш.Ш. Собирова М.Х.	Рақамлаштириш тизимининг қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти	236
Худайбердиев У. Бабаназарова С.А.	Илмдан бошқа нажот йўқ!	241
Saatova L. E	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda texnologiyalardan foydalanishning samarasi	244
Муртазаев О. Ибрагимов Ғ.А.	Агрохизмат корхоналари фаолиятининг фермер хўжаликлари самарадорлигига таъсири	247